

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АБДУЛЛА ШЕР

АХЛОҚШУНОСЛИК

Маърузалар матни

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта
кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича Республика
мувоғиқлаштириши комиссияси тавсия этган*

Ташкент – 2000 йил

«Ахлоқшунослик» маърузалар матни бакалавриат тизими та-лабаларига мұлжаллаңған, наампавиі дастур ассоциа ёзилған ва мустақыллукка әрішганимиздан сүнг ўзбек тилида амалга оши-рилған илк нашрдир.

Мазкур маърузалар матни ўзининг моҳылған янгилиги биған ажralиб туради. Унда итмай холислик, назарий терапиялар ва ус-лубий равонылар ҳар бир мавзууда ўз аксиини тоңған. Мұхаббат, өзілік ва ёвуздик, әрқпарварлар, тиңчиликпарварлар, жұмардлар, сингари атамалар бириңчи марта ахлоқшуносликкинг асосий түшүнічелари: ва тамойиншары сифати-да итмай таҳни тәттілтән. Шунингдек, унда авызлары ахлоқшунослик тарихида чөлбіндең шындығынан да көрсетілген. Абу Бакр ар-Розий, Имом Газзолий, Иби Руш әннән сингари алломалар, Ҳиши-Хитой миншакаси ахлоқшунослари, Темур ва Темурийлар даври муга-факирлари, Ф. Нитцше, В. Соловьев, Н. Бердяев, З. Фройд, Э. Фромм, К. Ясперс, Ж.-П. Сартр каби кейинги даврлар фил-ласуфларининг ахлоқий қараашлари ўз мүносеб ўрнеларини зга-лаган. Айны пайтта мудалифнинг оила, маҳалла, фуқаролик жамияті ва давлатнинг ахлоқий асослари, ахлоқиинг мағкура билан мұносабатлары түғрисидеги атрофлича мұлоқозалари, за-монавиіт ахлоқий тарбия борасидеги янгича ёндешувлари ҳам дикқатта сазовор.

Үйлаймызки, «Ахлоқшунослик» маърузалар матни талаба-ларға нағағат ахлоқ илмини, балки ахлоқийлікни ҳам ўргатади ва ёшларни ҳалоллар, инсоциарварлар, ватарапарвар-лар руҳида тарбиялашга амалий ҳисса қўшади.

1-мавзу
АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ, УНИНГ ТАДҚИҚОТ
ДОИРАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ
(2 соат)

Режа:

- 1. Ахлоқшунослик фанининг тадқиқот доираси.*
- 2. Ахлоқшуносликнинг ўзига хос фалсафий фан сиғатидаги ўрни.*
- 3. Ахлоқшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси.*
- 4. Ахлоқшунослик фанининг аҳамияти ва вазифалари.*

1. Ахлоқшунослик бир неча минг йилдик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда «Илми равиши», «Илми ахлоқ», «Ахлоқ илми», «Одбонома» сингари номлар билан атаб келинган. Оврӯпода эса «Этика» номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. Уни биринчи бўлиб юони файласуфи Арасту муомалага кириптган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, аматий ва ижодий. Биринчи гуруҳга у фалсафа, математика ва физикани; иккичи гуруҳга – этика ва сиёсатни; учингчи гуруҳга эса – санъат, ҳунармандчilik ва аматий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтаргандлар ва «Этика» (taethika) деб атаганлар.

Ҳозирги кунда бу фани илмий ва замонавий талаблар ишқетаи назаридан «Ахлоқшунослик» деб аташни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ахлоқшунослик ахлоқининг келиб чиқиши ва моҳиятини, қишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганиди. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, «хулқ» сўзининг кўплек шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сиғатида фанининг тадқиқот обьектини англатса, муайян тушунча сиғатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатинишиг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сиғатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмиши одоб, ундан кагтароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоннинг ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, милтий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ – оила, жамоа, маҳалла-күй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йигиндицидир.

Бу фикрларимизни мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Дејлик, метрода ёшигина йигит, талаба ҳамма қатори ўтирибди. Навбатдаги бекатдан бир кекса киши чиқиб, унинг рўпарасида тик туриб қолди. Агар талаба дарҳол: «Ўтиринг, ота-хон!» деб жой бўшатса, у чироили аъмол қилган бўлади; четдан қараб турғанлар унга ич-ичидан миннатдорчилик билдириб: «Барака топтур, одобли йигитга экан», деб қўяди. Аксинча, талаба ё тескари қараб олса, ёки ўзини мудраганга солиб, қарияга жой бўшатмаса, гашимиз келади, кўнглимиздан: «Бунга беодоб, сурбет экан!» деган фикр ўтади, хуллас, у бизда ёқимсиз таассурот ўйғотади. Лекин, аёни пайтда, талабанинг қарияга жой бўшатгани ёки бўшатмагани оқибатина ватонлаги йўловчилар ҳётида бирор-бир ижобиёми, салбиёми – муҳим ўзгариш рўй бермайди.

Хулқа қуйнадаги мисол келтириш мумкин: маҳалламиздаги оила боштиқларидан бирни имкон борича қўли-қўшиниларнинг барча маъракаларида хизматда турали. ҳеч кимдан қўлидан келган ёрдамини аямайди, очиқ қўнгил, очиқ қўл, доимо ўз билимини ошириб боришга интилатди, тиришқоқ, оила аъзоларига меҳрибон ва ҳ.к. Ундаи одамни биз ҳушхулқ инсон деймиз ва унга маҳалламизнинг намунаси сифатида қараймиз. Борди-ю, аксинча бўлса, у қўни-қўшинилар билан қўпол муомала қиласа, тўй-маъракаларда жанжал кўтарса, сал тапга ўдагайлаб, мушт ўқталса, ичиб келиб, оилада хотин-болаларини уриб, ҳақоратласа, уни бадхулқ деймиз. Унинг бадхулқилигидан оиласи, баъзи шахслар жабр кўради, маҳалладагиларнинг тинчи бузилади, лекин хатти-ҳаракатлари жамият ижтимоий ҳётига ёки инсоният тарихига бирор бир таъсир ўтказмайди.

Ахлоққа келсак, масала жиддий моҳият касб этади: дејлик, бир туман ёхуд вилоят прокурори ўзи мастьул ҳудудда доимо қонун устуворлигини, алолат қарор топишини кўзлаб иш юритади, лозим бўлса, ҳокимнинг ноконуний фармойишларига қарши чиқиб, уларнинг бекор қилинишлага эришади; оддий фуқаро наздига на фақат ўз касбини эъзозловчи шахс, балки ҳақиқий ҳукуқ посбони, адолатли тузум тимсоли тарзида гавда-

ланади; - у – умрини миллият, - Ватан ва инсон манфаатига бағишилаган юксак ахлоқ эгаси; у, ўзи яшаёттган жамият учун намуна бўлароқ, ўша жамиятнинг янада тараққий топишига хизмат қиласди. Агар мазкур прокурор, аксинча, қонун ҳимоячиси бўлатуриб, ўзи қонунни бузса, шахсий манфаати йўлида оқни қора, қорани оқ деб турса, у ахлоқсизлик қилган бўлади: оддий фуқоро наздида биргина киши прокурор-амалдор эмас, балки бутун жамият адолатсиз экан, деган тасаввур уйгонади. Бу тасаввурнинг мунтазам кучайиб бориши эса, охир-оқибат ўша жамият ёки тузумни таназзулга олиб келади.

Албатта, ҳар учала ахлоқий ҳодиса ва уларнинг зидди нисбийликка эга. Чунончи, ҳозиргина мисол келтирганимиз прокурорнинг ахлоқсизлиги даражаси билан ўз якка ҳукроилиги йўлида миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлimgа маҳкум этган Ленин, Сталин, Хитлер, Пол Пот сингари шахслар орасида фарқ бор: агар прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллият ёки мамлакат учун зарар қиласа, тоталитар тузум ҳукмдорлари хатти-ҳаракатлари умумбашарий миқёсдаги фожиаларга олиб келади.

Бу ўринда шуни алоҳида тъикидлаш жоизки, ахлоқий тарбия на-тижасида одобилик-хушхулқиликка, хушхулқилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга қўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқиликка, бадхулқиликдан – ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Шундай қилиб, ахлоқшунослик мазкур уч ахлоқий ҳодисани бир-бири билан узвийликда ва нисбийликда ўрганади.

2. Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий (учинчи) қисми ҳисобланар эди. Кейинчалик (Арастудан сўнг) алоҳида фалсафий йўналишидаги фан мақомини олди. Бу фикрни кўйидагича кентайтириброқ талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ѝхтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий холосалар чиқариб, инсониятни хақиқатга олиб боришидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот объективини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришига хизмат қиласди. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафси деб аташ мумкин.

Ҳозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишида иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қиласди; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга

кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меърий табиатта эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атагилар. Зеро соф назарий ахлоқшуносликинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, нақллар, матал-мақоллар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқпинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хulosалар чиқаради. Яъни, ахлоқшунослик фанида Афлотун, Арасту, Эпикур, Цицерон, Сенека, Августин, Форобий, Ибн Сино, Газзоли, Спиноза, Кант, Хегел, Шопенхаузер, Фойербах, Киркегаард, Нигтише, Вл. Соловьев, Лосский сингари билан файлсуфлар яратган ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргаликда «Патаињали», «Қобуснома», Саъдиининг «Гулистон», Жомийининг «Баҳористон», Навоийининг «Махбуб ул - қулуб», Монгейшининг «Тажрибанома», Ларониғуонининг «Ҳикматлар», Гулханийининг «Зарбулмасал» каби амалий ахлоққа бағишланган асарлар ҳам ўз мустаҳкам ўрнига эга. Ахлоқшуносликнинги бошқа фалсафиш фанлардан фарқи ҳам, ўзига хослиги ҳам уйдаги назария билан амалиётгининг омухталигидадир.

3. Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг нафосатшунослик (эстетика) билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Авалю, инсонининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва ишлти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қиласди. Шу боис Суқрот, Афлотун, Форобий сингари қадимги файласуфлар кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик тарзида талқин этгаилар. Бундан ташқари, маълумки, санъат нафосатшуносликнинг асосий тадқиқот, обьекти ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс этириради. Демак, нафосатшунослик ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нуқтаи пазаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний

китобларга катта таъсир кўрсатгани. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказгандар.

Чунончи, ислом динини оладиган бўлсан, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Ижмов ва муайян фатволардаги мезонилар ҳамда талаблар мусудмон Шарқи миллатлари ахлоқий даражасининг шаклланишида катта аҳамият касб эттан. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг ҳукуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан ҳукуқ меъёрлари моҳиятган ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосдаги ҳукуқ, ҳукуқни эса қонутийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зоро, ахлоқшунослик билан ҳукуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндошув усули нуқтаи назаридан фарқ қиласди, яъни ҳукуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, маҳсус аддия идораларидаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гурӯҳ, жамият томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳукуқшунослик касби учун муҳим бўлган амалий ахлоқ жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳукуқшунос одоби деб аталадиган маҳсус соҳаси тадқиқ қиласди ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика билан ҳам чамбарчас алоқада. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларици панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва, айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Зоро, маориф тизимидағи таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қиласди.

Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганиди. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади: руҳшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор, сабабий асос (мотив) ларниң руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшуносликнинг ижтимоийшунослик (социология) билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришининг ижтимоий муруватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин ахлоқшуносликнинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доира-сидан чиқиб, инсон ахлоқиниг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига ҳос ва мураккаб. Чунки сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар курашини тақазо этади. Шахсий иштиликлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, маъсаллар ва ёситаларининг пок ёки ионоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ҳам, сиёсатшунослик ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, партияний одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомала маданийти доирасига кирувчи маҳсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғулланган, унинг табиатта бўлган муносабати дикъат марказидан четда қолиб келган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX асрда табиатта иисбатан тор манфаатпастлик доирасидаги ёндошувлар оқибатида пайдо бўлган экологик бухрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамлариниг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги кундаги экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деган маҳсус соҳа ҳам юзага келди. Лекин, бу - ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичитга олади, деган сўз эмас. Чунки бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариши объекти сифатида табиатининг ўзи эмас, балки одамнинг табиатта бўлган муносабати майдонга чиқади.

тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия заҳаридан фориглантиришини тақозо этади. Яъни, улар инсоният олдида эндилиқда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машхур австриялник этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренц: «Ёлпасига ва тез ёйилиб бораётган жоили табиатга бегоналашиш ҳодисасининг асосий сабаби қивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослиқдир», деган сўзлари шу нуқтаи назардан айни ҳақиқат.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган холоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан кутқараман деса – XXI асрдаи бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий мухит каби заруратта айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда ахлоқшунослик фанининг ўрни ниҳоятда бекиёс.

Шунингдек, яна бир мухим муаммо бу – биологик ахлоқшунослик. Мазкур ҳодиса сўнгти бир неча ўп йилик ичида соғ табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндилиқда, бироннинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Чунки, табобат борасидаги сўнгти тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса – инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастреб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундай кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Зоро ҳозир токи мия ўлмас экан, кўптила ички аъзоларининг янги тобобат тэхникаси воситасида ишлашада давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддаттагача инсонда тириклиknинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юракнинг ёки буйракнинг кўчириб ўтказишни ҳали ўлмаган одамнинг минимал тириклика бўлган хукуқини поймол қилишидир. Бунинг устига, американлик кардиохирург Пол Персон ўз тажрибаларига асосланаб, юрак кўчириб ўтказилганда руҳ ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради. Чунончи, 19 яшар қизнинг юраги 40 яшар эркакка ўтказилганда, йигитнинг феъл-авторида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар қизнинг юраги ва ўпкаси 36 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган: кули-

шигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуқтаи назардан буни қандай изоҳдаш мумкин?

Биологик ахлоқшуносликнинг анчадан бўён кўпчиликка маълум муаммоси, бу – abort. Маълумки, тўртингчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасишиг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай abort, халқ таъбири билан айтганда, жоилини жонсиз қилиш, тирик организмни тирикликка бўлган хукуқдан маҳрум этишидир. Хўш, abortни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? Бу саволларга ҳам ахлоқшунослик жавоб топмоғи лозим. Бизнисиг фанимиз олдида ана шундай глобал вазифалар турибди. Айнан шу вазифаларни бутунги куида ахлоқшуносликнинг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

Талин түшунчалар

Ахлоқшунослик, Этика, Одоб, Хулқ, Ахлоқ, Ноосфера, Этосфера, Биологик ахлоқшунослик.

Такрорлап учун саволлар

1. «Ахлоқшунослик» ибораси нимани англатади?
2. Одоб нима?
3. Хулқнинг одобдан фарқи нимада?
4. Ахлоқшунослик қайси ижтимоий фанлар билан яқиндан алоқадор?
5. Замонавий ахлоқшунослик олдида қандай муҳим вазифалар мавжуд?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент., «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
3. Ибн Сино. Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан мунозара. «Софлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 3-4-сонлар.

**2-мавзу
ҚАДИМГИ ДУНЁ АХЛОҚШУНОСЛИИГИ
(2 соат)**

Режа:

1. Қадимги Шарқ дастлабки ахлоқий таълимотлар бешиги сифатида (Сомир (Шумер), Бобилон, Қадимги Миср).
2. «Авесто» – қадимги дунёнинг ахлоқий қомуси.
3. Ҳинди-Хитой минтақаси мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари (ведачилик, буддҳачилик, даочилик, конфуцийчилик).
4. Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослиги (Юнонистон, Румо).

1. Илм дунёсидаги, ҳар қандай илмнинг тарихисиз назарияси бўлмайди, деган ҳикмат, айниқса, ахлоқшуносликка таалукли. Зеро ахлоқшунослик тарихи ахлоқий тафаккурниң вужудга келиши ҳамда унинг тараққиёти қонунларини ўрганади, маънавий мөрроснинг улкан қисми бўлмиш ахлоқий таълимотлар, ҳикматлар, панд-ўтигларни замонавий жамият ҳаётига тадбиқ этиши ва тарғиб қилиш йўлларини таҳлил этади. Гарчанд ҳар бир ахлоқий концепция маълум бир мутафаккир мулоҳазалари ва фаолиятининг меваси бўлса-да, у, моҳиятган, муайян тарихий давр талабларидан келиб чиқади. Айни пайтда, турли одоб ва этикет қонун-қоидаларини ўз ичига оладиган ахлоқий тарғибот муаммолари, ахлоқий панд-ўтиглар ва меъёрлар талабларини бажариш, ахлоқий бошқариш соҳасига киради ҳамда ахлоқшуносликнинг одатда «амалий ахлоқ» деб аталадиган қисмини ташкил этади.

Дарҳақиқат, аввал айтиб ўтганимиздек, «Калила ва Димна»сиз, Конфуций ўтигларисиз, «Қобуснома»сиз халқ мақол ва маталларисиз бу фан тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, муайян ахлоқий тизимни англаш, баҳолаш ҳам худди тарғибот сингари, маълум маънода адабиёт воситасида амалга оширилишини унугмаслик лозим.

Амалий ахлоқнинг дастлабки намуналари бундан уч ярим минг йил аввал дунёдаги биринчи ёзув бўлмиш мих хатда гилтакталарга ёзилган мақол ва маталлардир. Сомир (Шумер) алқовларида (гимнларида) деярли барча бош маъбулар эзгулик, адолат, ҳақиқат ва яхшилик тарафдорлари бўлганлари учун ҳам мадҳ этилади. Чунончи, күёш маъбути Уту ахлоқий меъёрларининг бажарилишини маҳсус кузатиб турган, маъбуда Нанше эса, баъзи матнларда ҳақиқат адолат ва шафқат ҳомийси сифа-

тида тасвирланади. Лекин, айни пайтда, маъбуллар тэмонидан ўрнатилган «Ме» деб аталған қонуылар рўйхатидан олам ҳаракатини тартибга солиш, унинг тўхтовсиз ва уйгуни бўлишини таъминлаш мақсадида юқоридаги ахлоқий фазилатлар билан биргаликда – «ёлғон», «нифоқ», «гина», «кудурат», «кўркув» тушунчалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, сомирийларниң мақол ва маталлари, ҳикмат-иборалари ҳам диққатга сазовор; уларниң кўпчилиги умуминсоний ҳикматлар даражасига кўтарилиган ва Шарқда бир оз бошқачароқ шаклда ҳозир ҳам қўлланилади. Буидан ташкари, турли ахлоқий муаммолар эса «Гильгамеш» эпоси достонларида кўгарилиган.

Сомирликтар эришган илмий, бадний, ахлоқий даража, хукуққа оид ютуқлар бобилликлар ахлоқий қараашлари учун асос бўлди. Бобилоида сомирликларниң иисбатан бадиий юксак ва мукаммал «Гильгамеш» эпоси вужудга келди. Адолат ва ҳақиқатиниң химоясини асосий мақсад қилиб олган Бобилои ишлеси: Ҳаммураанининг машҳур Қонуилар мажмуси эса қадимги Сомир қонуиларининг тадрижий ривожи эди. Бу мажмудада заифларни, етим-есир ва камбағалларни адолат тамошни асосида ҳемоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилган; Ҳаммурапи унда ўзишиң камбағашварварлиги ва адолатиарварлиги билан фахрланади.

Қадимги Мисрда эса одоб-ахлоқ масалалари ўзига хос пандномаларда ифода топган. Улар орасида «Пхатотеп ўтиглари» бизгача етиб келган энг қадимий панднома ҳисобланади. Буидан деярли икки ярим минг йил аввал бешинчи сулола фиръавни Жадкара Исесидан вазир Пхатотеп қарилтиги туфайли ўрнига ўз ўғлини тайинлашни илтимос қиласи ва ўғлига агаб ўтиз етти насиҳатдан иборат мазкур пандномали ёзади. Унда ўша давр ахлоқий қонуни-қоидалари, ўзни тугищ, муомала одоби сингари муаммолар кўтарилади, ахлоқий фазилатлар эса ҳикматлар ва насиҳатлар тарзида тарғиб қилиниади. Ундаги ўтилар юксак бадиияти билангина эмас, балки кулдорлик даври талабларини четлаб ўта олган умуминсоний демократик фикрлар тарзида, ҳақиқий донишманчлик ва иносипарварлик намунаси сифатида ҳанузгача кишини ҳайратга солади: «Қимматбаҳо тошдек яшириндири оқилона сўз, ҳолбуки уни дон туюётган чўридан топини мумкин». Агар нафақат Қадимги Мисрда, балки ундан бир неча минг йил кейинги Қадимги Юнонистоңда ҳам кул эзгуликка, донишманчликка хос бўлмаган жонзот саналганини ва одам ўрнида кўрилмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, Пхатотепниңг

мазкур фикри инсоният ахлоқий тафаккур тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканини мумкин.

2. Қадимги Туронзамин ва Эронзаминнаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан бундан XXX аср муқаддам ёйла бошлаган бу диннинг Қадимги Хоразмда яратилган, «Авесто» деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар ва иллатлар сабаб ўтилади, талқин этилади. Унда зардуштийлик илоҳи Ахура-Мазда – эзгулик, Ахриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади; эзгулик ва ёвузлик, ёруелик ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги абадий курашининг ибтидоси акс этади. «Абадий эзгулик», «Эзгу ният», «Эзгу тартиб», «Илоҳий тобеълик», каби эзгу тушунчалар реал маънино касб қилиб, инсонийлашган қиёфадаги маъбуллар сиймосида намоён бўлади, улар Ахура-Мазда атрофида яхшилик уругини сепиб юради. Бундай тушунчаларнинг акси эса Ахриман атрофидаги ёвуз кучларда реаллашади. Ёвуз фикр тажассуми Ала Мана, сўлиш ва ўлим тимсоли Туарви ҳамда Зарик исмли девлар шулар жумласидандир.

Зардуштийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби «Авесто»ни қадимги аждодларимиз амал қилган ахлоқий тушунчалар ва кўрсатмалар мажмую дейиш мумкин. Буни ушбу дин пайғомбари Зардуштийнинг «Авесто» даги Аша алқовидан жой олган кўйилдаги сўзларида яққол кўриш мумкин:

*Кувонсин Ахура-Мазда –
«Энг лойиқ ҳақнинг иродаси рўёбга чиқиб», Ахриман даф бўлсин.
Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман,
ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалларга
бахшида этаман,
Барча қабиҳ ўй, ёмон сўз ва ёмон ишлардан тияман,
Юқунчим, мақтоворим, эзгу фикрим,
Эзгу сўз (савобли) эзгу ишларим
«танамдаги жоним» билан бирга
сидқи дилдан Сизларга (бахшида) бўлсин,
Эй ўлим билмас Валийлар.
ҳақни шарафлаб (деман):
«ҳақиқат – Олий неъмат. Бу неъматдан ул киши
баҳрамандким, савоб унга бўлгай,
ким агар ҳақ йўлида савоб (ишдан) қолмаса,
савоб ишдан қолмаса, савоб ишдан қолмаса».*

«Авесто» даги талқылар инсоннинг реал ҳаёти билан боғлиқ эканлиги дикқатта сазовор. Ундаги эзгулик руҳи – яратувчилик, ижодкорлик құвваты, Ёвузлик эса бузғылғылық күчі тарзда номоён бўлади.

Ахура-Мазда қиёфасидаги бу эзгулик – ҳаёт рамзи, ерни инсон, ҳайвонот ва наботот билан бойитади, инсон уларни соғлиқ куч-құдрат, баҳт, шодлик, умид, ишонч, гўзалик, фаровонлик ёрдамида мунаввар қиласы. Ахриман қиёфасидаги ёвузлик эса қурғоқчилик, очарчилик, касаллик, моллар қирғинипи, жисман ва руҳан ҳалокат сингари оғатларни келтириб чиқаради.

«Авесто»да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тоғалик тамойиллари бўлаш иш кўрган одам ўлгандан сўнг унинг руҳи роҳат-фароғатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксия: азоб-уқубат ҳамда хунуклик комига маҳкум этилиши айтилади. Буни профессор Тилаб Маҳмудов ўзининг «Авесто» ҳақида» деган катта мақоласида атрофлигига ёритади: солих одам ўлгач, руҳининг жони уч кун унинг бенинда замъ-шашык, роҳат-фароғат оғулшида туради, кейин хушбуй ўсимликлар юзиша қалқыб чиқади. Уни ажаб бир шабада, муаттар насим қаршилайди. Шабада қўйнида ўн беш яшар, барча гўзаликлардан ҳам гўзат қиз намоён бўлади. Бу гўзал қиз эзгулик ва поклик, савоб ишларнинг тимсоли. У руҳга қаратади: «Мулојим эдим, янада мулојимроқ қилдинг, чироїли эдим, янада гўзал қилдинг, баландда эдим, эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу аъмол билан мени янада баландга қўтардинг», дейди. Гуноҳкор, ёвуз одамнинг руҳи эса, вужуд устида уч кун қолиб, тенгсиз азобларни бошдан кечиради. Уч кундан сўнг у ўзи яратган барча ёвузликлар устида парвоз қиласы. Сўнг тириклигила ҳеч қачон учратмаган барча хунукликлардан ҳам хунукроқ бадбанира қизни учратади. «Эй қора юрак, заҳар тили, мунофиқ гуноҳкор, – дейди қиз, – мен қиз эмасман, сенинг тириклик пайтингда қилган аъмолларингман. Сен тириклигингда Худога эътиқод қўйганиларни кўра-била туриб, девларга сиғингансан. Яқин-узоқдан келган мусоғирларга бошпана берганингда, меҳнат қилдирганингда хайр-садақа улашганингда, уларни кам-ситтансан, яхши одамларни ҳақорат қилгансан, уларнинг юзига эшигини ёпиб қўйгансан. Мен – сен ўйлаган ёмон ўй, сен айттан ёмон сўз, сен қилган ёмон аъмолларингман. Номуссиз эдим, сен туфайли баттар оримни йўқотдим, жирканч эдим, янада жирканчли бўлдим, шарманда эдим, баттароқ шармисор бўлдим».

Бу ерда рұх ва вужуд муаммоси ифода топганини илғаб олиш қиін эмас. Зеро «Авесто»да жон-рух түшунчаси ўта илохийлашырылмайды, маълум маънода «дунёвий»лашырилады ва ўз әгаси билан мулоқот қылувчи вијждан сиғатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Авесто»да инсон олий жонзот тарзида талқин этилади. Айни пайтда еру кўқдаги барча неъматларни севиш, ардоқлаш инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Озодалик, тозалик гигиеник түшунчадан ахлоқий ва илоҳий түшунчада даражасига кўтарилади: сувни, атроф-муҳитни тоза тутиш, жониворларга, хусусан, итга учи ўтқир суяк ёки қайноқ овқат бермаслик — уларга нисбатан ишафқатни англатади; инсон шафқатли бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси «Авесто»да экологик ахлоқшуносликнинг дастлабки куртаклари ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бу муқаддас китобдаги турли-туман маъбуллар бизнинг түшунчамиздаги пир даражасидадир (масалан, темирчиликнинг пири — ҳазрати Довуд в.х). Илоҳ эса — битта: Ахура-Мазда, фақат унгагина сажда қилинади. Демак, яккахудоликини, тавҳидни тарғиб этишда ҳам бирингчилек «Авесто»га мансуб. «Авесто»даги бაъзи бир урф-одатлар ва иримларнинг ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин. Исириқ тутатиш, қурбошлиқ утун сўйилган жон калласини даврадаги ўтагасилар олдига кўйиши одатлари ҳамда севимли Наврўз байрамимиз фикрларимиздаги далиллар. Хуллас, «Авесто» юқорида айтганимиздек, аждодларимизнинг ахлоқий эстетик қомуси, қадимий урф-одатларимизнинг ўзига хос мажмуй сиғатида қимматлидир.

3. Қадимги Шарқ ахлоқшунослигига қадимги Ҳиндистон ахлоқий тафаккури алоҳида ўрининг эга. У тарихан ведачилик, йўта, жайнчилик, буддҳачилик, «Бхагавадгита» ва «Артхаашастра» ҳамда локоята оқимларидан ташкил топган.

Ведачилик ахлоқшунослиги қадимги ҳинд жамиятини тўрт табақа — варнага бўлади; браҳманлар (коҳинлар), кшатарийлар (ҳарбийлар), вайшчилар (дехқонлар, косиблар), шгудралар (куллар). Машҳур «Ману қонунлари» да ёзилишича, браҳманинг машғуоти — таълим бериш, Ведани ўрганиш, қурбонлик қилиш, садақа улашиш ва тухфалар олиш; кшатарийлар фуқароларни кўриқлайдилар; вайшчилар чорва, тискорат, судхўрлик ва дехқончилик билан шуғулланадилар; шгудралар эса ана шу уч ижтимоий гурухга хизмат қиласи. «Хотин, ўғил ва кул — учаласи хусусий мулк әгаси ҳисобланмайды, улар кимники бўлса, ўшанинг кўлга киригтан мулкидир» — дейилади

«Ману қонунлари»да. Ведачилик ахлоқига күра, брахманлар тұғма ахлоқий юксак одамлар, шігудралар эса туғма тубан ахлоқ эталари ҳисобланади.

Лекин кейинги оқимларда, йүта, жайцىлилк, айниқса, буддхачилик ахлоқшыослығиды, ахлоқий фазилатлар әгаси бўлиш инсоннинг зоти ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унииг шахсий камолоти билан боғлиқ, деган фикр илгари суриласди. Буддҳа таълимотига күра, дунё изтиробга тўла ва энг муҳим муаммо ани шу изтироблардан қутилишининг йўлини топили. Накъ қилишларича, ўз тенгдошлари билан айшу ишратда умр кечирган шаҳзода Сидҳарта Гаутама кунлардан бирида сайд қилиб юриб, касал чолни ва жаноза маросимини кўради. Ҳар бир кишини касаллик, қаридик ва ўлим кутишини эшитиб, ларзага тушади, одамлардан қочиб, тарки дупё қиласди ва тўрт эзгу ҳақиқатини англаб етади ҳамда уни одамларга стказади. Унинг қисқача баёни шундай:

1. Бу дунёдаги ҳайт изтиробларга тўла.
2. Бу изтироблариниғ сабаблари бор.
3. Бу изтиробларга барҳам бериш мумкин.
4. Изтиробларга барҳам беришга олиб боралиган йўллар мавжуд.

Буддханинг тўртичи ҳақиқати, айниқса, ахлоқшыослик нуқтаи назаридан муҳим. У Буддҳа ўтгани ва ҳамманинг ўтиши мумкин бўлтани иирванига (эҳқирос, нафрат, пушаймон астасекинлик билан сўниб бўлгандан кейинги ҳолатга) етишин йўлидир. У саккиз фазилатта эрищувдан иборат: 1) тўғри қарашлар; 2) тўғри журият; 3) тўғри хатти-ҳаракат; 4) тўғри нутқ; 5) тўғри ҳаёт тарзи; 6) тўғри жаҳд-жадал; 7) фикрини тўғри йўналитириш; 8) дикқатини тўғри қаратмоқ. Шундай қилиб, саккиз йўл бир-бирини тақазо этувчи уч омил – билинч, хатти-ҳаракат ва диққатиниг бирлигидан иборат. Билим ва ахлоқ бу ўринда яхлитликка эга; фазилат билимдан (илият эса билимсизликдан) келиб чиқади, шу сабабдан билимни фазилатсиз такомиллаштириш мумкин эмас. Бу ахлоқий комилликка стишишининг туталланган концепцияси «Сочларининг фагиласи, суолоси ёки зоти туфайли брахман бўлмайди. Кимдаки ҳақиқат ва дхамма бўлса, ўша баҳтли ва ўша брахман», дейилади буддхачилик ахлоқий қоидлари жамстанган китобда. Шундай қилиб, буддхачилик томонидан ведалар обрўси, брахманларнинг истисноли ҳолати ишкор этилади, жамиятни варналарга бўлиш қораланди. Шубҳасиз, бу ахлоқий тараққиёт кўринишларидан бири эди.

Буддхачилик ахлоқшунослиги нафақат Ҳиндистонда, балки Қадимти Хитойда ҳам ўзига хос мавқе эгаллади. Лекин у ерда яна иккى ахлоқшунослик йўналиши катта аҳамиятга ва қамровга эга эди. Улардан бири даочилик.

Даочилик таълимотининг асосчиси Лао-цзи (милоддан аввалги VI-V асрлар) йирик намоёндаси Чжуан-цзи (милоддан аввалги 369-286 йилар) ҳисобланади. Лао-цзига нисбат бериладиган «Дао дэ цзин» китобида даочиликдаги асосий йўналишларнинг моҳияти акс этган. «Дао – ҳамма нарсадан устун», «иддиз», «Ер ва осмоннинг онаси». «дунёнииг ilk асоси», «ци» эса моддий асос, дао «дэ» ни – фазилатни ундан яратади. Шунингдек, «дао» йўл маъносини ҳам англатади. «Дао дэ цзин» ни «фазилат йўли» деб ҳам атани мумкин.

Инсон мавжуд олам каби дао қонунлари асосида вужудга келган, у табиатнинг бир қисми, унинг вазифаси фазилат (дэ) йўлидан бориши. ҳар қандай сунъий аралашув, табиатнинг муовфиқлик тартибини ўзгартиришга интилиш-одамлар учун ҳалокатли, барча ёвузыларнинг, сон-саноқсиз баҳтесизликларнинг мақбаи табиат жорий этган қонунлардан чекинишлайдир. Шу сабабли Лао-цзи наздида фаолият даога қарши қаратилган ва ҳалққа зарар келтиради, унинг асосий ахлоқий тамойили «увэй» – фаолиятсизлик; донишманд кишининг «дао»си, бу – курашсиз фаолият. Лекин бу курашсиз фаолият аслида табиатта қарши бўлмаган фаол ҳатти-ҳаракат, фақат даога хос, табиат қонунларига мос фаолият.

Айни пайдада, Лао-цзининг фикрича, донишманд билимини ошира бориб, уни одамларга тарқатмайди, фақат ҳалқнинг фаровонлиги учун ишлатади; «Ҳалқнинг билими кучли бўлса, уни бошқариб бўлмайди. Унинг емагини тотли, кийимини чиройли, уй-жойини тингч, ҳаётини қувончли қилиш керак». Ана ўшанда, яъни илм фан тараққий этмаса, цивилизация кириб келмаса, бир давлат қўшлини давлатга кўз олайгирмайди, уруш бўлмайди. Хуллас, донишманд ибтидоий даврларни идсаллаштиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, даочилик ахлоқшунослигидаги асосий мақсад – одамларнинг табиат кўрсатган йўлдан боришига эришиши; тамойили – фаолиятсизлик; ҳалқнинг баҳти – унинг уругчилик, қабилачилик муносабатларидағи тенглик ва соддаликка қайтишида; донишманларнинг баҳти эса мўтадилик; хотиржамлик, табиатга яқинлиликдадир.

Даочилликнинг асосий рақиби ҳисобланмиши конфуцийчилик эса қора ҳалқдан нодонлиги учун жирканади, уни ахлоқий ҳаётга номуносиб деб билади. Зеро, конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали ғэзүн-цзи ҳимматли жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, соғдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабалиларга ҳурмат билан мурожаат қиласди, ҳалққа нисбатан эса ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади.

Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча-жэнь (инсонийлик). «Луни юй» («Ҳикматлар») китобида шундай дейилади; «Кимки чин дилдан инсонни севишга иштилса, у ёвузлик қилмайди». «Ўзинигта эп кўрмаган нарсани ўзгага муносиб кўрма, шуни давлатда ҳам, оиласда ҳам ўзинигта нисбатан ёвлик ҳис қилмайсан». Демак, жэнь – ҳам жамият, ҳам оила аъзолари орасидаги муносабатларни белгилайдиган ахлоқий тамойил. У билан «ся» – ота-онани, катталарни ҳурмат қилини, «ли» – урф-одат, маросимларни эъзозлаш тушиунчалари мустаҳкам бўғлиқ. Айни пайтда «ли» тушиунчасининг маъноси анча кенг, у давлатга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ҳоқон (император) – Осмон ўғли, у Осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида эса қўйицдагича: «Подшо–подшо, ота–ота, мулоzим–мулоzим, ўғил–ўғил бўлиши керак».

Фазилаг эгаси бўлишванинг конфуцийчиликда икки хил йўли аниқ кўзга ташланади: ҳалқ учун – урф-одатларга сўзсиз, ўйлаб ўтирмастан бўйсуниш; ҳимматли жўмард учун эса ўзини ахлоқий жиҳатдан такомиллаштира бориш ва ахлоқий бурчини онгли равишда бажарини. Конфуцийчиликнинг ҳимматли жўмард тарбияси тизимидағи ҳикматлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас; «Устоз дебди: Ю, сен олти ишлатнинг олти босқичини биласаими?» Цинн-лу: «Йўқ», деб жавоб бериди. Устоз дебди; «Унданай бўлса, ўтири, айтиб бераман. Инсонпарварликни севиш-у, илм олишини севмаслик, иллаг шундаки, бу – бефаросатликка олиб келади, дошищмандликни севиш-у, илм олишини севмаслик иллат шундаки, бунида инсон ўз умрини майдо ишларга сарфлайди, ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишини севмаслик, иллат шундаки, бу – ўзига зарар етказишга олиб келади, тўғриликни севиш-у, илм олишини севмаслик, иллат шундаки, бу – қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у илм олишини севмаслик, бу – исёнкорликка олиб келади, қатъийликни севиш-у, илм олишини севмаслик, бу – бошибондоқликка олиб келади».

Конфуций қарашларини унинг издошлари Мэн-цзи, Сюнь-цилар давом эттирилар. Бу таълимот Хань давридан (милоддан аввалги II асрдан милоднинг II асри) бошлаб, то XX асрнинг бошларигача Хитой мағкурасига асос бўлиб хизмат қилиб келди. Бундан ташқари конфуцийчилликка қарши турган Мо-цзи, Хан Фей-цзи, Ван Чун сингари ахлоқшунослярнинг қарашлари ҳам Хитой ахлоқий тафаккури тарихида ўз ўрнига эга.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуклар шунчаки тарих бўлиб қолмади. Уларни ўзлаштириш натижасида, Шарқ билан яқин алоқа қилиш учун жугофий қулайликларга эга бўлан Қадимги Юнонистоннинг полисларида (шаҳардавлатларида) ахлоқшунослик янги босқичга кўтарили. Кейинчалик Қадимги Шарқда илгари сурилган фоялар, кўлланган тушишчалар, назарий-амалий тажриба билвосита бутун Оврўпо учун ҳам аҳамият касб этди. Чунончи, машхур афсонавий донишманд Пифагор мисрлик ва эронлик алломалардан таълим олди. У зардуштийлик дини ҳақида фикр юритар экан, Ахура-Маздани «Уларнинг худоси Орамазданинг қалби ҳақиқатдан, вужуди нурдан иборат», деб таърифлайди. Шунишгдек, Сукрот, Афлотун, Арасту сингари Қадимги Юнон алломалари ҳам Қадимги Шарқдаги фалсафий-ахлоқий таълимотлардан кенг фойдаланганлар. Масалан, руҳнинг кўчиб ўтиши борасидаги Афлотун назариясининг фалсафий ва ахлоқий асослари Қадимги Ҳиндистон фалсафасига бориб тақалади.

4. Қадимги Юнон ахлоқшунослиги ҳақида гап кетар экан, асосан, тўрт буюк файласуфнинг номини тилга олиш одат бўлиб қолган; Сукрот, Афлотун, Арасту, Эпикур. Лекин, аслида, уларгача ҳам Қадимги Юнонистонда ахлоқшунослик борасида анча-мунча ишлар қилинган. Чунончи, Демокрит, Пифагор, Гиппий, Горгий сингари софистлар (донишмандлар) оқимига мансуб файласуфларнинг қарашлари диққатта сазовор. Мисол таріқасида Демокритнинг (тахминан милоддан аввалги 450-370 йиллар) қарашларини олиб кўрайлилк. У донишмандликни энг юксак фазилат, ақлни эса ахлоқий хатти-ҳаракатнинг мезони деб билади ва донишмандни ахлоқли, нодонни ахлоқсиз одам сифатида таърифлайди. Демокритнинг фикрига кўра, инсон учун ҳаётдаги биринчи устоз эҳтиёж ва тажрибадир. Айнан шулар инсонни фойдали ва заарарли нарсаларни фарқлаш дараҷасига олиб келади.

Демокрит Қадимги Юнон файласуфлари ичидаги биринчи бўлиб инсоннинг ички дунёсига мурожаат қилди. У ниятни (хат-

ти-ҳаракат сабабини) ҳаракатдан ажратади. Айни пайтда; «Номусли ва номуссиз одамни нафакат қилмиши, балки нияти орқали ҳам билиб олса бўлади», дейди мутафаккир. Демокрит ҳаё ва ишончни иисонини қингир ишлардан қайтариб турувчи куч тарзида таърифлайди. Фақат руҳан заиф ва гумроҳ одамларгини ўз муваффакиятсизликларини маъбуллар, тақдир ва тасодифдан кўрадилар. Нодон ва ёмон одам лаззат, баҳт ҳамда ҳаётнинг мақсади ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани учун ўзини баҳтсизликка мубтало қиласди.

Сукрот (милоддан аввалиги 470-399 йиллар) қараашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшиаб, ахлоқ билан хукуқни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: «Нимаики қонупий бўлса, ўни адолатдаишир». Иккала мутафаккир ҳам хукмронликиниг яхши ёки ёмон деб баҳоланишини фуқаролар тарбияси билан боғлайли, жасорат ва бетамаъ хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади.

Сукротнинг фикрича, иолис билдиш фуқаро ўз хуҷудидари жиҳатидан тенг эмас; улар оғи билан ўтилган ўхшайди. Ахлоқнинг асосий моҳиъти — ўзгармас ва абадий асл фазилат бўлмиш дошишмандлик. У ахлоқий хатти-ҳаракат мезонин ҳисобланган илоҳий ёзмийта мос. келадиган бенуқсоң фаолиятдир. Ахлоқнинг манбаи эса иисондан ташқарида, илоҳийдир. Сукрот руҳни (жон, қалб, нафсан), вужуддан фарқли равницида, ўлмас деб ҳисоблайди, лекин ўз қараашларини ривожлантирмайди. Унинг фикринга, бу борадаги ортиқча қизиқувчалик зарарли. Чунки маъбулларга ўzlари одамларга очипини истамаган нарсаларининг тадқиқ этилиши ёқмайди.

Сукротдан фарқли ўлароқ, Афлотут (милоддан аввалиги 427-347) ахлоқшунослиги учун, аксингча, ғоялар ва руҳ ҳақидаги таълимотлар асос бўлиб хизмат қиласди. Афлотунинг ғоялар таълимотига кўра, бизга кўриниш турган, биз қилаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса иисон ақли ожизлик қиласди. Иисон гор деворига кишанбаанд қилиб кўйилган тутқунига ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг поаниқ сояларини кузатади, ҳақиқий борлиқ эса соялар орқасида, кўришимайди. Уни иисон кўрмайди, бироқ ўша асл борлиқни кўра оладиган манту — ўлмас руҳ мавжуд. У ғоялар дунёсига даҳлдор, лекин унинг фақат ақлии қисмитига ана шу дунёга қаратилган, эҳтирос ва ҳирели қисми эса доимо гуноҳкор ерга томони торгади. Афлотут руҳнинг бу иккى хизлиқ жиҳатини аравакаш (ақл) билан кўпиргандан отлар (эҳтирос ва ҳирс) орасидаги кураши сифати-

да талқын этади. Отлар баланд келганд рух (қалб, жон) гоялар дунёсидан вужудга йицилди ва инсон туғилади. Инсоннинг туғилиши шундай қилиб, руҳнинг гуноҳга ботиши баробарида воқе бўлади. Барча билимлар хотира натижасидир; рух гоялар дунёсидан билгашиларининг баязиларини эслайди ва вужуддаги ҳаётида бирор-бир дикқатта сазовор янгиликни ўзига касб этмайди. Шундай қилиб, Афлотуннинг фикрича, ахлоқ, илоҳий асосга эга ва ахлоқий фазилат инсонга азалдан берилган.

Афлотун донишмандликни олий фазилат, руҳдаги ақлий қисмнинг намоён бўлиши деб билади ва давлатни бошқаришга лойиқ ягона тоифа сифатида донишманд-файласуфларни тан олади. Ёвқурлик — кўриқчиларга, давлатни ҳимоя қилувчи аскарларга хос. Руҳнинг ҳирсли қисми билан боғлиқ бўлган мўтадиллик хунарманд-косиблар, деҳқонларга, яши. ҳалқка хос. Улар аввалги табақага бўйсуниши шарт. Улардан сўнг қуллар туради. Қуллар ахлоқдан ташқарида, ҳар қандай фазилатдан йироқ, зотан уларнинг руҳга эгалити гумон. Бундан ташқари, Афлотуннинг фикрига кўра, адолат — шахеий фазилат эмас, давлатта хос фазилат. Шу сабабдан у: «Биз табиатига кўра учга бўлишган табақалариниң ҳар бири факат ўз юмуши билан шуғулланган давлатнигина тан оламиз», дейди. Шунингдек, тижорат фуқароларни йўлдан оздирадиган соҳа бўлгани учун, у билан адолатли давлатда хорижликлар шуғулланиши керак.

Афлотун ахлоқшунослигининг муҳим хусусияти шундаки, унда ахлоқнинг асоси, ахлоқий намуна сифатида илоҳийлик олинади. Файласуфнинг фикрича, кимда-ким Худонинг марҳаматига эришмоқчи экан, унга иқтидо қилмоғи, ундан намуна олмоғи керак; Худо барча нарсалар учун мезон; факат Худога ишонувчи ва тақлид қилувчи кишигина донишманд бўлиши мумкин. Ҳуллас, Афлотуннинг ахлоқшунослиги қатъий диний табиатта эга. Айни пайтда у кўп жиҳатдан ведачилик ахлоқшунослигидаги гояларни ўз ичига олади ва уларни ривожлантиради.

Афлотундан сўнг икки қадимги юонон алломаси — Арасту (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ва Эпикурнинг (милодан аввалги 341-270 йиллар) ахлоқ назариялари дикқатга сазовор. Афлотуннинг шогирди Арасту биринчи бўлиб ахлоқшуносликни руҳшунослик билан сиёсатшунослик оралиғидаги алоҳида фалсафий фан сифатида тақдим этди ва унга (кейинчалик Оврўпода қабул қилинган) «Этика» деган номни берди.

Арастунинг ахлоқий қараашлари, асосан ўғлига бағишиланган «Никомахнинг ахлоқ қитоби» ва «Эвдемнинг ахлоқ қитоби» ҳамда «Катта ахлоқ қитоби» рисолаларида ўз аксиин топган. Арасту Қадимги Юнон мугафаккирлари ичида биринчи бўлиб ихтиёр эркинлигини ахлоқнинг асоси сифатида олиб қарайди ва ахлоқий/фазилатни Афлотунга қарама-қарши ўлароқ, руҳнинг тумса хусусияти эмас, балки касб этиладиган (ҳосил қилинадиган) сифат эканини айтади. У барча фазилатларни иккита бўлади: биринчisi, руҳнинг дошицмандлик, тажрибакорлик, топқирилик сингари маънавий соҳа билан боғлиқ ақлий қисмiga оид фазилатлар ва, иккингчиси, руҳнинг интигулувчан (ихтиёрий) қисми – соф ахлоқ билан боғлиқ фазилатлар. Унинг фикрича, асосий фазилат адолатdir. «Фазилат, – дейди Арасту, – маълум маънода ўргаликдир, зеро, доимо ўргаликка интилади». Масалан, мардлик телбavor жасорат билан кўркоқлини орасидаги ўргалик ва ҳоказо. Шунинглек, мутафаккир иштга катта аҳамият беради ва уни ҳаракатнинг тамойинти, бошланиши деб атайди. Лекин у пировард мақсад эмас, ниятиниг тамойили эса интилиш ва ақл, шу сабабли ният ақдан, эс-хушдан ва одобдан ташқарида бўлмайди.

Арасту, Афлотундан фарқли ўлароқ, вужуд ва руҳ яхлитлиги нуқтаи назарини илгари суради; инсон камолотта, олий эзгулик ва эрkipликка билиш фаолияти, воқеликка фаол муносабати орқали, ҳирсу эҳтирослар устидан ҳукмрошлик қила олиши туфайли эришади, деган фикрини айтади. Демак, инсоңда ихтиёр эркинлиги бор, зеро у эзгулик ёки ёвузликни, фазилат ёки иллатни танлашда бир хил ҳукмронлик мавқеига эга.

Мақсад билан воситани Арасту яхлитлиқда кўради; мақсад воситани белгилайди, шу сабабли мақсаднинг ахлоқий табиати фақат ахлоқий воситаларнингина таш олади ва, айниқса, ахлоқсиз мақсад ахлоқсиз воситаларни талаб қиласди.

Арасту ақл-идрок фаолиятини ҳаёт ва фаолиятиниг олий шакли, ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайдиган қадрият деб ҳисоблайди. Олий ‘акл’ доирасида субъект ва объект, фикр ва фикрининг нарса ҳодисаси бир-бирига мос, яни Олий ақл (Худо) тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир. Гарчанд инсон ҳеч қачон илоҳий ҳаёт даражасига етиши олмаса-да, лекин унга, идеал сифатида имкон борича интилиши керак; инсон эришган комиллик доимо иисбий бўлади.

Шундай қилиб Арастунинг фикрича, ахлоқли инсон ақлий фазилатлар билан йўғрилган кишидир; ақлни инсон эмас, ин-

сонни ақл белгилайди. Аёл зоти эса паст даражали, заиф, күз ёшига әрк берадиган, ўзини тутолмайдыган инсон, уларда әхтирос ақыл-идроқдан юксак туради, иллатларга әрқакларга нисбатан күпроқ мойил бұладилар, шунинг учун ҳам донишмандлық уларға хос әмас; хотин әрга бўйсуниши адолат тамойилини бузмайди. Сағъат, сиёsat ва илм фан озод кишилар учун. Кул, умуман, ахлоқдан ташқаридаги мавжудот.

Кулларни паст табақали кишилар, хатто жонли нарсалар қаторига киритиш Арастунинг инсон моҳиятини ижтимоий-сиёсий мавжудот сифатида тушунишидан келиб чиқади. Унинг учун жамиятдан, қабила, жамоа, давлатдан ташқаридаги одам – ё Худо, ёки ҳайвон. Шу боис ёт қабиладан келган, полис фуқаролиги ҳуқуқига эса бўлмаган қуллар одам ҳисобланмайди. Кул фақат озодликка эришгандагина инсонга айланади.

Арасту, юқорида келтирганимиздек, илмни (ақлни) ахлоқдан (виждонидан) юксак күяди ва бу билан ұшоқшадакор ҳаётни, назарияга, ижодға бағищланган ҳаётни ахлоқий идеал тарзіда тағтини этади. Шунга кўра, буюк мугафаккир антик дунё фуқаросининг анъиавий фазилатлари бўлмиш донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак қадрлайди. Бироқ, униг инсонга муҳаббати, инсонларварлиги бизнинг ҳозирги барча баандалар Худонинг олдида баравар, деган тушуғчамиздан фарқ қиласди. Юқорида кўрганимиздек, униг наздида одамлар тенг әмас, тенглик тушунчаси Арастуга ёт. У фақат одамлар ўртасидаги дўстлик ва хайриҳоҳликни тан олади.

Эпикур эса ўз қараашларида фалсафанинг амалий мақсадини, ахлоқий мазмунини таъкидлайди: «Инсоннинг бирор бир изтиробига даво тополмайдыган файласуфнинг сўзлари маъносизdir. Бадандан касалликни кува олмайдыган табобатдан ҳеч қандай фойда бўлмагани каби, руҳни (қалбни) даволай олмайдыган фалсафадан ҳам фойда йўқ».

Эпикурнинг фикрига кўра, инсонда танлов ихтиёри бор. У ҳам Демокрит каби эзгулик ҳақидағи таълимотни лаззат ва изтироб муаммосидан бошлайди. Униш учун энг муҳими руҳий хотиржамлик. Дўстларидан бирига у шундай деб ёзади: «Заррни тўшагу тўкин дастурхонинг бўлиб, беҳаловат яшагандан кўра, похол тўшакда хотиржам ётганинг афзal!» Фазилатлар орасида Эпикур адолат билан донишмандликка алоҳида эътибор билан қарайди. Адолат туциунчасида муглақлик ва нисбийлик ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўгади: «Умуман, адолат ҳамма учун бир хил, чунки у одамлараро муносабатлардаги фойдали ҳодиса;

лекин муайян мамлакатларнинг ўзига хослиги нуқтаи наζаридан ва шунга ўхшаш бошка шароитларда адолат барча учун бир хилда бўйолмай қолади.» Фазилатларнинг моҳияти инсонни лаззатга олиб боришдан, хотиржамликка ҳамда руҳнинг фаолиятили ҳолатига хизмат қилишдан иборатdir. Баҳт эса ахлоқий ва жисмоний соғломлиқдан юзага келади.

Ўлим қарпидаги қўркув борасида гапириб, Эпикур, унинг манбанин руҳнинг ўлмаслиги ва изтиробларнинг абадийлиги ҳақидаги иотўри тасаввурларда деб ҳисоблаїди. Зеро руҳ ҳам вужуд сингари атомлардан иборат. Табиатдаги ҳамма нарса атомлар биринкундан ҳосил бўлган, уларнинг парчаланиши билан руҳ ҳам парчаланади. Ўлим хавфининг асоссиз эканини исботлаш учун у шундай дейди; «Ёвузликнинг энг даҳшатлиси бўлмиш ўлимнинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки биз ҳали мавжуд эканимиз, ўлим келмайди, ўлим келгандга эса, биз мавжуд бўлмаймиз. Шундай қилиб, ўлимнинг тириқларга ҳам, ўликларга ҳам алоқаси йўқ, чунки бирлари учун у мавжуд эмас, бошқаларининг эса ўzlари мавжуд эмас».

Эпикур изтиробдан қочиши эмас, уни ентиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун ахлоқий қатъият, фикр ёрқинлиги, фикр қудрати изтиробга қарши кўйилтиши керак. Унинг ахлоқин идеали — ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас бўлиб, яъни табиат белгилаб берган ҳаётий мақсадга мувофиқ яшайдиган донишманд, файласуф. Айнан табиатта мувофиқликда, турли бидъят ва алдамчи фикрлардан қутлиб, ўз эҳтиёжларини табиий зарурат билан мослаштирган ҳолдагина донишманд тафаккур ва ички эркинлик борасида олий даражадаги лаззатта эришади. Донишманд ўз кучи меъёрини билди ва ундан оқилона фойдаланади. Уига баҳт манбай — фақат маънавий эзгуликда, дўстлик билан билимда бўлган нисбатан мустаҳкам ва узоқ муддатли лаззатда экани аён. Эпикур одамларнинг муносабатларида ҳаммасидан аввал тенглик ва ҳамфирлиликка асосланган дўстликни қадрлайди. Фалсафа билан шуғуланиш ҳам худди дўстлик сингари руҳан хотиржамликка етишишига олиб келади.

Қадимги Шарқ ахлоқшунослиги эришган ютуқларни юксак назарий даражага кўтарган Қадимги Юнон ахлоқшунослиги жаҳоншумул аҳамият караб этди. Юнонлик мугафакирлар илк бор инсон шахсини, инсон хатти-ҳаракатига асосланган ниятни тадқиқ этишга ва ахлоқий қилмиш муаммоларини тушуғтиришга уриндилар.

Қадимги Юонон ахлоқшунослари илмий аңыналарини Цицерон, Лукреций Кар, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий, Секст Эмпирик сингари Қадимги Румо мутафаккилари давом этирдишлар.

Тит Лукреций Кар (милоддан аввалги 99-44 йиллар), Эпикур ахлоқий таълимотининг изчил ҳимоячиси сифатида, машхур «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган достонида руҳ ва вужуднинг ажралмас алоқасини таъкидлайди, руҳнинг ўлиши тўғрисида фикр юритади, инсоннинг ўлим кўркувидан халос бўлишида ахлоқий маъно борлигини айтиб ўгади. Ўлим кўркувидан ва маъбудлар олдидағи қўркувдан халос бўлган кишии баҳтли яшаши мумкин, ақл-идрок ва ҳис-туйғулар шарофа-ти билан нарсалар ҳақида у ҳақиқий тасаввурга эришади.

Луций Анней Сенека (милоддан аввалги 5-милодий 65 йиллар) ҳам ёзувчи, ҳам ахлоқшунос файласуф. Унинг «Фазаб ҳақида», «Шафқат ҳақида», «Баҳтли ҳаёт ҳақида» сингари ахлоқшуносликка доир рисолалари кўпчиликка маълум. Айниқса, «Луцилийга ахлоқий мактублар» асари машҳур. Сенеканинг фикрига кўра, дунё моддий, бироқ, унда қандайдир жонли ибтидо ҳукмрон: уни ақл-идрок деймизми, табиат, башорат ёки тақдир деймизми – аҳамияти йўқ. Муҳими шуки, унинг ёзиги албатта амалга ошади. Файласуф фазилатларни маъносини тақдирдан розиликда, унинг зарбаларига инсоний қадр-қимматни ўқотмай, мардана ва чидам билан доши беришда кўради. У ўлимни совуқ, тунд, лекин озодликнинг кафолати сифатида талқин этади. Озодликни ўз-ўзини ўлдиришда кўриш, шубҳасиз, у яшаган даврнинг гоятда фожиалилиги билан боғлиқ. Сенека қул билан озод кишининг маънавий тенглигини таъкидлайди: «Улар қулларми? Йўқ одамлар. Улар қулларми? Йўқ, улар уйингдаги қўши nilar. Улар қулларми? Йўқ, сенинг итоаткор дўстларинг. Улар қулларми? Йўқ, улар сенинг қулилардаги биродарларинг, негаки, сен ҳам, улар ҳам тақдирнинг қулларисиз». Албатта, бу ўриша Сенека ижтимоий тенгликни эмас, балки қул билан қулдорнинг ахлоқий тенглигини назарда тутмоқда. Файласуфининг айтишичча, руҳ озодлиги – шахс учун ўз-ўзини қадрлаш ва ғуур-иғтихор маңбаи. Кимки ботилий озодликка эришган экан, у тақдир кўргилларига бўйсунмайди, қисмат зарбаларини мардана кутиб олишга тайёр туради.

Яна бир Қадимги Румо ахлоқшуноси озод қилинган қул Эпиктетdir (50-138 йиллар атрофида). Унинг ахлоқий қоидалари куйидагича: тақдир муқаррар; ақл-идрок ахлоқнинг ягона ва

ишончли мезони; ташқи дунё маъбуллар иродасига қатъян боғлиқ, ички дунё инсоннинг ҳукми остида; ҳақиқий донишмандининг эрки шундаки, у ўзига боғлиқ бўлган нарсаларни ўзига боғлиқ бўлмаган нарсалар билан чалкаштириб юбормайди; ҳаётнинг мақсади ва маъноси шахсий ички эркиниликни англаш ва уни қўлга киритиш; унга элтадиган йўл битта – маъбуллар иродасига сўзсиз итоаткорлик, эҳтиёжда мўътадиллик, бепарвонлик, совуқдан ақл билан иш кўриш.

Эпиктетининг фикрига кўра, баҳт, ҳақиқий саодат-фазилатда, фазилат эса бутунлай инсоннинг исходидир, зеро уни инсон шакллантиради. Файлласуф ўзинг ёқтирмайдиган шаронгни ўзгаларга раво кўрма, агар кул бўлишини истамасанг, атрофин гда кулликка йўл берма, деган фикрини илгари суради.

Шундай қилиб, Қадимги Румо ахлоқшунослари ҳам инсон хатти-ҳаракатлари муаммосини ўргага ташлайши ве инсоннинг оламдаги ўрини ҳамда ҳаётнинг мақсадини белгиташга нигизладишиар. Бундай интилиш, айни пайтда, бутун Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшуносларига хосдир. Ҳуллас, Қадимги дунёнинг мумтоз ахлоқшунослари оддий ахлоқ-одоб қоидалари, панд-ўтиглар ва ҳикматлардан тортиб, то ахлоқшунослик назарияси тизимигача яратдилар. Бу мерос ҳанузгача ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ, ҳангизгача жаҳон ахлоқшунослиги кўп ҳолларда ўша тушутгчалар ва тамойилларга яшитча ёндошув асосида тараққий этиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир, ҳозиргача етарли эътибор қилмай келинаётган масалага ойдинлик киритишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу – Қадимги Юнон тафаккури билан ўрта асрлар мусулмон Шарқи фалсафасининг – хусусан ахлоқшунослигининг боғлиқтиги масаласи. Нима учун бизнинг аллома аждодларимиз Қадимги Шарқ, жумладан, Ҳинди-Хитой мингтакаси мугафаккирлари изидаи эмас, оврўпалик юнонлар изидаи бордилар, Суқрот ва Афлотуни ўрғандилар, кўкларга кўтардилар, Арастуни эса энг улкан устоз – биринчи муаллим деб атадилар?

Гап шундаки, мусулмончиликнинг асоси тавҳидда – яккахудоликда. Оллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги Юнон мугафаккирлари айнан ана шу тавҳид йўлидан бордилар. Биринчи бўлиб бу масалани Суқрот аниқ ўртага ташлади. У ўлимга маҳкум этилганида, унга юнонлар худоларини хурмат қилмаганлиги, ёшларни бошқа йўлга (аслида

тавҳид йўлига) буриб юбораётгани айб қилиб кўйилади. Сукротнинг ўлими олдидағи сўнгти гапи ҳам шуни тасдиқлаб туради, цўкуға ичгач: «Мен Унинг (уларниг эмас! –А. Ш.) ёнига кетяпман!», дейди у. Шунингдек, Афлотуннинг гоялар, оламий рух, эманация ҳақидаги фикрлари ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Сукрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий нуқгани назардан исботлашни ўз олдига вазифа қилиб қўймадилар, бунга уринмадилар. Бу ишни Арасту уддалади. У ўзининг машхур «Метафизика» асарида Худонинг яккалигини жисмсиз, ҳеч нарса томонидан ҳаракатта келмайдиган, аксинча, биринчи ҳаракатта келтирувчи куч эканини назарий исботлашиб берди. Уни «Олий шакл» (форма) деб атайди. Арасту талқинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади, у, юқорида келтирганимиздек, Олий тафаккур, тафаккур ҳақидаги Тафаккурдир.

Ўрга асрлар, мусулмон Шарқи мугафаккирларининг Қадимги Юнон тафаккурига, хусусан, ахлоқшунослигига улкан эътиборининг, тақлидининг асл сабаби ана шунда.

Таянч тупгунчалар

Эзгулик, Ёвузлик, Фазилат, Иллат, Рух, Ихтиёр эркинлиги, Изтироб, Адолат, Донишманлик, Дўстлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Сомирликлар ва бобиљликларнинг ахлоқий қарашлари нималарда ифодаланган?
2. «Пхатотеп ўғитлари»да қандай ахлоқий муаммолар ўртага ташланади?
3. «Авесто»нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринаади?
4. Ведачилик ахлоқшунослигига асосий эътибор нималарга қаратилади?
5. Буддҳачилик таълимотининг демократик хусусиятлари нималарда әкс этади?
6. Даочилик ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?
7. Конфуций ва униг издошлари илгари сурган асосий гоялар нималардан иборат?

8. Арастугача бўлган Қадимги Юони ахлоқшунослигининг ўзига хослиги нималарда акс этган?

9. Арасту ахлоқий таълимотининг мумтозлик мөҳияти нимада?

10. Эпикур таълимотида изтиробдан қочиш муаммоси қандай талқин этилган?

11. Қадимги Румо мугафаккирларининг ахлоқий қарашларида қандай муҳим муаммолар кўтарилилган?

АДАБИЁТЛАР

1. Авесто. Аша алқови. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 5-6-сонлар.

2. Конфуций. Панд-үтитлар. «Соғлом авлод учун» журнали, 1997 йил, 5-6-сонлар.

3. Махмудов Т. «Авесто» ҳақида. «Гулестон» журнали, 1999 йил, 4-5-сонлар.

4. Аристотель. Никомахова этика. || Аристотель. Сочинения в 4-х томах, том 1, Москва, «Мысль», 1983.

5. Законы Ману. Москва, 1960.

6. Гусейнов А, Иррлиц Г. Краткая история этики, Москва, «Мысль», 1987.

7. Иванов В. История этики Древнего мира. Ленинград, Издательство ЛГУ, 1980.

8. Крамер С. История начинается в Шумере, Москва, «Наука», 1989.

9. Философия и жизнь. Серия № 10, 1990, №3 1991, Москва, «Знание».

10. Хайдеггер М. Учения Платона об истине || Историко-философский ежегодник. Москва, «Наука», 1986.

**ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИ
МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ
(2 соат)**

Режа:

- 1. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ахлоқшунослигига машшоййунлик ва тасаввуф йўналишларининг ўрни (Форобий, Ар-Розий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Фаззолий).*
- 2. Темур ва Темурийлар даври ахлоқшунослиги (Навоий, Кошифий).*
- 3. Машҳур пандномаларнинг ахлоқий моҳияти («Калия ва Димна», «Қутадғу билиг», «Гулистон» в.б.).*

1. Ўрта аерларга келиб иасронийлик Оврўпо халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини черковга бўйсундириди, ҳамма соҳалар бўйича черков назорати ўрнатилди. Бу билан илм-фан ва санъат черков белтилаб берган чегаралар доирасидагина ривожланишга маҳкум этилган эди. Ислом динида эса, айниқса, тасаввуфнинг вужудга келиши туфайли, муайян маънода ҳурфикрлилик мавжуд бўлиб, илм-фан ва санъат тараққиётига кенг йўл очилди. Натижада Қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослиги илгари сурган гояларни ривожлантириш, у ўртага ташлаган муаммларни ҳал этиш, ўша давр ва кейинги даврлар учун долзарб бўлган муҳим назарий ҳамда бадиий-ахлоқий асарларни яратиш, асосан, мусулмон Шарқи алломаларининг зиммасига тушди.

Бу давр ахлоқшунослиги ҳам турли хил ахлоқий-фалсафий оқимлардан ташкил топган. Лекин бундай оқимлар ёки йўналишларнинг ўзига хослити шундаки, улар Қадимги дунё ахлоқшунослиги сингари нисбатан қатъий чегараларга эга эмас. Чунончи, Умар Хайём ўзинишг табиий йўнлар йўналишлага мансуб деб ҳисобласа-да, аслида унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари кўпроқ таносуҳ ул-арвоҳ (руҳларнинг кўчиб ўтиши) оқимига тааллуқлидир. Ёки машҳоний йўнлик оқимининг буюк вакиллари деб тан олишган Форобий ва Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари баъзи жиҳатлари билан тасаввуфий ахлоқшуносликка ҳам тааллуқли экани кўзга ташланиб туради. Аммо, шунга қарамай, умуман олганда, фалсафий-ахлоқий оқимлар борасида

гап кеттанды, мусулмон Шарқыда йкки йүналиш алоҳида ўрип тутади. Булар – машшоиїйүнлик ва тасаввуф ахлоқшунослиги.

Үрга асрлар мусулмон Шарқыда машшоиїйүнлик ёки, бошқача қилиб айттанды, арастучилик оқимини буюк араб мутафаккири ал-Киндий бошлаб берди. Унинг асосчиси эса туркистонлик қомусий аллома Абу Наср ал-Форобий (870-950) ҳисобланади.

Арасту изидан бориб, Форобий ҳам фалсафани иккига – наزارий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликини амалий фалсафа таркибиға киригади. Ахлоқий муаммолар унинг «Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шаҳри» сингари асарларида кўтарилиган. Уларда инсон баҳти энг асосий муаммо сифатида ўргатга ташланади. «Бахт – ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зоро у муайян комиллик ҳисобланади», дейди Форобий. Айни пайтда аллома ўз қарашларила фазилатга ҳам жуда катта ўрин берали. Чунки, унинг фикрига кўра, кимстаким фазилат ишмалигини билсанни, ҳақиқий баҳтга эриша олади. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга – фазоили шутқия (акәл-идроқка асосланган фазилатлар) ва фазоили хулқия (хулқий фазилатлар) га ажратади ҳамда уларнинг ўрталик хусусиятларини таъкидлаб ўтади.

Форобий ҳаёт ва мамот муаммосига ҳам батафсил тўхгалади. Унинг фикрига кўра, фазилатли киши ўлим туфайли баҳти ортирувчи хатти-ҳаракатларни кўпроқ амалга ошириши имкониятларидан маҳрум бўлади. Шунинг учун унинг ўлимдан қўрқини босиқаларницидан бутунлай ўзгача; у ўлим туфайли улкан бир ёвузлик курбони бўлаётганидан эмас, балки яхшиликни камроқ қилишга маҳрум эканидан чўпиди. Фазилатли одам ўлган ёки ўлдирилганда, у эришган баҳтга ҳавас қилиш лозим, унга эмас, балки ундан ажраб қолган ҳамشاҳарларининг ҳолига йиғлаш керак бўлади.

Буюк ватандошимизнинг фикр қилишicha, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқининг яхшилиги хатти-ҳаракатларда метёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Одобни эса мутафаккир давлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнит камбағаллитини ўтирилайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлаиди.

Форобий, баъзилар ўта лаззатга берилиши, ейиш-ичиш ва аёлга ружу қўйиш туфайли жуда бўшашиб кетади, иродаси за-

ифлашади, унда рисоладаги нафрат ҳамда ғазаб ҳисси йўқолади, дейди. Бугун кучини ўз нафсига сарфлайдиган кишида улуғворлик тубанилкка хизмат қила бошлийди, яъни фикрларни қобилияти ғазаб ва эҳтирос кучлари хизматидан бўлади, бу кучларнинг ҳаракати эса сийиш-ичини ҳамда шаҳвоний нафсни қондиришга бағишлиланади. Файласуф буцдай кишиларни араб ва турк зодагонлари орасида кўпроқ учрашиши айтади. Буцдай кишилар шаҳвоний истаклари куткуси билан, аёллар олдида мақтанишни хуш кўрадилар, уларни тақиғчоқ, безакларга кўмб ташлайдилар, фойдали мөхнатдан четда тутадилар, улар нима деса шуни қиласдилар. Натижада аёл ўйнинг ҳақиқиӣ ҳокими бўлиб олади, турли тантрикликларни одатта айтлантиради. Демак, Форобий оила бахтини эҳтиросларни йўлга сола олишиша деб билади, аёл кишини бечакларга кўмб ташланган қўғирчоқ бўлишига қарши туради.

Ўрта асрлар ахлоқшунослигига рабият мутафаккир Абу Бакр ар-Розий (865-925) таълимоти ўзига хос ўрини эталлонайди. Унинг ахлоқий қарашлари «Лаззат», «Фалсафий ҳаёт тарзи», «Руҳий табобат», «Бахт ва фаровоилик белгилари» сингари китобларида акс этган.

Ар-Розий ахлоқшуносликни инсонда хушхулқликни тарбиялаш ва бадхулқликни йўқотишни ўйлари ҳамда усуслари ҳақилаги фан деб билади; у кишини ақи билан иш кўришга, меёрида лаззатланишта, ўз эҳтиросларини жиловлаб, лаҳзалик лаззатга умрини бахши этмасликка ўргатали. Хуласе, Ар-Розизининг ахлоқий қарашлари, илмий тил билан айтганда, гедонизм ва эвдемонизмга асосланади. У руҳий табобатининг энг муҳим вазифаси инсоний бахт билан чамбарчас боялиқ бўлган лаззатнинг моҳиятини билиш ва тушуниришидан иборат деб ҳисоблайди. «Лаззат, — дейди мутафаккир, — изтиробдан кутилишдир». Лаззатнинг бир шартини фаровоиликда, иккинчи шартини эса у ҳамма нарсага ақи билан ёндошувда кўради.

Рабият мутафаккириниг лаззат ҳақидаги таълимотига чукурроқ назар ташланса, унинг Эпикур қарашларига асосланганини илғаб олиш мумкин. Лейни пайтда Ар-Розий Эпикурнинг тақдидчиси эмас, давомчиси сифатида намоён бўлади, ундан анча илгарилаб кетади. Чунончи, Эпикур ўзини хавотир ва хатардан, жамоат ва давлат ишларидан олиб қочишни, ташки шарт-шароитдан мустақил бўлишини, табиат билан

ҳамнафасликда яшашни изтиробдан кутилишининг энг яхши усули деб ҳисоблайди. Ар-Розий эса инсонни ижтимоий фаолликка чақиради, уни жамиятга фойда келтириб яшашга давват этади. Зеро унинг наздида инсон ижтимоий мавжудот. Инсон фақат инсоний жамиятдагина ахлоқий юксакликка, бахт ва фарвоиликка эришади. Жамиятдан ташқарида, яккаликда, таңҳоликда инсоннинг яшashi мумкин эмас. Борди-ю, яшаган тақдирда ҳам «ёввойи, ҳайвоний, тўпос бўлади, зеро у бизнинг мавжудлигини кулагаштирадиган, орасталаштирадиган инсоний ҳамкорлик ва қўллаб-кувватланиши имконидан маҳрум», – дейди муғафаккир.

«Рұхий табобат» кітобининг ўп олтинчи бобида Ар-Розий әзтиқодий фанатизмнинг зарари ҳақида тұхталади. Идеал дара жадаги соғ диний әзтиқодининг ҳаётда бўлиши мумкин эмас-лигини таъкидлар экан, тақводорликни фақат ишсий тарзда тушишинша чақиради. У сувии мисол келтириб, иғуидай лейли: «Биз фойдаланаётган сүр одамлар томонидан иғослантирилмаган ёки унда ҳайвонларининг, дайди ёки қутурган итлар ёки бошқа ёввойи жониворларининг сасиган ў不可缺少的клари, тезаклари ёки қушларининг пажаслари тушмаганига кафолат йўқ. Шу боис биз уни қаңчалик қайта-қайта тицириб қўймайлик, энг сўнгти ҳолати ҳам, бари бир, энг ифлос, энг ҳаром бўлиб қолверади». Ар-Розийнинг фикрига кўра, сувдан ичгауда ҳам, таҳорат қўялганда ҳам улар ҳақида ўйламаслик лозим. Зеро Оллоҳ биздан ҳеч бир нарсани мураккаблаштирасликни талаб қўлади. Фанатизмга оид турли-туман диний оқимлар ана шундай-диний әзтиқодни мураккаблаштириш, иоинсонийлаштириш туфайли келиб чиқади. Ар-Розийнинг бундай фикрлари ҳанузгача ўз ахлоқий аҳамиятини йўқотган эмас.

Машшоийиғулиқ ахлоқшунослигининг яна бир буюк вакили Форобийнинг шоғирди Ибн Синодир. Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари асосан «Ахлоқ илмита доир рисола», «Бурч тўғрисида рисола», «Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола», «Адолат ҳақида китоб», «Туар жойлардаги тадбирлар» сингари асарларида ва замондошлари билан олиб борган мунозара-ёзишиларида ўз аксини топган.

Аввало, Ибн Сино ахлоқ илмининг амалий фалсафа таркибидағи ўрнини аниқлаб олишга иштилади. «Ҳакимларнинг, – деб ёзади аллома шоғирди Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан муно-

зара-ёзишмасида, — фалсафа назарий ва амалий бўлади, деганини фалсафа амалий-ахлоқий бўлади, деб тушунмаслик керак. Чунки амалий ахлоқнинг бундай намоён бўлиши ҳолати фалсафа дегани эмас, зеро қиёсий малака ахлоқий малакадан мутлақо ўзгадир... Фалсафа амалий ва назарий қисмларга бўлинар экан, демак, уни (амалий фалсафани) ахлоқ билан айнанлаштирилмайди. Шунинг учун (уни) ахлоқ илми деган маъқул». Кўриниб турибдики, Ибн Сино ахлоқшуносликни амалий фалсафа, яъни назария эканини таъкидлайди ва ахлоқни унинг тадқиқот объекти сифатида таърифлайди.

Ибн Сино ўз асарларида бир қанча ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Чупончи, иффат, ҳикмат, шизоат, адолат, саҳйилик, қаноат, қатъият, садоқат, ҳаё, камтарлик ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, аллома уларнинг акси бўлган — ўғрилик, алдамчилик, фиску-фасод, нафрат, рашқ, адоват, бўхтон, иродасизлик, тақаббурлик, нодонлик каби иллатларни ҳам тавсифлайди; ҳар икки турдаги мазкур тушунчаларнинг бир-бiri билан боғлиқлигини, бир-бирига ўтиб туришини ва бундай боғланиш ижобий ҳол эканини таъкидлайди. Демак, ахлоқшунослик илмида фақат фазилатлар эмас, балки иллатлар ҳам ўрганиши зарур. Айни пайтда, Ибн Сино устозлари ашъаналарини давом эттириб, ҳар бир ахлоқий фазилат икки нуқсон оралиғида бўлади, яъни ўргалик хусусиятига эга, дейди.

Аллома тасаввуф фалсафаси ва тасаввуфий ахлоқшуносликка доир ҳам кўплаб асарлар яратди. Зеро, у бежиз Шайх ур-Раис, яъни шайхларнинг рәиси деган номни олган эмас. Бу борада унинг машҳур «Ишқ рисоласи» диққатга сазовордир. Ундаги асосий муаммо — комил инсон масаласи. Ибн Синонинг фикрига кўра, Яраттанга муҳаббат одамии инсон зоти қобил бўлган комиллик даражасига олиб чиқади. Яъни руҳнинг қуи кучлари ва қисмлари унинг улугвор ва олижаноб кучлари ҳамда интилишлари билан яқинликда бўлиб, улар таъсирига тушиши натижасида фазилат касб этади. Бу фикр, Оллоҳга муҳаббат факат таркидунёчилик орқалигина эмас, балки расмона инсоний ҳаётда ҳам рӯёбга чиқиши мумкинлигини англатади. Шу боис «Ишқ рисоласи»даги бу каби ўрийларни Нақшбандия тарикатининг вужудга келишида назарий асос, умуман, тасаввуф фалсафаси ва ахлоқшунослигига илк назарий пойдевор бўлди дейиш мумкин.

Ибн Сино тақдир масаласига ҳам ўзига хос тасаввуфий ёндошиди. У Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонила Худога етишган шайхлардан бири сифатида тасвирланган Абу Саил иби Абул Ҳайр Мәҗаний билан мунозара-ёзищмасида Оллоҳ ҳеч қачон бирор-бир кимсага ёмонлик, ёмон тақдир истамаслигини, кимнинг тақдири ёмон бўлса, бунга унинг ўзи сабабчилигини, яъни инсоннинг қилимишлари унинг тақдири эканини айтиб, шундай дейди: «Асл Ал-ҳаким (яъни, Оллоҳ) иноятига кўра, оламда мавжуд бўлган ёмонлик – оламнинг мақсади эмас. Оламнинг асл муроди яхшиликдир, ёмонлик эмас!». Буюк ватанлошимиз савоб ва ақоб (жазо) масаласида ҳам моҳиятни тасаввуфий йўналишища фикр юргиди.

Машҳоий йўнлик оқимининг яна бир машҳур ва сўнгти вакили, Оврўпода «Авверроизм» деган йўналишишининг асосчиси, қурдобалик (испаниялик) мугафаккир Ибн Рушд (латинча Аверроэс) ҳам ахлоқиностьюнин илми тараққиётига улкан ҳисса ёзини алломалардан. Унинг фикрига кўра, эзгулик ва ёвузлик, улар табиий ёки ижтимоий хусусиятга эга бўлишидан қатъий назар, ўз ҳолича мавжуддир. Табиий эзгуликнинг манбай Оллоҳ, лекин эзгулик ёвузлик билан ёйма-ён келади. Чуонгчи, олов фойда келтириши баробарида, ҳайвонлар ва ўғ-ўлашларни ҳалок этиши хусусиятига эга. Гарчанд оловни Худо яратган бўлса ҳам, унинг бу хусусиятини ўзгартира олмайли, худди шунингдек, рашини яратган Худо унга эшигитимиз мумкин бўладиган хусусият ато эта олмайди.

Ибн Рушд бугун ислом олами учун доимо муҳим бўлиб келган ихтиёр эркинлиги муаммосига ҳам катта аҳамият берган. У, инсонга мутлақ ихтиёр эркинлиги берилганини ҳам, инсон хатти-ҳаракати мутлақ олдиндан белгилаб кўйилганини ҳам инкор қылди. Чунки, агар инсонлар тақдири мутлақ олдиндан белгилаб кўйилган бўлса, у ҳолда уларнинг жонсиз нарсалардан фарқи қолмасди, улар деҳқончилик, ҳарбу зарб, тиббиёт сингари баҳтни кўлга киритиб, ёвузликини узлуксиз йўқотиб боришини таъминлайдиган хунар ва санъат турлари билан ишуллана олмас эдилар. Асл баҳтга эса фақат ҳайвоний куч хатти-ҳаракатларини руҳнинг ақлий қисми назорат қилиб турганидагина, инсон ўзи интилиши лозим бўлган нарсаларга амалий ақл қай вақтда ва қай тарзда интилишини лозим кўрса, ўшандай интилгандагина эришиш мумкин.

Курдобалик мутафаккир идеал давлатда фуқароларга фази-латларни сингдириш ва тараққий эттириш учун иккى хил усулни қўллашни таклиф қиласди. Биринчиси — ишонтириш усули. У ҳам, ўз навбатида, иккى хил ёндошувни тақазо этади: кенг оммани тарбиялаш учун шеърий ва хитобий нутқдан, яъни, бадиий асарлар ҳамда нотиқлик санъатидан, «сара» кишиларда фазилатларни ривожлантириш учун эса исботий нутқдан, яъни, илмий-фалсафий нутқдан фойдаланиш лозим. Иккинчиси — мажбурий усул. У асосан, ташқи душманлар билан курашни ўз ичига оладиган ҳодиса. Мутафаккир бу усулни жиҳод билан тенгглаштиради. Лекин Ибн Рушдининг тушунчасидаги жиҳод — коғирларга қарши олиб бориладиган доимий диний уруш эмас. У Арастунинг «Никомахнинг ахлоқ китоби» асарига ёзган шарҳида доимо тингчилик зарурлигини, урушга эса баъзан-баъзангина йўл кўйини кераклигини айтади, жиҳодни фақат шариат талаблари нуқтаи назаридан тушуниш мусулмонлар бошига кўп оғатлар келтирганини таъкидлайди. Демак, Ибн Рушдининг фикрига кўра, жиҳодни тариқат талқинлари асосида тушунмоқ лозим. Бу — қурдобалик мутафаккирнинг ҳам тасаввуфдан йироқ эмаслигини кўрсатади.

Тасаввуф ахлоқшуносиги ҳақида гап кетар экан, энг аввало, тасаввуфининг моҳиятини аиглаб олмоқ лозим. Бу борада дастлабки сўфийлардан бўлмиш Робия ал-Адавиянинг (713-801) Худога муносабати дикқатта сазовордир. Бу муносабатиги у «муҳаббат» деб атайди ва Яратганга шундай илтижо қиласди; «Ё, Оллоҳ, юлдузлар чаракла布 турибди, одамларнинг эса кўзлари юмилган... ҳар бир ошиқ ўз маҳбубаси билан висол лаззатини тотмоқда, мен эса ёлғиз Сен биланман. Ё, Эгам, агар Сенга мен дўзахингдан кўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсан, мени дўзахингда ёндири, агар жаннатнинг илинжида ибодат қилаётган бўлсан, мени унга йўлатма. Агар фақат ўзинги деб ибодат қилаётган бўлсан, мендан мангу гўзал жамолингни яширин тутмага!». Кўриниб турибдики, Робия ал-Адавия Худога нимадандир кўрқиб, ёки нима пингдир илинжида муножот қилаёттани йўқ, балки маҳбуб сифатида, яъни муҳаббат изҳори билан мурожаат этмоқда. Демак, шариат Исломнинг ташқи — ҳукуқий кўриниши бўлса, тарикат унинг ички-ахлоқий, юксак босқичлаги кўриниши ҳисобланади. Зоро, Тангри инсонни фаришталардан улуг кўйиб, ердаги халифам деб атади, яъни айрича бир муҳаббат билан яратди. Демак, инсон ҳам унга муҳаббат кўймоги лозим. Инсонга

юборилалиган азоб-укубатлар ана шу муҳаббат даражасининг Худо томонидан синаб кўришишидир. Тасаввуфнинг моҳияти икки томонлама муҳаббатни талқин этмоқ. Шунинг учун тасаввуф ахлоқшунослигига муҳаббат ҳис-туйғулик мақомидан тушунча дараҷасига кўтарилади. Қисқа қилиб айтганида, тасаввуф исломий ахлоқ фалсафаси сифатида иш кўради.

Тасаввуф ахлоқшунослигига хужжат ул-ислом Имом Фаззолийнинг ўрни бекиёс. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, ҳар жиҳатдан буюк асар бўлмиши «Иҳёи улум ад-дин» деб атаглан тўрт жиллик китобида ўз аксини топган. Унда тавақкул (ҳамма нарсада Оллоҳга сұяниш) Худонинг яккалигига эътиқод сифатида талқин этилади ва муҳаббат, ихтиёр эркинилиги, тақдир, ният сипари муаммолар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Фаззолий маҳаббатни билишининг маҳсули деб атайди. Зеро, инсон ниманикі билса, ўшанитина севинчи мумкини. Масалан, тошли муҳаббат бўлмайди у билишидан йирок. Муҳаббат фаъёт билишининг жойли субъектнагина хос сифатидир. Мутафаккирнинг фикрига кўра, муҳаббатиниң беш тури мавжуд: 1) инсоннинг ўзига, ўз камолоти ва соғ-омонилитига муҳаббати, 2) инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришини таъминловчи, уни асрорчи, ундан турли муҳдиқотларни (ҳалок этувчиларни) нари тутубчи валипсемматларнига муҳаббати; 3) инсоннинг, гарчанд шахсан ўзига яхшилик қилган зотларга яхшилик қилмаган бўлса ҳам, бошқа инсонларга хизмат кўрсатган, яхшилик қилган зотларга муҳаббати; 4) Инсоннинг ташқи ёки ички қиёфадаги барча гўзалликка муҳаббати; 5) инсоннинг ўзи билан ботиний (ички), яширин ўхшашибиги бор бўлган зотларга муҳаббати. Мазкур муҳаббат турлари ҳаммасининг замирида Оллоҳга муҳаббат ётади, яни инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитта мулюсабати муҳаббат орқали амалга ошиди ва бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Оллоҳга мӯҳаббатнинг билвосита кўринишиди. Зеро: «Ўзини англаб етган кишигини ўз яратганини англаб етади, у ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотта эришуви Оллоҳдан, Оллоҳ ва Оллоҳ воситасидадир», дейди Имом Фаззолий.

Муғасаввиф файласуфнинг ихтиёр эркинилиги борасидаги қарашларида тақдир мутлақ мақаррар ҳодиса сифатида талқин этилади. Бунда ҳам билим (билиш) бироригчи ўринда туради; ихтиёр билимга бўйсунади. Зеро, инсонни нима ўзига ёқиши ёки

ёқмаслигини билим (билиш) орқали англаб этади. Умуман, ихтиёр эркинлиги ихтиёрнинг ўзига хос тури, у нимагаки инсон ишончсизлик тўйса, ўшанга нисбатан бўлган ақтый муносабатдан юзага чиқади. Ихтиёр эркинлиги «касб» тушунчаси билан боғлиқ. Касб – касб этмоқ, ўзига олмоқ, ўзига юқтирмоқ сингари маъноларни англатувчи тасаввуйфий атама. Масалан, Худо бир бандасини синаб кўриш учун унга ёмонликни рано кўрди, дейлик. Бу унинг тақдери, мутлақ муқаррар ҳодиса. Лекин ёмонликнинг ижроси бошқа бир одам ихтиёрига берилади, яъни синалаёттан бандага ёмонлик қилиш-қиласлиги ана шу восита одамнинг ихтиёрий танловига боғлиқ. У – эркин. Агар у яхшиликни танласа – савоб, ёмонликни танласа – гуноҳ унинг бўйнига тушади. Худди шунингдек, ёмонлик обьекти бўлган банда агар Худонинг синовига шукр билан жавоб берса, у суюк, аксинча, шаккоклик қилиб, Худодан нолиса ёки юз ўтиrsa, у гуноҳкор банда. Демак, Фаззолий тақдирнинг муқаррарлигини таъкидлагани ҳолда, инсонга маълум маънода ихтиёр эркинлиги берилганини қайд этади.

Имом Фаззолий ният масаласида ҳам ўзига хос фикрлар билдиради. У ниятни юракнинг икки нарса – билим ва ҳаракат қамровидаги сифати деб таърифлайди. Билим ниятдан олдин туради, у ниятнинг илдизи ва шарти ҳисобланади. Ҳаракат эса ниятдан кейин туради. Уни ниятнинг меваси ва бутоги дейиш мумкин. Ҳар бир эркин танланган ҳаракат уч нарса – билим, ихтиёр этиш ва қобилият ёрдамида рўёбга чиқади. Зеро, инсон билмай туриб – хоҳламайди, хоҳламас экан, ҳаракат қilmайди; шунинг учун ихтиёр этмоқ лозим. Ихтиёр этиш ҳодисаси юз бергандагина навбат қобилиятта қеади ва қобилият инсон аъзоларини ҳаракатта туширишга киришади. Демак, ният ўрталикдаги сифатдир. Ният тасаввувф ахлоқшунослигига баъзан ҳаракатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Агар яхши ният қилинса-ю, лекин банда ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли у рўёбга чиқмай қолган бўлса, бундай ният амалга ошган деб ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳаракат ўзини уйғотадиган ниятга бўйсунади, зеро, у ўз заруриятини ўша ниятдан олади.

Хуллас, тасаввувф ахлоқшунослигининг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб, шундай дейиш мумкин: бу таълимот Худога – мутлақ фазилатлар Эгасига, мутлақ комил Зотта етишиш йўлида

инсоннинг нисбий комилликка эриша бориши тоғасини илтари суради. Бу тоға инсоннинг Яратган олдидағи құркүвии мұхаббатта айлантирыш учун хизмат қылади. Қисқаси, тасаввуф ахлоқшунослиги инсондан Худонинг күр-күрона қули бўлиб, эмас, балки Уни таниган, билган Унинг ердаги халифаси ва ошиғи сифатида ҳаракат қилишни талаб этади.

2. Ўрта асрларнинг то мұгуллар босқинига қадар бўлган даврларида биз юқорида кўриб ўтган қомусий алломалардан ташқари Аз-Замахшарий, Ал-Беруний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Фиждувоний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро сингари ўилаб мугафаккирлар ахлоқ илмининг назарий ёки амалий соҳаларида фаолият кўрсатдилар. Лекин мұгуллар босқини мусулмон Шарқида маданий ҳаётни издан чиқариб юборди. Фақат соҳибқирон Амир Темур давридагина илм-фан ва санъат тараққиёти яна ўз йўлига туши.

Соҳибқироннинг «Куч – алолатда!» дегани тамойиси шунчаки гап эмасди. Амир Темур амалда ҳақиқат ва адолат тарафдори эди. Шу сабабли хатто Темурни ўзининг шахсий душманни деб билган тарихчи Ибн Арабшоҳ, агар ноҳақтик юз берса-ю, ноҳақтик қылган киши Темурга ота ёки фарзанд мақомиша бўлса ҳам, у киши жуда қаттиқ жазога маҳкум этиларли, деб ёзиб қолдирган. Буюк бобокалошмизининг сағғи ҳаракатлари беҳуда кетмаиди. Натижада Темур ва темурнилар даври илм-фан ва маданият тараққиётининг олтин даври сифатида ҳанузгача жаҳонни ҳайратта солиб келмоқда. Бу даврда юзлаб қомусий олиимлар буюк шоирлар ва санъаткорлар етишиб чиқди. Улар орасида улуг ўзбек шоири Алишер Навоий алоҳида аҳамиятта молик. Нафақат униг асарларидаги юксак бадиият, балки фалсафиј-ахлоқий қарашлар ҳам ҳанузгача ўз охорини йўқоттан эмас.

Маълумки, Навоий шеърлари ва достоиларида илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топған адолат, садоқат, бурч, мұхаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Айни пайтда, Навоий сўфийликнинг нақшбаандия сулуғига мансуб йирик шахс – мутасаввиғ сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ҳамда амалияси тараққиётига улкан ҳисса кўшган мугафаккирдир. У «Қаноат нақшининг ифшоси ва нақшбаандия тариқатининг адоси» деган шеърида ўзи мансуб бўлган тариқатининг тўрт тамойилини шундай тушунгиради:

*Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўз,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми агар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ туттмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам оғат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чолинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғуси нақибанд,
Навоий, агар етса наевбат санга*

Маълумки, дилинг Худо билан, қўлинг иш билан банд бўлсин, деган шиор нақибандия тариқатининг асосий тамойилидир. Навоий бутун умр, аввало, шахсан ўзи ана шу тамойилга амал қилди, қолаверса, деярли ҳамма асарида инсонни замидан оёғи узилмаган қаҳрамон тарзида талқин этди. Шунинг учун ҳам аллома Бертельс Навоийни, нафақат буюк шоир ҳамда мутафаккир, балки буюк ва покиза, номи бош ҳарфлар билан ёзилишига лойиқ Инсон эди, деб таърифлайди.

Навоий ўз асарларида исон қадр-қимматини биригчи ўринига қўяди, номус, орият ва ипсоний фурур тушунчаларидинг ўзига хос талқинини беради. «Таваккул сифати ва бетаваккуллар мазаммати» шеърида мутафаккир шоир, Яратганга таваккул қилиш ўрнига ўзини тамаъ юзасидан шоҳлар олдида қулдек тутган ялтоқи киши, агар афсонавий Қорун бойлигини мўлжалласа-да, унинг насибаси бор-йўғи бир товоқ ош бўлади, дейди. Зоро, ундан одам нафси хуружида, катта даъвомақсадларни дарҳол упугиб, олдига ташлаб қўйилган сүяқ билан овора бўлиб қолаверади: кичик бир товоқдаги ош учун қуллик қиласидиган бундай исон юзига улкан қозоининг қоракуяси муносибдир:

*Таваккулни улким қўйоб хотирига,
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси.
Насиби онинг бир аёқ ош эрур, бас,
Агар ганжси Қорун эрур муддаоси.
Биравким, бўлур бир аёқ ош учун қул,-
Юзига керактур қазоннинг қароси.*

Навоий асарлари орасида тасаввуф ахлоқига доир яна бир машхур қытъа борки, унинг ички-ботиний мазмунни алоҳида дикатта сазовор;

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғампок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳамлоподин нопок чиқмоқ.*

Бу шеърга юзаки қараганда, гап дунёдан бирор касбнинг бошини тутмай ўтиб кетиш яхши эмаслиги ҳақида кетаётгандек кўринади. Аслида эса у, юқорида айтгиб ўтганимиз — тасаввуф ахлоқшунослигининг «касб» тушунчаси билан бөглиқ. Навоий ҳазратлари бу дунёга келиб, Оллоҳ инсон учун яратган барча фазилатлар ва эзгуликларни ўзига касб қилиб олмаган, юқтимаган ёзиши тириклик оламидан бонни күйин солинганича чиқиб кетади, чунки дунёдан нотамом, яшни комилликка эришмай ўтиш худди ҳаммомга кириб, ювингмай чиқиб кетиш билан баробар, дейди. Демак, улуғ мутафаккирнинг фикрига кўра, ҳар бир инсон Худо унга неъмат сифатида яратган фазилатлар эгаси бўлмоғи, комилликка интилмоғи зарур, ана ўшаңдагина у ўз инсонлик бурчини бажартган, инсон деган номини оқлагай саналади.

Буюк мутафаккирнинг «Маҳбул ул-кулуб» асари, айниқса, Темурийлар даври ахлоқшунослиги тараққиётига катта ҳисса қўшди. Уч қисмдан иборат бу асарда нафақат тасаввуф ахлоқшунослиги ва ахлоқнииг, балки бутун мусулмон Шарқи ахлоқ илмининг назарий муаммомлари кўтарилади. Шунишгдек, у пайднома сифатида ҳам дикқатта сазовор. Унда раъиётят аҳли барча табакаларининг одоби, ҳулқи ва ахлоқий тамоӣиллари ҳақида фикр юритар экан, Навоий, Сукрот изидан бориб, қонунни адолат билан айнанлаштиради: «Зиндан аҳли — дўзах аҳли», дейди мутафаккир. Айни пайтда, ҳалол меҳнат билан кун кечириувчи деҳқонга улкан саҳоват эгаси, қурт-кўмурсқадан тортиб, гадою мусоғирга емак бергувчи, новвою аллофни иш билан таъмиловчи, дарвешлар качкулию мамлакат ҳазинасини тўлдирувчи, барчага ризқ улашувчи олижаноб жанинатий инсон, ахлоқий намуна сифатида қарайди. «Деҳқонки дона сочар, ерии ёрмоқ била ризқ йўлин очар», дейди шоир ва унинг кўш

ҳайдаётган пайтини Одам Атонинг ҳолатига ўхшатади. Дехқонга берилган бунчалик юксак баҳога, дехқончиликнинг бошқа касблардан юқори қўйилишига сабаб шуки, бошқа соҳадаги одамлардан, дейлик, хунармандлардан ажойиб ашъёлар, меъмор-курувчилардан буюк бинолар, неча ўн юз, хатто минг йилларга ёдгор бўлиб қолади ва бу ёдгорликлар билан уларнинг номлари бирга узоқ вақт яшайди. Дехқоннинг меҳнати эса шу жиҳатдан маълум маннода фийсабулло чекилган заҳмат. Унинг меҳнат маҳсули ер устида қолмайди, ердан найдо бўлиб ерга сингиб кетади. Аммо унинг маҳсули билан инсон тирик ва дастурхон очик.

«Махбуб ул-кулуб» да комил инсон масаласи ҳам ўзига хос тарзда ўттага ташланади. Навоий, нақшбандия сулукининг ахлоқий талабларидан келиб чиқиб, ўз замонаси билан ҳамнафас бўла оладиган ва доимо комилликка интилиб яшайдиган инсонни ахлоқий намуна деб билади. Чунки ҳар бир инсон фақат ўз замонасидагина мавжуд ва шу мавжудлик доирасидагина бирор иш қилишга қодир; оҳ, ўтмиш зўр эди, олтин даврлар эди, ёки келажакда ҳамма нарса ажойиб бўлади, деб гапираверган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Инсон ўз замонаси имкониятларидан фойдаланиб, ҳам ўзини, ҳам замонасини гўзал қилишга интилмоғи лозим. Шу боис «Махбуб ул-кулуб» куйидаги хотима билан якунланади: «ўтган рўзгор адамдир. Келажакдан сўз айтқон аҳли надамдир ва ҳол муттанамдир. Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдир».

Байт:

*Мозию мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам.*

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Навоий асарларидаги ахлоққа доир фиклар хоҳ амалий ахлоққа, хоҳ ахлоқ назариясига таллуқли бўлсин, улар улкан бир давр ахлоқий қарашларининг квантэссенцияси сифатида доимо тадқиқ ва тадбиққа лойикдир.

Темурийлар даври ахлоқшунослигига Навоийнинг назари тушган аллома, унинг замондоши Ҳусайн Вонз Кошифиининг (1440-1505) сиймоси алоҳида дикқатга сазовор. Ҳондамирнинг

таърифига кўра, у «маъқул ва маҳсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва баҳраманддир». Кошифийнинг ахлоқшунослика доир энг машҳур асари «Ахлоқли Мухсиний»дир. Ҳусайн Бойқаронинг ўели, Марв ҳокими шаҳзода Мухсин Мирзога бағишлиланган бу китобда Кошифий ахлоқшуносликнинг жуда кўп тушунчаларига шарҳ беради, уларни жоили, ҳаётий мисоллар, шунингдек, қадимги ҳикоялар асосида талқин этади. У яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр юритар экан, яхшиликни асосан эзгулик маъносида тушуниади. Эзгуликнинг ибтиносини Кошифий хушхулкликда кўради. Инсоний фазилатларни у тарбия, билим, тажриба орқали таркиб топади деб ҳисоблайди. Ҳалоллик, росттўйлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик сингари ахлоқий меъёrlар ва тамоилилар эзгуликнинг пойдевори сифатида олиб қаралади.

Кошифий адолат тушунгаснга, айниқса, батафсил тўхталади ва уни ўзига ҳос шарҳтайли. Мутафаккир адолатин инсоннинг энг яхши фазилати, адолатсизликни эса ёмон одамлардаги энг ёмон ишлат тарзида тақдим қиласди. Шунингдек, Кошифий адолатнинг ижтимоийлик хусусиятини ҳам назардан қочирмайди: «Адл натижаси, – деб ёзади у, – мулк боки-ю, мамлакат васиг ва ҳазона маъмур, кентлару шаҳарлар обод бўлмоқдур. Ва зулм самараси мамлакат завол тоғмоғи эрур». Кошифийнинг фикрига кўра, жамият табакалари бир-бири билан мустаҳкам ижтимоий боғлиқликка эга; алар жамиятда адолат ҳукм сурмаса, заифлар йўқолади, заифларсиз эса зўравонларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Яъни, адолатсиз тузумда жамият таиззулга учрайди. Адолат – инсоний жамиятни баҳт-саодатга олиб борувчи йўл.

Буюк ахлоқшуносининг бурч ҳақидаги қарашлари ҳам эътиборга молик. У бурчни Тангри олдидаги ўз қарзини бажариш, илоҳий масъулият деб тушуниади. Лекин бу масъулият, айни пайтда, муҳтожларга хайр-эҳсонни, Яратган ва баъда олдидаги покизаликни ҳам ўз ичига олади. Бурчни англаб етиш эса, фақат билим (билиш) орқали рўй беради. Шунингдек, Кошифий, анъанавий шарқона фазилатларга бафуржа тўхталади. Сабр, ҳаё, авғ, сахийлик, росттўйлик, фаросат, тавозеъ сингари фазилатларнинг моҳиятини очиб беради, уларни пасрий ва шсьрий мисоллар билан исботлайди. Айни пайтда, уларнинг зидди бўлмиш иллатлар ҳам мутафаккирнинг дикқат марказидан четда қолмайди.

Бундан ташқари, Ҳусаин Вөиз Кошифий ахлоқий мадданият муаммоларини ҳам тадқиқ этади. Унинг «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати» асарида муомала одоби, кийиниц одоби, ҳамда меҳмондўстлик ва тановул этикети борасида ўзига хос фикрлар ўртага ташланган. Чулонгчи, у, сұхбат одоби борасида гап кетганда, шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, мурисилар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча сұхбат одоби мавжуд эканини айтиб, ҳар икки тоифа сұхбатдошилар учун алоҳида-алоҳида сак-кизтадан қоида тавсия этади. Бу ўринда мутафаккир сўзга лингвистик эмас, ахлоқшунослик ишқи назаридан ёндошиб, унга инсоннинг ахлоқлилик даражаси намоён бўладиган восита сифатида қарайди: ахлоқшуносликда сўзни инсондан, инсонни сўздан ажратиб таҳдил этиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. «Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўзласалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дараҳти-нинг мевасидир, дараҳти мевадан, мевани эса дараҳтдан ажратиб бўлмайди», деб ёзди мутафаккир.

Китобда аллома ахлоқшунос касбий одоб муаммоларига ҳам тўхталиб ўтади. Китобнинг ўн тўргинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи фасллари турли касб эталари одобига бағишлиланган. Масалан, ўн тўргинчи фасл «касб-кор ва савдо-тижорат одоби ҳақида» деб номланади ва умуман касб эгаси, айни пайтда, савдо-тижорат аҳли одоби қонун-қоидаларини ўзи итнага олади. Кошифий ёзди: «Билгилким, ҳамма касбларга бирдай таалуқли қисқача қоида-адблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор». Шундан кейин мутафаккир куйидагича давом этади:

«Агар барча касблар учун зарурий одоблар хulosани нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил: бирингчидан, ўз касбини ҳаромдан, шубҳали мол-маблагдан пок сақласин. Иккинчидан, ризқ-рўзи зарурати учунгина керакли касб билан шуғуллансан, касбни мол-дунё тўғлашга сарфламасин. Учинчидан, касбни обрў олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби, деб билсин. Тўргинчидан, моли ҳаром одамлар (амалдорлар, порахўрлар, қароқчилар, ўғрилар, қиморбозлар, кazzоб дўкондорлар) билан муомала қилмасин...» ва ҳоказо.

Кошифий сотувчи одоби, ҳаридор одоби, ходимлар (хизматкорлар) одоби, маддоҳлар одоби сингари масалаларда ҳам худди

шундай асосли фикрлар билдиради. Гарчанд, «Футувватномаи Султоний» жавонмардлик (жўмардлик) тариқати дарвешларига атаб ёзилган бўлса-да, уидати илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ва тоялар умуммийтақавий, умуминсоний ҳамровга эга. Зоро буюк форсигўй ўзбек шоири Паҳлавон Маҳмуд асос соглан бу тариқат дарвешлик хирқасини кийган, лекин зарур бўлса, барча куроллар турини ишга солиб, Ватан ҳимоясига отланишни биринчи галдаги вазифаси деб билган эркпарвар жангчилар сулукидир. Шу боис мазкур китобда дишийлик дунёвийликдан ажратилмай бир-бирини тўлдириши билан ипсон ҳаётини ахлоқийлаштирадиган, гўзаллаштирадиган ҳодисалар сифатида талқин этилади. Жавонмардликнинг ҳарбијлаштирилган насронийлар рицарлик орденларида фарқи ҳам шунда. Кошифий илгари сурган ахлоқий тоялар ҳозирги кунда кўп жиҳатдан ўз таъсир кучини йўқотган эмас. Айниқса, унинг тижоратчи, сотувчи ва ҳаридор одобига доир қонидарини замонавий бозорларимиз, тижораг марказларимиз ва дўконларимиз деборлариша ёзиб кўшиш айни мудда бўлар эди.

Темурйлар даври ахлоқшунослигининг яна бир вакили Жалолиддин Давонийдир (1427-1502). Унинг ахлоқшунослик муаммоларига бағишлисангаи йирик асари «Ахлоқи Жалолий» рисоласида, профессор Ҳайдар Алкулов тадқиқотларига кўра, XV асрнинг илгор ахлоқи мусулмон Шарқи ахлоқий таълимотларининг ютуқ ва камчиликлари акс этган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми асосий ахлоқий тушунчалар бўлмишиб адолат, шиъоат, донишмандлик, иффат синигари фазилатлар таҳдили ва талқинига, иккинчи қисми оиласвий ҳаёт, болалар тарбияси, муомала одоби масалаларига бағишлисанган. Китобининг учничи қисмидаги эса шаҳар маданийти ва подшоларнинг сиёсат юргизиши, фуқароларнинг шаҳар (давлат) бошликлари билан ўзаро муносабатлари қаламга олинади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсақ, «Ахлоқи Жалолий»да ахлоқшунослик кишиларнинг амалий фаолияти, қарашлари билан, ботлиқ фан сифатида, ахлоқий муаммолар эса фалсафий, ижтимоий-сиёсий масалаларга даҳлдор ҳодисалар тарзида олиб қаралади.

3. Ўрга аерлар мусулмон Шарқи милигақаси тафаккурида ахлоқнинг моҳиягини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи машҳур пандномалар – ҳалқ ичидаги қеңг тарқалган бадиий-дидактик асарлар ҳам ўзига хос ўрини эгаллайди. Улар учун

умумий бўлган хусусият, бу – ахлоқий меъёrlарни, тамойилларни, ахлоқий маданият омилларини кўпчиликка тушунарли, ранг-баранг шаклларда, қизиқарли ҳикоятлар орқали китобхонга етказиш. Шу жиҳатдан пандномалар асрлар мобайнида ахлоқий тарбиянинг ўзига хос шарқона воситаси сифатида хизмат қилиб келди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Уларнинг энг машҳурларидан бири тахминан Ш-IV асрларда яратилган қадимги ҳинд адабий-дидактик ёдгорлиги «Панчатантра»dir. У бизда «Калила ва Димна» номи билан машҳур. У ўзбек тилига бир неча бор таржима қилинган. Асарда кўз олдимизда икки дунё намоён бўлади: бири – инсоф,adolat, диёнат, ҳалолликка сунгтан, ахлоқий фазилатларнинг тажассуми бўлмиш инсонлар дунёси, эзгулик олами, иккincinnisi – ётгонни, қаллобликни, муноғиқликни, худбинликни касб қилиб олган, иллатлар тажассуми бўлган одамлар дунёси, ёвузлик дунёси. Ана шу эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш асарнинг ўқ томирини ташкил этади. Унда ахлоқийлик асл баҳт, ахлоқсизлик иISON учун ҳалокат гирдоби экани ажойиб ҳикоятларда, масалаларда ўз аксини топади. «Калила ва Димна»нинг шакли, композицион курилиши, услубий жиҳатлари кейинчалик жуда кўп пандномалар учун бадиий қолип ролини ўтади.

Мусулмон Шарқи минтақаси ахлоқий тафаккурида XI аср алоҳида диққатта сазовор. Унда икки буюк панднома яратилди. Бирй туркий тилда – Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» («Яхшилик келтирувчи билимлар»), иккincinnisi форсийда – Кайковуснинг «Қобуснома» асари.

«Кутадгу билиг» 13000 мисрани ўз ичига олган ахлоққа, сиёсатшуносликка доир монументал асар. уни туркий ҳалқларнинг ахлоқий қомуси деб аташ мумкин. Китобда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик сингари тушунчалар батафсил қalamга олинади. Уларнинг моҳияти образли, бадиий юксак мисраларда, шеърий ҳикматларда, мақолларда очиб берилади.

Мана, эзгу одамга Юсуф Хос Ҳожиб қандай таъриф беради: «Эзгунинг барча қилмиши ва йўриқлари ҳалққа фойда ва манфаат берадиган бўлади. Барчага бирдек яхшилик қиласи, лекин эвазига улардан мукофот миннатини қилмайди. Эзгу ўз манфатини кўзламайди, бошқалар манфаатини кўзлайди, бошқаларга келтирган фойдасидан ўзига манфаат тиламайди». Тўғриликни

эса, у шундай таърифлайди: «Тўғрилик одам учун жуда керакли сифатдир, у одамийлик демакдир». Иисоннинг қадр-қимматини ҳам мугафаккир инсонийликда, одамгарчиликда деб билади: «Одам қадрли эмас, одамгарчилик қадрли, одам ноёб эмас, одамгарчилик ноёб».

«Кугадгу билиг»да факат ахлоқий тамойиллар ёки тушунчалар эмас, балки муомала одоби ва этикет муаммолари ҳам ўртacha ташланади, тил билан дил бирлиги ахлоқийликниң асоси сифатида талқин этилади. Ахлоқийликпинг яна бир асосини буок бобокалонимиз билимда кўради: у ақл-заковатни иисон қадр-қимматини юксалитирувчи неъмат деб билади.

Кайковусининг «Қобуснома» асарида ҳам ана шу жиҳатларига эътибор қилинади. Айни пайтда, «Қобуснома» иисон ҳаёти ва фаолиятининг деярли барча томонларини қамраб олувиши ўтиг-кўрсатмалардан иборатдир. Унда меҳмонга борици, меҳмон кутиш, савлогарчилик одобларидан тортиб, чавтон ўйини – спорти; одобигача қўламга олшади. Кайковус ахлоқийликка эришув икки хил – табиий-түгма ва тарбия орқали рўй беришини айтади. Шу билан бирга ахлоқий тарбия ҳар икки ҳолатда ҳам шарт эканини таъкидлайди.

Шарқона пандиомаларининг ёнг машҳури, шубҳасиз, Шаїх Муслиҳиддин Саъдийининг (1184-1292) «Гулистон» асаридир. Жаҳонда бу асар таржима қилинмаган бирор бир маданий тил бўлмаса керак. Ўзбек тилига у бириччи марта буок ўзбек мумтоз шоири Сайфи Саройи томонидан XIV асрда таржима қилинган.

«Гулистон»нинг бу қадар машҳур бўлиб кетишига асосий сабаблар шундаки, аввало, у муаллифнинг ҳаётий тажрибалари ва кўрган-кечирганларини, ўз қулоги билан эшитган воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олади; иккинчидан, пандиома буок Саъдийга хос тенгизз бадиийлик билан сугорилган; учингчидан, унипг услубида юксак ахлоқ эгасининг донишманлиги ва савимияти кишини ўзига тортиб туради. Насрий ҳикоятлар билан месъерий ҳикматлар – ахлоқий холосаларининг узвий боғланиб кетганилиги эса асарни яна ҳам ўқишили қиласди. Саъдий, бириччи навбатда, одамлар қиёфасидаги эзгулик ва ёвузикининг муносабатларини очиб беради. Оддий муомала одобидан тортиб, юксак ахлоқий тамойилтаргача ана шу муносабатларни акс этиришга хизмат қиласди. Мугафаккир шоир инсон ахлоқийлигини, эзгуликни ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан

устун қўйишида, одамларга қайшишида кўради; илмий тил билан айтганда, Саъдий, инсон инсон учун восита эмас – мақсад, деган гояни илгари суради. Ёвузликлар ичидаги у, айниқса, ёлгоини қаттиқ қоралайди: «Ёлғон гапирмоқ ҳам, – дейди шоир, – ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалса-да, изи қолади». Бундан ташқари, Саъдий кашф этган ҳикматлар ҳам ўзининг образлилиги, фалсафий қудрати ва назокати билан кишини ҳайратта солади. Қуйидаги ҳикматта эътибор берилгі: «Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилилганда ҳам қадрсиздир». Ёки мана бу кичкинагина ҳикоятні олиб кўрайлик: «Оlamда биринчи марта бармоғига узук таққаи одам Жамшиддир. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнатни чап қўлингта бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг қўлнинг – ўнг қўл эканининг ўзи буюк зийнатдир».

Саъдийнинг «Гулистон»ига тақлидан жуда кўп асарлар яратилди. Улардан бири Жомийнинг «Баҳористон», шунингдек Пошшохожанинг туркйла битилган «Мифтоҳо ул-адл» ва «Гулзор» асарлариидир. Ҳар учала асар ҳам ҳикоятлар ва шеърий парчаларда байён этилган ҳикматларни ўз ичига олади. «Баҳористон»да саккиз боб-равзанинг еттинчиси шоирлар зикрига бағишлиланган, саккизигчи равза эса масаллардан ташкил топган. Ҳар иккала муаллиф асарларида буюк подшолар ва саркардалар ҳаётидан кўплаб ҳикоятлар келтирилади.

Темурйлар даврида яратилган энг ажойиб ва ўзига хос пандномалардан бири, бу – Хондамирнинг (1481-1535) «Макорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») асари. Унинг ўзига хослиги шундаки, ундаги қаламга олипган барча фазилатлар бир буюк инсон – Алишер Навоий қиёфаси мисолида очиб берилади, талқин этилади. Шу боис уни буюк шоир ва мутафаккир ҳақиқатаги хотира ёки биографик маълумотлар деб эмас, айнан бир шахс бош қаҳрамон қилиб олипган панднома деб аташ мақсадга мувоғиқ. Унда бўлган воқеалар, ҳикоятлар, латифа ва мутобибаларга ўралган Навоийнинг ахлоқий ҳаёти кўз олдимизда гавдаланади, гавдаланганда ҳам фақат ўз замонаси учун эмас, балки барча замоналарга намуна бўла оладиган ахлоқий идеал тарзида юз кўрсатади.

Ўрга асрларда кейин ҳам пандномалар яратиш аниъаналари давом этди. Лекин улар орасида машҳур бўлғанлари кўп эмас. Ана шундай истиснолардан бири – ўзбек мумтоз шоири Гулха-

нийнинг (XVIII аср охири иккинчи ярми –XIX аср бошлари) «Зарбулмасал» асари. У, аввало, ўзининг шаклий янгилиги билан ажralиб туради. Асар қолилаш усулида ёзилган – катта масал-ҳикоя ичидаги масал-ҳикоятлар, масаллар ичидаги эса, юзлаб ўзбек халқ мақоллари жой олган. Асарининг яна бир ўзига хослиги шундаки, унинг асосий қаҳрамонлари – ўз қиёфаларида ахлоқизлик иллатларини мужассам этган салбий образлар. Гулханий бу иллатларга юксак ахлоқий мезонлар нуқтаси назаридан қараб, ўқувчига тақдим этади. Ана шу усул билан инсонларни инсоф, адолат ва диённатга, ҳалоллик ва соғдилилликка чорлайди.

Аввалги маърузада айтганидек, хурфикрлилик борасида Ўрта асрлар Оврўпосида Қадимти Юнон ва Ўрта асрлар мусулмон Шарқига солиштириб бўлмайдиган даражада қашшоқлик мавжуд эди. Гап шундаки, Ўрта асрлар Оврўпосида насронийлик фалсафа, адабиёт ва санъат каби маънавий соҳаларга ёндош туриш билан кифояланмади, балки улар орасида биринчи бўлишга, мутлақ ҳукмронликка интилди. Ахлоқшунослик олдида насронийлик таълимотининг рационал тарзда умумлаштириш вазифаси туради – черковнииг талаби, моҳияти ана шу эди. Мазкур вазифа эса Библиёдаги ахлоқий концепциядан келиб чиқади; уни қўйидаги тўрт қоидага бўлиши мумкин: 1. Худо оламининг яратувчиси ва унга жон баҳи этувчи моҳиятдир. У – мутлақ ижодий-яратувчи ибтидо, айни пайтда, оламининг олий мақсади, яширин маъноси. Худо ниманини яратадиган бўлса, уни ўзи учун яратади ва фақат биргиша У ўз фаллиятининг сабаби, меъёри ва мақсадини ўзида мужассам этади. Бошқа барча мавжудот бундай муҳторликдан бенасиб: улар Худо сабабли ва Худо учун мавжуд. Инсон ҳам бундан мустасно эмас. Лекин инсон, шунинг баробарида, муйян имтиёзга ҳам эга зот. Зоро, у Худога ўхшаш, аммо Худо билан айнан эмас: ҳиссиётли, ўлимга мақум ердаги мавжудот. У эркин қилиб яратилган ва олий мақсади бўлмиш – Худога ибодат унинг учун мажбурият шаклида юзага чиқади. Чунки илсоннинг ердаги, ўз баҳтини излашга қаратилган бутун ҳаёти – инкор этилиши лозим бўлган гуноҳкорликдан иборат. Илк аждод – Одам Атонинг қилмиши бунга ёрқин мисолдир. Хуллас, насронийлик таълимоти мантиқига кўра, инсон Худога ибодат қилиш учун яратилган, бирок у ўзи Худо бўлгиси келиб қолади: барча инсоний баҳтисизликларининг сабаби мана шу кибру хаво, ахлоқий мустақилликка

даъводан келиб чиқади, умуман, ҳамма ёвузликларнинг илдизи шунда. Шундай қилиб, насронийлик ахлоқи мавжудликнинг моҳият билан мос келмаслигига асоланади. Инсон ўзининг моҳиятган белгиланган ўзлигини амалга ошира олмайди. Чунки у гуноҳкор зот; у фақат Худо ёрдамидагина гуноҳдан кутилиши мумкин. Исо-инсоннинг Худо билан бирлашувига ва, айни пайтда, бундай бирлашувнинг фақат Худо туфайлигина рўй беришига далолатdir. Шу боис Худога иқтидо Исаога иқтидо қилишда ўзини намоён этади. Одам Агодан гуноҳкорлик бөшланган бўлса, Исодан янгиланиш, руҳан қайта тугилиш бошланади, чунки айнан у гуноҳдан кутилиш йўлини кўрсатди. Исо ўз мавжудлигининг олий ва ягона маъносини Худо-Отага етишишда деб билади. У ҳаворийларни ота-онаю, ўғил-қизларини тарк этишга чақиради, чунки кимда-ким гуноҳдан кутилиш йўлига кирса, унинг қалбида Худодан ўзга зотта жой бўлмаслиги керак; ён-верингдагиларни худди ўзингдек севмоқ Худога муҳабатнинг ињикосидир; Худони севмоқ уларни севиш орқали амалга ошади, ҳаммани севиш керак, деган талаб шундан. Агар инсон танлаб севса, бирровга эзгулик, бошқасига ёвузлик қилиши мумкин ва бу билан у бўйнига Худолик ҳукуқини олган, яъни нима адолатли-ю, нима адолатсиз эканини ўзи ҳал эттан бўлади.

Ўрга аерлар Оврўпо ахлоқшунослигининг йирик вакили Августин Блаженний – Илоҳий Огустин (354-43) «Тазарру» ҳамда «Эзгулик ва эркин ихтиёр ҳақида» деган асарларида ана шу муаммоларни ўртага ташлади ва ҳал қилишга уринди. Унинг фикрига кўра, Худо барча гўзалликлар манбаи ва энг олий гўзалликдир. Худонинг иродаси – муайян, мазмунидан қатъи назар, эзгулик, неъмат, ягона олий неъмат, ҳамма нарса Худодан бўлгани учун, эзгу; «Нимаики мавжуд экан, ҳаммаси эзгу», – дейди Августин. Борлиқ – қадриятларнинг тартибли босқичларидан иборат. Борлиқ ичидаги энг муҳим фарқ Худо билан олам, Яратган билан яратилимиш орасидаги фарқдир, мана шу фарқ ахлоқнинг асоси ҳисобланади. Ҳар қандай хатти-ҳаракат фақат борлиқ тартибини акс эттириши ва Худога интилиш билан бошқа интилишларни фарқлаши, яъни олий интилишни тубан интилишлардан қатъи ажратиб олиши орқали баҳоланади. «Тартиб шундай нарсаки, – дейди Августин, – агар биз ҳаётимизда унга суюнсак, у бизни Худога етишириади, унга суюнмасак, Худога етиша олмаймиз». Шу сабабли инсон фаолиятида икки хил муносабатни фарқламоқ ло-

зим — лаззат ва фойдага интилиш. Лаззат — факэт биргина Худодан; қолган ҳамма нарсалар фойдаланиши объекти ҳисобланади. Ердаги неъматлар факэт ердан ташқаридағи неъматларни тарғиб қилиш учун воситадир. Худодан кувонч түйгүн-у, лекин ундан фойдаланма, ердаги неъматлардан фойдалан-у, лекин улардан кувонч түйма. Августин ахлоқий таълимоти ана шу талабдан келиб чықади.

Худо, Августин нұқтаи назаридан, инсоны — Одам Атони эркін, гунох қытмаслик имкониятiga эга зот қылтыр яратди. Айни пайтда У ихтиёр эркинліги фаолияттеги анық йүнәлишими белгилаб берди. Лекин Одам Ато, нима қылыш кераклыгыни ўзим биламан, деган кибр билан Худонинг күрсатмасини бузды; инсон ихтиёр эркинлігінің ножоиз құллаганы учун гунохға ботди. Одам Ато қандай бўлса, ундан пайдо бўлган бошқа одамлар ҳам худди шундай. Биринчи одам қолган гунохға ҳамма одам жавобгар, ҳар бир одам ўз тишида Одам Ато егали олмадан қолган қамаппинин хисепті түртти, демек, ҳамма нарса, биринчىк Худодан; биринчик-эзгуликкениншіліккиси, эзгуликкан юз бурғы, нұкс, хато. У инсон ихтиёрининг хусусияти, ихтиёрнинг тубанлыкка қаратылышидир; у — Худо күрсатмаларидан чекиниш, гунох.

Шуни таъкидлаш жоизкі, Августин таълимотиши маълум маънода муҳаббат ахлоқи ҳам деінші мумкін. Файлласуф-илюхіёгчи муҳаббатни ҳар бир нарсаны ўз табиий, қонупиң ўринини эгаллаш үчүн шитилишга мајбур құлувчи фазовий қудрат сифатида талқын этади. Муҳаббат — туталлікка, оромга интилиш. Инсон нафақат севади, Айни пайтда у муҳаббатни ўз муносабатларининг объекти ҳам деб билади; инсон муҳаббатнинг ўзини севиши ё севмаслик қобилятига эга. Ахлоқий вазифа мана шу муҳаббатни инсон табиатига ўшашы объектика йўналтиришидир. Бу объект эса — Худо. Муҳаббатнинг сезги аъзоларига ҳеч қандай алоқаси йўқ, у руҳнинг сирли қаъридан, руҳ пайдо бўладиган макондан иборат.

Шу тарзда Августининші ахлоқпі таълимоти жаҳон ахлоқшынослиги тарихида муҳаббат масаласини биринчи бўлиб ўртага ташлади ва бу таълимот кейинги давр мугафаккирлари қараашларига катта таъсир күрсатди. Лекин, умуман олганда, Ўрга асрлар Оврўпо ахлоқшынослиги у қадар юксак даражага күтарила олмади. Шу боис, бу давр ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш шарт эмас.

Үртагасрлар мусулмон Шарқи ахлоқий таълимотлари Қадимги дунё мумтоз ахлоқшунослигининг тадрижий ривожи сифатида кейинги даврлар Оврўпо ахлоқ илми тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шарқ алломалари илгари сурган foялар, ўртага ташлаган муаммолар Оврўпо ахлоқшунослигида янги қарашлар ва, ҳатто, оқимларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Оврўпо тарихида «Буюк таржималар даври» деб аталадиган XI - XIII асрларда нафақат Форобий, Ибн Сино, Фаззолий, Ибн Рушд ва бошқа Шарқ алломалари китоблари, балки улар Оврўпога қайтадан қашф этиб берган Афлотун, Арасту сингари Қадимги Юнон мутафаккирларининг асарлари ҳам араб ва сурёнйи тилларидан лотинчага таржима қилинди, Фарбнинг дастлабки университетларида ўқитилди. Зотан Ҳегелнинг: «Фаззолий ўта нозиктабъ файласуф», «Қойилмақом Жалолиддин Румий», Э. Ренаннинг: «Фаззолийдан кейин Ҳюмга айтадиган гап қолган эмас», деган сўзлари бежиз айтимаган Шунингдек, Ибн Рушднинг моҳият билан мавжудлик муносабатларида якка жавҳарларда (субстанцияларда) мавжудлик моҳиятдан олдин келиши ва улар онтологик жиҳатдан яхлитликни ташкил этиши ҳақидаги foяси кейинчалик Farbda катта амалий аҳамият касб этган – Оврўпо халқлари менталитетига сингиб кетган экзистенциячилик фалсафий-ахлоқий оқимининг пайдо бўлишига олиб келди ва ҳоказо.

Таянч тушунчалар

Машшоиййунликлік, Тасаввуф, Ҳаёт ва мамот, Ихтиёр эркинлиги, Мұхаббат, Ният, Қадр-қиммат, Лаззат, Фазилат, Мақсад, Восита, Ақл, Панднома.

Такрорлаш учун саволлар

1. Машшоиййунликлік ахлоқшунослигининг моҳияти нимада?
2. Форобий ва унинг издошлиари таълимотларидағи мұхим ўринларни нималар ташкил этади?
3. Тасаввуф ва унинг ахлоқ фалсафаси сифатида намоён бўлиши қайси хусусиятларга асосланади?
4. Имом Фаззолийнинг мұхаббатта оид қарашлари замирида қандай ахлоқий тамойиллар ётади?

5. Навоийнинг ахлоқиј таълимотида «Маҳбуб ул-қулуб» қандай ўрин эгаллайди?
6. Кошифийнинг ахлоқиј қарашларидати мұхим жиҳатлар қайсилар?
7. «Кутадгу-билиғ» асаридағи асосиј ахлоқиј ғоялар нималарда кўринади?
8. Қайси пайдномаларни ўқигансиз?

АДАВИЁТЛАР

1. Ибн Сино. «Баҳманёр ал-Озарбойжоний билан мунозара». «Соғлом авлод учун» журнали. 1996 йил. 3-4-сонлар.
2. Ибн Сино. Абу Сайд Абул Хайр Механий билан мунозара. «Соғлом авлод учун» журнали. 1996 йил. 5-6-соңлар.
3. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент. «Ёзувчи». 1996 йил.
4. Кониғий. Футуиатнома сұлтоний. Т., А. Қодирий поими-даги ҳалқ мероси нашириёти, 1994.
5. Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб».|| Навоий. Асарлар, ўи беш томлик, 13-том. Тошкент, Бадиий адабиёт нашириёти, 1966 йил.
6. Форобий. Фозил шаҳар одамлари. Тонкент, «Мерос», 1990 йил.
7. Шер А. Ибрат кўзи. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил. 7-8, 9-10 сонлар.
8. Абу Бақр ар-Рази. Духовная медицина. Душанбе, «Ирфон», 1992.
9. Ал-Газали. Воскрешение наук о вере. Москва, «Наука», 1987.
10. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва, «Наука», 1965.
11. Сагадеев А. Ибн Рушд. Москва, «Мысль», 1973.

**ЯНГИ ДАВР АХЛОҚШУНОСЛИГИДАГИ АСОСИЙ
ТАЪЛИМОТЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР
(2 соат)**

Режа:

- 1. Оврўпо Ўйғониши даври ахлоқий таълимотларининг Ўрта асрлардан Янги давр ахлоқшунослигига ўтиши босқичи сифатида намоён бўлиши (Валла, Макиавелли).*
- 2. Олмон мумтоз ахлоқшунослиги (Кант, Ҳегель, Фойербах).*
- 3. Олмон мумтоз ахлоқшунослигидан кейинги Оврўпода юзага келган асосий таълимотлар (Шопенҳаузер, Нимцие ва бошқалар).*
- 4. XX аср ахлоқшунослигидаги асосий йўналишилар (руҳий таҳчили, экзистенциялилк, гайри зўравоилик, масаввуф).*

1. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида ўргага ташланган кўпгина ахлоқий муаммолар Оврўпо Ўйғониши даврида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин энди уларга кўпроқ – инсонпарварлик, инсонни улуғлаш, инсоннинг ақлий қудратига ишонч сингари янтича нуқтаи назардан ёндошилди. Ўйғониши даври ўрта асрлардан янти даврга ўтиш босқичи сифатида намоён бўлди.

Ўйғониши давригиниг дикқатга сазовор ахлоқшуносларидан бирни италиялик файласуф Лоренцо Валладир (1407-1457). Валланинг «Ҳақиқий ва ёлғон эзгулик», «Ихтиёр эркинлиги ҳақида» каби асарларида барча жонзорларнинг табиатан ўзиши асрашга ва изтиробдан қочишига иштилиши ҳақидағи фикрларни ўз ахлоқий қарашларига асос қилиб олади. «Ҳеч қайси жонзор қайғу ва руҳий изтироб ҳолатида неъматга эга деб ҳисобланиши мумкини эмас» – дейди файласуф. – Шу сабабли неъмат унинг учун қувонч ҳиссидир».

Валла инсоннинг жонли табиат билан алоқасини руҳ орқали чуқурлаштиради. Унинг фикрига кўра, ҳаёвошлар ҳам одамларга ўхшаш ҳотира, ақд, иродат, танлов, қобилият, ачиниш сингари баъзи руҳий ҳолатларга эга. Лекин нутқقا, кулгига эгалиги, айниқса, абадийликка таалтуқли экани билан инсон ҳайвондан юқори туради. «Биз Худога ўхшаб абадиятга даҳидорлигимиз билан ҳайвонлардан ажralиб турмиз, бошқа жиҳатлар билан эса худди юлдузлар биз ёқсан оловга ўхшаганидек, уларга ўхшаймиз,» – дейди файласуф.

Валла лаззатни ҳамма ерда ҳамма интилиладиган, руҳ ва вужуд завқланишини ўз ичига олган неъмат деб атайди. У – ҳамма интилишларнинг мақсади, ягона неъмат; ҳеч ким қандайдир

мақсадлар учун лаззатланмайды, зеро лаззатпинг ўзи – мақсад. Августиндан фарқыл үлароқ, Валла, мұхаббат лаззатта үшаша, чунки улар иккисининг асоосида ҳам ҳиссий идрок этиш ётади, дейди. Шунинг учун у, Худони фақат Худо бўлгани учунгиша севиш керак, деган фикрга қарши боради. Файласуф Худони инсонларга илоҳийлик берадиган ибтидо сифатида, кўпроқ мақсад эмас, восита тарзида талқин этади, яъни, Худо неъматлар манбай бўлгашилиги учун мұхаббатга лойиқдир.

Ихтиёр эркинлиги масаласига ҳам Лоренцо Валла катта эътибор беради. Унинг фикрига кўра, ҳар бир инсон фаровонлик учун интилади. ёвузлиқдан эса, – у ўз ёвузлигими, ўзганикими, – қочишига уринади. Баъзан инсон кимгадир зарар етказса, албатта ёвузлиги туфайли эмас, балки ўз фаровонлигини кўзлаб шундай иш қиласди. Демак, инсон ўз фаровошлигига интилар экан, у тўғри йўлни ташлаши керак. Неъматта, фаровонликка эгаликнинг энг муҳим шарти – бахтсизлик, хавфхатар, брезенталикдан йироқ ва ҳамма томонидан суюкли бўлиш ҳаммата суюкли бўлни эса барча лаззатларининг мақбай ҳисобланади; нафрат куршовида яшаш – ўлим билан тенг. Шуларга қараб, инсоннинг яхши ёки ёмоилигига баҳо берилади.

Фазилат, Валланинг фикрига кўра, неъмат бўлмиш – лаззатта зарурий-табиий интилишии йўлга солишида ёрдам беради. Бунда фазилат ўз ҳолитча мақсад эмас, балки лаззатта – фазилатлар маликасига бўйсунади; демак, фазилат ўзига хос назорат, зеро кетидан катта изтироблар келадиган бўлса, ёки олдинда катта лаззатта эришиш имкони юзага чиқса, маълум чидам ва тоқат билан кигчик лаззатдан қочиш лозим. Умуман, Валла, кичик ва катта лаззат масаласига ўз таълимотида кенг ўрин беради. Ана шу нутқай назардан келиб чиқиб, файласуф, фазилатни – неъматга ихтиёр ёки мұхаббат деб атайди ва уни матонат билан таққослайди. Ўзи қашф этган мана шу ахлоқий мезон асосида, Валла, инсоннинг ўз манфаатини тўғри англашига катта ишонч билан қарагани ҳолда, унинг ўзгаларга муносабатлариши ўрганишга интилади. Шу боис у одамлар ҳақида яхши фикрда бўлишига, улар қилмиши ҳали ахлоқий жиҳатдан англамаган ҳолларда, бу қилмишларни яхшиликка йўйишга чақиради; инсонни бошқаларниң фаровошлигидан нафақат кувонишга, балки бошқаларга кувонч баҳш этишга ҳам қодир деб ҳисоблаиди.

Валла зоҳидона фазилатларга дунёвий фазилатларни маълум маъниода қарши қўяди: «Фазилат нафақат камбағалликка чидашда, – дейди у, балки бойлиқдан оқилона фойдаланишадир; нафақат тоқ ўтишда, балки оила куришладир; нафақат

бўйсунишида, балки оқилона бошқариши ҳамдир». У зоҳидона фазилатлар асосида муҳаббатни эмас, кўркувни кўради, Файласуф Худога ихлос эмас, тоқат билан, муҳаббат эмас, кўркув билан ибодат қилишини маъқул кўрмайди.

Лоренцо Валланинг ахлоқий қарашларига хulosса ясайдиган бўлсак, у одамилар аро бўладиган барча алоқалар ва муносабатларда манфаатни четта суриб кўймайди, ҳатто Худога муносабатни ҳам ана шу манфаат билан боғлайди. Инсонларнинг бирбирига бўлган муносабатида бир-биридан фойдаланиш мақсади ётади; манфаат, шахсий фаровонлик барча инсоний қиммишларни ҳаракатта келтирувчи кучдир. Бундан, шахсият ва ижтимоийлик бир-бири билан ажралмайдиган даражада боғлиқдир, деган фикр келиб чиқади. Валланинг бу ва бунга ўхшашиб фикрлари кейинчалик Спиноза, Хоббс, Локк сингари маърифатпарварлар таълимотига туртки бўлди.

Ўғониш даври ахлоқшунослигида кейинги даврлар учун ҳам характерли бўлган икки йўналиш кўзга ташланади. Биринчиси — инсон табиати ибтидодан эзгу, иккинчиси — ибтидодан ёвуз, деганоя. Лекин иккала йўналиш ҳам, реал тажрибадаги инсон худбин мавжудот, деган фикрда тўхгалади. Фарқ шундаки, биринчи йўналишдаги ахлоқшунослар худбинликни тарихий шароитдан, жамиятининг оқилона ташкил этилмаганидан, тенгизликдан келиб чиқсан деб билсалар, иккинчи йўналишдагилар уни инсон табиатининг ихтиёри сифатида талқин этадилар. Ана шу йўналишлардан биринчисига мойилликни Лоренцо Валла қарашларида кўрган бўлсак, иккинчи йўналишнинг йирик ва-кили бошқа бир италиялик мутафаккир Никколо Макиавелидидир (1469-1527).

Макиавелли деганда, дарҳол хаёлимиизга «макиавелличилик» ибораси келади. Маълумки, «макиавелличилик» деганда, ўз мақсадига эришиш йўлида (асосан сиёсат борасида) ҳар қандай ахлоқсизликдан ҳазар қилмайдиган ҳаракат тарзига даъват этувчи йўналиш тушунилади. «Мақсад воситасини оқлайди», деган тамойил бу йўналишнинг асосини ташкил этади; бундан ахлоқ ва сиёсат бир-бири билан чиқишмайди, деган хulosса келиб чиқади, Никколо Макиавелли илгари сурган ахлоқшунослик ва сиёсатшунослик борасидаги гоялар бу йўналишнинг асоси сифатида қабул қилинади ҳамда неча асрлардан бўён италиялик файласуф-ахлоқшунос кўпчиликка танқид обьекти бўлиб келади. Хўш, ҳақиқатдан ҳам шуидайми? Макиавеллининг ахлоқий қарашлари асосан унинг «Ҳукмдор» (1513) асарида ўз аксини топган. Унда мутафаккир саҳијилик ва тежамкорлик, шафқат ва

шафқатсизлик, мұхаббат әуле нафрат сингарі түшүнчаларға ба-тағасыл түхталади. Лекин уларға файласуғ Ўрта асрлардагига нисбатан янгына мазмун әуле маңын беради. У шафқат әуле шафқатсизлик ҳақыда фикр юритиб, ҳукмдор фуқароларни маңкам туғиб туриш йўлида ўзини шафқатсизликда айблашла-ридан кўрқмаслиги керак, дейди. Унинг бир қадар шафқатсизлиги тартибсизликларни келтириб чиқарадиган да-вомли шафқатсизликлардан афзалдир. Зоро, ўғрилик, қароқчилик, қотилликни түғдирадиган бундай тартибсизликлар-дан бутун аҳоли азият чекади. Бу фикрларни Макиавелли, ай-ниқса, янги ҳукмдорларга нисбатан маъкүл кўради. Унинг фик-рига кўра, янги ҳумдорни бошқа ҳукмдорларга нисбатан шафқатсизликда камроқ айблайдилар. Чунки янги давлатга жуда кўп хавф-ҳатар таҳдид солади.

Макиавелли ҳукмдор ўз фуқароларининг кўпроқ меҳр-муҳаббатига эмас, кўрқувига эришипни кераклигини айтади: «... ғайси бири яхши-халқниш ҳукмдорни севганимни ёки улдан кўрқанимни? Айтишегарича, бирквакайнига ҳам ўғридан, ҳам севганин яхши; бироқ меҳр-муҳаббат қўрқув билан чиқиша олмайди, шу боис таниланга тўғри келганда, қўрқувни танилаган дуруст. Зотан, одамлар ҳақыда, умумай, ҳеч қачон миннатдор бўлмайдиган, бесқарор мунофиқлик ва ёлгоигчиликка мойил, ўз фойдасини кўзлаб хатардан қочадиган жонзор дейити мумкин: токи сен яхшилик қилиб турар экансан, улар бутун борлигин билан се-ники, сен учун ҳамма нарсасидан, қони-жопидан ҳам, бола-чақасидан ҳам, бойлигидан ҳам кечишига тайёр, лекин ишинг тушгаида, шу заҳоти юзини буриб кетадилар... Бундан ташқари, одамлар ўзида меҳр-муҳаббат уйғоттап кимсалардан кўра, қўрқув уйғотган кимсанни хафа қилишдан кўпроқ тийинадилар».

Ҳукмдорининг ўз сўзи устидан чиқиши-чиқмаслиги масаласида эса Макиавелли «ҳукмдор» рисоласининг XVIII бобида шундай дейди: «Тажрибадан шуни бытамизки, бизнинг давримизгача улуғ ишларни амалга оширишга фақат берган сўзининг устидан чиқмасликка ва керак одамни лақиљатиб кетишга урингандаргина эришган; бундайлар охир-оқибатда росттўйликка интилган ҳукмдорларга нисбатан жуда катта ютукларни қўлга киритган-лар. Шуни билиш керакки, душманга қарши иккى йўл билан курашиб мумкин: бири – қонун йўли, иккинчиси – куч ишла-тиш. Биринчиси – инсонга, иккиси – йиртқичига хос; аммо биринчиси старли натижага бермаганинги учун, кўпинча иккиси йўлга мурожаат қилишига тўғри келади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳукмдор ҳам ишон, ҳам йиртқич табиатини ўзида мужас-

сам этмоғи керак. Йиртқычлар орасыла ҳукмдор иккитасига үшаш учун ҳаракат қылмоги зарур: буларнің бири – арслон, иккінчи – тулки. Гәп шуғындақи, оқыл ҳукмдор ўз бергандын бажаришта доим ҳам интишиши шарт әмбидет. Чунки одамлар ўлиб-тирилиб ваддан бажариш учун уриништа арзимайды, ularнің ўзлари ваддаларица турмайды. Ваддан бузыш учун эса баҳона доимо топилади. Қанчадан-қанча тинчлик шартномалари, қанчадан-қанча келишувлар ҳукмдорлар сұзларининг устидан чиқмаганлари учун амалға ошмай қолған. Бунда кимдә-ким тулкилік қылған бўлса, ўша ютиб кетган. Лекин ёлғонни ҳам этилаш керак, қотириб қўйиш лозим: чув тушадиган одам эса доимо топилади.»

Дарҳақиқат, юзаки қараганды, Макиавеллининг бу фикрлари ахлоқийлік нұқтасынан назаридан ҳеч бир мезонга түгри көлмайды. Аслида эса ундай әмбидет. Буни англаш учун қўйидаги оминаларни назарда тутмоқ лозим. Биринчидан, мутафаккир ўз Ватани Италияни озод ва бирлашган ҳолда қўришни истаіди. Бу эзгу йўлда ватан душманларини алдаш, ularга берган сўзининг устидан чиқмаслик озодлик ва бирликка олиб келадиган восита сифатида намоён бўлади, яъни эзгулик ҳамда улуғвор орзулар тантанаси йўлида хизмат қиласи. Иккинчидан, жуда кўп ўринда Макиавелли «Янги ҳукмдор» иборасини ишлатади. Янги ҳукмдор, түгрироғи янги пайдо бўлган давлат ҳукмдори кувлиқ ва қаттиққўлиқ сиёсатини олиб бормаса, давлатни ҳам, мамлакатни ҳам, мустақилликни ҳам саклаб қоломайди; яъни ўтиш ёки тикланиш давридаги турли хил ички ҳамда ташқи иғволарликлару қийинчиликларни фақат тулкининг тадбиркорлиги-ю, арслонининг ҳамласи билан енгид чиқиб кета олиш мумкин. Учинчидан, Макиавелли фикр юритаётганда, Оврўпода янгий вужудга келган миллий давлатни назарда тутади. Унинг таққидчилари эса кўп ҳоларда, аллақачон ўтиш ёки тикланиш даврини бошидан кечирган, ўн йиллар, хатто юз йиллар мобайнида ўзига хос муҳим демократик йўналишни ишлаб чиқсан ва ахолиси шу йўналишта онгли равишда муносабатда бўла олиш даражасига кўтарилиган мамлакатларнинг сиёсий арбоблари, файласуфлариdir. Макиавелли таълимитии эса юқоридаги ҳар учала ҳолатда ҳам Италия тарихидан ажратиб олиб таҳлил этиш мумкин әмбидет. Тўртингидан, Макиавелли барча машҳур ҳукмдорлар тутган йўлни, ҳукмронлик сирларини шафқатсиз тарзда авра-астаригача очиб ташлайди. Бундай «сурбетлик» шундай йўлни босиб ўтган, лекин ўзини бунақа йўлга алоқаси йўқдек кўрсатмоқни истаган сиёсий арбобларнинг

ғашини келтиради – уларга ўзи учун ҳозирда ёқимсиз бўлган ҳолатларни эслатади. Бешинчидан, шуни доим ёдда тутиш керакки, барча ахлоқшунослар ичида факат Макиавеллигини давлат раҳбарини алоҳида, бошқалардан тубдан фарқ қиласиган ахлоқий тип сифатида олади. Макиавелли танқидчиларининг ва бошқа кўпина ахлоқшуносларнинг хатоси шундаки, улар ҳукмдор ахлоқини одий ахлоқий тамойилларга иисбат берган ҳолда баҳолашта уринадилар. Макиавелли эса ҳукмдор ахлоқини мавжуд ижтимоий шароитдан, унинг жамиятда ва миллат тарққиётида эгаллаган реал, истисноли ўрнидан келиб чиқиб талқин этади. Файласуф бунига дабдурустдан эришган эмас. У тарихий воқеалар ва далилларни билган ҳамда уларни илмий таҳдил этган, «Флоренция тарихи» деган фундаментал асар яратган улкан тарихшунос олим. У тарихий тажрибага суюниб шундай хуласага келади. Шу боис Макиавелли номини сиёсатда ахлоқсизликни тарғиб этувчи, демократиянинг душмани каби сифатларни билди «бетин» иттиҳад кўра, схитроеснинг, соҳта демократичникнинг мевасицир. Аслида эса ҳақиқати донишманд, ҳар жиҳатдан кучли, маърифатли, умумлаштирувчи фалсафий иқтидорга эга ҳукмдоргина Макиавелли таърифига жонли мисол бўла олади. Масалага еттигчи осмондан эмас, реал ҳаётдан турб ёндошилса, буни англаш қийин эмас.

Мана, тарихимиздан бир мисол. Соҳибқирип Амир Темур ўғли Мироншоҳ ва унинг аёёлариши ўзларига ишониб томцирилган ҳудудни бошқаришда адолатсизликка йўл қўйгани, кайфу сафога берилиб, раийтта жабр қиласиган учун шафқатсизларча жазолайди: барча аёёлар ўлимга ҳукм этилади. Мироншоҳ эса отасининг пирি Саййид Барака маслаҳати туфайлигиниа ўлимдан сақланаб қолади ва сазои қилинади. Қўллари боғлиқ, тиз чўқтирилган Мироншоҳнинг кўзи олдида барча аёёлари бўғизланади, маҳсус ўрнатилган тарновдан оқиб турган қон Мироншоҳнинг ёдида умрбод қолади – бу ҳам ўлимга тенг бир руҳий изтироб эди. Бу жазо, ҳақиқатдан ҳам шафқатсизлик. Бироқ, ўн беш-йигирма одамнинг ўлими ва шаҳзоданинг руҳий изтироблари эвазига Мироншоҳ тасарруфидаги Эрон, Озарбойжон, Аран сингари кўплаб ўлкаларни ўз ичига олган улкан бир ҳудуддаги миллионлаб аҳоли амалдор ҳамда сипоҳийларнинг бош-бошдоқлигидан, ўз фуқаролик ҳукуқларига тажовузидан куттилади, яъни, Амир Темурнинг шафқатсиз деган ном олишдан кўрқмай, ота эмас, ҳукмдор сифатида иш кўриши туфайли адолат ўрнатилади; кичик шафқатсизлик улкан шафқатга айланди.

Энди давлат бошлигининг ўз сўзи устидан чиқиши-чиқмаслигини ахлоқий баҳолаш борасида замонавий бир мисол келтирамиз. Шўролар Иттифоқи эндиғина тарқалган ва давлатлараро МДҲ ташкилоти тузилаёттан пайтда ўтказилган матбуот конференциясида мухбирлардан бири Ўзбекистон ва Украинада фуқаролик мақоми қандай бўлади, МДҲ таркибидаги бошقا давлатлар фуқаролари бу иккала давлатнинг ҳам фуқаролари ҳисобланадими-йўқми, деган мазмунда савол берди. Савол моҳиятган иғвогарона эди. Чунки МДҲ давлатларидан бирортаси ўша пайтда бу масалани кун тартибига қўймоқчи эмасди, ҳаммаси ҳозирча факат қоғоддагина бўлган мустақилигини мустаҳкамлашга ингиларди. Лескин, айни пайтда, бу саволга қайси давлат раҳбари салбий жавоб брса, ўша давлатда русийзабон аҳолининг жунбушга келиши, маълум тартибсизликлар рўй бериси, буидан мамлакат маънавий ва моддий зарар кўриши шубҳасиз эди. Зеро, бу давлатлардаги мудофаа, ҳарбий саноат, оғир саноат, рангли металтургия ва бониқа муҳим соҳалар асосан мустамлакачилик давлатларидан воз кечишни истамаган русийзабон кишилар қўлида бўлиб, илк ўтиш даврининг демократия ниқоби остидаги боин-бошдоқликлари натижасида улар муайян мамлакат мустақиллигига сезиларли зарба бера олишга қодир эдилар. Агар жавоб ижобий бўлса, ўша раҳбар давлатидаги аҳолининг бу қисми иғвогарлик учун баҳона тополмасди ва ғазабиши бирқанча вақт босиб туришга мажбур бўларди. Энг муҳими, ана шу фурсат эди. Бироқ, мамлакатдаги мустақилиқдан маст ёшлар, миллий партиялар, мухолифатдаги кучлар бу давлат бошлигини моҳиятган миллий мустақилликка қарши раҳбар сифатида баҳолардилар. Икки давлат раҳбари олдида ана шуидай муҳим танлов турарди. Ўзбекистон давлати раҳбари, барча МДҲ давлатлари фуқаролари Ўзбекистон фуқаролари бўла олади, деб, Украина раҳбари эса, аксинча, бундай бўлиши қатъян мумкин эмас, деб жавоб берди. Ўша матбуот конференциясидан, Украина давлати раҳбари зиддан олқиши олиб, Ўзбекистон раҳбари эса истеҳзоли жилмайишлар остида чиқиб кетди. Орадан сал ўтмай, Ўзбекистондаги русийзабон ҳарбийлар ва мугахассислар баҳона тополмай, тингиб қолдилар, тез орада Россияни олиб ўтиб кетиладиган ҳарбий таҳника ҳақидаги шов-шуввлар ҳам секин-аста тўхтади. Украинада эса, русийзабон аҳолининг норозиликлари бошланди, «рус ватанпарварлари» томонидан юзлаб ҳарбий техника воситалари, хусусан, янги жанговар ҳаво кемалари ҳам Россияга олиб ўтилди... Орадан бир неча йил ўтгач, мазкур масала реал кун

тартибига кўйилди: Россия давлати ўз мақеини Марказий Осиё мамлакатлари ичкарисида мустаҳкамлаш ва, керак бўлганда, уларининг ички ишларига аралашиш учун замин тайёрлаш мақсадида иккىёқлама фуқаролик борасида ташаббус билан чиқди. Шунда Ўзбекистон давлати раҳбари оқилюна ва аниқ жавоб берди: Ўзбекистон демократик ва ҳукуқий йўналишдаги давлат, унда барча миллатлар тенг ҳукуқга эга. Шу боис рус миллатига мансуб аҳолига иккىёқлама фуқаролик тадбиқ этилса, бошқа миллат вакилларига ҳам шундай ҳукуқ берилиши керак, масалан, корейсларга, украинларга, юнонларга, қозоқларга, тоҷикларга ва ҳоказо. Акс ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб кўйилган миллатлараро тенгҳукуқлилик тамоилии бузилади. Айни пайтда, бундай кенг миқёсли иккىёқлама фуқароликнинг, муайян фавқулодда ҳодисалар юзага келгайда, Ўзбекистон давлати хавфсизлигига, хатто мустақиллигига ҳаттар тутдириши ҳеч кимга сир эмас. Бундай жавобга Марказий Осиё давлатларининг ҳаммасига ўз таъсирини ўғазиб келгани Россия давлати ҳеч нима дея олмади: унинг рӯпарасида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан ўзига яраша қудратли давлат турарди. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлати раҳбарита ҳеч кем, булдан бир неча йил аввалги гапининг бощача эдик-ку, дея олмади ва дея олмасди ҳам. Чунки фикр, умумлан олганда, бекарорлик хусусиятига эга; фикр бекарорлиги – ўзгарувчалиги тараққиёт гарови, фикр баркарорлиги, фикрнинг қотиб қолиши инсониятни таниаззулга, хатто, умуман, биологик тур сифатида йўқ бўлиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги тарихий тажрибасидан чиқарилган фалсафий ҳолосага ҳеч ким қарши туролмайди.

Шундай қилиб, муҳим бир ҳалқаро масалада Ўзбекистон давлати тўла ютиб чиқди: бир томондан, Украина сингари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрмади, иккинчи томондан, жуда катта ҳалқаро обрўга мушарраф бўлди. Лекин бу қувонарди ҳол, маънавий лаззат, Ўзбекистон давлати раҳбарининг руҳий изтироблари, таъна-дашномаларга сабр-тоқат билан чидаши натижасида, фидойилиги туфайли рўй берди. Ўзбекистон давлати раҳбари ўзига шафқатсизлик қилиб, миллатга, Ватангә шафқат қилди, Лоренцо Валла айтганидек, кичик лаззатдан кениб, вақтингчалик изтироб эвазига катта лаззаттә ноил бўлди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Макиавелли қаттиқ қўлпилик, сўзининг устидан чиқмаслик сингари хатти-ҳаракатларни фақат умумдавлат, умуммиллат нуқтаи назаридан келиб чиқиб амалга

оширилсагина маъқуллайди, ҳукмдорнинг босиқ бўлишини, ҳадеб жазолашга интилмаслиги кераклигини айтади; ўз ҳалқида нафрат ва ҳазар ҳиссини уйғоттан ҳукмдорнинг ахволигавой эканини таъкидлайди. Мутафаккир, ана шундай оқил, моҳир ҳукмдорларга эга мамлакат ўз озодлигини қўлдан бермайди, деб хисоблайди. Умуман, шуни таъкидлаш керакки, Макиавелли учун энг муҳими – озодлик, озод Италия, озод жамият, шаҳе эркинлиги, фаолият эркинлиги каби тушунчалар унинг учун энг асосий тушунчалардир. Айни пайтда, одамлардан насронийлик талааб қиласигаи бўйсуниш, сабр-тоқат, ҳамма нарсага шукур қилиш сингари ахлоқий тамойилларни кўрқмай қаттиқ тақиқдастига олади. У Италия озодлигини икки нарса емирганилигини айтади: бири – миллатни бўшашибириб – ожизлаштириб юборган насронийликнинг ҳулқий-ахлоқий тамойиллари бўлса, иккинчиси – ҳар қандай республикачилик ва ҳар қандай озодликнинг душмани бўлган, қудратли Румо салтанати эди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Макиавелли ўз асарларида хусусан, «хукмдор» рисоласида илгари сурган ахлоқий таълимот, давлат раҳбари ахлоқий фаолиятидаги фазилат ва иллатнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига ўтиб туриши, баъзан эса, бири иккинчисини келтириб чиқариши ҳақидаги янгича фикрлари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўйғониш даври ахлоқий таълимотлари ахлоқшунослик тарихда, шубҳасиз, олга ташланган қадам бўлди. Зоро бу давр мутафаккирлари Қадимги дунё ахлоқшунослари илгари сурган наазария ва ғояларни ўрта асрлар мусульмон Шарқи ахлоқшунослари тафаккури призмасидан ўтказиб, хулосалар чиқаришга интилди, муайян маънода уларни Оврўпо ахлоқ илмида синтезлаштириш жараёнини бошлаб бердилар.

2. Тарихда олмон мумтоз фалсафаси деб ном олган тафаккур ўзининг миқёсийлиги ва теранлиги билан ҳануз фикрловчи кишиларни ҳайратта солади. Олмон мумтоз файласуфлари инглиз, француз файласуфларидан фарқли ўлароқ, ўз асарларини кейнгитобхон оммасига эмас, балки тор доирадаги ўқувчиларга, фалсафани мутахассислик деб билган олимларга ва талабаларга мўлжаллаб битганлар. Шу боис уларнинг кўпчилик китоблари, хусусан, ахлоқшуносликка оид асарлари ҳам куруқ илмий академик тилда ёзилган ва тушунилиши оғир. Лекин улар ўз асарларида жаҳон фалсафий тафаккури XIX асрнинг биринчи ярмигача эришган барча ютуқларни илмий тизимларда умумлаштирганлари ва улардан ниҳоятда чуқур илмий хулосалар чиқарганларни билан ажralиб турдилар.

Олмон мұмтоз фалсафасыннинг асосчысы Иммануил Кант (1724-1804) ҳисобланади. Уннинг «Ахлоқий метафизиканың асослари» (1785), «Амалий ақданның таңқиди» (1788) ва «Хүлқұлар метафизикасы» (1797) асарлари асосан ахлоқшунослық ва ахлоқий мұаммоларға бағишилған.

Ахлоқшунослықтың обьектив қонуулар ҳақидағи фан сифатида, Кант, математика билан тенгләштиради: геометрик қатый қоидаларни, инсон үларға ўзи тұла амал қилиш-қымаслиги билан ҳисоблашмагани ҳолда шакллағыттырғани каби, ахлоқшунослық ҳам инсоннинг имкониятлари билан ҳисоблашмайдыған, балки нима ахлоқий эканлигини күрсатадыған қоидалар тақдым этмөгі керак. Шу болис файласуғ ҳуқық ва ахлоқ ҳақидағи фаяларни ақданның шак келтириб бүлмайдыған ёки қатын талабларға асосланған назариялар сифатида олиб қарайды. «Шундай қилиб, — дейді Кант, — амр (императив), бу шүпшай қоюлаки, у ҳақлагы тасаввур субъектив тасодиғий ұтты-харакатни зарурнің қилиб құялди...» Каттый амр зиг авылло, шүниңг үтүн олий да пирөвзар ахлоқий қонууды, у инсоннин факат мақсад сифатида мавжуд деб ҳисоблаиди ва инсонға восита деб қарашни, айниқса, үндан шунчаки восита тарзда фойдаланышын мань этади. Бу олий ахлоқий тамойилга Кант бир неча мисоллар келтиради. Мана; үлардан бири. Дейлик, мени бир ёққа кетаёттан дүстимдан ҳеч кимнинг гувохлигисиз қанчадир пулни сақлад беринш үчүн олиб қолдым. Бу ҳақда ўзимдан бошқа ҳеч ким ҳеч нараса билмайды. Дағынан дүстим хорижда вафот этади. Хүш, мени уннинг пулини ўзимда олиб қолишим мүмкінми? Бу саволға ішік деб жавоб беринш үчүн Кант қатын амрга мурожаат қылади; пулни ўзида олиб қолиши, агар биз бу қоидага умумийлік шаклинин берадыған бүлсак, үнда бошқа ҳеч ким ўз пулини бирорға ишониб қолдирмайды, деган тапни англатади. Чүнки бу ҳолатда ҳар бир киши қарзға берилған пул баъзи шароитта ішік болып кетини мүмкінлігін билған бўлади. Шундай қилиб, Кант назар�다, ахлоқийлік моҳият эътибори ила инсоннинг күнделік майдада ташвишларидан юксакка, улутворликка, илохийлікка кўтарилишидир. Ахлоқ худбинилек манфаатларига амал қилишдан бурчни англашта ўтишдир. Инсон доимо ўз шахси бахтига йўналтирилған майллари натижасыда қатын амр била қарама-қарши келиб қолиши мүмкін. Шу жиҳатдан инсон доимо бурч билан майл оралығыда туради. У ихтиёр туфайли айн ана шу ўз бурчини бажаришига эркін қарор қылади, яғни қатын амрга бўйсунади ва факат мана шу доирадагына ўз ма-

ларига эрк беради. Қатын амрга амал қилиш имконини амалий ақлнинг «сен қила оласан, чунки қилишинг керак», деган қонуни беради. Ахлоқий эътиқод қандайдир ички зўрликка асосланган тизим сифатида иш кўради, усиз инсон ўзини кўзгуда кўрса даҳшатдан сагчиб тушади. «Ҳакам инсоннинг ичидা» ва ахлоқий қарор пировард натижада ҳар бир одам учун ўз-ўзини суд қилиш демакдир. Зеро инсон, у ёки бу муҳим қарорни қабул қиласар экан, ташки тартиблар (амал, бойлик в.х.) эмас, балки фақат бурч амри нуқтаи назаридан иш тутмоги лозим. Бунинг акси рўй бермаслиги инсонга ўзини-ўзи назорат қиссин деб ажойиб назоратчи – виждан берилган. Виждан инсоннинг иккига бўлинниб яшашига чек қўяди: ҳаммасини тўғри тушунган ҳолда нотўғри хатти-ҳаракат қилиши мумкин эмас. Виждан билан беркинмачоқ ўйнаб бўлмайди, уни айттанинга кўндира олмайсан. Уни ухлатиб кўйиш ҳам мумкин эмас, эртами-кечми уйғонади-да, қилмишингта жавоб беришга мажбур этади. Буюк мутафаккирнинг ахлоқцунослигини маълум маънода бурч ҳақидаги таълимот ҳам дейиш мумкин. У бурчнинг икки хили борлигини тъқидлаиди: ҳукуқий бурч ва ахлоқий бурч. ҳукуқий бурчни бажариш учун ташқаридан мажбур этилса, ахлоқий бурч аксинча, фазилатта, яъни ички ҳодисага ихтиёр эркинилигига боғлиқ. Шу боис инсонни ахлоқий бурчга мувофиқ хатти-ҳаракат қилиш қобилиятини Кант фазилат деб атайди.

Ахлоқий бурчнинг ўзини ҳам файласуф иккига бўлади: инсоннинг ўз олдидағи бурчи ва бошқаларга нисбатан, уларнинг айборлиги ёки хурматга муносабликларига қаратилган бурч. ўзига нисбатан бурч, аввало, инсондан ўз-ўзига хурматни талаб этади. Унинг зидди – ўз ҳаётига қасд қилиш, соғлигига путур етказиш, ёлғончилик, очқўзлик ва соҳта итоаткорлик-хушомадгўйлик. Ўзгаларга нисбатан бурч эса, аввало, бошқа одамларни хурмат қилишини талаб этади. У – Кант, «дунёнинг буюк ахлоқий безаги», деб атаган ҳайр-эҳсонда, миннатдорчиликда, қувончу ғамни баҳам кўрища, умуман, инсонга муҳаббатда акс этади. Уларнинг зидди – манманлиқ, дилозорлик, ҳасад, кўрнамаклик ва ичқоралик. Хатти-ҳаракатининг максади ҳам, упинг самараси ҳам эмас, балки унинг нияти, яъни ахлоқий амрга мувофиқлиги ахлоқий ҳисобланади. Ана шу мезон, ахлоқий бурч инсондан хатти-ҳаракатининг эзгу ихтиёр билан қилинишини талаб этади. «Бирор ерда, бу дунёда ҳам, хатто ундан ташқарида ҳам, фақат биргина эзгу ихтиёрдан бошқа нарсани чекланмаган даражадаги эзгулик дейиши мумкинилигини хаёлга келтириб бўлмайди,» – дейди Кант. Эзгу их-

тиёр ҳаракатни ташқи шарт-шароит ва манфаатни ҳисобга ол-масдан баҳолайди, зеро бурчнинг мазмуни биз иштилаёттаги баҳтда эмас, балки баҳтли бўлишга лойиқлигимизладир. «Шу боис, — дейди файласуф, — ахлоқ, сирасини айтгаида, ўзимизни қандай тарзда баҳтли қилишимиз мумкинлиги ҳақида эмас, балки ўзимиз қандай қилиб баҳтта муносаб бўлишимиз тўғрисидаги таълимотдир.»

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Кант ихтиёр муаммосига диний-насроний нуқтаи назардан ёндошиди: даставвал у ёвуз ихтиёр тарзида юзага чиқади. Ёвуз ихтиёр ишон табиатидаги бурч талабини ҳаракат қоидасига айланпшига қарши турадиган майлдир. Ана шунинг учун ҳам ўз-ўзиги билин ва ақнга асъсанган эзгу ихтиёр зарур. Одамлар ана шу эзгу ихтиёр асосида бир-бирларига муносабат қилишлари керак. Бу муносабатдаги мажбуриятларнинг иккитасини Кант энг муҳим деб ҳисоблайди. Булар — муҳаббат ва хурмат. «Ҳар бир кипининг бурчи, — деб ёзали Кант, — хайрли ишлар қелишинидаи. Ялини бирор бир мукофотга умиц боғламасдан, имкони қадар одамларга ёрдам беришидан ва уларнинг баҳгли бўлишига кўмаклашувидан иборатдир.» Мугафакир инсоннаварварликни энг муҳим фазилат, инсонни севмакликни асосий иллат деб ҳисоблайди. Шунингдек, Кант адолат, ростгўйлик, дўстлик сингари тушунчаларга ҳам бағуржка тўхталади.

Кант ахлоқигунослигининг чўққиси — агадий тинчлик гояси: «ҳеч қандай урушга йўл йўқ; на мен билан сенинг орангдаги табиий ҳолатдаги урушга, на орамиздаги давлатлар сифатидаги урушга йўл йўқ... уруни ҳар ким ўз ҳукуқини кўлга киритишни учун зарур бўлган усул эмас.» Айни пайтда, ишоният учун ахлоқий комилликка эришувининг фаол воситасини мугафакир маърифатда кўради. Маърифат учун эса фақат эркинлик, эркинлик бўлганда ҳам жуда зарарсиз, ҳар бир ҳолатда ўз ақлидан ошкора фойдаланидиган эркинлик зарур. Эркин, ҳайратланиб, ихлос билан яшаш лозим. Кант ахлоқигунос сифатида ҳам шундай яшаб ўтди: «Икки нарса ҳақида қанча кўп, қангча узоқ ўйлаганинг сари қалбининг тобора янги, тобора кучайиб борувчи ҳайрат ва ихлос билан тўлиб тошаверади, булар — бошим устидаги юлдузли осмон ва менинг ботинимдаги ахлоқий қонун.»

Бу даврнинг машҳур ахлоқигуносларидан яша бири буюк мутафаккир Георг Вильхельм Фридрих Ҳегелдир (1770-1831). Унинг ахлоқий қарашлари «Илмга ишонч» (1802), «Рух феноменологияси» (1807), «Фалсафий фанлар қомуси» (1817), «Ҳукуқ фалсафаси» (1821) сингари асарларида акс этган. Ҳегель ах-

лоқшунослигининг ўзига хос хусусияти, энг аввало, шундаки, у хулқийлик билан ахлоқийликни икки хил тушунча сифатида тақдим этади. «Хукуқ фалсафаси» асарида у шундай деб ёзали; «Одатда аҳамиятiga кўра, бир хил деб ҳисобланадиган хулқийлик ва ахлоқийлик бу ерда бир-биридан жиддий фарқ қиласидиган маъноларда олинади.» Ҳегель ўзининг мураккаб фалсафий тизимидан келиб чиқиб, хулқийликка шундай таъриф беради: «Хулқийлик нуқтаи назари эркнинг нафақат ўзида, балки ўзи учун ҳам чексиз бўлган даражадаги нуқтаи назардир. Бу ихтиёр рефлексияси ўзида ва унинг ўзи учун ҳақиқий айланлиги ўзида-борлиқлигига ҳамда бевоситалигига ва унда ривожланаётган муйайнликларга қарама-қарши қиёфани субъект сифатида белгилайди.» Содда қилиб айтадиган бўлсак, Ҳегель тушунчасидаги хулқийлик доираси инсонлардаги шахсий ва хусусий ўзаро муносабатларни, субъектив фикрдаги мажбурликни, идеални, ижтимоий-тарихий ҳодисаларга нисбатан танқидий кайфиятларни ўз ичига олади.

Ахлоқийликни эса Ҳегель мана бундай таърифлайди: «Ахлоқийлик худди ахлоқий борлиқда ўзининг ўзида ва ўзи учун ҳақиқий асосига ва ҳаракатта келтирадиган мақсадига эга бўлган ўзини англаш каби, ўзидаги ўзини англашда ўз билимига, ихтиёрига, бу ихтиёрнинг ҳаракат қилиши орқали ўз воқелигига эга жонли эзгулик каби, эркинлик ғоясидир; ахлоқийлик ўзини англашпинг мавжуд дунёси ва табиийяти бўлган эркинлик тушунчасидир... Умуман олганда, ахлоқийликда ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатлар бор, бироқ, улар ахлоқийлик шаклининг моҳияти холос. Эзгулик – бу ерда субстанция, яъни, объективликнинг субъективлик билан тўлдирилишидир.» Ҳегель ахлоқийлик деганда, одамнинг тарихан ахлоқдан олдин пайдо бўлган урф-одатлар ва расм-руsumларга, иккинчи томондан, давлат, табакалар, оила олдидаги ахлоқ билан боғлиқ муйайн мажбуриятига муносабатини назарда тутади.

Ҳегель хулқийликка қасд ва айб, ният ва эзгулик, эзгулик ва виждан жуфтлик тушунчаларини киритади; ахлоқийликка эса оила, фуқаролар жамияти, давлат тушунчаларини тааллукли деб билади ва уларни батафсил таҳлил этади. Эзгулик – эрк даражасига кўтарилиган ихтиёр; амалга оширилган эркинлик, оламнинг мутлақ сўнгти мақсади. Ёвузлик – зарурият, бироқ у рўй бер-маслиги керак. Ахлоқий бўлиш ёвузликнинг зиддига етишиш, акс ҳолда эса эзгулик жўн табиий ҳолатдир. Агар ёвуз қилмишдан қандайдир яхлитликнинг жиҳати сифатидаги ижобий томонни топиб, уни эзгулик деб талқин этилса, у қисман

ўзига, қисман бошқаларга қилингна мунофиқлиkdir. Виждон эса мұқаддас, құл етмас нарса, инсоннинг ўз-ўзига пок ишончи; у эзгулики билишdir.

Ахлоқиілік борасида Ҳегель қониқиши түшүнчасини ўртага ташлайды. Бу борада файлласуф қуйидагича фикрлайды. Ҳатто арзимас бир фаолиятдан қониқиши шундай бұладики, мен ўз рўпарамда турман; ана шу менің қониқиши беради. Мен ўзимда оламни ҳис қыламан. Инсон ниманики бажарса, ҳаммасида иштирок этади, зеро ихтиёр эркинлігі ҳам ана шундан иборатдир. Инсон, аввало, ўз мақсадидан қопиқиши керак, ўшанда унинг амалға ошувидан ҳам қониқиши ҳосил қылади. Оқыл одам, аввало, ўзини қониқтириши керак, күп ҳолларда айнаш шунинг учун ҳаракат қылади, у ўз түшүнчасини, ўзидаги гоясипи қониқтиради бошқаларникүн эмас, бошқалар қониқиши ҳам, қониқмаслығы ҳам мумкин, у ўз түшүнчасини, ўз ақыни табдиқ этиши лозим. Инсон манфаатдан маҳрум бўлсин, деган талаб бўлмағур гап. Улут одамлар кўшигига ўзларини ўзлари қониқтирганилар, агар улар бу ҳақда аввали бөйттегардан сўрағанинаришка эди, утириппиг ишлари, ишубҳасиз, арзимас нарса бўларди.

Ҳегель муҳаббат, никоҳ, оила, фуқаролар жамияті ва давлат ҳақида ҳам ўзига хос фикрлар баён қылади. Севгини файлласуф бошқа билан бирлашишини англаб етиш, ўзининг бошқа билан, бошқанинг ўзи билан бирлашишини билиш орқали ўзидан кечип тарзида талқин этади. Севги – ҳиссисёт, бошқача қилиб айтгаца, шаклга тушган табиияттаги ахлоқиілік; давлатда севги бўлмайди, унда бирлик қонун сифатида англанади.

Хуллас, Ҳегель ҳам Кант каби инсонга ишқоятда катта масъулият юклайди. Унинг ҳолосаси қатъий: «Қонун ҳаракат қылмайди, фақат инсон ҳаракат қылади.»

Олмон мұмтоз ахлоқшунослигига бизга русча матилар орқали Людвиг Фейербах номи билан таниш бўлган Лудвих Фойербахнинг (1804-1872) қарашлари ўзига хос ўрин өгалтайди.

Фойербах янги фалсафани яратиш кераклиги ҳақидағи гояни илгари суради; бу фалсафасининг марказида табиатдан узилмаган инсон туради. Шунинг учун уни фалсафийлаштирилган инсоншунослик ҳам дейиш мумкин. «Ҳақиқий фалсафа, – деб ёzáди Фойербах, – китоб ёзишдан эмас, одамларни яратишдан иборат... Янги фалсафанинг илдизи муҳаббатнинг ҳақиқийлигига». Бу фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкини, Фойербах фалсафаси, маълум маънода, ахлоқшуносликка бориб тақалади. Ахлоқ масалалари, айниқса, унинг «ўлмаслик ҳақидағи масалага инсоншунослик (антропо-

логик) нүқтәи назардан қарааш» (1846-1866), «Спиритуалчилек ва моддиятчилек ҳамда ихтиёр эркинлигига улар муносабатининг ўзига хослиги ҳақида» (1863-1866), «Эвдеймончиклик»(1867-1869) деган асарларида, кундалик ва хатларида кўтарилиган Файласуфнинг ўзидан аввалги мумтозчилардан яна бир фарқи шундаки, у муаммоларга моддиятчилек нүқтәи назаридан ёндошади ва ақлни эмас, ҳиссиётни бирингчи ўринга кўяди. Унинг ахлоқий таълимоти асосан ихтиёр эркинлиги ва баҳт тушунчасига йўналтирилган.

Фойербах таъбирига кўра, инсоннинг моҳияти хаёлий мавҳумот, «руҳ» эмас, балки ҳиссиётдир, бас, шундай экан, шу тамоилига қарши бўлган барча фалсафа барча дин нафақат моҳиятган хато, хатто заарарлидир. Агар одамларни яхшилашни истасангиз, уларни баҳтли қилинг; агар уларни баҳтли қилишни истасангиз, барча баҳту кувончлар манбаи бўлмиш ҳисларга мурожаат қилинг. Инсоннинг мавжудлиги ҳиссиёт билан боғлиқ. Тўгри, ҳайвонларда ҳам ҳиссиёт бор. Лекин уларнинг ҳиссиёти, сезиглари чекланган, яъни, бир сезги аъзоси кучли, бошқалари заиф, кучлиси ҳам фақат ҳис этилгувчи муайян – у ёки бу нарсага қаратилган. Инсон эса барча ҳис этиладиган нарса-ҳодисалар, олам, чексизлик билан боғлиқ ва унинг ҳиссиётлилиги, энг аввало, бошқа инсонни ҳис этишдан иборат. Айни пайтда, инсонга, ҳайвондан фарқли ўлароқ, танилов ихтиёри, ихтиёр эркинлиги берилган. Ҳиссиётли инсон бу ерда хоҳловчи, интилувчи, ихтиёр билдирувчи сифатида намоён бўлади. Лекин шунчаки ўз-ўзича, «соф», ўзининг жисмоний, моддий ташувчисидан ҳоли, вужудсиз, ҳаётсиз ихтиёр – ҳеч нарса эмас. Ихтиёрнинг ташувчиси ёки эгаси умуман инсон эмас, балки муайян, тирик, ўзига хос одам. Зоро ихтиёр-хоҳловчи инсондир. Ўзгармас, замондан ташқаридағи ихтиёрнинг бўлиши мумкин эмас, у – доимо мазмунли ихтиёр, никмагадир ихтиёр. Ҳаётнинг ҳар бир даври ўзи билан янги материал ва янги ихтиёр олиб келади. «Ихтиёр ҳақидаги тадқиқотимнинг асосий гояси – ихтиёр ва баҳтга интилишнинг бирлиги, – дейди мактубларидан бирида Фойербах, – «Мен хоҳлайман» дегани, мен баҳтсиз бўлишни истамайман, яъни мен баҳтли бўлишни хоҳлайман деган маънони билдиради.»

Дарҳақиқат, Фойербах таълимотида «ихтиёр» сўзи «баҳтни ихтиёр қилиш» ибораси билан бир хил тушунилади. Баҳт тушунчаси эса кўп маъноли, ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Баҳт ҳақидаги ва баҳтга олиб борадиган воситалар тўғрисидаги алдамчи тасаввурлар натижасида инсоннинг хоҳлагани – баҳт деб

ўйлагани аслида уни баҳтсизликка етаклаши ҳам мумкин. Лекин, ҳар кимнинг баҳти ўзига хос бўлишига қарамай, барчаси интилиш ва эҳтиёж нуқтаи назаридан умумийликка эга. Файласуф, инсонни жиноятдан ахлоқ борасидаги «ақли» гаплар, эмас, балки баҳт асрар қолади, дейди. Лекин у зодагонларга хос, дабдабали баҳтини эмас, оддий одамларнинг, кўпчиликнинг баҳтини бажарилган ишдан кейин келадиган, зарур бўлган фаровошлиқдан лаззатланиш баҳтини назарда тутади. Шу боис инсонни ишлат ва жиноятдан йироқ тутиш учун, яъни, ахлоқни муомалага киритиш учун аввал унинг йўлидаги моддий тўсиқларни йўқотиш керак. Айни пайдада бошқаларнинг баҳтсизлиги ҳисобига баҳтта эришини мумкин эмас. Менинг олдида Сең йўқ экан, умуман, ахлоқнинг ўзи намоён бўлмайди. Ахлоқ учун камида икки киши керак; Сенсиз Менинг баҳтта эришуви мумкин эмас. Ахлоқ инсонга ўзини-ўзи чеклашини, сабр-қаноатни тақазо этади. Аниа шу чеклаши, сабр-қаноат ҳам баҳт; ҳақиқий онта бошилти, ахлоқли ота, ўзи кўчади лаззатни таом таиновул қилгани ҳодда, хотин, болса-чандасини ота қолдиришинин ўзи учун кулфат деб билади, унинг ўрнига оиласи билан оддий ноиҷойни баҳам кўришдан баҳт ҳиссини туяди. Қаерда бўлмасин, ёвузликни йўқотиш учун бошқа одамларнинг баҳти ва баҳтсизлигидан амалтий иштирок этиш баҳтлilar билан баҳтли, баҳтсизлар билан баҳтсиз бўлиш – мана, сизга ятона ахлоқ, дейди мутафаккир. Инсоннинг ўзига муносабати бошқаларга нисбатан билвосига мажбурият деб сътироф этилгандагина ахлоқий қимматта эга бўлади: менинг оиласи, жамиятим, ҳалқим, Ватаним олдида мажбуриятим бўлгани үчунгина ўзимга нисбатан мажбуриятиман, Яхши ва ахлоқий дегани бир хил. Бироқ фақат кимки бошқалар учун яхши ҳисоблансангина, ўша яхши одам.

Файласуф баҳтга интилишнинг виждан билан уйғулиги тўғрисида ҳам батафсил тўхталади, унинг фикрига кўра, виждан, бу – Мендаги бошқа Мен, мени ўзига нисбатан ёмонликдан тийиб турадиган ёки ёмонлик қилиб бўлгач, азоб берадиган, таъқиб этадиган, тасаввуримдаги бошқанинг қиёфаси, тимсоли. Бошқанинг қиёфаси менинг ўзимни англашим билан шу қадар боғланиб-чирмашиб кеттанки, мен уйим бўлмиш ўз Менимнинг энг яширин, энг сирли бурчакларида ҳам уйдан қочиб, паноҳ топа олмайман; ўзимдан ташқарида бошқа одам мавжудлигини унуголмайман. Демак, мен ёвузлик қилдим, бунига гувоҳ бўлган одам – ёвузлигим курбони, бошқа ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Шунга қарамай, менинг шеригим бор, ўзимда мени сотиши мумкин бўлган, айловчи гувоҳ бор, бу – виждан. Бироқ, ҳаракат олдидан ёки хатти-ҳаракат пайтида у ё жим туради ёки

овози шу қадар заиф ва секин бўладики, хатти-ҳаракат қилувчи унга қулоқ солмайди.

Фойербах таълимотини баъзилар муҳаббат ахлоқшунослиги деб ҳам атасади. Бу бежиз эмас. У ҳаёт муҳаббатдан иборат, ўз, хусусий Менининг қобигида худбишларча бурканиб ётганидан кўра, жуда ҳам арзимас, ғоят номуносиб нарсани севган авло. Зеро фақат битта ёвузлик мавжуд. У ҳам бўлса — худбиналиқ, фақат битта эзгулик бор, у ҳам бўлса — муҳаббат. Инсонни билиш учун уни севиш керак. Фойербахни том маънода даҳрий дейиш ножоиз. Тўгри у Худони тан олмайди, черковдан нафратланади, лекин одамга сифинишни таклиф этади. «Исо, — деб ёзди файласуф, — одам эди, ҳаммага ўхшаган одам. Исога эътиқод инсонга эътиқоддир... Инсон инсон учун Худо... инсонга муҳаббат инсоннинг энг олий, энг биринч қонуни бўлиши керак.» Шу боис Фойербахга замондош файласуфлардан бири Штирнер; «Фойербах динни ахлоқшуносликка, ахлоқшуносликни динга айлантириб юборади», деганида маълум маънода ҳақ эди.

Аввалги адабиётларда, кўпинча Фойербахнинг инсонга муносабати таңқид қилинади. Бунда Маркс ва Энгельснинг фикрларига суюнлади: гёй буюк файласуф инсонни ўз замонидан, ижтимоий муаммолардан ташқарида таҳтил этади. Аслида гап бунда эмас. Фойербах ишонни синфийликдан юқори турувчи умуминсоний қадрият сифатида олиб қарайди, уни инқилобий зўравонликка чақирмайди, уни ўзига хос тарзда илоҳийлаштиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олмон мумтоз ахлоқшунослари инсоният жамияти тараққиётига, унинг ахлоқий юксалишига, шубҳасиз, қиёслаб бўлмайдиган даражада улкан хисса қўшдилар. Лекин, бу — уларнинг назариялари, илгари сурган ғоялари ва ахлоқий қарашлари ҳар қандай нуқсондан ҳоли, деган гап эмас. Чунончи, Кант ахлоқийликни асосан бурч тушунчасига олиб бориб тақаб қўяди, бурчнинг бажарилишида хатти-ҳаракатларни мавжуд шарт-шароитдан устун қўяди, натижада унинг ахлоқий талаби қўпроқ тирик одамга эмас, идеал одамга қаратилган меъёрга айланиб қолади; Фихте ва Шеллинг ахлоқнинг моҳиятини фақат инсоннинг транденциал покликка интилища қўрадилар; Хегель ахлоқий муносабатларининг субъектив жиҳатларини, шахснинг ахлоқий жавобгарлитини бир четга суриб қўяди, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай ҳолатда ҳам устун қўяди. Фойербах эса ахлоқий муносабатларда инсон ҳиссиётига ниҳоятда ортиқча баҳо бериб юборади ва, ақсинча, ақлга ўрин қолдирмайди. Бироқ, бу нуқсонлар олмон

мумтоз мугафакирларининг эришган ютуқлари олдида жузъийлик мақомига эга. Шу боие ҳам улар тафаккури келгуси даврлар ахлоқ илми учун ўёки бу жиҳатдан асос вазифасини бажарувчи таълимотлар бўлиб қолади ва янгидан-янги фалсафий-ахлоқий оқимларининг вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

3. Олмон мумтоз ахлоқшунослигидан кейинги даврда вужудга келган оқимларни, таъбир жоиз бўлса, икки йирик гурӯҳга бўлиши мумкин. Уларнинг бири – идеалистчанорационалчага, иккигачиси – моддиятчи йўналишларни ўз ичтага олади. Лекин, ҳар иккала гуруҳдаги йўналишлар олмон мумтоз фалсафаси таъсирини инкор этиш-этмасликларидан қатъий назар, маълум маънида бевосита ёки билвосита ўша таъсир остида ўзларини намоён этдилар. Фарқ шундаки, биринчи гурух уларни инкор этиш йўлидан борса, иккигачиси таңқидий тасдиқ этиш йўлидан боради. Уларининг ахлоқий таълимотлари ўзлари мансуб бўлган фалсафий оқимлар билан чамбарчас боғлиқ.

Дини давр Оврӯпо ахлоқшунослигидаги норационат йўналишнинг яна бир асосчиларидан бири буюк файласуфи Артур Шоненхайэрdir (1788-1860). Ахлоқий муаммолар унинг «Оlam иҳтиёр ва тасаввур сифатида»(1819-1844), «Ҳаёт мактабининг ҳикматлари»(1851), «Ахлоқшуносликнинг икки асосий муаммоси» (1896) сингари барча йирик асарларида ўргага ташланган.

Шопенхайэр таълимотига кўра, олам – инсон кўз очпши билан кўрган, ҳидлару рангларга, товушлару сукунатга, иссиғу со-вуққа тўла дунё фақат ва фақат тасаввурдан иборат. «Оlam – менинг тасаввурим», дейди файласуф... Оламга ҳозиро келажакда нимаики тааллуқли бўлса, ҳаммаси субъект билан сифатланишга албатта маҳқум ва субъект учун мавжуддир. Олам – тасаввур». Шундай қилиб, олам субъект ва обьектининг ўзаро муносабати сифатида намоён бўлади. Чунки биз фақат кўзимизни, кулоғимизни, қўлимизни, тилимизнигина бевосита биламиз, олами эмас. Олам, – мен уни ўз тасаввуримда қаңдай қабул қилаётган бўлсан, – у шундай. Бу масаланинг бир томони, иккингичи томони – иҳтиёр. У тасаввурга ўхшамайди, бутушилай бошқа, сирли, ҳали кашф этилмаган, эҳтимол, умуман кашф этиб бўлмайдиган нарса. У барча мавжудликнинг ибтидоси. Иҳтиёр, бу – мутлақ эркин хоҳлаш, исташ, унинг на сабаби, на асоси бор. У – оламининг ички мазмуни, ўз-ўзича англамаган ҳолат, кўр-кўрониа тўхтатиб бўлмайдиган шиддат: ҳатто дараҳтлар учиди ҳам иҳтиёр ҳукмрон, улар юқорига, нурга қараб интилади, илдиз пастта интилади – намни иҳтиёр этади. Жисм фақат юқоридан

пастга – вертикал тарзда қўллайди... Ихтиёр, бу – макон ва замонда яшайдиган мавжудотларнинг пайдо бўлишини таъминлайдиган куч. Лекин унинг ўзи макон ва замонга бўйсунмайди, уни билиш мумкин эмас. Инсон эса, энг аввало, ихтиёр этгувчи, истагувчи, хирс қўйгувчи, ва фақат ундан кейингина, билгувчи, фикрловчи мавжудот. Ихтиёرنинг намоён бўлиши шакли фақат ҳозир, келажак ҳам, ўтмиш ҳам эмас. Шу «ҳозир»нинг манбай ва мазмунини ўзида мужассам этадиган нарса – яшашга ихтиёр, яни ўзимиздан иборат бўлган «нарса ўзида».

Оламий ихтиёр ёки ихтиёр сифатидаги олам инсонни ўз йўриғида тутади. Инсон одатда ихтиёр кўлида, хоҳиши-истаклар исканжасида яшайди. Унинг яшашга бўлган ихтиёри, истаги тоягда кучли. У яшаш истагида янгидан-янги ихтиёр исканжасига тушаверади. Инсондаги ҳудбинлик уни ихтиёрга кул қилиб қўяди: ўзим бўлсан, ҳаммаси менини бўлса, деган ақида билан, иш кўради. Бир истак бажарилиши билан иккинчисига ҳаракат бошланади, ундан кейин учинчисига, тўртингисига ва ҳоказо... Инсон бир истак билан кифояланмайди. Натижада унинг ҳаёти тигнимсиз ҳаракатдан иборат бўлади, ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Бу ҳаёт – ҳаёт эмас, ёвузлик, ёлғон, азоб, фожиалардан иборат мавжудлик. Инсонни баҳт деб интилгани охир-оқибат баҳтсизлик бўлиб чиқади. Чунки том маънодаги инсоний баҳтнинг ўзи йўқ. Яшашга ихтиёр, хуллас, чексиз изтироблар манба; ўз баҳтига интилган ҳар бир одам бошқалар учун иблис бўлмоғи лозим; аслица иблис шахсийлашган яшашга ихтиёран бошқа нарса эмас. Демак, баҳтта интилиш – барча ишлатларни келтириб чиқарувчи манба. Бу ҳодиса Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақидаги эртак» асарини эслатади. Ихтиёр чангалидаги инсон балиқчи чолнинг хотинига ўжшайди: энг улкан баҳтга эришаман деб, баҳтсизликка эришади. Зоро Шопенхauer низдида ҳаётда доимо ҳудбинлар кўғчиликни ташкил этади. Ихтиёр чангалидаги ҳудбии ўлимдан қўрқади, чунки ўлим ихтиёрга, барча хоҳиши-истакларга чек қўяди. Асл инсон, юксак ахлоқ эгаси ихтиёрга, энг аввало, ҳаётга, яшашга бўлган ихтиёрга чек қўймоғи лозим. Яни, инсон ўлимдан қўрқмаслиги, унга интилмоғи керак. Чунки инсон учун сўнгти мақсад – ўлим. Инсоннинг бутун-ҳаёти ўлимга тайёргарликдан иборат; инсон ўлим учун туғилади.

Хўш, инсон ихтиёр чангалидан кутиламан, барча азоб, изтироб, фожиалардан фориф бўламан деса нима қилиши керак? Ўзини-ўзи ўлдириши лозимми?. Шопенхauer бунга, йўқ, деб жавоб беради. Чунки ўзини ўзи ўлдираётган одам яшашни хоҳлайди, фақат у берилган ҳаётдаги шарт-шароитдан норози.

Шу боис ўзини ўлдирган киши ҳаётга бўлган ихтиёрдан эмас, ҳаётнинг ўзидан юз ўтиради. Ваҳоланки, бунииг акси бўлмоғи лозим. Инсон барча хоҳици-истаклардан бош тортмоғи, ихтиёр панжаларидан кутилмоғи керак. Ўшандада инсон яшайверади, лекин ҳаёт унинг учун ҳеч нарса эмас; энди инсонни ҳеч нарса безовта қила олмайди, у ҳақиқий хотиржамликка, истаксиз умрга эришади.

Бундай даражага эришиши, ўз ҳақиқий «Мен»имизнинг ҳодисаси бўлмиш бутун олам билан биргаликдаги тўлақоили мавжудликни кўлга киритиш имкони шафқат орқали амалга ошиди. Шафқат ўзида ўз «Мен»имизнинг азалий, ибтидоий терапијиди, барча бошқа изтироб чекаётган мавжудотларга нисбатан кўнгли очиқликда, уларга бўлган меҳр-муҳаббатда намоён бўлади; шафқат қандайдир умумбашарийлик ва умумжаҳонийликниң идеал миқёси; у биздан изи сўрамай ўз аҳамиятини кўрсатади ва биз айбеиз айборд бўлиб қоламиз – бор мавжудотнинг изтиробларига айборд, ҳамла алокалор жонзотга айланамиз. Бу ҳолатни Шопенхайэр йиги ҳодисаси билан далиллайди: биз изтиробни ҳис этажтанилигимиз учун эмас, балки ўзимизга ёки бошқаларга ачинганимиз учун йиглаймиз; ҳатто бола оғриқни шунчаки ҳис қылганидан эмас, кўнишча унга ачинганимиздан, раҳмимиз келганидан йиглаб юборади. Биз йиглаётган пайтда ўзимизни дарҳол изтироб чекаётган одам ўрнита қўйиб кўрамиз ёки унинг тақдирица бутун инсоният чекига тушган қисматни, аввало, ўзимизнинг қисматимизни англаймиз, дейди файласуф. Ана шу ҳодиса барча мавжудотлар билан борлиқ барқарорлигининг ички бирдамлигини намоён этади. Демак, бошқа одам ёки бошқа жонзот азобига ҳамдард бўлиш, ачиниш орқали инсон барча тирик зотлар билан мохиятан яқилигини, қардошлигини англайди. «ҳақиқий ахлоқий хатти-ҳаракат, бу бошқалар учун қилинган хатти-ҳаракатдир. Бу – унинг баҳти ё қайғуси хатти-ҳаракатимнинг бевосита сабаби бўлиши керак, дегани. Бошқача қилиб айтганда, мен ўзимда ўзимни у билан айналаштираман. Бу – шафқат ҳисси», – дейди Шопенхайэр. У яна бир ўринда шафқатни инсон табиатидаги ахлоқийликнинг сўнгти асоси, деб атайди.

Шундай қилиб, Шопенхайэр ҳаёт фалсафаси оқимига асос солган бўлса, унинг етакчиси яна бир буюк олмон файласуфи Фридрих Нитцшедир (1844-1900). Унинг ахлоқда муносабати «Зардушт дедики...»(1883-1884), «Эзгулик ва ёвузликнинг нариги тарафида» (1886), «Ахлоқнинг келиб чиқишига доир»

(1887). «Ҳукмронликка ихтиёр. Барча қадриятларни қайта баҳолаш тажрибаси» (1889-1901) сингари асарларида акс этгани.

Нитище ҳақида ҳозиргача бир-бирини тубдан инкор қиласидиган иккى умумий фикр мавжуд. Бири – уни фашизмнинг асосчиси, урушлар тарафдори, ахлоқсизликни, зўравонликни маъқулловчи, мафкурачи-файлласуф сифатида, иккинчи умумий фикр – уни инсон шахси озодлигини, инсон хусусийлигини бўргтириб кўрсатган, инсонни улут мавжудот эканини ёдига со-лувчи, шахс эрки тарафдори бўлган мутафаккир тарзида талқин этади. Хўш, аслида у қандай файлласуф?

Аввало, Нитищенинг инсон ҳақидаги фикрига, таърифиға эътибор берайлик: «Бутун коинотда инсон қиёфасидан ҳам жирканчлироқ бирор бир нарса топиш гумон». Ёки: «Ернинг териси бор ва бу терила эса касалликлар мавжуд. Ана шундай ка-салликлардан бирини инсон деб атаниади». Агар бу фикрларни тўғридан-тўғри олиб қарайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам киши даҳшатта тушади: наҳотки, инсон, улуг мавжудот, табият сарвари, Худонинг Ердаги халифаси шундай жирканч бўлса?! Бу – бўйтон, телбалик, арzon шов-шув учун айтгилган гап, маънавий олифтагарчилик. Лекин уларни рамзий тарзда тушунадиган бўлсак, мана қандай манзаралар кўз олдимизга келади; Фирдавсийдаги Захҳок, Навоийдаги Жобир, Шекспирдаги Яго; Нерон, Чингизхон, Ленин, Сталин, Хитлер, Пол Пот... Хўш, булардан ҳам жирканчлироқ қиёфалар борми оламда? Энди териси касалланган Ерни тасаввур қилинг! Алам билан Хиросимани, Нагасакини, Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши яраларини қашиётган Она-Ер тимсолини кўз олдингизга келтиринг, ҳозирги кундаги экологик бухронни ўйланг... Демак, Нитищенинг гапида жон бор.

Файлласуф одамларни уч тоифага бўлали: охириги одамлар, яхши одамтар ва ало одам (одамдан юксак одам). У Зардушт тилидан шундай дейди: «Қарангиз! Мен сизга энг охириги одамни кўрсатаман. «Мұҳабbat – нимадир? Яратмоқ – нимадир? Ингилмоқ-чи? Юлдуз дегани нима?». Охириги одам ана шундай деб сўраб туради ва кўзларини пирпиратади. Ер кичкина бўлиб қолди ва унинг юзасида ҳамма нарсани кичрайтирувчи митти одам сакраб-сакраб юрибди. Унинг уруғи суварак каби қирилиб битмагай: охириги одам ҳаммадан кўпроқ яшайди. Улар вақти-вақти билан аңдак заҳар ютади. Шундан яхши тушлар кўради... Чўбон йўқ, ҳаммаси – пода! Ҳар ким тенглик истаёди, ҳамма – тент. Кимда-ким бошқача англаса, ўз ихтиёри билан жиннихонага йўл олади. «Илгари бутун олам телба эди», дейди

уларнинг энг оқишлоари ва кўзларини пирпиратади «Бахт-иқболни биз топганимиз», деб айтади охирги одамлар ва кўзларини пирпиратади».

Мана яхши одамнинг таърифи: «Мен шундай одамни севаманки, у ало одамга макон қурмоқ учун заҳмат чекади ва ихтиролар қиласди ва унинг келмоғи учун ер, маҳлуқот ва набототни ҳозирлаб қўяди. Зотан, шу тарзда ўз ҳалокатини истайди. Мен шундай одамни севаманки, у яхшилигидан интилиш ва толеъни ясайди. Зотан у худди мана шундай – ўз яхшилиги учун яшашини истайди ва бошқача умр кечиришини билмайди.»

Ало одам тўғрисида эса Нитице қўйидагича фикрлайди: «Мен сизларга Ало одам тўғрисида таълимот кслтиридим. Одам шундай бир хилқатдирки, ундан ошиб ўтмоқ керак. Сиз ундан ўтмоқ учун нима қилдингиз? Шу дамгача барча хилқатлар ўзидан юқорироқ иедир бир нарса яратди. Сиз шу улуг тўлқинидан сачраган кўпик бўлшиб ўтиредингизми? Одамдан ўтиш ўринига, тезроқ боз яна вахший ҳайвон туслига киришга ошиқдингизми. Ало одам – заминнинг мазмунни. Биродарларим, мен сизга иштилоқ қилиб, заминнига солинк бўлининг из сизга ср узра умид тўғрисида сўзлаётганларга ишониманг! Ўзларни биларми, бильмасми, бирибир, улар заҳарлагувчилар, деб айтуман... Чиндан ҳам, одам – лойіқа селдир. Уни ўзига ютиб тоза қилмоқ учун фақат деңгиз бўлмоқ керак. Қараинг, мен сизга ало одам тўғрисида сўзлаётман; У ўша деңгиз, унда сизнинг улуг нафратиниң чўқиб кеттаи... У – чақмоқ. У – телбалик!...» (И. Гафуров таржимаси).

Энди уяла одам туриши тасаввур қилиб қўрайтик. Мисол таъриқасида «Алпомиши» достонига мурожаат қилайлик. Охирги одамлар кичкина жойдаги кичкина иссиқ ўринилари учун Алпомишиниг ўғли Ёдгорни хўрлаган баковул, Улпоғозини хон кўгариб, унинг дастурхони сарқигларини завқ билан кутгиган яшаётган кичкина одамлар эмасми? Улар агар катта ҳарфрлар билан ёзиладиган «Мұжаббат» сўзининг маъносини билганишларида, юлдузлар билан ақалли бирор тун сўзсиз сухбатлашгандаридан пасткаштиқ қила олармидилар? Нитице улар ҳақида бошқа бир ўринда майдалашшиб кетган бундай одамлар, хукмронликка лаёқати бўлмаган, иполойиқ шахсларнинг муваффикиятлари учун йўл очиб беради, улар буйруқ берадиган ҳар қандай иродада кучи олдида тиз чўқадилар, дейди. Яхши одам-чи? Яхши фазилатли одам Қоражон эмасми? Қоражонлар Алпомишиниг келиши учун, юзага чиқиши учун ҳамма нарсани қилишга, керак бўлса, жопини беришга тайёр. Алпомишиларининг уларсиз рўсбга чиқиши мумкин эмас. Алпомишилар эса – заминнинг мазмуни. Шу сабабли Нитице уларни инсониятнинг орзу-умиди деб таърифлайди: «Бизнинг моҳиятимиз –

ўзимиздан юксакроқ мавжудотни яратылдан иборат. Ўз чегарамиздан наридаги ўзимизни яратиш... Қаңонидир у — ерга мақсад, күткәрүвчи инсон келиши керак...Худо ўлди; ва бизнинг истагимиз — Ало одам яшасин». Бундай одам олдида қонуулар бош эгади, унда ҳам қонунчи, ҳам санъаткор омухталашиб кеттап бўлади.«Дарражалар пиллапоясида инсон эгаллайдиган ўрин у чека олиши мумкин бўлган изтироблар билан белтиланади», дейди файласуф. Бунинг учун, яни, ало одам бўлиш учун инсон анъанавий ахлоқий қадриятлардан кечиши керак: шафқатли эмас, шафқатсиз бўлиши лозим, рост — бор йўғи қатъи амр, ёлғон эса — ҳаётнинг доимий йўлдоши, ҳатто шарти, ҳар қандай фазилат нодонликка, ҳар қандай нодонлик фазилатта етаклайди... — Мана, Нитцшенинг қадриятларни қайта баҳолаши. «Ахлоқ, — дейди у, — инсоннинг табиат қошидаги олифтагарчилити». Зоро ахлоқ туфайли, ёввойи, эркин, дарбадар, инсоннинг барча табиийяти (инстинкти) доимий мажбурликда сақланиши натижасида ташқарида қўлланиш имконини топмасдан ичкарига уриб кетади. Шу боис одам ўзини ички сикувда сақлайдиган ахлоқий қадриятлардан кечиши керак, эркин бўлиши лозим. Бу эса, юкорида айтганидек, изтиробни талаб этади. Изтироб ўзгаларга эмас, ўзига шафқатсизликдан, эзгулик ва ёвузлик доирасидаги фазилатлардан кечиб, ундан нарига тарафга ўта олишдан, яни, муайян давр учун қонулаштириб қўйилган ахлоқ меъёrlарини бажармасликдан, уларни кунфаякун қилиб ташлашдан иборат. Прометей тақдиди бунга яхши мисол бўла олади. У Зевс ўрнатган ва ҳеч бир маъбуд тасаввур эта олмайдиган, жиноят қилди. Олимп илоҳий жамоасидаги азалий ахлоқ қоидаларини бузди — инсонга, зулматта маҳкум мавжудотга олов ўғирлаб келтириб берди ва бу «ўғри» қояга парчишланиб, кўз кўриб, кулоқ эшигмаган азобга маҳкум этилди. Хитлер ҳам, Сталин ҳам, Пол Пот ҳам эмас, айнан ана шу «ахлоқсиз» маъбудни ало одамнинг азалий тимсолидир, дейиш мумкин.

Фридрих Нитцшенинг олмон миллатчилигидаги айблашади. Ваҳоланки у: «Олмонлар — уларни қачонлардир мугафакирлар деб аташарди, ҳозир, умуман фикрлай оладиларми? — Duetshland, Duetshland Über alles, кўрқаманки, олмон фалсафасининг ёўнти шу бўлмаса эди...»— дейди. Нитцшенинг душмани сифатида талқин этишади. Ваҳоланки, у мана бундай дейди: «Яхудийлар, шубҳасизки, ҳозир Оврўподаги энг кучли, энг тиришқоқ, энг тоза ирқ»; «мамлакатдан аксилсемигчи бақироқларни чиқариб юбориш, эҳтимол, фойдали ва адолатли бўлур эди». Ёки майа бу фикрга эътибор қилинг: «Ҳеч қанақанги американча кела-жакнинг бизга кераги йўқ! Олмон ва славян ирқларини пайванд-

лаш лозим!». «Мен ҳатто олмоплар славян қонининг кучли араплагани туфайли истеъодоти миллатлар қаторига кирди деб ўйлайман». Бу мисоллардан кейин Нитццени ирқчиликда айблаш кишига эриш туюлади. Тўғри, у яхудийларни баъзи ўринларда «қамчилаб» ўгади. Лекин уларнинг асосий айбини Исони дунёга келтирганиликда кўради. Исони эса одамларни шалпайган, эрксиз мавжудотга айлантириб қўйганиликда айблаиди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Нитцше-Шопенхауэрнинг шогирди. Эслайлик: Шопенхауэр ахлоқий иллатларни биринчи ўринига қўйиб, фазилатларни мустақил ҳодисалар эмас, балки иллатларнинг акси тарзида талқин этган эди. Нитцце эса бу борада яна ҳам илгарилаб кетади: иллатларни фазилат тарзида, фазилатларни иллат тарзида тақдим қиласди. Унинг наздида, инсон ўз иллатларини тузатмаса ҳам, уларни очик, ҳалол эътироф этиши, иллатларимизни фазилатлар орасида беркитнб туришсан, фазилатлар билан ишқобланидан афзалидир. Нитцце, шу сабабдан ҳам эзгулик, шафқат, бурч каби тушунчаларни эмас, тўғрилик ва ахлоқийликни ахлоқининг негизи деб билади. Демак, Нитцше таълимотини ўрганиш учун кўп ўринларда унга нивслернинг дурбини орқали қараш, яъни, фикрлар ортидаги тескари маънони тушунмоқ лозим бўлади. Чунончи, у Исони, насронийликни, боя айтганимиздек, айбдор деб санайди, улар шаънига аччиқ гаплар айтади, ўзини аксилиасроний деб атайди; файласуф атто сўнгги асарларидан бирига «Аксилиасроний» номини ҳам берган. Лекин аслида у Исони, насронийликни севади: «Мен қалбан ҳеч қачон насронийликка қарши гуноҳ иш қилмаганиман», дейди Нитцце. Сўнгги мактубларига эса унинг «Хочга парчишланган кимса» деб имзо чекканлиги маълум. Буларнинг сабаби шундаки, мутафаккир инсонни ҳам, Исони ҳам, ахлоқни ҳам севади, лекин улар ўзлари ўзлигини намоён қила олмаганидан, чекига тушган вазифани бажармаганидан, кўтарилиши мумкин бўлган юксакликка кўтарилмаганидан — майдалашиб кетган буюклидан газабланади, алам билан, жаҳл билан фикрлайди. «Жаҳл келганда, ақл кетади», деган мақол назаримизда кўпроқ Нитцшега тааллуқди.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, маълум маънода, Нитцзени олмон Ноstrадамуси дейиш мумкини. Социализм ҳақида у мана шундай башорат қиласди: «...қисқа вақт оралиғида ўта террорчиллик воситаси билангина мавжуд бўлишга умид боғлаши мумкин... - Шунинг учун у аста-секирилик билан даҳшат

хукмронлигига тайёргарлик кўрмоқда». Дарҳақиқат, Сталин социализми ҳам, Мао Цзе Дун, Пол Пот, Шарқий оврўпо социализми ҳам жуда қисқа умр кўрди ва шу қисқа муддатда ўзини қатагонлар воситасидагина сақлаб турди. Нитище энг тинч даврларда, уруши хаёлидан йироқ йилларда, тарихда мисли кўрилмаган урушларнинг кетма-кет келиши, уларда ер юзида хукмронлик қилиш учун Россия билан бирлашган Оврўпо кучларининг тўқнашуви ҳақида ёзади. Дарҳақиқат, Нитище вафотидан кейин ўн тўрт йил ўтар-ўтмас Биринчи жаҳон уруши бошланди, кейин Россия инқилоби, Антанга ҳужуми, фуқаролар уруши, Сталин ва Ҳитлер қатагонлари дунёнинг кўп қисмини қонга ботирди; ундан сўнг Иккинчи жаҳон уруши бошланди: Ҳиросима, Нагасаки фожиалари, миллий озодлик утун олиб борилган урушлар, Вьетнам уруши, Лотин Америкаси ва Африкадаги партизанлик ҳаракатлари, фуқаролар урушлари, Эрон, Ироқ, Афғонистон, Тоҷикистон... Бундай урушлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Унинг Россия, Олмония, ҳатто Оврўпо Иттифоқи ҳақидаги фикрларини ҳам бемалол баҳорат дейиш мумкин. «Бу Оврўпо ҳалқдари Иттифоқида ҳар бир алоҳида ҳалқ, жуғрофий мақсадларига мувофиқлашган чегараларда муайян кантон ўринини эгаллайди», — дейди файласуф. Уларинг ўзаро муносабатлари қуроли кучлар эмас, балки «ўзаро фойдалилик» тамойили асосига курилишини таъкидлайди. Бу Иттифоқнинг тузилганига, тамойили ҳақиқатан «ўзаро фойдалилик» эканига, пул бирлиги «евро»нинг муомалага кирганига ўзимиз гувоҳмиз.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси Нитище қиёфасининг бир томони, унинг иккинчи томони ҳам бор: «... бир томондан, табии ташлов йўли билан, иккинчи томондан — миллионлаб ожиз ва омадсизларни зўрлик билан йўқотиши йўли орқали келажак одамни яратиш керак...» Ёки: «ўзининг йиртқичларча жасоратидан кейин улар мағрур ва виждони енгил тортиб, ўзиши қандай сўйгани, ёндиргани, қийноқча солгани, зўrlаганини ҳатто эсламай, худди талабалар базмидан кейин уйига қайтаётган» идеал одамни, «малла шайтонни» кўз олдингизга келтиринг. Нитище, паст ирқларда, масалан, қора танлиларда, оғриқиҳи ҳис қилиш қобилияти кам, дейди. Бошқа бир ўринда у: «ҳаёт — урушлар натижаси, жамият — уруш қуроли. Урушдан бош тортиш катта миқёсдаги ҳаётдан бош тортмоқ демакдир», деган фикрни айтганид. Булар шунчаки ҳазил эмас. Нитище инсоният келажагида икки йўналишни кўрди: бири социализм, иккинчиси фашизм, у социализмнинг террорлари-ю, тенглаштиришларидан нафратланиб, фашизмни маъкул кўрди. Зоро мана бу фикрлар ҳам

уники: «Оврўполиклар ҳозир ўзларини моҳиятган Ер юзидағи олий одамлар деб хәёл қыладилар. Аслида эса осиёликлар ҳар жиҳатдан оврўполиклардан бир бош баланд турадилар.» Шу ўринда буюк олмоп аксилфашист ёзувчиси Томас Манинг Нигще фашизмни эмас, фашизм Нигщени бунёдга келтирди, деган фикрини эслатмоқ жоиз.

Хуллас, Нигще ахлоқий таълимотига терен, әхтиёт бўлиб ёндошмоқ лозим. Бу таълимотдаги икки хил қарааш ўзаро диалектик муносабатни инкор этади. Унга бекарорлик фалсафаси-синергетика нуқтан назаридан ёндошмоқ лозим. Нигщенинг тимсолли тили билан айтадиган бўлсақ, бу «ёқимсиз ҳақиқатлар» файласуғининг бир юзидан ўтиб, иккитичи юзига тарсаки туширмоқ керак. Ҳар ҳолда унинг таълимоти жаҳон фалсафаси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди; ҳозир ҳам унинг энг илғор қараашлари ялги-ялги фалсафий оқимларнинг юзага келишини учун турткни базифасини ўтамоқда.

Олмоп мумтоз фалсафий тафаккуридан кейин наидо бўланган яна бир оқим, нигщечеплик каби амалда тадбиқ этилган йўналиш бу марксчилекдир. Олмоп мумтоз фалсафаси заминида, асосан, Кант, Хегель ва Фойербах қараашларини янгилаш асносида вужудга келган мазкур оқимнинг асосчилари Карл Ҳайнрих Маркс (1818-1883) ва Фридрих Энгельсdir (1820-1895).

Маркс ва Энгельс ўз асарларида ахлоқшуносликка деярли бевосита ўрин бермаганилар, балки ахлоққа моддийлик нризмаси орқали, яъни, билвосята муносабатда бўлганилар. Шу боис уларнинг ахлоқий муаммоларга бағишланган маҳсус асарлари йўқ. Улар асосан инсоқ: эрк муаммосини ишлаб чиқариш ва синфиийлик тушигчаси билан bogлиq ҳолда ўрганидилар. Чунончи, Маркснинг уч жилдлик «Сармоя» («Капитал») асарида кўтарилган иқтисодий масалалар, хусусан, қўшимча қиймат, инсоннинг иқтисодий бегоналашуви, меҳнатдан бегоналашуви сингари ҳолатлар одампинг ўз асл моҳиятидан бегоналашувига олиб келиши, уни эркисиз мавжудотга айлантириб кўйиши ҳақидаги қараашларини илгари суради. Лекин бу таълимотда инсоннинг маъниавий муносабатларй масалалари, афсуски, иқтисодий муаммолар соясида қолиб кетади, инсон бор-йўғи обьектнинг, моддий табиатнинг бир бўлаги сифатида олиб қаралади, бевосита бўлмаса ҳам, билвосята шахс эркинлиги деярли инкор этилади; шахснинг фикри, у ким бўлишидан қатиъ назар, жамоатчилик фикритга бўйсундирилади. Бу таълимот амалда тадбиқ этилганида, унинг асосчилари буни қанчалик ис-тамаган бўлишсин, доим жамиятда тенгглаштириш ҳодисаси ву-

жудга келади. Бундан ташқари, марксчиллик инсониятни, миллиатни, жамиятни синф деб аталмиши бир неча бўлакка бўлиб ташлайди, натижада умуминсоний қадриятлар синфий нуқтаги назардан қайта баҳоланади.

Маркс Йозеф Вайдемаерга ёзган хатларидан бирида ўз таълимотининг янгилигини қўйидаги тарзда қисқача таърифлайди: 1) синфларнинг мавжудлиги фақат ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий босқичи билан боғлиқ; 2) синфий курашнинг йўқсуллар (пролетариат) диктатурасига олиб бориши зарурат; 3) шу диктатуранинг ўзи ҳар қандай синфийликни йўқотиш ва синфсиз жамиятга ўтишдан иборатдир. Йўқсуллар диктатурасини ўрнатишга эса, «Коммунистлар партияси манифести»да айттилганидек, «мавжуд ижтимоий зулмни буткул зўрлик йўли билан ағдариб ташлаш орқалигини эришилади». Инқилоб ва йўқсуллар диктатурасининг моҳиятан авторитарлиги ҳақида Энгельс мана бундай дейди: «Инқилоб, шубҳасиз, ўта авторитар нарса. Инқилоб шундай ҳодисаки, унда аҳолининг бир қисми иккичи қисмига ўз хоҳиш-иродасини милтиқ, найза ва замбараклар воситасида, яъни фавқуодда авторитар воситалар ёрдамида ўtkазади. Агар ғалаба қилган партия ўз ҳаракатлари мевасини бой беришни истамаса, у хукмронлигини реакционерларни қўркувда тутадиган куроллар воситасида тутиб туриши керак.»

Марксча ахлоқшунослик ҳам асосан, ана шу фикрлардаги моҳиятта бўйсундирилади: ахлоқ ички инқилобий омил сифатида, омма ҳаётий шароитини яхшилашга сафарбар қилувчи ҳодиса тарзидан талқин этилади. Маркс ва Энгельснинг фикрига кўра, инсон ўз шахсини тараққий эттириши ва эркинликни таъминлаши учун фақат жамоадатигина имкон топади. Бахтнинг моҳияти – бахтга эришишида эмас, балки курашнинг ўзида. Инсон фақат умумий коммуна иши манфаатлари учун яшаши лозим. Айнан мана шу манфаат – энг олий қадрият ҳисобланади. Бу қадриятни барқарор этиш – коммунистга мафкуравийлик орқали амалга ошади ва инсониятни «бир киши ҳамма учун, ҳама бир киши учун» деган тамойилда яшашга даъват этади. Хуллас, юқорида айтганимиздек, марксчиллик илгари сурган коммунистча ахлоқ – жамоатчилик ахлоқидир. Шахс – ана шу жамоатчилик ахлоқини амалга оширувчи восита, холос.

Маркс ва Энгельс таълимотининг энг улкан хатоси шундаки, у ақсли, қоринни тўйдириб, яхши кийинган ҳолда, ибтидоий жамоа тузумига, тўғрироғи, унинг янгича интеллиектуал кўринишинга қайтишни тарғиб этади. Қайтиш, у қанчалик та-

рақиёт деб жар солинмасин, қандай ном билан аталмасин, ҳеч қаочои олға қадам бүлолмайды. Яъни, тарих ғилдирагини зўрлаб ортта айлантириш, у қай шаклда амалга оширилмасин, инсоният учун бир эмас икки томонлама заар: бу улканликда ва оғирликла тенгсиз ғилдирак шунчаки ортга юрмайди, ўз йўлидаги аллақачон яратилган умумисоний ва миллий қадриятларни, маънавий бойликларни мажақлаб боради; бир қанча вақтдан сўнг, уни ортга айлантираётган куч заифлашганда эса, изидан чиқиб кетиб, зудлик билан яна аввалги ўринига қайтади; бу иккинчи қайтишда ҳам иисониятнинг маънавий ва моддий курбоилар бериши табиий ҳол. Шу нуқтаи назардан маркесчилик, қанчалик бўяб-бежалмасин, у зўравонлик мағкураси, қорин фалсафаси сифатида, ортга қайтиш тарзида, моҳиятган шахс эркинилгини йўққа чиқарувчи, юксак ахлоққа зид, реакцион таълимотдир.

Мумтоз тафаккурининг ўзига хос хусусияти ишулари иборат-ки, мұайин тарихий даврда маънавият соҳасидаги эришишни югуруннин тизбемти тарзда боштигиб, уларни янгича қарашлар ва йўналишлар воситасида нафбатдаги юқори босқичга олиб чиқади. Олмонлардан сўнгра ана шундай мумтоз тафаккур XIX аср охири XX аср боилиарида русларда воқе бўлди.

Бу даврда рус мутафаккирлари маънавиятнинг барча соҳаларида жаҳонда етакчилик мавқеиши эгалладилар. Л. Толстой, Ф. Достоевский, И. Тургенев, Н. Некрасов, Н. Чернишевский, Вл. Соловьев, Н. Лосский, Н. Бердяев, С. Булгаков, С. Франк, П. Флоренский, В. Розанов, А. Чехов, А. Ахматова, Б. Пастернак, И. Бунин, С. Есенин, М. Горький. В. Набоков, Б. Вышеславцев, Г. Шпет, В. Верещагин, А. Лосев сингари буюк номлариниң баъзилари ана шу даврда бугун куч-кувватлари билан ўз фаолиятларини ниҳоясига етказган бўлсалар, бошқалари ўз фаолиятларини чет элларда давом эттирдилар. Баъзилари ижодида бадиий тафаккур борасида реалистик йўналиш биригчи даражали ўрин эгаллаган бўлса, бошқалари фалсафий-ахлоқий ва эстетик тафаккурда диний-идеалистичча йўналиш фалсафий-ахлоқий тафаккурни мумтозлик даржасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур йўналишнинг вужудга келиши ва тараққий топишида буюк рус файласуфи Владимир Сергеевич Соловьевнинг (1853-1900) хизматлари катта.

Владимир Соловьевнинг ахлоқий қарашлари унинг қатор асарларида ифода топган. Улар орасида «Эзгуликни оқлаш. Ахлоқ фалсафаси» (1897-93) китоби алоҳида аҳамиятга эга. Унинг би-

ринчи қисмидә уят, шафқат ёки ачиниш ва художўйликдан иборат ахлоқий түшүнчалар учлиги асосий ўринин эгаллайды. Хүш, уят нима? Нисбатан тубанлыкка ва нокомишлика түшиб қолган, лекин бундай ҳолатни ўзи учун нолойиқ деб билгани учун мазкур даражадан юксалиши зарурлитини англаған киши уялади. Чунончы, жинсий алоқа ҳайвонот олами учун табиий ва ахлоқийликка алоқаси йўқ. Бироқ у инсоният дунёсида, табиий бўлса ҳам, ахлоқий хатти-ҳаракат тамоили эмас, бепарда ҳолида инсонни уялтирадиган ҳолатдир. Зеро у, табиий бўлса ҳам, ахлоқийлик қошида ўзининг очик кўринишда амалга ошув хукуқини йўқотади, яни, ахлоққа бўйсунади.

Соловьёв, Декартнинг тафаккур моҳияти ҳақидаги машҳур иборасини ахлоқийликка нисбатан қўлланганида мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган мулоҳазани билдиради: «Мен уяляпманми, демак, мавжудман, на фақат жисман, балки ахлоқан ҳам мавжудман, – мен ўз ҳайвонийлитимдан уялляпманми, демак, мен ҳали ҳам одам сифатида мавжудман».

Шу ўрица файласуфнинг зурриёт ҳақидаги ўзига хос Фикрларини келтириш жоиз. Токи бола туғилиши том маънода инсонийликка бўйсундирилар экан ва ахлоқий маъно касб этар экан, бу билан ўзининг гуноҳкорлик хусусиятини йўқотади, яни, нафақат бу дунёда гуноҳ қила-қила, охир улар ҳам ота-оналари каби ўлимга маҳкум бўладилар, балки инсониятни яхшилаш учун хизмат қиладилар: уларнинг ота-оналари болалари ўзларидан яхшироқ, ахлоқийроқ бўлишига ишонадилар, уларга маълум тараққиёт тарзида қарайдилар. Бундан файласуф қўйидагича хулоса чиқаради: «Мана машъум зиддиятнинг ечими: туғилишнинг ёвузлик моҳияти туғилишнинг ўзи орқали йўққа чиқарилади, яни эзгуликка айланади... улар (болалар-А.Ш) бошқа ҳаётнинг одамлари бўладилар, бизнинг ва барча аждодларимизнинг ҳақиқий нажот топиши шундадир».

Соловьёв нуқтаи назаридан қараганда, ачиниш ва шафқат уятчаликка зарурий кўшимишлардир, Зеро улар рухимизнинг ҳайвоний жибувшларини чеклайдилар. Ачиниш ва шафқатнинг энг ёрқин мисоли сифатида файласуф онанинг заиф, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган, бутунлай ўзига қарам чақалоққа – бир парча этта муносабатини келтиради. Бироқ шафқатлиликни ахлоқийликнинг ягона таянчи деб қараш тўғри эмас. Бу борада Шопенгаҳуэр хатога йўл қўяди, дейди Соловьёв. Чунки мечкай, ичкиликбоз ёки хотинбоз ҳам кўнгли бўш, шафқатли бўлиши мумкин, лекин бундай кишини ахлоқий шахс деб атаси мумкин

эмас. Демак, уят инсон хатти-ҳаркатини бошқариб турувчи ахлоқий ҳодисадир.

Файлласуф уч авлод — боболар, оталар ва болаларниң табииғи боғланиши ҳақида тұхталар экан, ахлоқий тараққиёт мұноса-бати билан маңнавийлашиштің уч хили түғрисида — дин, никоқ ва тарбия орқали маңнавийлашиш түғрисида фикр юритади. Бу уч ахлоқий соңа инсонни Худо билан боғлайды: бири — кечмеш, иккінчісі — ҳозирги замон ва үчінчісі — келажак орқали. Ҳақиқиғи никохда жинсий алоқа йүқтілді, балки моянған үзгәради, ҳайвоний ҳиссияттың қондириштага эмас, инсондаги Худо қиёғасини согломлаштырыпта хизмат қылады. Шу нұқтаи назардан қарата, никохий жуғтлық зоҳидликнинг, матонаттіннинг, жағокашликнинг бир шаклидір.

Умуман олғанда, Соловьёв одамларни яхши ва ёмонга, шағын ғана ажратишни илмий нұқтаи назардан хато, инсоннің илмінде ғана ажратылған шағындықтың өзінде деңгелік деңгелік болады; инсоннің яхлит ва бираттұласи ахлоқиі бағолаш мүмкін эмас. Уннинг ғұстап-атыорни, қылымнанда қараб бағо беріши лозичтілігінде тақылдайды: «...Мен иккі нарсаны табиатда учратмадым: аниқ-мұкаммал ҳалол одамни, аниқ-мұкаммал ёвуз одамни», — дейді файлласуф.

Владимир Соловьёвнинг ахлоқиі таълимоги, терапи фикрлары ахлоқ фалсафасы билан шуғуланған мұтафакирларнинг бир неча авлодига дастуриламал бўлди, ҳозир ҳам донишмандликнинг юксак наукаси сипатида тафаккур ахлиниң дикқат марказидадир.

Әзгулик ва ёвузликнинг пайдо бўлиши, уларниң инсон ҳаётидаги ўрни, ёвузликка қарши курашиштің йўллари сингари доимий долзарб ахлоқиі муаммолар рус мұмтоз ахлоқшынослигининг бошқа вакиллари учун ҳам мухим эди. Бу борада Йирик ишлар қылган мұтафаккирлардан бири экзистенцияни файлласуф Николай Александрович Бердяевдир (1874-1948). Уннинг айниқса, «Инсоннің вазифаси ҳақида» (1931), «Ўз-ўзини англаш» (1949) «Илоҳийлик ва инсоннің экзистенциал диалектикаси»(1952) каби асарлари шу жиҳатдан диққатта сазовор.

Николай Бердяев фалсафиј-ахлоқиі қарашларининг яққол ажralиб турадиган ўзига хос хусусияти шундаки, уннинг асосий гояси — эркинлік. Нима учун ўз табиатига кўра эркин ва ижодкор мавжудот бўлган инсон Худо берган бу незъматлардан ўрнига кўйиб фойдалана олмайди: нимага инсоннинг ўйлаган нарсаси ўрнига тарихда бутунлай бошқача ҳолат рўй беради, нима учун

илму салоҳиятни одам боласи ўзига ўҳшаганларни эзиш учун, яъни ёвузлик йўлида ишлатади; нега истеъдоли одам кўпинчча ёлгизликка маҳкум; нимага даҳо санъаткорларнинг ҳаётида фожиавий, ўртамиёналик доим голиб келади; нима сабабдан инсон эркинлик учун туғилган; лекин у доим ва ҳамма ерда кишиланбанд — файласуфни ана шу муаммолар қизиқтиради. «Менинг фалсафамдаги ўзига хослик энг аввало, шундаки, мен унта борлиқни эмас, эркинликни асос қилиб олдим», — дейди Бердяев ва ҳақиқатан ҳам ҳар бир муаммони эркинлик ҳақидги ўз тасаввuri призмасидан ўтказиб таҳдил этади. Бу эса, табиийки, пировард натижада барча фалсафий муаммоларга диний-ахлоқий нуқтаи назардан муносабатда бўлишга олиб келади. «Эркинлик, — дейди буюк рус мугафакири, — менинг мустақиллигим ва ўз шахсими ичдан белгиловчи муруват, эркинлик менинг ижодий кувватим, у олдимга қўйилган эзгулик ва ёвузлик борасидаги менинг ижодимдир». Бундай эркинлик — фақат инсоннинг ўз эркинилиги, хатто унга Худо ҳам ҳукмронлик қололмайди. Инсон агар ўз ҳолига қўйилмаганда, уни инсон деб номланиши ҳам мумкин эмасди. Ҳақиқий инсоний ҳаёт — инсоннинг қарор қабул қилишдаги куюшқонга сигмаслигидир.

Файласуф ўз ижодида тарихга катта эътибор беради. У тарихда инсон маънавиятининг ички диалектикасига мос тушадиган уч муҳим даврни ажратиб кўрсатади. Бирингчиси — аҳдул қадим Худоси, оламнинг Подшоси, Эгаси давридаги инсондан муҳаббат эмас, фақат бўйсунинишни талаб қиласидиган, насронийликкача бўлган қонун ва бўйсуниш ахлоқи. У — ердаги вақт нуқтаи назаридан, тарихнинг табиий-органик даврига тўғри келади. Иккинчи давр — инсон гуноҳга ботганилитига ўзи айбор эканини ҳис этиб, башарият ижтимоий ижоддан бош тортиш билан айбини ювадиган, ижод қилмайдиган тазарру ахлоқи. У — ўрта асрларда таркидунёчилик ҳукмронилк қўлган маданий — органик давр. Ниҳоят, учинчи давр, энди бошланган, лекин ҳали келиб улгурмаган — дунёни диний йўл билан ўзгартирадиган ижод ахлоқи. Мазкур даврларнинг ҳаммаси тарихий замондаги ижодий аъмолларда ҳам мавжуд бўладилар. Айни пайтда, ижод ахлоқи шундай улкан бир даврки, унда эзгулик ва ёвузлик курашининг кескинлиги ё ўзгарган дунёга ёки умумҳалокатга эшик очиб беради. Бироқ қайси эшикнинг очилиши — инсонга боғлиқ. Инсон дунёни ўзгартирища Худонинг ҳамкори бўлиши мумкин. Айни пайтда, бу дунёни ягона дунё дейиш билан унинг душманига ҳам айланishi

душманига ҳам айланиши мумкин. Зеро тарих Худо җаққи учун қилинган ишлар ва ёвуз ижод орасидаги курашдан иборатdir.

Хўш, ёвуз ижод ёхуд ёвузлик моҳиятни нима ўзи? Файласуфнинг фикрига кўра, ёвузлик ижобий борлиққа эга эмас, у эзгулиқдан ўғирланган хусусияти билангина кишини ўзига оғдиради. Шу билан бирга, у нафақат маъжуд, балки дунёда эзгулиқдан кўра кўпроқдир. Ёвузлик билан курашнинг бир хавфли томони шундаки, бу кураш беихтиёр ёвузлик табиатини ўзига қабул қилиши, юқтириши мумкин; ёвузликни ниҳоятда ёмон кўрган яхши одамлар унга қарши ёвуз усууллардан бошқа кураш йўлларига ишончларини йўқотадилар ва натижада ўзлари ёвузлик қилганларини билмай қоладилар. Шу боис ҳатто шайтонга ҳам инсоний яхшилик билан муносабатда бўлмоқ лозим; эзгулиқдан чиқмай, эзгулиқни нурлантириб туриш керак. Бизнинг давримиздаги асосий ахлоқий муммо, бу – душманга муносабат масаласи: душмани одам деб ҳисобламаслик, унга инсоний муносабат қиласмаслик ҳозир одат тусига киргани. Айнина шунда йижозлани чекинишини кўрини мумкин. Зеро шайтоний одамлар мавжуд эмас, балки одамларда шайтоний ҳолатлар мавжуддир. Шу боис бирор бир инсон устидан пировард ҳукм чиқариш мумкин эмас. Акс ҳолда жиноятги учун берилган жазонинг ўзи кўпингча жиноятга айланади. Одамларда душман излаш одати бор. Айниқса, инқилоб яшаб туриши учун доимо ўзида душманга муҳтожлик сезади ва агар душман йўқ бўлса, уни ўйлаб топади. Аксинқилоб ҳам шундай. Душман топилганда одам ўзини яхши ҳис қиласди. Бу ҳол ёвузликнинг объективлаштирилиши, унинг ташқи реалликка чиқарилшидир.

Эзгулик ва ёвузлик орасидаги муносабатларни Н. Бердяев жўн эмаслигини, уларда экзистенцияча диалектика борлигини таъкидлади. Зеро, юкорида айтганидек, эзгулик ёвузликка айланиши мумкин. Лекин, шунинг баробарида, ёвузлик ҳам эзгулик бўлиб қайта туғилади. Яъни, ишон агар барча имкониятлар синовидан ўтса, эзгулик ва ёвузлик тажрибаларини бошдан кечирса, у ҳолда ёвузликнинг ўзи эзгуликнинг диалектик ибтидоси бўлиб қолади. Ҳегель айтганидек, салбий ҳодисалардан ўтилгач, нафбатда фақат ижобий босқич қолади. Шундай қилиб, ҳатто даҳрийлик Худони билишнинг диалектик ибтидосига айланади. Бу, моҳиятан, даҳрийлик, коммунизм ва бошқа шунга ўхшашиб ҳодисалар орқали ботиний ўтмишлардан бойиб, ёруғликка, пурга чиқадиган инсон тақдиридир. Ёвусларни қириб ташлани эмас, балки маърифатли қилиш лозим. Чунки ёвузликдан зўравонларча

йўл бермаслик ёки йўқ қилиб ташлаш усули билан эмас, балки уни ичдан ботинан енгиш орқали кутилиш мумкин.

4. Инсоният жамияти ҳеч қачон XX аср даржасидаги юксакликка эга бўлган эмас. XX аср арафаси ва давомидаги тафаккурда кўп ва хилма-хил йўналишлар вужудга келди. Улар учун умумий бўлган ўзига хос икки жиҳат алоҳида дикқатга сазовор: биринчиси – уларнинг ҳаммаси, асосан, инсонни бевосига ўрганишга қаратилгани, яни, маълум маънода, соф антропологик хусусиятта эгалиги; иккинчиси – фалсафий бўлмаган ва фалсафийликдан «чиқиб» кеттан фанларнинг асос нуқтаи назаридан фалсафийлик касб этиши ёхуд фалсафа шархи тадқиқот қуролига айланishi. Мазкур йўналишларнинг энг муҳимлари сифатида руҳий таҳдил, фалсафий антропология, ҳаёт фалсафаси, экзистенциячиллик, фалсафий герменевтика, феноменология, синергетика сингари таълимотларни келтириш мумкин. Улар орасида руҳий таҳдил йўналиши ноодатийлиги, қамровлилиги ва ғоят теравиллиги билан алоҳида аҳамиятта молик.

Руҳий таҳдил усулиниң вужудга келиши жуда катта цовшувларга сабаб бўлди. XX аср арафасидан то бугунги кунгача бу шов-шувлар гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб давом этмоқда. Улар бежиз эмас. Зоро минг йиллардан бўён ўқитилиб ва амалиётда қўлланиб келинаётган руҳшунослик фани бир зарб билан таҳтдан туширилди. Ана шу зарб эгаси австрияйлик олим Зигмунд Фройд – Зигмунд Шломо (1856-1939) эди. Гап шундаки, академик руҳшунослик табиий фанлар лабораториясининг усулларини қўллаб, виждон, қадриятли мулоҳазалар, эзгулик ва ёвузликни билиш – руҳшунослик муаммолари тизимига кирмайдиган метафизик тушунчалар, деб ҳисоблаб, асосан, одатдаги «илмий усул» бўйича қабул қилинган майда масалалар билан шуғулланиб келарди. Руҳшунослик, шундай қилиб, ўзининг асосий обьекти – қалбни назардан қочириб, умумий, ёшта, касбга доир руҳий ҳолатлар ҳамда реакциялар ва табииятларнинг – инстинктларнинг шаклашниши билан, яни руҳий «мурватлар» билан шуғулланиб, юқорида айтганимиздек, инсон учун ниҳоятда муҳим бўлган мухаббат, ақл, виждон, қадриятлар сингари ҳодисаларни четлаб ўғди. Фройд эса кузатувлар, ақл ва ўз кечинмаларига суюниб, руҳий касалликни муваффақиятли даволашни ахлоқий муаммоларга мурожаат қилмасдан ҳал этиб бўлмаслигини аниқлади ва бемор ўз қалби эҳтиёжларини ҳисобга олмагани учун касалликка чалинади, деган холосага келди.

Фройд инсон руҳий ҳаётида уч босқични ажратиб кўрсатади: онг, онголди, ва онгтуби ёхуд онгланимаган, яни, онгта айлан-

маган ҳолат. Онгламаган ҳолат ва онголди онгдан назорат (цензура) деган ўрта босқыч орқали ажralиб туради. Назорат икки вазифани бажаради: биринчиси, шахс ўзига мақбул кўрмаган ва қоралаган ҳис-туйғулар, фикрлар, тушунчаларни онгламаган ҳолат худудига сикиб чиқаради; иккинчиси, онгда ўзини намоён этишига интилган фаол онгламаган ҳолатга қарши курашади. Онгламаган ҳолатдаги фикрлар, ҳис-туйғулар умуман йўқолиб кетмайди, бироқ хотираға чиқиши учун йўл кўйилмаиди. Шу боис улар онгда бевосита эмас, балки билвосита – билмай гапириб юбориш, хато ёзиб юбориш, туши, певрозлар сингари ғалат ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Шунингдек, онгламаган ҳолатнинг сублимацияси – таъқиқланган интилишлариниң ижтимоий жиҳатдан мақбул ҳаракатларга айланган тарзда кўришини ҳам рўй беради. Онгламаган ҳолат гоят яновчан, вақтга бўйсумайди. Уидаги фикрлаф, истаклар, ҳис-туйғулар назорат туғайни, ҳагто ўн йиллардан сўнг онгта чиқсалтар-да, ўз ҳуқиқос кувизанини нуқотмайлилар. Онголди ҳолатнин мутбақат онгламаган ҳолат, лейиш мумкини, Уининг онгта айланани имкони бор, У онгламаган ҳолат билан онг ўрталигида бўлиб, онгининг кундалик ишида хотира омбори вазифасини бажаради.

Шуидай қилиб, қалб қаърида ётган, тийинқиз эҳтирослар ҳисобланган онгламаган ҳолат интилишларига диққатни қаратиб, Фройд инсон қалбининг «кора» томонларини таҳдилга олади. Бу таҳдил, инсоннинг қаинчалик зоҳирин ахлоқијашувига қарамай, унда табиий жиссий алоқада ўзини намоён қиласидаган уятсиз, аксилахлоқий, «ёмон» томонлар мавжудлигини исботлаб берди. Бу томонларни Фройд тушларда акс этишини кўрсатади, зеро тушда онгининг назорати гоятда заифлашини туғайли улар ўзлариги рамзий тарзда намоён этадилар. Шу важдан булоқ таҳдитчи-файласуф Афлотунининг, яхши одам ёмон одам ўнгида қиласи ишларни тушда кўриши билангиша чекланади, деган фикрини эслатиб ўтади. Фройд онгламаган ҳолатни инсон қалбидағи барча ёвузликлар сакланадиган ҳовузга ўхшатади. Тушлардаги маданий кишини даҳнатга соладиган тубан, ҳайвоний ҳолатлар – жамиятдаги ахлоқий талаблар билан ҳисоблашни натижасида реал ҳаётда амалга ошмаган шахс ҳоҳиши-истакларининг эваз, товои тарзида юзага чиқиши. Инсон фақат фикран, тушларида, хаёлан ва орзуларида онгламаган ҳолат интилишларига, «ёмон» ибтидога берилади, реал ҳаётда эса ўзининг очиқ жиссий ҳирсини ёки тажовузкорлигини кўрсатиб, ёмон отлиқ бўлмасликка, ярамас одам деган ном олмасликка, бошқаларга ҳаёли, ҳалол, мулойим шахс сифатида

күринишга уринади. Бу уриниши бирорларни иккисизламачиликка ёки мавжуд ҳәёттің қадриятларни ва ахлоқтің қоидаларни сүсзис, нотанқидий қабул қышишга олиб келса, бошқалар учун у рухий носоғломликка, инсонни ичдан кемирадиган, лекин ташқаридан билинмайдиган асабий касалликка айланади. Фройднинг фикрига кўра, тушлардаги «ёвуз» ниятлар ва «ярамас» истакларни ҳозирги замондан эмас, кўпроқ кечмишдан излаш керак, зоро улар «фақат инфанттилизмни», этник ибтиодизгина қайтганимизни ўзида акс эттиради. Ана шу жиҳатлар ахлоқтің муаммоларни, хусусан, ахлоқнинг келиб чиқиши, инсоният цивилизацияси тарихида юзага келган турли хил ахлоқтің қоидалар ва талабларни кўриб чиқишида Фройд учун қўл келади.

Шуни айтиш керакки, Фройд инсондаги эзгу ибтидони, олижаноб интилишларни инкор этмайди. Унинг ахлоқтің қараашларини тушуммаганиларга, уни ёвузликни мутлақлаштиришида айлаганиларга қарши Фройд шундай дейли: «Бизнинг инсондаги барча ёвузликларни таъкидлаб кўрсатиштимизга сабаб шуки, бошқалар уларни инкор этади. Бу таъкидлашдан инсоннинг рухий ҳаёти яхшиланмаса ҳам, ҳар ҳолда тушупарли бўлади. Агар биз бир томонлама ахлоқті баҳолашдан юз ўтирасак, у ҳолда, шубҳасиз, инсон табиатидаги эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро муносабати шаклини аниқлашимиз мумкин». Ҳақиқатан ҳам Фройд ахлоқтің қараашларининг ўзига хослиги айнан ана шунга асосланган. Бироқ, Фройд, барча иллатларнинг ва виждан, кўркув, айбни ҳис қилиши, тазарру сингари фазилатларнинг келиб чиқишини, фаолиятини, деярли барча ахлоқті ҳодисаларни асосан «Эдин комплекси»га олиб бориб тақаб кўяди.

Зигмунд Фройднинг ўзи бир ўринда: «Янги ҳаракатни тўхтатиб бўлмаслигига душманларим ишонч ҳосил қилгандари каби, менга ҳам бундан бўён уни ўзим чизиб берган йўлдан олиб кетиш мумкин эмаслигига ишонпичимга тўғри келди», – деган эди. Дарҳақиқат, рухий таҳдилнинг кейинги тараққиёти – фройдчилик ва янги фройдчилик бошқача йўлдан, рухий таҳдил асосчиси назарияларини танқидий ўрганиши ҳамда ривожлантириш йўлидан кетди. К. Юнт, А. Адлер, Э. Фромм сингари таҳлилчи-файласуфлар инсон қалбини ўрганишида катта мувваффақиятларга эришдилар. Имкон нуқтai назаридан фақат улардан бири – Фроммнинг ахлоқті қараашларига тўхталамиз.

Эрих Фромм (1900–80) асосий дикқатини инсон қалбининг ахлоқті талабларига муносабатини очишига, тоталитарчилик, инсонпарварлик, тириксеварлик (Биофиллик) ва ўликсеварлик

(некрофиллик) ҳақидағи мұлоҳазаларға қаратади. Унинг «Севиши саңыати», (1956 йыл) «Инсон қалби. Унинг әзгулик ва ёзулык қобилияты» (1964 йыл) каби асарларда ахлоқий мұаммоларға кең үрин берилған. Фроммнің фикрига күра, ёзулык фақат инсоний ҳодиса. У инсонийлик ҳолатидан орта қатиши, инсонға хос, ақыл, мұхаббат, әрк хусусиятларини йўқ қилишга бўлган интилиши. Айни пайтда, у фожеий ҳолатдир. Чунки инсон, ҳайвоний даражага қайтса-да, у бирор бир сония одам эканини унгутмайди, демак, уни ёзулык масаланы ҳал қилишинг йўли сифатида ҳеч қачон қониқтирмайди. Инсониниг ёзулык ҳолати – ўзини эзib турған инсоний турмуши оғирлигидан озод бўлишга фожиавий уриниши туфайли рўй беради, у ўзини йўқотишдан иборат. Эзгулик бизининг мавжудлигимизни тобора моҳиятимизга яқинлаштириб боради, ёзулык эса турмушимиз билан моҳиятимизниң ўсиб борувчи бегоналануви демаклир.

Инсон ортия ва олдинга интилиши, бопикача айтгани, әзгуликка ёвузишка мөйин. Тоғз! ишката майст тенг сизи, агар у ўз ахволиппі аинглаб етишга қобил бўлса, ташлаш борасида эркин. Бироқ, агар инсониниг юраги тош қотиб, майстлари ортиқ тенглайш-майдиган даражага келса, у бундан бўён ташлювда эркин бўлолтмайди. Инсон то ташлаш эрки қолмайдиган нуқтагача ўз хатти-ҳаракатига жавобгардир. Инсон юраги қаңчалик тош бўлмасин, у инсоний юрак бўлдиб қолаверади. Биз инсон бўлиб туғилганимиз ва шу боис олдимизда доимо қарор қабул қилиш масаласи кўндалант туради. Ўз мақсадларимиз билан бирга, биз воситаларимизни ҳам ташлашимиз керак. Агар кимки ҳаётта бефарқ лоқайд қараса, ундаи одамнинг эзгуликни ташлашига умид йўқ.

Фройд қарашлари ҳақида мұлоҳаза юритар экан, Фромм ўз устозига нисбатан кенгроқ миқёсда ҳаракат қиласиди: инсон табиати на фақат биологик балки тарихийлик билан шартланғанини таъкидлайди. У Фройднинг инсон мұаммосини тўғри ҳал этишда биологик ва маданий жиҳатларини қарама-қарши қўйиш усулини рад этади, шахсни ўрганицида одамнинг бошқаларга, табиатга ва ўз-ўзига муносабатини тушуниш мұхим деб ҳисоблайди. Шунингдек, Фромм иқтисодий, руҳий ва мафкуравий жиҳатлар бир-бiri билан узвий алоқадор эканини, улар жинсий алоқанинг жўнгина рефлексияси эмаслигини айтади. Бироқ, Фройднинг буюк хизматларини эътироф этиб, руҳий таҳтил жараёнидан асосий мақсад – устози таъкидлаган ҳақиқатни тан олиш эканини ва руҳий таҳтил ҳақиқатга янгича мазмун берганини уқтиради. Руҳий таҳтилгача бўлган тафаккурда агар инсон ўз гапига ўзи ишонса, у ҳақиқатни гапираёттан

ҳисобланарди. Руҳий таҳлил субъектив ишонч асло ҳаққонийликнинг мезони бўла олмаслигини кўрсатди. Инсон ҳақиқат юзасидан ҳаракат қиласман деб ишониши мумкин, лекин асл сабаб – бешафқатлик. У хатти-ҳаракатнинг сабаби муҳаббатим деб билади, лекин аслида уни мазоҳча боғлиқликка интилиш ҳаракатта келтиради. Инсон менга бурч раҳдамолик қилипти деб ўйлайди, аммо, асосий сабаб – унинг шуҳратпарастлиги бўлади. Гап шундаки, инсон на фақат буларга бошқаларнинг ишонишини хоҳлайди, балки ўзи ҳаммасига ишонади. Руҳий таҳлил жараёнида одам унинг қайси ғоялари эҳтиросли қобиққа ўралган-у, қайсилари унинг феъл-автори тизимида илдизга эга бўлмаган, субстанция ва вазидан йироқ шартли клишелар (нусхалар) эканини англайди. Руҳий таҳлил шу маънода ҳақиқатни излайдир. Унинг асосий тамоили шундаки, тафаккуримиз ва ҳиссиётларимизни сингчиллик билан ўрганимасдан ҳамда қайси жойда биз ақлийлашамиз-у, қаерда эътиқодларимиз ҳиссиётга бориб тақалишини аниқламасдан туриб, руҳий соғломлик ва баҳтга эриша олмаймиз.

Эрих Фромм муҳаббат муаммосига ҳам жуда катта эътибор беради. Муҳаббат, бу – ҳар бири ўзлигини сақлаган ҳолатида икки кишининг бирлашуви. Муҳаббат, бу – ҳаракат, ором эмас, фаоллик, кузатиш эмас. Севиш – олиш эмас, бериш. Севгида инсон ўзи учун энг бебаҳо бўлган ҳаётининг бир қисмини – ҳиссиёти, билими, кечирмаларини бағишлиайди. Буни у ўрнига нимадир олиш учун қилмаиди, ана шу «бағиашлаш»нинг ўзи нафис бир лаззатдир. Аллома файласуф, юқорида таъкидлаганидек, муҳаббатни ғамхўрлик, масъулият, ҳурмат ва илм унсурларидан иборат деб билар экан, масъулията ўзгача эътибор билан қарайди. Фромм масъулиятни одатда қабул қилинганидан бошқачароқ тарзда талқин этади. Одатда масъулият деганда четдан юклантган, яъни одамга бошқа кишилар, жамият ва ҳоказолар томонидан таклиф этилган, уқтирилган ёки мажбуран бўйнига қўйилган қандайдир бир нарса тушунилади. Фромм эса, масъулиятни моҳиятган қалбнинг ҳоҳиши билан боғлиқ эмин – эркин ҳолат, дейди. Масъулиятни ҳис этиш, бу – бошқа мавжудотнинг эҳтиёжи ва талабига лаббай деб жавоб беришга тайёр туриш. Шундай қилиб, масъулият кимгадир ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ. Бошқа томондан файласуф масъулиятни ҳурмат билан боғлайди. Ҳурмат, бу – кўркув ёки кўл қовуштириш эмас, у инсонни қандай бўлса, шундай қабул этишини талаб этади.

Фроммнинг фикрига кўра, индустрисал жамиятда ҳақиқий муҳаббат камдан-кам учрайди. Ўз фарзандларини том маънода севган ота-оналар ҳам умумий қоидадаги истиснодир. Никоҳда эса муҳаббат деб бутунлай бошқа сабаб, бошқа ҳислар тушунилади. Унда ҳатто севги тасаввuri ҳам бузилади. Бу айнан инсон ўзини муҳаббатнинг «мўъжиза қуши»ни қўлга киритдим деган пайтда рўй беради. Муҳаббатнинг йўқолишига гўё муҳаббатни қўлга киритиб олиш мумкин деган нотўғри тасаввур олиб кела-ди. Шу боис кўп ҳолларда муҳаббатдан бошланган никоҳ икки эгалик қилувчининг, жуфтлашган икки худбиннинг ҳамдўстлигига айланади. Бироқ муаммо никоҳда эмас, балки икки томон шахсишинг истеъмолчилик хусусияти билан боғлиқ. Муҳаббатга мавжуд бўлиш, ўзини ифодалаш қобилияти тарзида эмас, балки маббудга қарагандек муносабатда бўлиш ани шундан келиб чиқади. Шу боис бирга яшашнинг тизимишин ўзгартиришга, яъни кўпхотипилик, жазманбозлик, жамоавий жинсий алока ва ҳоказоларга иштилиш – бор-йўти ҳақиқий муҳаббат қийинчиликларини сингиб ўтиш утган йўл қидирини. Агар инсон ўз «ярмини» топини ва севини баҳтига эришса, у бошқа жуфт излашга ҳеч қачон иштилмайди, бутун борлигини ўз севиклisisига бўлган муҳаббатга бағишлайди. Умуман, Фромм тақдим этган шаҳе тизимида муҳаббат диний ҳиссиёт ва дунё қарани билан биргаликда марказий ўринини эгаллайли.

Рұхий таҳлил фалсафаси, хусусан, ахлоқшунослиги мулкига ишқоятда-қисқача қўлган илмий саёҳатимиз охирида шуни таъкидлаш зарурки, бизда, ўзбекларда бу таълимот ҳақида, очиги, озгинагина тасаввур ҳам йўқ. уни миллат тарбиясини бузадиган, ҳаёсиз, инсоннинг ёмон томонларинишига кўрадиган, динни тан олмайдиган дунёқараи тарзида қабул қиласиз. Бутоталигар тузум, мустамлакачилик мағқурасининг соҳта илмий никоб остида илгари сурган заарарли ғояларининг таъсиридир. Рұхий таҳлил аслида тоталигар тузумга қарши, мустамлакачилик алдовларини, «доҳийлар» қалбининг зулматини ва ёвузликларини очиб бериш қудратига эга, бутун инсоният учун, жумладан, биз учун ҳам ғоят зарур таълимотдир. Ахир, ўзбекнинг «Одам оласи ичидә» деган мақоли бор-ку. Рұхий таҳлил ўша «ола»нинг қаердалигини, қаңдайлигини, пайдо бўлишига сабаб нима эканини ва уни қандай қўлса бартараф этиш, «оқ«қа айлантириш мумкинлигини кўрсатиб беришда мислсиз аҳамиятга эга.

XX аср ахлоқий тафаккурида чуқур из қолдирган фалсафий-ахлоқий йўналишлардан яна бири – экзистенциячиликдир. Экзистенциячилик инсонни, энг аввало, ўз ҳаётини инсонийлик

вазифасини бажариш учун курбон қылган мавжудот сифатида олиб қарайди. Бир жиҳатдан буңдай қараш ағъанавийдек, барча асрларда ҳам илгари сурилган нұқтаи назардек түолади. Аслида эса ундаи әмас. Гап шундаки, аввалги ағъанавий қарашларда инсоннинг ўз ҳаётини курбон қилиши «олий манфаатлар» юзасидан рўй беради: инсон, идеал, умумтариҳий мақсадлар ўзни фидо этишга арзишини тушуниди. Курбон бўлишга тайёрлик, демак, инсоннинг ибтиодаги белгиси әмас, балки унинг ақл билан иш кўриши оқибатида рўй берадиган ҳодиса сифатида олинади. Экзистенциячиллик эса фидоийликни инсоннинг ибтиодаги хусусияти, уни белгиловчи оддий ҳодиса деб қарайди. Улар, инсон ўз ҳаётини нимагадир баҳш этмасдан мавжуд бўлолмайди, деган фикрни илгари сурадилар. Бу фидоийлик эса айнан, барча ижтимоий барқарор қадриятлар барбод бўлганда, инсон ўзи учун муносаб оғир, муқаддас бир юкни худди ризқи каби излаган бир пайтда ўзини кўрсатади. Инсон ўз назоратидан чиқиб кетган, иррационал воқеа-ҳодисалар гирдобига тушиб қолган пайтида қандай маънавий сабрга, чидамга эга бўлиши керак? Экзистенциячилликнинг бош муаммоси мана шу. Олмон файласуфи Мартин Ҳайдегтер (1889-1976) экзистенциячилликнинг асосчиси ҳисобланади.

Экзистенциячиллик Ҳайдегтердан сўнг, икки йўналишида – диний ва дахрийлик йўналишларида давом этди. Диний экзистенциячилликниг энг йирик намояндадаридан бири, олмон файласуфи Карл Ясперсдир (1883-1969). У ўз асрларида, хусусан, «Замоннинг маънавий ҳолати»(1932), «Фалсафий эътиқод»(1948) деган китобларида инсон мавжудлигини XX асрда қандай тушуниш масаласига тўхталади ва бу мавжудликнинг ахлоқий жиҳатларини таҳтил этади.

Инсон билан ҳайвон орасидаги фарқ ҳақидаги, бошқача қилиб айтганда, инсоннинг вужудга келиши тўғрисидаги масалани Ясперс энг мухим деб ҳисоблади. Инсонни қандайдир бир бошқа нарсадан келтириб чиқариш мумкин әмас. Зоро у ҳамма нарсанинг бевосита алосидир. Оламдаги боғлиқликнинг барча турлари ва барча биологик тараққиёт жараёнлари одамнинг ўзига әмас, балки инсоний моддага, инсоний материалга дахлдор. Инсон доимо ўзи ҳақидаги ўйлаганидан кўра каттaroқдир. Бу фикр ҳам бутун инсониятга, ҳам алоҳида одамга тааллуқли. Ҳеч қачон инсон ҳақидаги узил-кесил холоса чиқариш, уни на умумий тарзда, на алоҳида одам сифатида тўлиқ тушуниш мумкин әмас.

Ясперснинг фикрига кўра, инсонга ҳайвондан «тараққий топган» жонзот деб қараш нотўғри. Чунки билиш учун ҳаммаси тушунарли бўлиши керак, билиш билдирадиган чегарадан нарига чиқолмайди, билищдан ташқарида билиш учун ҳеч нарса йўқ. Билиш оламда мавжуд бўлгани ҳолда оламни тушуниб етолмайди. Тўғри, математика, табиий фанлардаги каби универсал билиш теварак-атрофда ҳозир бўлган ниманидир илғаб олиши мумкин, лекин воқеъликни ҳеч қачон яхлитлигича била олмайди.

Инсоннинг ҳақиқий қадрияти у яқин турган тур ёки хили билан эмас, балки ўзгартириб ва алмаштириб бўлмайдиган тарихан яккалиги билан боғлиқ. Ҳар қандай алоҳида инсоннинг қадрияти муайян одамларга умумий инсоний мезонин шакллантиришда бир-бирини ўзаро алмаштирадиган материал сифатида қаралмаганидагина дахлсиз бўлади.

Барча одамларнинг тенглиги гояси бугунлай нотўғри. Зеро гап одамларнинг руҳий талқиқотга бўй берадиган мавжудот сифатидаги феъл-автори ва қобилияти ҳақиша бормоқла. Аммо бу ижтимоий вое сифатида ҳам тўғри эмас, нари боргандга, ҳонун олдида тенг имконият ва тенг ҳуқуқда эга бўлиши мумкин. Моҳият жиҳатидан барча одамларнинг тенглиги фақат ва фақат уларнинг ҳар бирига, эркинликдан келиб чиқсан ҳолда, ахлоқий ҳаёт орқали Худога йўл очиладиган тераниликда мавжуддир. Бу инсоний билим билан ўрнатилиб ва объективлаштириб бўлмайдиган қадриятлар тенглиги, абадий руҳ сифатидаги яккаликлар қадриятлари тенглигидир. Бу инсонга жаниат ёки дўзахдан жой каромат қылувчи тенглик, даъво ва абадий ҳукм тенглигидир. Бу тенглик инсонни фақат восита деб қарашга йўл қўймайдиган, балки унга бирдан-бир мақсад сифатида муносабат қилишини талаб этадиган, ҳар бир инсонга хурмат-эҳтиромни англатдиган тенгликдир.

Инсон экзистенция тарзида ўз эрканин – трансценденциянинг неъматини кўриши муҳимдир. Ўшанда инсон борлигининг эрки трансценденция раҳбарлигига, унинг барча имкониятлари моясига айланади; ана шу трансценденция, Йккаю Ягонанинг шарофати билан инсон ўз хусусий яккалигига эришади. Бу раҳбарлик дунёдаги барча бошқа раҳбарликлардан ажralиб туради, чунки у объектив бир маъноли бўла олмайди; у инсоннинг тўла эркинлигига мос тушади, зеро у ўз эътиқодининг эрки билангиша юсага чиқади. Таңгри даъвати анъанаалар ва теварак-атрофдаги дунёга юз очган якка инсон учун худди ўз эътиқоди сифатида янграйди. Гарчанд инсон Худо нимани хоҳлаёттанини билицида объектив кафолатга эга бўлмаса-да, ўз

ички теранлигидан келиб чиқиб, қарор қабул қилар экан, у Тангри иродасига бўйсундим, деб ҳисоблайди.

Худонинг раҳнамолиги ўз фаолияти ҳақидаги инсоннинг мулоҳазаси орқали амалга ошади. Бундай мулоҳаза кишини ҳаракатдан тўхтатади, ҳаракатга ундаиди, хатоларни тузатиб туради. Бироқ, аслида, бутунлай ва фақат инсон ҳеч қачон ўз мулоҳазаларига суюниши мумкин эмас. Унга бошқаларниңг мулоҳазалари ҳам зарур. Гарчанд бамаъни кишиларниңг мулоҳазалари бу ҳаётда инсон эриша оладиган ягона йўлланма эсада, бироқ у охир-оқибатда ҳал қилувчи омил бўла олмайди. Худошинг ҳукмитина ҳал қилувчи хусусиятга эга. Аммо инсонда, ҳақиқатан ҳам бу мен ўзимманми, эшигтан даъватим ростдан ҳам асл манбаъдан келяптими, деган хавф ҳеч қачон йўқолмайди. Ана шу хавфни англиси ўсиб борувчи эркинилкнинг замондаги шарти бўлиб қолаверади. У ишонгчнинг қатъилтигини инкор этади, ўз фикрини ҳамма учун талаб даражасида умумлашгирини таъқиқлайди ва шу билан ақидапарастликка йўл қўймайди. Зоро ўзига тўлиқ ишонч ман этилади. Ҳақлика мутлақ ишонч, кибр оламий ҳақиқатни йўқотишга хизмат қиласди. Шундай қилиб, Худонинг даъвати замонда инсоннинг ўзи ҳақидаги фикри сифатида ифодалашини мумкин. Лекин у даъватни фақат олий, улуғвор ҳолатлардагина эшитиш мумкин. Биз ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, ана шу ҳолатларга иштилиб яшаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Карл Ясперс қараашларида анъана-вий маъниавий меросни эгаллаш инсон ахлоқийлиги даражасини белгиловчи омил сифатида номоён бўлади.

Экзистенциячилик ахлоқиунослигининг энг кўзга кўришган номояндадаридан яна бири Жан-Поль Сартрdir (1905-1980). У экзистенциячиликнинг даҳрийлик йўналишига мансуб файласуф, ёзувчи, сиёсатшунос сифатида машҳур. Сартрнинг фикрига кўра, инсон энг аввало, субъектив кечипималар орқали яралган лойиҳадир. Бу лойиҳагача ҳеч нарса мавжуд эмас, ақл бовар қиласидиган самовотда ҳеч нарса, йўқ, борлигининг лойиҳаси қанақа бўлса, инсон ҳам шунақа. Агар мавжуд бўлиш ҳақиқатан ҳам моҳиятдан аввал турса, унда инсон ўзининг борлиги учун масъулдир. Шундай қилиб, экзистенциячилик, биригчи наебатда, ҳар қандай инсоннинг ҳукмига унинг борлигини ҳавола қиласди ва мавжудлиги учун тўлиқ масъулиятни унинг ўзига юклайди. Бу борада фикр юритиб, Сартр шундай деб ёзади: «Бироқ биз иисонни масъулдир, деганимизда, бу – фақат унинг ўз шахсияттагина жавобгар, дегани эмас. У барча оддламлар учун

масъулдир. Биз, инсон ўзини ўзи танлайди, деганимизда, ҳар биримизнинг ўзини ўзи танлашини назарда тутамиз, бироқ, шу билан бирга, биз ўзимизни танлар экаймиз, барча одамларни танлаймиз, деган гапни ҳам айтишни хоҳлаймиз». Зеро ўзимизни танлашимиз, қандай ҳолда бўлмасин, биз ҳеч қаҷон ёвузликни танламаёмиз, айни пайтда, бу танлов танловимизнинг қадрятини барқарор этишига тақозо қиласди. Бизниг танловимиз эса эзгулик бўлиши шубҳасиздир. Лекин, шунки айтиш керакки, ҳамма учун эзгулик ҳисобланган нарсанинг биз учун эзуглик бўлиши мумкин эмас. Бизниг масъулиятимиз бутун инсониятта тааллуқли, тахмин қилганимиздан анча катта. Биз ўзимиз учун ҳам, ҳамма учун ҳам жавобгармиз ва ўзимиз танлаган муайян инсои қиёфасини яратамиз; ўзимизни танлаш билан биз умуман инсонини ташлаймиз.

Сартр ҳаётитир ҳисси ҳақида батағсал тўхтадали. Ёлғон гапи-раштари одамлар ҳам барийнр ҳаётитирланиб турадилар. Чунончи, кўшигча одамлар ўзларининг харакатини фақат ўзларигина тааллуқли деб ўйлайдилар, улардан агар ҳамма шунака қилганда, нима бўлади, деб сўрасалар, ҳамма ҳам бундай қиласвермайди-ку, дея жавоб берадилар. Лекин «ҳамма шунака қилса нима бўлади? деб доимо сўраш ўрини. Бу саводдан фақат ёлғон ишлатибгиша қочиши мумкин, яни, алдайтган киши, ҳамма шундай қилади-ку, деб ўзини оқлашга уринади, ўз виждонига ҳилоф йўл тутади. Зеро содир этилган бу ёлғон ёлғонга универсал қадрият даражаси берилётганини билдиради. Ёлғонни содир этган одам, гарчанд, ҳавотирини яширса-да, унинг мавжудлигини сезиб туради. Ҳар бир инсон ўз-ўзига: «ҳақиқаттай ҳам, қилимишларимдан бутун инсоният намуна оладиган тарзда ҳаракат қилишга ҳақим борми? дейиши керак. Агар ўзига шу саводни бермаса, у ўз ҳавотирини ўзидан яширган бўлади. Бу, қай даражададир, масъулиятни ўз бўйнига олган ҳар бир кишинига маълум бўлган ҳавотирдир. Сартр шу ўринда ҳарбий бошлиқни мисол қилиб келтиради: у ҳужумга буйруқ бериб, одамларни ўлимга йўллар экан, жавобгарликни ўз бўйнига олади, яни моҳиятан бир ўзи қарор қабул қилган бўлади. Албатта, юқоридан берилган буйруқлар бор, лекин улар жуда умумий ва аниқ-равшан изоҳлашни талаб этади. Бундай изоҳ мазкур ҳарбий бошлиқдан чиқади; бир неча, ўнлаб ёки юзлаб кишининг ҳаёти ана шу изоҳга боғлиқ ҳарбий бошлиқ қарор қабул қиласди; маълум бир ҳавотирни кўнгилдан ўтказмаслиги мумкин эмас. Шундай ҳавотир барча раҳбарларга хос. Лекин раҳбарларнинг ҳаракатига у ҳалақит бермайди, аксинча, кўпдан-кўп турли им-

кониятлар борлигини билдиради ва ҳаракат шартини ташкил этади. Ҳавотир, демак,¹ бизни ҳаракатдан ажратиб туралиган түсик эмас, балки ўша ҳаракатнинг бир қисмидир.

Эркинилликка фақат ҳолатдаги эркиниллик сифатида қараб фикр юритар экан, Сартр ўзга муаммосини ўргага ташлайди. Мен, деб ёзади файласуф, маъноси ўзгалар томонидан белгиланган оламга итқитилғанман. Мен ҳаракат қылаёттан ба нарсаларга маъни багишлайдиган бу оламда нарсаларнинг маъниси ўзгалар томонидан аллақчон белгилаб кўйилган. Бу менинг эрким учун муҳим, зеро маъниси бор нарса менинг олдимга аниқ мақсад ва талаб кўяди. Шаҳарлар, уйлар, тарамвайлар – буларнинг ҳаммаси маънига йўғрилган нарсалардир; улар менга маълум ҳаракат тарзини белгилаб беради: уйда яшаш, кўчада юриш, трамвайга миниш в.х. Бир сўз билан айтганида, ўзи-учун ўзгалар-учун бўлган дунёда пайдо бўлади; бу дунёнинг маъноси шу боис менга нисбатан белгиланмаган. Агар аввал нарсаларнинг ўзи менинг эркимни чеклаши ҳақида гап кетган бўлса, ёиди ўзгалар эрки менинг эркимга нисбатан чеклаш сифатида юзага чиқади.

Зеро биз эркинилликка интилар эканмиз, у тўлалигича ўзга одамлар эркита ва ўзгаларнинг эрки бизнинг эркимизга боғлиқ эканини кўрамиз. Тўғри, эркиниллик, инсоннинг белгиси сифатида, бошқаларга боғлиқ эмас, бироқ ҳаракат бошландими – бас, мен ўз эрким билан биргаликда бошқаларнинг эркинилтигини ҳам хоҳлашим шарт: мен фақат ўзгаларнинг эркини ҳам ўзимга мақсад деб билганимдагина, ўз эркимни мақсад сифатида қабул қиласам бўлади. «Биз, – деб ёзади Сартр, – ҳар бир алоҳида ҳодисада эркиниллик эркиниллик учун бўлишини истаймиз.. Шу сабабдан, гарчанд ахлоқнинг мазмуни ўзгариб турса ҳам, ўша ахлоқнинг муайян шакли универсалдир». Айти пайтда, буюк француз мутафаккири, гарчанд, теварак дунё бегона маъниларга тўла эса-да, улар менинг устимдан қисматнамо ҳукмроиликка эга эмаслар, деган фикрини таъкидлайди. Улар, қабул қиласамгиша – ҳукмрон бўлади, инкор этсам – ҳар қандай куч-кудратини йўқотади. Шу боис қўрқоқ ёки қаҳрамон бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ, дейди Сартр, қўрқоқ қўрқоқлиги учун ўзи жавобгар. У юрак ёки ўпкаси, ёки мияси қўрқоқ бўлгани учун шунақа эмас; у ўз физиологик тузилиши натижаси ўлароқ шунақа эмас, балки ўз қилмишлари билан ўзини қўрқоқ қилган. Мизож асабий, заиф, чала ёхуд тўлақонли бўлиши мумкин, лекинни заиф одам дегани – албатта қўрқоқ дегани эмас, чунки қўрқоқлик бош тортиш ёки ён бериш оқибатида юзага келади. «Ҳамма вақт қўрқоқ учун қўрқоқ, қаҳрамон учун қаҳрамон

бұлмасликінг имкони бор, деб ёзади буюк файласуф. У экзистенциячилік мухолифларига фикр билдирап экан, бу йұналиш инсоннинг асло түшкун тасвирини бермаслғаны, уни қылған ишига қараб бақолашини, инсон ўз тақдирини ўзи белгілайди, деган ақида билан иш күришини таъкидлайды. Сартр ҳар бир инсон ахлоқини унинг хатти-харакати ташкил этишини айтғиб, шундай деб ёзади: «Экзистенциячилік, бу — инсоннинг ҳаракатта бұлған хоҳишини үлдиришга интилиши эмас, зеро у инсонға бор умид факт үннинг ҳаракатида эканини ва факт ягона ҳаракатигина инсоннинг яшашы учун имкон берішини айтади. Демак, бу борада биз ҳаракат ва жүръат ахлоқи билан иш күрамиз».

Хозирги кунға келиб, экзистенциячилік Farb оламіда машхур бұлған күпгина энг етакчи ёки фаол ҳаракатдаги ахлоқий йұналишларға иисбатан «ҳаётішроқ» чиқиб қолди. Унинг асосий тамойиллари Оєрўпә халқлари менталитетига сипағиб кетді. У беңдеңде жаңа парасөзларни чөңжаб, инсоннан ички, рақамаларенің ҳисоб-китоб ва шу ҳисоб-китоб натижасы үлароқ, жаһонға ишонч билан қараңға даьеват этади.

Инсоният тарихи мобайнила қадимда илгари сурілған ғоялар кейінгічалик моҳияттан янғиланған, ўзгарған ҳолда яна маідандынға чиқишини күзатыш мүмкін. Бу ҳодиса ахлоқшунослық соҳасында ҳам тегішши. XX асрда юзага келған ва амалдітілген мұваффақияттага әришган ёвузылқка қарши зұравонлик күрсатмасдан курашыши — гайры зұравонлик ахлоқшунослығы ана шундай «янғиланған эски» ғоялардан.

Маълумки, ёвузылқни йўқотиши, тўғрироғи, камайтириши, заифлаштириши барча даврларда ҳам асосий ахлоқий муаммю бўлиб келтан. Қадимги дунёдаги ва ўрга асрлардаги Шарқ мугафаккірлари ёвузылқни күчсизлаштиришнинг йўли — унга қарши ёвузылқ билан жавоб бермаслик, деб билганилар. Бундай ёндошувни қадимги ҳипидлар ва хитойларда (йўға, жайнчиллик, буддхачиллик, даосчиллик), насронийликдаги Исо алайхиссалом даъватларида, мусулмонликдаги тасаввуф намоёцдаларида кўриш мүмкін. Лекин бу даврларда ёвузылқка ёвузылқ билан жавоб бермасликни факт сабр-тоқат Худога ташлаб қўйиш орқали амалга ошириш мүмкін деб билганилар. Агар ҳазрати Исо ўз умматларига «ўнг юзингта урса, чап юзингни тут,» деган бўлсалар, буюк мугасавиғи ва шоир, яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларидан бирида шундай деб ёзадилар:

*Золим агар жағо қылса, Айлох, дегил,
Илкинг очиб, дуо айлаб, бүйин сұнғил.*

Лекин аввалғи даврлардаги бу қарашларнинг моҳияти чидам ва бардош билан чекланған бўлса, XIX асрпинг иккинчи ярмида бошланған ҳамда ҳозирги нағтда муваффақиятли давом этаётган ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмаслик ана шу сабр-бардош, чидам орқали бўйсунишни эмас, балки куранишни тақозо этади. Ана шу янгиланған, моҳияти ўзгарган ахлоқий йўналишнинг ибтидосида XIX аср мугафаккири америкалик файласуфаҳлоқшунос Ҳенри Дэйвид Торо (1817-1862) туради. Бу йўналиш доирасида кейингчалик, XX аср бошларида Лев Толстой (1828-1910), кейинроқ буюк ҳинц мугафаккири ва жамоат арбоби Моҳандис Карамчанд Гаиди (1869-1948), америкалик руҳоний, фаілласуф, жамоат арбоби Мартин Лютер Кинг (1929-1968) сингари мугафаккирлар изланиши олиб бордилар. Шунингдек, АҚШдаги Альберт Айнштайн институти директори профессор Жин Шарп, Польша фанлар Академияси Фалсафа институти профессори Анжей Жегорчик, Россия Фанлар Академияси Фалсафа институти профессори Абдусалом Гусейнов сингари замондош олимларимиз ҳам мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мазкур йўналиш асосчиси Торо ўзи ёқтиргмаган америкача жамиятдан бош олиб чиқиб, 1845 йилнинг баҳоридан 1847 йилнинг кузиғача Уолден кўли бўйида қулба қуриб, дехқончиллик билан шуғулланади. Кейинчалик шу тажриба асосида «Уолден ёки ўрмондаги ҳаёт» асарини ёзди. Булдан ташқари у «Фуқаровий итоатсизлик», «Массачусетдаги қулчилик» сингари мақола ва эсселарида ҳам гайри зўравонлик ахлоқшунослиги ғояларини илгари суради. Торо ҳаётда ҳам ана шу ғояларга амал қиласди: солиқ тўлашдан бош тортади. Кунлардан бирида шаҳарга тушганида, уни солиқ тўламагани учун қамаб қўйишади. Кимdir унинг ўрнига солиқ суммасини тўлаб юборгандан кейингина Торони қамоқдан чиқаришиади. У ўзининг бу хатти-ҳаракатини куйидагича тушунтиради: «Менда, агар шундай имкониятим бўлган тақдирда ҳам, долларларимга одам сотиб олишларини ёки одамни ўлдириш учун мигтиқ сотиб олишларини кузатиб туришга иштиёқ йўқ». Мугафаккир қулдорлик ҳукм суроётган Америка Кўшма Штатлари ҳукумати билан ҳар қандай алоқани узинши ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бошқаларни ҳам шунга чақиради.

Торо ғайри зўравонлик инқилюби гояенин ўртага ташлайди. «Агар, – деб ёзди файласуф, – минглаб одамлар бу йили солик тўламаса, у зўравонлик ҳам, қонли чора ҳам ҳисобланмаиди; акс ҳолда, солиҳ тўлаш давом этаверса, давлатта зўравонлик қилиш ва бегуноҳларнишг қонини тўкиш учун имкон берилган бўлади». Фуқаровий итоатсиликпинг зарур шартини файласуф, шундай қилиб, ҳамманинг солиқдан бош тортишида кўради. Кейинги босқич, Торонинг фикрига кўра, иш ташлаш, давлат хизматчи-ларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортишлари-дир. Ана шуида тиягчилик йўли билан, қонсиз инқиlob амалга ошади. Лекин мазкур босқичлардан аввал ҳар бир инсон ўзини ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш босқичини бошдан кечирипни, яъни ўз оғиги ва қалбida шахсий инқиlob қилиши зарур. Фақат юксак даражадаги ахлоқий тайёргарликкини пировард мақсадига кўнгилдагидек етказиши мумкин.

Торо гояларини асримизда Гаиди ва Кинг янада юксак ногонага кўтардилар. Унлар ғайризувравонлик гояенин муҳаббат билан боғладилар ва душманга ҳам меҳрни лариф тутмасликка чорладилар. Гаиди Хиросима ва Нагасагика атом бомбаси ташланганида, атом бомбасини бошқа бомба билан йўқотиб бўлмагани каби зўравонликни зўравонлик қилиб йўқотиш мумкин эмас, деган фикри билдириб, шундай дейди: «Инсоният зўравонликдан фақат ғайризувравонлик йўли орқали кутилини мумкин. Газабни фақат меҳр билан еигса бўлади. Газабга ғазаб билан жавоб беринш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қиласди».

Мартин Лютер Кинг ҳам худди шуидай гояни илгари сурар экан, АҚШнинг машиҳур Президенти Линколын ҳаётидан мисол келтиради. Нима сабабдандир Линколининг кўрарга кўзи йўқ Стэнтон деган киши сайловолди компаниясида қўлидан келган ёмонлик билан унга қарши курашади. Линколыши ҳар қадамда ерга уради, минг хил гуноҳда айблайди, масхаралайди, хатто унинг ташқи кўриниши устидан кулади. Линколын Президент бўлиб сайлангач, ҳарбий вазирлик лавозимнiga айнан ана шу Стэнтонни кўрсатади. Атрофидагилар унга: «Жаноб Президент, Сиз хато қилипсиз, у Сизнинг душманингиз, унинг Сиз ҳақингизда нималарни гапирганини биласизми?!» деб қарши турди. Шуида Линколын буидай деб жавоб беради: «Ха, жаноб Стэнтонни биламан. Унинг мен ҳақимда нималар деганини ҳам эшитганман. Лекин ҳарбий вазирликка ундан бошқа бирор бир лойик американлик йўқ». Орадан бир неча йил ўтгач, Линколын ўлдирилади. Ўшанда қабр устида сўзланган барча нутқдан Стэн-

тоннинг нутқи алоҳида ажралиб туради. У, Линкольнни энг буюк инсонлардан бири деб таърифлайди ва: «Энди у мангуликка дахлдордир», деб ўз нутқини тутатади. Агар Линкольн Стэнтонга ғазаб билан қараганда, иккиси ҳам ўлгунча бир-бiriнинг душмани бўлиб қолар эди. Линкольн меҳр-муҳаббат воситасида душманни дўстга айлантирди. У бир пайтлар ўзига савол берган аёлга савол билан шундай деб жавоб берган экан: «Хоним, ахир мен ўз душманларимни дўстларимга айлантириш йўли билан ҳалок этмаяпмани?!»

Ғайри зўравонлик ахлоқшунослигига қисқача тўхталиб ўтишимизнинг ўзидаёқ, биз бу йўналишнинг келажақдаги асосий ахлоқий таълимотлардан бири бўлиб қолишини илгашимиз мумкин. Шахс, гуруҳ, миллат, халқлар ўз истакларини, мавжуд мустабид тузум ва хукumatдан норозилларини тинч йўл билан билдиришлари ҳамда ўз мақсадларига зўравонликсиз, қон тўқмасдан эришишлари мумкинлиги – инсониятнинг улкан ютуғи. Чунки қонли курашлар, инқилоблар, террор, куролли, қўзғолон сингари ҳодисалар муайян миллат ва мамлакат эришган ютуқларни йўққа чиқаради, ўлим, вайронагарчилик, маънавий қадриятларнинг оёқости бўлиши сингари улкан фожиаларга олиб келади.

XX асрда вужудга келган яна бир йўналиш – ҳаётта эҳтиром ахлоқий таълимоти машхур олмон файласуфи, шифокори Альберт Швайцер (1875-1965) номи билан боғлиқ. Унинг «Маданият ва ахлоқ» деб атаглан фундаментал қитобида ҳаётнинг юксак маъносини тан олиш ва барқарор этиш асосий тамоийл сифатида кўзга ташланади. Швайцернинг фикрига кўра, ҳаёт табиат яратган энг олий неъмат сифатида буюк хурматга сазовор. Бу талаб, тараққиёт даражасидан қатъий назар, ҳамма ҳаёт учун бир хиллик мақомига эга. «Ҳаётта эҳтиром ахлоқи, – дейди Швайцер, – олий ёки қуии, нисбатан қадрли ёки қадрсиз ҳаётлар орасида фарқ кўрмайди. Мен – ҳаётман, мендек яшашиб истаган ҳаётлар ичида яшашиб истагувчи ҳаётман». Шу нуқтаи назардан қараганда, майса ҳам, каклик ҳам, кийик ҳам менинг каби яшашиб ҳақли, уларнинг ҳаёти ҳам эҳтиромга сазовор. Бу таълимот замонавий инсоңда экологик маданиятнинг вужудга келишида, биз биринчи маъruzamizda айтиб ўтганимиз, этосфера-нинг яратилишида муҳим аҳамиятта эга.

Янги давр ахлоқшунослигига тасаввуфий йўналишнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу борада нақибандия тариқатининг энг кенжабўғин мугафаккирларидан бўлмиш буюк турк алломаси Муҳаммад Зоҳид Кутку (1897-1980) ва униллар шогирди, замон-

дошимиз профессор Маҳмуд Асъад Жўшоннинг қарашлари алоҳида дикқатга сазовор. Мұхаммад Зоҳид Қутқу беш жиыдлик «Тасаввуфий ахлоқ» деб номланган фундаментал асарида босқа ахлоқий масалалар билан бирга жўмардлик мезоний тушунчасини, Жўшон эса ўз асарларида нафс ва уни енгиш муаммоларни ўргага ташлайдилар.

Улар асарларида инсон ҳәёти олий қадрият экани таъкидлангани ҳолда, ўзганинг ҳәётини ўзингницидан олийроқ қадрият деб қараш тоғаси илгари сурилади. Жўмардликнинг моҳияти ана шундай. Бундай қараш, шубҳасиз ҳозир замондошлиаримиз ҳаётига кириб келган салбий маънодаги ўта прагматизмга қарши курашда, ахлоқий муҳитни согломлаштиришда муҳимдир.

Биз Янги давр ахлоқшунослиги мавзуига қисқача тўхталиб ўтдик. Зоро, у шунчалик раиг-бараиг ва миқёслики, уни биринчи ё уч маъруза доирасида қамраб олини мунисул Шу боне ухунт асосий таълимотлари ва йўналышваринингизни назардан ўтказдик, холос.

Таяиҷ тушупчалар

Лаззат, Мақсад, Восита, Рух, Қалб, Манфаат, Эзгулик, Ёвузлик, Ихтиёр эркинлиги, Бурч, Ахлоқийлик, Коницииш, Мұхаббат, Баҳт, Виждон, Изтироб, Ало одам, Ҳаё, Уят, Инсоф, Ватан, Ватанпарварлик, Ҳалолик, Ачинищ, Шафқат, Файри зўровоилик, Рӯҳий таҳлил, Экзистенция, Кўркув, Тазаруъ, Мавжудлик, Жўмардлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Лоренцо Валланинг ахлоқшуносликка доир асарларида қандай муаммолар кўтаришган?
2. Макиавеллининг «Хукмдор» асарида илгари сурилган гоялар ахлоқий жиҳатдан қай тарзда асосланган?
3. Кант ва Хегелнинг ахлоқшунослигига нималар асос қилиб олинган?
4. Фойербах ахлоқий таълимотининг ўзига хослиги нимада?
5. Шопенхайерининг норационал ахлоқий қарашлари асосида нималар ётади?
6. Ниттише ахлоқий таълимотининг баҳсли томонлари нималарда кўринади?

7. Рус мұмтоз ахлоқшупослаірінің асосий ғоялары қай тарзда акс эттан?
8. Рұхый таҳлил ахлоқшунослығы кириған яптиліктер нималарда ўз ифодасини топған?
9. Нима учун экзистенциячилік таълимоти ҳаракат ва жүръат ахлоқшунослығы деб аталади?
10. XX асрда яна қалдай ахлоқий йўналишлар ва таълимотлар мавжуд?

АДАБИЕТЛАР

1. Ницше Ф. Зардұшт таваллоси. «Тафаккур» журналы. 1995, 1-сон.
2. Сартр Ж.-П. Экзистенциализм түғрисида. «Жаһон адабиёти» жур. 1997, 5-сон.
3. Шер А. Шарқ фалсафаси ва экзистенциячилік. «Соғлом авлод учун» жур. 1998, 1-сон.
4. Валла Л. Об истинном и ложном благе. О свободе воли. М., «Наука», 1989.
5. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.
6. Гулыга А.В. Немецкая классическая философия. М., «Мысль», 1986.
7. Кант И. Из лекции по этики // Этическая мысль 1988, 1990. М., Политиздат, 1998, 1990.
8. Макиавелли М. Избранные сочинения. М., «Художественная литература», 1982.
9. Ницше Ф. Сочинения в 2-х томах, том 1, М., «Мысль», 1990.
10. Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. М., «Республика», 1992.
11. Фейербах Л. Избранные философские произведение в 2-х томах, т 1, М., 1955.
12. Фрейд, Введение в психоанализ. Лекции. М., «Наука», 1989.
13. Фромм Э. Душа человека М., «Республика», 1992.

ТУРКИСТОН МАЪРИФАТЧИ-ЖАДИДЛАРИНИНГ
АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ
(2 соат)

Режа:

1. Туркистон маърифатчилигининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқа дастлабки маърифатчиларниң асарларида кўтаришган ахлоқий муаммолар.
3. Абай, Айбар отин, Абдулла Авлоний ва Фитратниң ахлоқий қараашлари.
4. Жадид матбуотининг ахлоқий тарбия борасидаги хизматлари.

1. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинди ва мустамлакага айлантирилди. Бу мустамлакачилик моҳиятини Туркистон ўлкеси генерал-губернаторларидан бири А.Н. Куропаткинниң ўз қунағанинг ахлоқий парварида, биз Туркистон халиқларини ярим аср мобайнида жаҳон маданияти ва цивилизациясидан четда тутиб турдик, деган сўзлари яққол англатади. Лекин, айни пайтда, рус тараққий парвар зиёллалари орқали рус ва жаҳон илм-фани ва маданияти ҳам чор маъмурияти тўсиқлари орасидан сизиб кирар эди. Шу ижобий таъсир аста-секинчилик билан мазлум Туркистонда янги Уйғониш даврини бошлаб берди. Маҳаллий зиёллалар орасида ўз халқини озод кўришга ва жаҳонниң бошқа миллатлари билан тенгглаша оладиган даражага олиб чиқишига интилиш натижасида бу Уйғониш Оврўпа маърифатчилигига нисбатан жуда шиддаткор ҳамда миқёсли бўлди. Шунингдек, ўрта асрлар ўргатага ташлаган маърифатпарварлик гоялари учун ҳам эндиликда амалий шаклларда янгича-маърифатчилик тарзида намоён бўлиши имконияти яратилди. Зоро ўша гояларни янгиланган шаклларда амалга ошира оладиган фаолиятли зиёллалар вужудга келган эди. Уларни кейинчалик жадидлар деб атай бошладилар.

Маърифатчилик асосан уч соҳа орқали тезкор тарзда тараққий топиб борди. Булар – маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадиий адабиёт, театр) ва матбуот. Пировард мақсад миллатни, бир томондан, илми-маърифатли қилиш бўлса, иккинчи томондан, унинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида ўзлигини, ўз қадрини анлаган билимли шахсни вояга етказиши эди. Туркистон маърифатчилари то-

монидан ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида катта ишлар қилинди.

Туркистон маърифатчилигининг дастлабки босқичларида ахлоқий гоялар асосан бадиий ва дидактик шаклларда ўз аксими топди. Шу жиҳатдан ўзбек, ва тоҷик ҳалқларининг мутафаккирлари Аҳмад Донишнинг (1827-1897) «Наводир ул-вақоे» асари диққатта сазовор. Аҳмад Дониш ўз асарларида Бухоро амирлиги давлат тузумини Россия давлат тузуми билан солиштириб, уни ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлайди. Айни пайтда, анъана-вий ахлоқий тушунчалар билан фикр юритар экан, у адолатни ҳам подио — ҳукмдор шахсига, ҳам давлат тизимига хос фазилат сифатида олиб қарайди. Агар ҳукмдор адолатли сиёsat юргизса, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаси учун адолатни мезон қилиб олса, санъатнинг гуллаб яшнашига йўл очиб берса — ҳалқ ҳаёти фаровон бўлади, фазилатлар кучайиб, иллатлар заифлашади. У, ҳукмдор донишмандлик фазилатига албатта эга бўлиши лозим, давлатнинг моҳиятини ақди белтилайди, деган хulosага келади: оқидаона бошқарилган мамлакат аҳолисигина маърифатли ва юксак ахлоқ эгалари-бўла олади.

Шунингдек, Аҳмад Дониш ўз давридаги жоҳиллик, риёкорлик, пораҳўрлик сингари иллатлар жамиятни таназзулга олиб боришини таъкидлар экан, дин пешволарининг ногўри йўлга кириб кетганини, шайхларнинг ёлгоғчилигини, уламоларнинг пораҳўрлигини фош қилади.

Қорақалпоқ ҳалқининг буюк мумтоз шоири Бердақ (1827-1900) шеърларида ҳам ўша давр ахлоқий муҳити ўз аксими топади; у ҳам дин пешволарининг ўзи охиратта ишонмасликларини, товламачилик, очкӯзлик, текинхўрлик иллатларига мубтало бўлганликларини ва бу билан ислом илдизига болта ураётганиларини қўтиқ танқид остига олади.

Буюк ўзбек мумтоз шоирлари Фурқат (1858-1909), Муқимий (1859-1903), Дишод-Барно (1800-1906) асарларидағи ахлоқий муаммолар тараққийшарварлик гоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Чунончи, Фурқат «Илм ҳосияти», «Гимназия», «Таржимаи ҳол» каби асарларида маърифатли бўлиш юксак ахлоқ эгасига хос хислат эканини, лекин, нодоилик охир-оқибат турли ҳулқий ногавонликка олиб келишини таъкидлайди. Шоир ғазалиларидан бирида шундай деб алам билан ёzáди:

*Чархи қажрафтторининг бир шевасидин доғмен,
Айшини нодон сурib, кулфатни доно тортадур.*

Мұқимийнинг ҳажвий асарларида эса ўша даврда авж олған Фирибгарлиklар, амалдорларнинг ноисоғлиғи, адолатсизлиғи қаттік таңқид қилинади. Шоирнинг «Воқеан Виктор», «Воқеан күр Ашурбой ҳожи», «Танобчилар», «Түй» сингари асарлари Туркистан халқлари оёғидан тобора тубанликка тортаётгай иллатларни аёвсиз фош этади. Ўша даврдаги бойларнинг нафсдан бошқа нарсаны билмасликларини, фаҳшу майшатта юзтубан кеттәнликларини, чор атрофда адолатсизлик ҳукмронлық қылаёттанининг алам билан ёзади. Энди Дилшоднинг бир муhammasидан олинган қуидаги парчага дикқат қилинг:

*Алам ўтидип күёдир бу экон
Дуди ох ила тұла осмон,
Бетоқат ўлиб чекаман фифон,
Менга раҳм этиб шиглайди макон,
Титраб боқадир заманғу замон.*

*Боёуларымиз нафса овора,
Түгёни ошиб то бора-бора,
Атлас түқиғон қизи бечора,
Ясанмай юзга суртади қора,
Қора күнларга қолди Марғилон.*

*Олма апору мевалар көни,
Алмю мевага зор бөгбони,
Бүгдой ионини күрмас дәхқони,
Пахта экади, шыртық чопони,
Фарғона замин ҳұсни Наманғон.*

Бу сатрларда күтариլған адолатсизлик муаммоси орқали ўна даврдаги ієктимоий-ахлоқий манзара яққол намоён бўлади.

2. Туркистан халқларининг ахлоқий юксаклик ва маърифат воситасида миллий ўзлигини англаш даражасига күтаришда қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай (1845-1908) ахлоқий қарашларининг аҳамияти катта.

Абай шеърларида, шунингдек, «Искандар», «Масъуд» дос-тоңларида эзгулик, адолат, мардлик шықоат сингари фазилатлар ўрнини иллатлар эгаллаб бораётганидан, халқнинг яхшилик билан ёмоналикни фарқлаш олмайдиган даражага тушиб қолганидан фарёд чекади:

*Оталарга ўхшамай қолди түркінг,
Ёнирай мұнча кетди, зили, хұлқинг!
Бирлік йүқ, барака йүқ, бузилди феъл,
Қани ишкән давлатынг, бокқан ишләнг?*

«Хұлқи кеттан», «феъли бузилпан», «алдамчи», «сүк», «очкүз» сингари, сиртдан қараганда ўз халқига нисбатан бешафқатларча, хатто ҳақорат даражасында күтариլған бу сүз ва иборалар аслини олғанда, милятни жондан ортиқ севған буюк шоир қалбининг алами һигисидир.

Шуписи қызықарлықи, Абайнинг ахлоқий қарашлари маңлум жиҳатлари билан ғарблық машхур замоңдоши, буюк олмоп файласуғи, адеби Фридрих Нитцшенинг баъзи қарашларига яқин. Аммо, таъкидлаш керакки, Нитцшедаги ўта кескинлик, ўта бекарорлық Абайға ёт. Шунга қарамасдан, қадриятларни қайта баҳолаш, лозим бўлса, бутун милятни қайта тарбиялаш каби тоялар Абайға ҳам хос. Хусусан, у халқни ўз феълини ўзгартиришта, бу йўлда лозим бўлса, анъанавий ҳаёт тарзидан, ота-боболардан қолган ўтиг — мақоллардан, хатто асрлар мобайнида ўргангандан чорвачиликдан кечишинг даъват этади. Чупончи, Абай ўзининг машхур «Насиҳатлар» деб аталған ахлоқпеносликка ва амалий ахлоқда доир китобида шундай деб ёзди; «Қозоқларнинг бир-бирига душман бўлишининг, бирининг тилагини иккинчиси тиламаслигининг, рост сўзи кам, мансабпаст, ялқов бўлишилкларининг сабаби нимада? Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қиласди: ҳар қандай ялқов киши — кўрқоқ ва ғағратсиз бўлади; ҳар қандай мақтагчоқ кўрқоқ киши — ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз нодон киши — орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши — ялқов, киши олдида тиламчи, очкүз, сук бўлади; бундай хунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди. Бу иллатларнинг ҳаммаси тўрт оёқли молни кўпайтиришдан бошқа нарса ҳаёлига келмайдиган кишилардан чиқади. Агар инсон экин-тиқин, илм-хунар, савдо ишлари билан шуғулланса, бундай ёмон фазилатлар (яъни иллатлар) унга доримаган бўлур эди».

«Насиҳатлар» рисоласининг бошқа бир ўрнида Абай, мақолларни таҳлил этиш орқали, юқорида айтганимиздек, маңлум маънода анъанавий қадриятларни қайта баҳолашга иштилади: «Бизнинг қозоқларни айтиб юрган мақоллари ичида, — дейди Абай, — ишга яроқлisi ҳам, яроқсизи ҳам бор. Баъзилари яроқсиз бўлиши у ёқда турсин, хатто на мусулмончиликка ва на одамгар-

чиликка тўғри келади. Аввало: «Фақир бўлсанг – орсиз бўл!» дейишади. Ордан айриштаб тирик юргацдан кўра, ўлган афзал... «Олтини кўрса фаришта ҳам йўлдан озади», дейишади. Садқай фаришта кетпурлар-эй! Бу шунчаки уларнинг ўз шум ниятларини маъқулламоқчи бўлиб айттанилари эмасми?... «Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиг», «ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман», «мол – одамнинг жигар гўшти», «Моли кўпининг – юзи ёруғ, моли йўқининг юзи – чорик», «Еган оғиз уялар», «Олағон кўзим берагон»... Бундан маълум бўлдики, қозоқлар тингчлик учун гам емас экан, балки акситча мол-дунё учун гам чекар экан... Агар моли бор бўлса, ўз отаси билан ҳам ёвлашишдан уялпичас экан... Ишқилиб, ўтрилик, шумлик, тиланчилик, кўйининг-чи, шунга ўхшашиб ярамас фазилатлар (яъни иллатлар) билан мол топса ҳам буни айб санамаслигимиз керак экан». Бошқа бир ўринда буюк мутафаккир имон ҳақидат сўз юртиб, яна баъзи мақоллар тўтиришда шунчай дейди: «Имонга инк кептирган банингни Олтоҳ таюю ағзу этмайди ва найнамбаримиз ҳам шафқат қитмайди, бу мумкити ҳам эмас. «Қылғич устида шартр йўқ», «Худой таолоннинг кечмас гуноҳи йўқ» – деган қалбаки мақолларга суянгашининг банираси курсин!».

Абай ўз миллатини ниҳоятда севган мутафаккир. У ҳеч кимни ҳақорат қўлмоқчи ёки камситмоқчи эмас; бу аччиқ гаплар халқ дардида ўрганган мутафаккирнинг аламти Фикрларицир. Абай одамларнинг торлашиб, майдалашиб кетаётганидан, ердаги ўз иисоний вазифаси ва маъсулиятини бажармаётганидан разабланади: «Сукротга оғу берган, Иониа Аркни оловга ташлаган, Исони дорга осиб, пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи ва салламни тужининг ўлимтигига кўмган ким? Халқ! Шундай бўлгач, халқда ақл йўқ. Йўлини топ-да, халққа раҳнамолик қил». Кўриниб турибидики, буюк қозоқ мутафаккирининг ахлоқий идеали халққа раҳнамолик қила биладиган одам. Албатта, у ало одам эмас, лекин ало одам вазифасини маълум маънода бажара оладиган инсон. Бундай инсонни тарбиялаш вояга етказиш, лозим бўлса, яратиш (маънавий жиҳатдан) мумкин; «Одам онадан ақлли бўлиб туғилмайди,— дейди Абай,— балки туғилганидан кейин, дунёда нима яхши, нима ёмон эканлигини эшигтиб, кўриб, ушлаб, топиб, зеҳн қўйиб ақлли бўлади». Бошқа бир ўринда эса, мутафаккир, мана буидай дейди: «Агар давлат менинг кўлимда бўлганида, инсон фарзаңдини тузатиб бўлмайди, деган одамнинг тилини кесиб ташлардим...»

Шулдай қилиб, Абай тұгма ахлоқиілмекни бугунлай инкор әтмаса-да, инсоннинг ахлоқиі даражасы тарбия билан боғлиқдитини қатый таъкидлайды. Айни пайтта тарбията ва ахлоқиі даражага мұайян ижтимоий мұхитнинг, замоннинг таъсирини асосий сабабчи деб билади: «Инсон боласини замона парвариш қилади, кимда-ким ёмон бўлса, айб замондошларида», — дейди файласуф — шоир. Унинг ҳақлигини инсонни ахлоқиі-маънавий жиҳатдан анчагина тубанлашгирис, уни эътиқодсиздик, ёлғончиллик касалига мубтало қилиб қўйған мустамлакачиллик ва, айниқса, шўролар замонасиининг салбий таъсирида яққол кўришимиз мумкин.

Абайнинг ҳаё, уят, инсоф, оқиғиллик, адолат сингари фазилатлар ва мақтаңчоқлик, олифтагарчиллик, керилиш, ёлғончиллик, очкўзлик каби иллатлар ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. Чунончи, у уят тушунчасини икки хил маънога эга эканингини айтади. Биринчиси, одам ўзи уят бўларлик иш қилмайди, лекин ўзганинг уятли ишидан уялади. Бунинг сабабини мутафаккир уятли иш қилган одамга нисбатан ачинили ҳисси эканини таъкидлайды. «Иккигчиси шуки, — дейди Абай, — қилган ишинг ҳам шариатга, ҳам ақлга, ҳам обрў-эътиборга зид бўлади: сен буидай ишни билмасдан, ё гафлат босиб, ё эса нафс балосида қилиб қўяссан. Мана буни чин маънодаги уят деса бўлади». Ана шу иккичи маънодаги уятни мутафаккир виждан билан боғлайды, уни виждан азобининг ташқи кўриниши тарзida талқин қилади: «... баъзан уятли кишилар уйкудан, ишгаҳадан қолади, хатто чидаёлмай ўзинни-ўзи ўлдирадиганлари ҳам бўлади. Уят кишининг ор-номуси, ўз ярамас фазилатларига (яъни иллатларга) қарпи ички исёнидир».

Умуман олганда, Акбайнинг шеърий асарларида ва, айниқса, «Насиҳатлар» рисоласида кўтарилган ахлоқиі муаммолар бугунги кунда ҳар жиҳатдан илмий тадқиққа лойиқ. Гарчанд буюк Туркистон мутафаккири кўпгина иллатлар ҳақида ўз халқига писбат бериб, фикр юритса-да, улар, баъзи бир истиснили — фақат қозоқларниң анъанавий турмуш тарзига тааллукли жиҳатларни ҳисобга олмаганды, умумтуркй аҳамиятга молик ахлоқиі шуқсонлардир. Шу боис Абайнинг фалсафий-назарий ҳамда амалий-дидактик фикрлари ва талқинлари биз учун доимо қимматларидир.

Туркистон маърифатпарварларининг яна бир йирик намояндаси Дилшод Барнонинг шогирди Анбар отишдир (1870). Унинг ахлоқиі қарашлари лирик-фалсафиј шеърларида ва «Қаролар

фалсафаси» (1898) рисоласида ўз аксини тоғпан. Айбар отин ҳам инсон ахлоқий даражасини ақп, илм-маърифат билан боелайди ва ижтимоий тараққиётта ақплий ҳамда ахлоқий юксаклик орқали эришиш мумкин, деган ақидага амал қилади. Унинг асарларида ахлоқсизлик ботқоғига ботиб бораётган жамиятта нафратни, шариат ва тариқат намояндадари айниб кетганилиги, бойлардан иисоф күтарилигини ҳақидаги фикрлар мардона илгари сурилади. «Муқимиға», «Мингбоши кал Омил ҳажви», «Олимжон ҳожи таърифи» каби шеърларида ана шу йўналиши кўриш мумкин. Танқидий-бадиий шаклдаги бу йўналини «Қаролар фалсафаси» рисоласида фалсафий-таҳлилий шакл касб этади.

«Қаролар фалсафаси» асари асосан бир-биринииг зидди бўлмиш иккى муаммо-ижтимоий адолат ва ижтимоий зулм ту-шунчаларига бағишланган. Рисола кўп ўриниларда фалсафий-мажозий талқинлардан иборат. Чунинча, рисола давомиди айнича, унинг биринчи фаслида қора ва оқ раигларинииг мажозий ҳамда ботиний моҳияти ўзига хос тарзда ифодаланади. Қора меҳнати туфайли дулиёни яшинататтган инсонлар қалбинонг оқлиги, оқ тана-ю оқ билак кимсалар қиласётган ишларинииг қоралиги таъкидланади ва улар шу орқали ахлоқий мазмун касб этади. Айбар отин шундай деб ёзади: «Ул қаро ҳалқ оғиб сўзанида меҳнат қилиб, ўзлари ҳар қанча куйғанилари ҳолда, ҳосилларипи ҳамговокларига тухфа қитуллар. Мисол андоқдурки, қазон бовужуд қорадур, ўзи ўгда куйиб қаро бўлғони ҳолда овқат пишурин одамларни тўйдирур.

Қаролар бордуруларки, алар ўзлари қаро бўлғони ҳолда, маърифат нури сийрагларида тўладур ва ул нурларни фасоҳат ва тил дурдонлари воситаси ила оламга оқ шуъла сочарлар, Мисол улдурки, қаро чароғ ўзи қаро ёғ, куюндинга гирифтор бўлғони ҳолда, нури илан кулбани равшан қитур».

Рисоланииг иккигичи фаслида Айбар отин ўша даврдаги аёллар аҳволини, уларнииг бевосита ва билвосита ижтимоий камситишлар патижасида ўз иқтидори, истеъоди, латофатини на-моён қила олмасликларини айтиб ўтади. Улар, хатто, кўчак-кўйларга зарурат юзасидан, масалан, қариндош-уругларини кўргани бориши учун чиққанларида, эски паранжига ўраниб, кампирлар каби буқчайиб юрадилар. Чунки агар қадди қоматини адл тутиб, ёки очилиб-сочилиб юрсалар, унларга эркаклар тажовуз қилишлари мумкин. Бундай ахлоқсизликнинг илдизи ижтимоий адолатсизликка бориб тақалади: камбағалиги туфайли

тирган фарзандларгина миллиатни юксакъа күтара олишини, уни истибдоддан күтқаришини айтади: «Бу дунё турас майдонидир. Бу майдоннинг куроли соглом жисму тан, ағт та ахлоқдир. Лекин ана шу курол-аслаҳамиз синиб, занг босиб, чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор...» – дейди алам билан Фитрат.

Ватанпарварлик, миллиатпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, муалиф китобнинг биринчи қисмини, маълум маънода меъерий дастуриламал тарзида тартиб беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган туркистонлик кичик ҳажмдаги ахлоқий-майший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, асарда оиланинг моддий томонлари, ташкил топгандан бошлаб, бузилишигача бўлган ҳолатларининг ахлоқий асослари тўғрисида ҳам тўхталиб ўгади.

Китобнинг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишланган. Фитрат ҳам тарбияни айъанавий йўнилишида талқин этади: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Ана шу уч тарбия уйғунлигида ҳақиқий инсон камол топади деб ҳисоблайди муалиф. Китобнинг бу қисмida Фитрат, маълум маънода, ўзига хос ахлоқий тарбия назариясини тақдим қиласди. У ихтиёр эркипилти муаммосини майл тушунчаси орқали ўртага ташлайди: баҳт майли, фаолият майли, алоқа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммасида ҳам инсонни жамият аъзоси сифатида, ҳам ижтимоий мавжудот сифатида олиб қарайди. Шунингдек, у иззат-нафс, айниқса, ирода масаласига алоҳида тўхталиб ўғади. «Ирода ва ихтиёр» сарлавҳаси остидаги кичик бобда Фитрат фарзандни иродали қилиб тарбиялашга даъват этади, ирода тарбиясиning тўрт банддан иборат қоида-босқичларини таклиф этади. Болани иродали қилиб тарбиялашша ота-онанинг зўри эмас, балки болага бериладиган муайян эркинилик мухим эканини таъкидлайди. «Ота-оналарнинг ҳақ-хукуқлари» бобида ҳам балогатта етган фарзанднинг эркинилик даражаси ҳақида фикр юритилади.

Умуман олганда, Фитратнинг «Оила» китобида амалий ахлоқ билан ахлоқ назарияси муаммолари уйғунлашиб кетган. Лекин унда педагогик-дидактик услугуб эмас, жанговор чорлов услуги устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик, эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ. Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, яъни миллий мустақилик мағкураси китобнинг руҳига сийгидириб юборилган. Уни ўқитган киши на факат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш керак-

лигини, балки, миллій озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, унга қандай қилиб эришиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мугафаккүр-жадид Абдурауф Фитратнинг «Оила» асари Туркестон миллій уйғонишида бенихоя катта роль йинади. Айни пайтда, у ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ажойиб ахлоқий-маърифий рисола сифатида алоҳида эътиборга молик.

XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг илмли, ҳар жиҳатдан юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлишлари учун зиёлилар орасида жиддий ҳаракат авж олади. Зоро, оиласидаги бола тарбияси яъни ёш авлод тарбияси асосан оналар кўлида экани ҳаммага аён бўлиб қолади. Шу боис илфор, зиёли аёллар на фақат қизлар мактабларини очиб, мактабдорлик қилиш, балки ахлоқий-тарбиявий рисолалар ёзиш йўли билан ҳам бўлажак зиёли оналарни вояга етказишга ҳисса кўшадилар. Шу жиҳатдан Олимат ул-Банотнинг Санкт-Петербургда 1898 ва 1899 йилларда икки марта нашр этилган «Муошарат одоби» «(Турмуш одоби)» асари ўз вақтида катта аҳамиятга эга бўлган. «Агар хотун ўқиғаи бўлдез, ўзишиг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят Аллоҳ Таоланинг амрига мувофиқ ҳаёт кечира. » – дейди рисола муаллифи. Унда аёлларнинг турмушдаги ўрни, оиласий вазифалари, эр-хотин орасидағи муносабатлар, болалар тарбияси уй тутици, никоҳ ва муҳаббат борасида Фикрлар билдириллади. Айни пайтда, уй хизматчилирига муносабатда инсоф ва адолат юзасидан, уларнинг ҳам уй эгаларига ўхшашиб инсон эканликларини ҳисобга олиб, иш кўриш лозимлиги таъкидланади, турмушнинг оқилона уюштирилиши учун хизмат қиладиган ибратли маслаҳатлар берилади. Бощқа бир татар зиёли аёли Фаҳр ул-Банот Сибғатуллоҳ қизининг саксон етти сабоқдан иборат «Оила сабоқлари» (1913) рисоласи эса тарбиянинг турли томонларини бирваракай ўз ичига олади. Ахлоқшунос оима ўз рисоласи моҳиятини қўйидагича белгилайди: «Оила сабоқлари хонимларга, қизлар мактаби шогирдларига оила вазифалари тўғрисида фойдали маълумот бергани каби ўкувда тамом енгиллик ва бир тарафдан асосли бир ахлоқ сабоги ҳамдир». У ўн иккинчи сабоқда тарбияни «илмни ахлоқнинг тани, негизи» деб таърифлайди. Асар фалсафий мушоҳадалардан кўра кўпроқ амалий кўрсатмалардан иборат. Айни пайтда, унда ҳам маънавиятга, ҳам моддиятта замонавий муносабат масаласи ўртага ташланади, юксак ахлоқли

болани вояга етказишда ҳар икки йўналишдаги тарбиянинг муҳимлиги таъкидланади.

4. XX аср бошларида амалий ахлоқ муаммолари жадид матбуотида кенг ўрин олади. «Тараққий», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Турон», «Хуршид» сингари газеталарда эълон қилинган ҳажвий-журналистик асарларда ўша давр боёиларининг қолоқлиги, чор маъмуриятининг тўрачилиги, паранжи-нинг янги замонга мос келмаётгани, талабаларга 5 сўм иона қилиш ўрнига, беш юзлаб сўмни ресторонларда фоҳишаларга сочайтган ахлоқсиз сармоядорлар қаттиқ танқид остига олинади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ҳамза, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби Уйғониши даврининг буюк намояндлари ўз бадиий асарларида ахлоқ муаммоларини дадил кўтариб чиқдилар ва ана шу нашрларда ўз публицистикаси билан ҳам фаол иштирок этдилар. Жадид матбуоти бутун кўчини озодликни, Ватанини жондан севувчи, илгор, тушунган, ҳар томонлама камол топган эркин Туркистон фуқаросини тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб кўйди. Афсуски, дастлабки февраль инқилоби берган хуррият узоққа чўзилмади. Большевикларнинг 1917 йилниг 25 октябрида амалга оширган давлат тўйғариши тез орада унинг ютуқларини йўққа чиқарди, Ленин бошчилигида ишлаб чиқилган янги мустамлакачилик режаси асосида барча тараққийпарвар кучлар катагон қилинди. Фалсафий фанлар, шу жумладан, ахлоқшунослик ҳам тараққиётдан тўхтади. Улар мағкурага бўйсундирилиб, сохталашибди; эркин фикр таг-тути билан қўпориб ташланди. Шу сабабли жадидчилик ўз олдига қўйган вазифаларини тўла адо этолмади. Лекин, шунига қарамасдан Туркистондаги бу маърифатчилик ҳаракати қисқа муддат ичida бўлса ҳам мазлум халқларни маълум маънода уйғота олди.

Таяпч тушупчалар

Миллат, Ватан, Ватансеварлик, Тараққиёт, Алолат, Тарбия, Оила, Диёнат, Шараф, Ҳаё, Виждон, Майл, Ихтиёр, Ирода.

Такрорлаш учун саволлар

1. Туркистон маърифатчилигининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Аҳмад Доңиш, Муқимий, Фурқат каби маърифатчиларнинг асосий тоялари нималардан иборат?
3. Абайнинг ахлоқий қарашларида қандай янгиликлар кўзга ташланади?
4. Албар отининиг «Қаролар фалсафаси» рисоласида кўтарилган муҳим ахлоқий муаммолар қайсилар?
5. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласининг ахлоқий-тарбиявий моҳияти нималарда кўринади?
6. Фитратнинг «Оила» асари жадидчилик ахлоқшунослигига қандай ўрин эгаллади?
7. Туркистон жадидлари ахлоқшунослигига матбуотиниг аҳамияти қандай бўлган?
8. Ватанининг ахлоқшунослигига жадидлар таълимогизни қандай маънга оғизлади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистониниг сиёсий-ижтимоий ва иqtisodiy истиқболиниг асосий тамоийлари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
2. Абай. Таңланган асарлар. Т., Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1995.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., 1993.
4. Албар отин, Шеърлар. Рисола. Т., Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1970.
5. Ризо Ш. Маърифатпарварликдан маърифатчиликка. «Тафаккур» журнали, 1995 йил, 1-сон.
6. Фитрат. Оила. Т., «Маънавият», 1998.

6-мавзу

АХЛОҚНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ҮНДА ИХТИЁР ЭРКИНЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АХЛОҚ ТУЗИЛМАСИ (2 соат)

Режа:

- 1. Ахлоқнинг келиб чиқиши.*
- 2. Ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий тайлор.*
- 3. Дастраси ахлоқий қонун-қоидалар ва ахлоқий тараққиёт муаммоси.*
- 4. Ахлоқ тузилмаси.*

1. Қадимий она сайёрамиздаги ҳаёт одатда уч оламдан иборат деб қабул қилинган. Булар – наботот, ҳайвонот ва башарияг олами; уларнинг ўзаро муносабатлари заминимиздаги ҳаётининг асосий омили ҳисобланади. Ҳар учаласига ҳам пайдо бўлиш, ривожланиш, ўзини муҳофаза қилиши, насл қолдиришига ингиллиш институти берилган ва ҳаётининг бир кунмас-бир кун ўлим билан ниҳоя топиш қисмати белгиланган. Чунончи, ўсимлик ургудан пайдо бўлади, ривожланади, синган шохлари ўринини сирач чиқариб, даволайди – муҳофаза қиласи, уругипи қолдириб, бир кун курийди. Ҳайвон шу хусусиятлар билан биргаликда сезиш аъзолари ва қобилиятига ҳамда муайян даражада идрок этиши хислатига эга. Ийсонада эса булардан ташқари мулоҳаза қилиш, фикрлаш қобилияти ва уят ҳисси, бир сўз билан айтганда, ақл бор. Уни Имом Фаззолий олгинчи сезги ёки иккичи юрак, юрак ичидағи юрак деб атайди. Ана шу ақл ихтиёр эркинлигини, ихтиёр эркинлиги эса ахлоқни тақозо этади.

Бу фикрни ёйиброқ тушунтириши учун ийсонининг пайдо бўлиши тарихига назар ташламоқ жоиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, ийсонининг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир-бирига қарама-қараш икки қарааш мавжуд. Бири – диний, иккичиси – даҳрийча қарааш. Диний-эътиқодий нуқтаи назардан одамни Худо яратган. Даҳрийча қарааш эса, буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатининг бир қисми, деган форми илгари суради. Улар орасида инглиз табиийётшуноси Чарльз Дарвин (1809–1882) фикрлари алоҳида эътиборга молик. У табиий турларининг тайлор йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги эволюцион таълимоти яратди. Дарвон одам билан одамсимон маймуналарининг қардошлигини исботлашга уриди ва одам маймундандан пайдо

бўлган жонзот деган хулоса чиқарди. Дарвинча-дахрийча қарааш яқин-яқингача «социалистик лагерь» ҳудудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндошуви сифатида ҳукм сурib келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яраттан деган Фикр уларда етакчилик мавқенини эгаллади. Умуман, олгаңда, инсониятнинг интеллектуал тарихида, ҳатто нисбатан дахрийлик асри бўлмиши XX асрда ҳам, инсонни Худо яраттан, деган Фикр камида тўқсон фойизни ташкил этади. Биз ҳам ана шу кўтгалик томонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган аксил Фикр ҳам яшаш ҳукуқига эга эканини тан оламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, байзиларда, динийлик билан дунёвийлик бир-бири билан сифишидиган ҳодисаларми, деган ҳавотирли савол туғилди. Биз унга «Ҳа!» деб жавоб берамиз. Улар на фақат сифишиди, балки бир-бирини тақозо этади. Хусусан, дунёвийлик динийликниң мавжудлики шарти, яънибу дунё бўлмаганида, умумизҳоий динизни маъниси тасвирлабор нозига қилинмаган бўлур эди. Улар бир-бири билан сифишигани учун ҳам бутун биз Арастуга, Форобийга, Ибн Синояга, Кантта, Улугбекса, Ньютонга эгамиз. Ҳамма тушупимовчилик бизда ҳали ҳам ишуролар давридан қолган сарқит-одатдан келиб чиқади: биз ҳали-ҳанузвагача дунёвийликни эмас, дахрийликни, дунёвий иттимарни эмас, марксча-ленингча деб атальган соҳга «фан»ни инкор этади. Дунёвийлик эса жамиятдаги динийликни ҳам, дахрийликни ҳам фуқароларниң виждан эркинилиги сифатида қабул қиласди. Шу боис бизниң давлатимиз асло дахрий давлат эмас. Франция, Олмония, Япония, АҚШ каби дунёвий давлат, таълим тизимимиз ҳам дахрийликка эмас, дунёвийликка асосланади.

Юқорида келтирганимиз, XX аср булоқ олмон файласуфи Карл Ясперс, одамни бошқа жонзотдан келтириб чиқаришининг ножоизлиги ҳақида гапириб, инсон транспенденциталь боғлиқликка эга, унинг имкониятларини, эркини ҳеч бир жонзотники билан қиёслаб бўлмайди, инсон ҳатто имкониятлари нақадар чексиз эканини ўзи ҳам билмайди, деганида уни улуглаганида, бизнишга, тамомила ҳақ эди. Агар дикқат қиласак, асримиз мутафаккирининг Фикри Қуръони Карим «Бақара» сурасида марҳамат қилинган қўйидаги оятларга ҳамоҳангдир: «30. Эсланг (Эй Мұхаммад), Парвардиторингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) қымоқчиман», деганида, улар айтдилар: « У ерда бузғунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду

сано айтиш билан Сени улуглаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тугамиз». (Оллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан» ва у зот одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!» 32. Улар айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдириган нарсаларнигина биламиз. Албатта Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан». 33. (Оллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдирига нидан кейин (Оллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганимидим?». 34. Эсланг (Эй Мұхаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб – коғирлардан бўлди».

Ваҳоланки, сажда бунгача фақат Тангригагина бажо келтирилар эди. Демак, Худо бу билан барча мавжудотлардан олий, даража нуқтаи назаридан ўзидан кейин турадиган буюк зотни яратганини эълон этди. Одам – Худонинг ердаги халифаси. Шу ўринда «халифа» сўзининг амалий маъноси ҳақида тўхтальмоқ ўринли. Уни оддий ҳаётий мисол билан тушунтирадиган бўлсак, косиблікка, хунармандчилликка мурожаат қилиш мақбул. Маълумки, косиб ёки хунарманц устанинг қадимда бир неча шогирди бўлган. Улар орасидаги энг ақдли, тадбиркори, устанинг муҳаббатини қозонгани уста томонидан халифа этиб тайинланган. Халифага уста ўзининг бир қанча ваколатларини, жумладан, бирор ёқса сафарга кетса, шу муддат мобайнида бошқа шогирларни бошқариб, раҳбарлик қилиб туришини топширади. Шундай қилиб, уста қайтиб келгунга қадар халифа унинг иродасини амалга ошириши билан машгул бўлади. Одам ҳам Оллоҳга нисбатан ана шундай халифадир: то у қиёматга қадар, яни Тангри даргоҳига боргунгача наботот ва ҳайвонот олами устидан ҳукмронлик қилиб туради. Ҳукмронлик қилиш учун, маълумки, муайян даражада эркинилликка, эркин ҳаракатни ихтиёр этиш ҳуқуқига эга бўлиш, фалсафий ибора билан айтганда, ихтиёр эркинилги зарур. Ана шу ихтиёр эркинлиги фақат инсонга берилган. Фаришталар бундай маънавий неъматдан маҳрум – улар фақат Оллоҳнинг буйрганини бажарадилар. Лекин инсондаги ихтиёр қилиш эркинлиги ҳам чекланган – у Оллоҳ томонидан Куръони каримда умумий тарзда белгилаб

берилган доирадагина· мавжуд бўлиши керак. Шу боис мутлақ эркинлик инсонга эмас, фақат Яратганига хос.

2. Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурят талаби билан оқилюна, ақлга бўйсундирилган равищда, чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гурӯҳнинг бетийиқ эркин ихтиёри на фақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботот, ҳайвонот олами, бутун дунё учун фоъеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини буандай чеклашинг, ақлга бўйсундиришинг асосий воситаси ахлоқdir.

Шундай қилиб, ахлоқ – олий мавжудотга ато этилган олий неъмат. Яъни ахлоқнинг келиб чиқиши илоҳий маибаъдандир. Ани шу илоҳий асосни асраб-авайлаб, тараққий топтириш ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси, бурчи. Шу боис ўз-ўзини ва, иложи бўлса, ўзгаларни ахлоқий тарбиялаш барча муқаддас китобларда савоб саналади.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қаламни ахлоқий таилов муаммосига дуч келали. Бу муаммо кинида масъулнини ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз вижданни олдида жавобгарликни сезмаган кишини ҳоҳлаган ишга қўл уриши мумкин – уни ўз қўлмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устуворлигини тани олади, холос. Уйдай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зоро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танилаши туфайли нимаидир ихтиёр этади: ахлоқий таилов – ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳар бир қўлмишининг ибтидо нуқтаси.

Умуман, инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида таиловнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, тариҳдан бир таъсирчан воқеани олиб кўрайлиқ: Бозорда мутасаввиф аллома, озарбойжон, эски ўзбек (туркӣ), форс тилларида ўлмас асарлар яратган буюк шоир Имоиддин Насимиининг ғазалини ёд ўқиётган бир ёш йигитни куфрда айблаб, ҳибста оладилар. Йигиг олдида икки йўлдан бирини танилаш турарди: ё пири Насимиини сотиш ва тавба қилиб, банддан озод бўлиш ёки ғазалини ўзимники, деб ўлимга тик бориши. Покдомони, ор-номусли йигит иккинчи йўлни танилайди. Қози унинг терисини шилишга буюради. Оломон – томошабинилар йигилади. Шу пайт Насимий келиб қолади. Воқеадан хабар топган Насимий олдида ҳам энди таилов туарди – таниламасликнинг иложи йўқ эди: ё ўзини ошкор қўлиб, ёш йигитни жаллод қўлидан кутқазиши ва унинг ўрнини эгаллаши, ёки оломон орасидан секин сиргалиб чиқиб кетиб, шогирдининг ўлимга маҳкум этилиши эвазига ўз жонини асраб қолиши керак. Буюк мутасаввиф шоир биринчи йўлни танилай-

ди: ўзини жаллод қўлига тутқазиб, бегуноҳ йигитни озод этади. Қози Насимийнинг терисини шилишта буюради. Жаллод ишга киришади, атрофга қон сачрайди. Шунда қози одамларга, нари туриңглар, бу кофирининг томчи қони бирор ерингизга тегса, ўша ерни кесиб ташлаш керак бўлади, дейди. Қози гапини туттар-тутатмас, Тангри иродаси билан бир томчи қон сачраб келиб унинг жимжалогига тегади. Оломон қозидан бармоғини кесиб ташлашини талаб қиласди. Эпди қозининг олдида танлов турарди: ё бармоғини кесишига бериб, гапининг устидан чиқиши ёки гапидан қайтиб, шармисор бўлиши керак. Қози ахлоқий нопок, кўрқоқ ва худбин одам сифатида гапидан қайтади. Насимий эса қийиноққа мардоновор чидаб, чурқ этмайди, аксинча қозининг аҳволини кўриб, истеҳзоли кулади ва сўнгти ғазалини ёддан айтади. Насимийнинг бу жасорати асрлардан-асрларга ўтди, не-не шоирларнинг шеърларида мадҳ этилди, ўзи эса инсоний поклик ва юксак ахлоқийликнинг ўлмас тимсоли бўлиб қолди. Бир намуна сифатида буюк туркман шоири Махтумқулининг «Савол-жавоб» шеъридан қўйидаги саккиз сатрни келтириш мумкин:

*Махтумқули – У нимадир, емадилар-тўйдилар?
У нимадир, улуғ кунга қўйдилар?.
Ул ким эди товонидан сўйдилар?
Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!*

*Дурди шоир – У дийдордир, емадилар-тўйдилар,
У намоздир-қиёматга қўйдилар,
Насимийни товонидан сўйдилар,
Биздан салом бўлсанг, жавобимиз шу!*

Шундай қилиб, ушбу мисолда уч хил танловни, уч хил ма-сұльиятни ва ихтиёр эркинлигидан уч хил фойдаланишини кўрдик. Демак, ҳар бир инсоннинг бу дунёда ахлоқий танлов синовидан ўтмаслиги мумкин эмас.

3. Дастребаки ахлоқий қонун-қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қиласди. Илк ахлоқий қоида «ўзингта раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма» мазмунидаги дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги ўзбекчаси «пичоқни аввал ўзингта ур, оғримаса ўзгага ур», «ўзингни эр билсанг, ўзгани пнер бил» каби мақолларда акс этган. «Ахлоқининг олтии

қоидаси» деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий ахлоқий талабларданadir. Зеро хун олиш талаби кейинроқ пайдо бўлган ва инсоннинг асл моҳиятига тўғри келмайдиган қоидалардан. Барча муқаддас китобларда инсонни зўрлик билан жонсиз қилишинг мумкин эмаслиги таъкидланади. Биз кўриб ўтганимиз, бундан деярли XXX аср муқаддам тарқала бошлаган зардуштий динининг муқаддас китоби «Авесто»даёқ ахлоқий қонун-қоидалар ишилаб чиқилгани диққатига сазовор. Унда инсонни ишон томонидан ўлдиришгина эмас, балки ит, от каби ҳайвоnlарни жонсиз қилиш, дараҳт ва ўсимликларни беҳуда ҳалок этиш қатъян ман қилинади, ишон фақат эзгу ўй, эзгу ният ва эзгу аъмоллар билан яшашни лозимлиги таъкидланади. Библиёда Қобиши ўлдиригган Ҳобиддан Танпри хун олмасликни ва уни ўлдиримасликни талаб этади. Буддҳа таъситоти жонлини жонсиз қилишини энг катта гуноҳ леб билади. Инжилда «ўз қавмдошишгии сев». «одам ўлигарма», деган давлатлар асосини қоидалар сифатида ишмоён бўлади. Куръони каримда эса хун олишдан кўра товои олмоқ маъқултиги айтгилади ва мусулмонлар ўзаро фақат гўзал муносабатлар қилиши лозимлиги кўрсатилади. Демак, дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар муқаддас китобларда ўз аксиини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Ана шу, ишон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган қонун-қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани ишён. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилдан бажарадиган замонининг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари ахлоқий тараққиётдан далолатдир. Зеро ана шу йўлда ишон ўз Яратанига мақбул комил ишон бўлиб етишади.

Ҳозиргача бўлган биздаги айтъанавий ахлоқшуносликда ахлоқни тарихий материализм тамойилига асосланниб даврийлаштириши қабул қилинган: қулдорлик ахлоқи, феодализм ахлоқи, буржуа ахлоқи в.х. Тарихийлик нуқтаи назарини рад этмаган ҳолда, биз бундай даврийлаштиришга эҳтиёт бўлиб муносабат қилишини тавсия этардик. Негаки, у ахлоқ илмини сохталаштиришга, бир томонлама қатъи ҳукм чиқаришга асосланган. Чунончи, унда «кулдорлик ахлоқи» деган тушунича мавжуд ва у қатъий равицида «кул — расмона одам эмас, жонли парса», деган тамойил билан иш кўради. Шундай экан, у ҳолда, юқорида келтирганимиз, Қадимги Миср дошишманди Пхатотеппинг «Панднома»сидаги: «Қимматбаҳо тошдек япиришидир оқилона сўз, ҳолбуки уни дон тутяётган чўридан топиш мумкин», деган

ҳикматини қандай тушуниш мумкин? Ёки Қадимги юнон ма-салчиси, қул Эзопга хўжайнинг муносабати, бекасининг уни севиб қолиши ёки Қадимги Румода баъзи бир озод этилган қулларнинг кейинчалик сенаторлардан ҳам қўттароқ обрўға эга бўлганини қандай изоҳлаймиз. Ёки «Ўтган кунлар»даги Ҳасаналининг Юсуфбек ҳожи оиласидаги мавқеи-чи? Худди шунингдек, ўрга асрларда аждодларимиз яраттан дурдона панд-номаларда, одатда, амалдорлар ва феодаллар эмас, балки оддий ҳалқ вакиллари кўп ҳолларда ахлоқий жиҳатдан устун қилиб тасвирланади. Абу Бакр ар-Розий ўзининг «Камбағаллар табобати» деган ном билан машҳур бўлган китобида, ҳатто, мана бундай деб ёзди: «Қўли қисқа кишиларнинг болаларй камбағал ва камгарона яшаётганликлари туфайли ҳалол, фазилат эгалари бўлиб етишишлари мумкин, зоро уларнинг бошқаларга нисбатан сабр-тоқат кўрсатишлари, тарбия ҳамда машғулотларда қийинчиликларга бардош беришлари осон кўчади».

Хўш, бу мисоллар истисноми? Асло. Истисноли ҳолатларнинг бунчалик кўп бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, «қулдорлик ахлоқи» ёки «феодализм ахлоқи» деганда, аслида ахлоқий тамойил эмас, балки мазкур давр ёки тузум илгари сурган ҳукуқий тамойиллар назарда тутилган. Натижада юқоридаги мисолларда кўрганимиздек, ички ахлоқийлик билан ташқи ҳукуқийлик доимо курашиб келган. Ана шу номутаносиблик сабабли кўпгина мугафаккирлар чалкаш хуласалар чиқардилар. Чунончи, Сартр, АҚШдаги фуқаролар уруши даврида кўтарилган ахлоқий муаммолар ҳозир ҳам инсоният олдида турибди, бу борада яхшиланиш рўй берган эмас, дейди. Демак, Сартр тўғридан-тўғри ахлоқий тараққиёт йўқ, деган фикрни илгари суряпти. Бунга қўшилиб бўлмайди.

Агар эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, ихтиёр эркишилиги, танлов сингари тушунгичалар ҳанузгача ўз номини сақлаб қолганини, ўзгармаганини назарда тутсак, балки Сартр ҳақдир. Лекин ахлоқий тушунчаларнинг номлари ўз-ўзича мавхум ва мантиқий ҳодисалардир. Уларнинг муайянлашуви ва яшапши макон ва замон ичидаги инсон ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ. Масалан номус тушунчасини олайлик. У юқорида келтирганимиз талон — хун олиш даврида ҳам бор эди ва ана шу хун олишининг амалга оширилиши орқали маъно касб этарди. Тарихга назар ташласақ, ҳатто хун олиш жараёнининг ҳам тараққий топиб борганини кўриш мумкин. Ҳозирги даврга келиб

эса, хун олиш ахлоқ муаммоси сифатида кун тартибидан чиқиб кетди. Эпди иномус тушунчасининг асосий қамрови — бошқача.

Демак, инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Тўғри, бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бир оз орта чекиниши, баъзан бир қангча муддат қоим туриш хусусиятларига эга. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётининг мавжуд эканинга ишонч ҳосил қилиш қийини эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зоро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий этириб бориши билан белгилашиди. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон честда турмайди.

4. Ахлоқ ҳақида гап борганида, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омииллар, унсурлар тўғрисида тўхтатмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан изборат деб ҳисобланадиган. Бундай — ахлоқий англаш (ахлоқий он), ахлоқий ҳисе этиш (ахлоқий ҳиссиёт) ва ахлоқий муносабатлар (ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар). Баъзи мутахассислар (чунончи, машҳур рус ахлоқшуноси А. И. Тигаренко) ахлоқшунослик мезоний тушунгчалирни (категориялари), ахлоқий меъёллар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизингиз ишқтани назаримиздан бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки мазкур тушунгчалар, тамойиллар ва меъёллар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганиадиган фанга — ахлоқшуносликка таалутуклийдир. Умуман, шунни айтиш керакки, ахлоқшунослик фанида анча-мунча чалкашликлар мавжудки, уларниг сабабини мазкур фанининг бошқа фанларга иисбатан алоҳида хусусиятларга эгалигидан, яъни унда кўп ҳолларда илмий-назарий жиҳатларниг илмий-амалий томонлар билан омухталашшиб кетганидан қидирмоқ лозим.

Шундай қилиб, ахлоқ тузилмаси уч асосий омилни: ахлоқий англаш, ахлоқий ҳис этиш ва ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади. Айни пайтда ана шу омилларни тузилмадаги ўрни, тўғрироғи, мавқеи масаласида ҳам турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи ахлоқшунослар ахлоқий англашни, бошқа бирорвлар ахлоқий ҳиссиётининг ўзини асосий унсур деб талқин этадилар. Яна баъзи бирорвлар ахлоқий англаш — ахлоқий онга етакчилик мавқенини берадилар. Хўш, аслида қандай қараш ҳақиқатта яқинроқ?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузилмасидаги мазкур уч омил-унсурнинг бирортасисиз ахлоқ

тушунгасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг ҳис этиши ва ахлоқий англашсиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат ахлоқий ҳис этишга ҳам, ахлоқий англашга ҳам таалуқи. Зеро тузилмадаги бу учунсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қиласиди.

Энди ахлоқий англашнинг тузилмадаги етакчилик мавқеига, тўғрироғи, асосий унсур сифатидаги ўрнига келсак, уни бу тарзда талқин этиш, бизнингча, тўғри эмас. Ваҳоланки, шўролар даврида ва ҳозирдаги рус олимлари орасида баъзи Farbdagi замонавий ахлоқшунослик йўналишларида ана шундай қараш хукмрон эканини кўрамиз. Аслида эса, тузилмада пойдевор унсур сифатида ахлоқий ҳиссиёт ёки ахлоқий ҳис этиш намоён бўлади. Тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мобайнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равишда хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб этишга уринниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз хатти-ҳаракатларимизни ахлоқий англаш элагидан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган ахлоқий қарор тубида, сўзсиз, ахлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлоқий ҳис этиши ахлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Баъзан эса ўша «материал» – ҳиссиётнинг ўзи ахлоқий англашни четлаб ўтиб, муносабат тарзида намоён бўлади. Бунга инсоннинг фавқулодда ҳолатлардаги хатти-ҳаракати мисол бўла олади. Дейлик, юқори тезликда кетаётган автомобиль олдидан йўл ўртасига, коптоқни қувиб, гўдак чиқиб қолди. Ҳайдовчи тормозни босиши баробарида, шу заҳоти машинасини кескип четта буради. Бола омон қолади, ҳайдовчи жароҳатланади, машина пачоқ бўлади. Бу ҳолатда ҳайдовчининг гўдакка нисбатан, меҳр-шафқати, ачиниш ҳисси, инсон боласини олий қадрият сифатида ҳис қилиши муҳим роль ўйнайди. Ҳайдовчи ўз хатти-ҳаракатини «оқилона қарорга» келиши учун, «етти ўлчаб, бир кесиб» амалга оширмайди – ҳамма нарса бир лаҳзада рўй беради. Бунда англаш эмас, онг эмас, оний интуиция, ўз қавмдоши ҳаётини асраридек табиий-биологик ҳиссиёт-инстинкт ҳал қиласиди, яъни мазкур ҳиссиёт том маънодаги англаш даражасига кўтарилиб ултурмасданоқ муносабатта айланади.

Хулоса қилиб айтганда, бизниг ахлоқий ҳаётимиз, барча ахлоқий тажрибаларимиз, ахлоқий фаолиятимиз ана шу учун омил асосида рўёбга чиқади. Ахлоқий кодексларимиз, меъёрларимиз

ва тамойилларимиз уларга асосланади. Лекин алдов, ёлғон, сохталик ва тоталитар ахлоқий зүгум ҳукмроилик қылган даврларда ёки мамлакатларда ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий англаш, ахлоқий муносабатлар қабул этилган кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга күпинча тұғри келмайды. Расмий ахлоқий қоңун-қоидалар билан ҳақиқиіт ахлоқий интилишлар орасыда маңнавий жарлик пайдо бўлади. Тилда бу қоңун-қоидалар кўкларга кўтарилгани ҳолда, дилда, ич-ичдан уларга қаршилик ҳукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган ахлоқий сўз билан ахлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги рўй беради. Буни биз шўролар давридаги «коммунизм қурувчисининг ахлоқий кодеси» билан шу кодескни ҳаётта татбиқ этишга йўналтирилган гуруҳдарнинг, «шу кодекс асосида яшяяпмиз» деган одамларпинг порахўрлигидан, ташимачилигинда, худбилигидан, ёлгоғчиликнанда кўрганимиз.

Бутидай номутаносиблиқ, ўргандаги маңнавий жарликнинг келшиб чиқишини агар аниқлаштирадиган, яни «майдалаб» таҳлил қиласидиган бўлсак, у мақсад билан воситалар муаммосига бориб тақалади. «Ҳамма баҳтили яшайдиган», «коммунистик жашнат»ни гўзал мақсад деб билгувчилар ўз мақсадларига жамиятнинг бир қисмини қириб ташлаш, таъқиб этиш, алдов, зўрлик воситасида стишишга урицидилар. Одамларни зўрлаб баҳтили қилмоқчи бўлдилар ва муваффақиятсизликка учрадилар. Ифлос, нопок, қонли воситалар, шубҳасизки, ҳар қандай покиза мақсадни ҳам нопоклаштиради, ундан кишиларнинг кўнглини қолдиради. Шу боис мақсад ва воситалар уйғулиги, сифат нуқтai назаридан мослиги жамият ҳаётида, инсон ҳаётида ниҳоятда муҳимдир.

Биз шу ўрингача, эътибор қылсангиз, ахлоқни бугун инсоният учун умумий ҳодиса сифатида талқин этиб келдик. Зотан ахлоқ энг аввало, умуминсоний айланавий ҳодисадир. Асосий ахлоқий қадриятлар, муштарақ ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маънино касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмоилик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, баҳт, тўғрилик, ростгўйлик, сахийлик ва баҳишлик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиши мумкинми? Албатта, йўқ.

Лекин, айни пайтда, ахлоқда умуминсонийлик хусусиятидан ташқари, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳам

муҳим аҳамият қасб этади. Минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ахлоқнинг нисбатан кичикроқ қамровга эга бўлган кўринишларида — хулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда яққол кўзга ташланади. Чунончи, мусулмон минтақасида дастурхон устида бош кийимсиз ўтириш беодоблик ҳисобланади. Бунинг одобдан ташқари гигиеник-озодалик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти бор: овқатланиш пайтида рўмолосиз аёл ёки дўпписиз эркак бошидан соч толаси, кепак, чанг-гард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насронийлар минтақасида эса аксинча дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга ҳурматсизлик саналади. Ёки америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалкаштириб ташлаб, ором олади ва унинг учун бу табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек учун эса, столга ёки хонтахтага оёқ кўйиб ўтириш — ўта одобсизлик.

Гарбу Шарқ минтақалари одобида яна бир катта фарқ борки, бу ҳозирги пайтда Фарбда ҳукуқнинг ахлоқдан, Шарқда ахлоқнинг ҳукуқдан устуворлиги масаласи. Фарб ёшлари, балоғатга еттач, ота-онага тенг ҳукуқли фуқаролар сифатида муносабат қиласди, ўзининг қарши фикрини тўппа-тўғри, ота ё онасининг юзига тик қараб, баён қиласди ва буни инсон ҳукуқларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб билади. Шарқ ёшлари масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришни, тўғридан-тўғри қарши чиқишини анъанавий ахлоқий қоидаларнинг оёқ ости қилиниши деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулоим, ўз фикрини товуш кўтармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашни афзал деб билади, уларга бўйсунишни бурч сифатида олиб қарайди. Афсуски, баъзи Farb мамлакатларида кекса авлодни ёшлиар ҳукуқий ҳаётига, эркинлигига ғов деб билиш ҳоллари мавжуд. Бунга кейинги пайтларда Англияда бир қанча ёшлиар гуруҳларининг кўчада кетаётган қарияларни тутиб, дўйтослашлари оқибатида юзага келган ўнлаб суд жараёнлари гувоҳлик беради.

Тўғри, шарқона этикет, одобий қонун-қоидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ, баъзи замонавий нуқтаи назардан нуқсли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр-оқибат туйғулари ҳали ҳам мустаҳкам илдизга эга. Farbda эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиши тобора ғайри табиий ҳолатта ўхшаб қолаётир. Шу боис ҳозирги пайтда Farbnинг ҳукуқийлик тамойилини Шарқнинг ахлоқийлик тамойили билан уйгуналаштириш замонавий жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Таяңч түшінчалар

Ихтиёр эркінлігі, Ахлоқий танлов, Масъулият, Ахлоқий тараққиёт, Ахлоқ түзілмаси, Ахлоқий онг (англаш), Ахлоқий ҳиссият, Алоқий муносабаттар, Мақсад ва восита.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ахлоқнинг келиб чиқиши ҳақидағи икки хил фикрнинг асосий мөжіяты нимада?
2. Ихтиёр эркінлігі нима?
3. Алоқий танлов нималарга асосланади?
4. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар қандай ахлоқий талабларни үз ичига олади?
5. Ахлоқий тараққиёт, умуман, бәрми?
6. Ахлоқ түзілмаси қандай үнсүрлардан тапкыр топады?
7. Алоқнинг умуминсоний, міншілдік жағдайларды нималарда күріпқади?

АДАБИЕТЛАР

1. Куръони карим.Т., «Чүлпөн», 1992.
2. Махтумкули.Танланған асарлар.Т., «Үзәдабиїташр», 1958.
3. Шер А. Шарқ фалсафаси ва экзистенциялилк. «Соғлом авлод үчүн» журнали, 1999 йыл, 1-сон.
4. Словарь по этике.М., Политиздат, 1989.
5. Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. М., «Республика», 1992.
6. Ясперс К. Философская вера.//.Ясперс. Смысл и назначение истории. М., Политиздат, 1991.

АХЛОҚНИНГ МАЊНАВИЯТ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ (2 соат)

Режа:

- 1. Мањнавият ҳақида умумий тушунча.*
- 2. Ахлоқнинг бошқа ижтимоий-мањнавий ҳодисалар билан ўзаро алоқалари: ахлоқ ва дин, ахлоқ ва хўкум, ахлоқ ва сиёсат, ахлоқ ва санъат, ахлоқ ва фан, ахлоқ ва мағкура.*
- 3. Ахлоқнинг мањнавият тизимидағи бирлаштирувчилик аҳамияти.*

1. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин дастлабки ўртага ташланган энг долзарб муаммолардан бири — мањнавият бўлди. Ҳозир ҳам бу муаммо жамиятгизнинг диққат марказида. Зеро мањнавиятсизликнинг ҳар қандай жамиятни таназзулга олиб бориши шак-шубҳасизdir. Шу муносабат билан, мањнавият ўзи нима-ю, у қандай келиб чиққан, деган масалага тўхталиб ўтмоқ ўринили. Бу масала эса бизни яна одамнинг пайдо бўлиши муаммосига мурожаат этишгизни тақозо қиласди.

Тангри инсоннинг жисмици лойдан — моддий материалдан яраттач, унга жон, руҳ ато этди. Энди инсон руҳ ва вужуднинг яхлитлиги сифатида фақат руҳдангина иборат фариштгалардан улугроқ мақомга эга бўлди. Руҳнинг вазифаси — вужудни бошқариш. Демак, одамда моддийтиқдан кўра руҳийлик-мањнавийлик мантиқан бирламчи. Буни инсон сезгиларининг «моддийлик» ва «мањнавийлик» нисбатида кўриш мумкин. Инсондаги беш сезгидан фақат иккитаси — бирор моддий нарсага тегиб ҳис этиши ва бирор нарсанинг таъмини билиш орқали ҳис этишгина бевосита «моддий сезиши»га таалуқли. Қолган уч сезги — кўриш, эшигиш, ҳид билиш эса муайян моддий нарсага тегмаган ҳолда, «мањнавий сезиши» орқали у ҳақда тасавурга эга бўлади. Бунинг устига аввалги икки сезгининг бири инсон жисмоний кучини кўллашда — кўриш, бузиш, жисмоний бошқарища, иккингиси инсон вужуди учун зарур бўлган моддаларни овқат сифатида қабул қилишда зарур. Қолган уч сезги эса инсонга гўзалликни кўриш, уни хунукликдан фарқлашда, ёқимли товуш билан ёқимсиз товушни англашда, хушбўй ҳиддан бадбўйликни ажратища керак. Ҳар иккала тоифадаги сезгилар орқали ҳам инсонро ҳолланади. Жисмоний меҳнатдан олинадиган роҳат ва гастрологик лаззат — бир томондан,

гўзаликдан, ёқимли товуцдан, хушбўйликдан олинадиган лаззат – иккинчи томондан. Ҳар иккала тоифа сезгилар «хизмат»ини фикр тарозусига солиб кўрадиган бўлсак, бунинг устуга «олтинчи сезги» – ақлнинг мавжудлигини ҳисобга олсак, «маънавий сезгилар» тош босиб кетади. Зоро бу «қорин тўйдирмайдиган» сезгилар инсоннинг олий мавжудот эканини англатувчи белгилардир. Тўғри, инсон қорин тўйдириши керак, лекин у қорин тўйдириш учун яшамайди, балки яшаш учун қорин тўйдиради. Инсоний ҳаётнинг ҳайвоний ҳаётдан фарқи ҳам шунда:

Айттилганилардан холоса чиқарадиган бўлсак, уч «маънавий сезги» орқали олинадиган лаззат, инсон ҳаётининг мазмунимақсад, икки «моддий сезги» эса ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида восита. ҳақиқий маънавий лаззатга эришиш, том маънода маънавиятни янаш учун, табиийки, «восита-сезгилар» ҳам покиза, ҳаромдан йиғэк бўлинни лозим. Зоро нопок воситалар билан эринишган лаззат – маънавият эмас, у худди бир улом гўнг устида ўсган атиргул каби қўпцида афсус ҳиссини уйготади.

«Қорин фалсафаси»га асосланган, инсонни фақат қорни тўқ, бир хилда фикрловчи коммунистик жамоа аъзоси қилиб тарбиялашга уринган шўролар тузуми материализмни – моддиятчиликни илоҳийлаштириши баробарида маънавиятга старли эътибор бермади, уни иккинчи даражали унсур деб ҳисоблади. Бизнинг ҳозирги эркин жамиятимиз эса, моддиятчиликнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, маънавиятчилик йўналишини устувор санаб, инсонни энг аввало, маънавиятни шахс, ўз фикрига, ўз сўзига, ўз эркига эга маънавий индивид, қолаверса фуқаролик жамиятининг аъзоси эканини, эътироф этади. На фақат эътироф этади, балки ана шу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширишни асосий вазифаси деб билади.

Энди маънавиятнинг ҳаётда намоён бўлиши қандай рўй беради, у қандай соҳаларни ўз ичига олади, деган саволларга эътиборни қаратайлик. Бу борада ҳозирги пайтда турли хил қараашлар, фикрлар мавжуд. Зоро маънавият қамровига кирадиган соҳалар жуда кўп ва хилма-хил. Шу боис фақат уларнинг энг асосийлари, яъни маънавиятнинг шоҳтомирлари бўлмиш унсур соҳалар ҳақидагина гапириш мумкин.

Улардан бири ва биринчиси – эзгулик; иккинчиси – гўзалик; учинчиси – эътиқод, яъни ана шу эзгулик ва гўзаликнинг том маънодаги тимсоли бўлмиш Яраттанга эътиқод.

Мутлақ әзгулик әгаси бўлмиш Яратган инсонни әзгу ишлар қилиш, әзгуликка әзгулик билан жавоб бериш учун яратди. Зеро Тангри инсонни яратиб, буюк әзгулик намунасини кўрсатган экан, унинг баидаси бўлмиш одамзот ҳам әзгуликка әзгулик билан жавоб берishi керак Оллоҳни севиши, фақат әзгу аъмолларга, яхшиликка камарбаста туриши, ўз қавмдошлирга ҳам, атроф-муҳитга ҳам әзгулик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши шарт. Эзгулик эса, бизга маълумки, ахлоқнинг, оқилона хатти-ҳаракатларнинг асоси, ахлоқшуносликнинг муштарак тушунчасидир. Демак, ахлоқийлик инсон маънавиятининг асосий устуни.

Мутлақ гўзаллик соҳиби бўлмиш Яратган инсонни гўзал мавжудот, ўзидан кейинги иккигчи гўзаллик яратувчи зот қилиб бунёд этди. Айни пайтда одамзот Оллоҳнинг Ердаги халифаси сифатидаги Тангри инъом эттан атроф-муҳитдаги гўзалликни, гўзал хулқни, гўзал аъмолларни асрани, ардоклаши лозим. Зеро «Оллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади». Ушбу ҳадиси шариф сўзларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: Оллоҳни севган баидаси албатта гўзал бўлиши ва гўзалликни севиши шарт. Акс ҳолда у фариштагарга ҳам насиб этмаган халифа деган шарафли номга нолойик. Гўзаллик эса нозик ҳиссиятларнинг, қалбни юмшатувчи, майинлаштирувчи, инсонга ҳилмлилик баҳи этувчи, қалбни фориглантирувчи нозик ҳиссиятларнинг асоси, нафосатшуносликнинг муштарак тушунчасидир. Демак, гўзалликка муҳаббат ҳам маънавиятнинг асосий устунларидан.

Эътиқодни эса, әзгуликка ва гўзалликка муҳаббатнинг, уларга иктидо қилишнинг энг олий даражаси дейиш мумкин. Унинг энг мукаммал кўриниши ўзини дин шаклида намоён этади. Динлар ҳар хил бўлишига қарамай, муқаддас китобларнинг моҳияти бир: инсон мутлақ әзгулик ва мутлақ гўзаллик соҳибига эътиқод орқали комилликка эришади. Зеро, барча динларнинг мақсади комил инсонни тарбиялаш. Шу боис ҳам Куръони каримда ҳақиқий мўмин барча нозил қилинган китобларнинг муқаддаслигини тан олиши шарт, дея қайта-қайта таъкидланади.

Демак, ҳар бир инсон ўз ҳаётини ана шу уч асосга курсагина, маънавиятли ҳисобланади. Ахлоқ – маънавият тизимида энг салмоқли ўринни эгаллайди ва ундаги бошқа соҳалар билан мустаҳкам алокада иш кўради. Энди ана шу алօқаларнинг энг муҳимларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

2. Аввало, ахлоқ билан дин масаласини олиб қарайлик. Бу борада яна, юқоридаги фикрларга қўшимча қилиб, шуни айтиш

мумкинки, моҳиятган дин инсон ҳәётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний-шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўтилар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбар-час боғлиқ. Чунончи, инсон энг олий қадрият сифатида қатыи мұхофаза этилади. Одам ўлдириш мумкин эмас, одам ўлдириш энг улкан ахлоқсизлик ҳисобланади. Ўғрилик, бирорининг ҳақини ейиш, муноғиқлик, алдаш, ёлғон гапириш ва шу каби бошқа турли иллатлар ҳам диний-шаръий, ҳам ахлоқий нұқтаи назардан маи этиласи. Аксинча, инсонни өзөзлаш, одамларнинг бир-бираига күмакдош бўлиши, тўғрилик, росттўйлик, ҳалоллик, раҳмдиллик, қавмдоши қандай юксак даражада бўлмасин, унга хушомад қилишдан тийиниш, фақат Яраттагагина сифишиш синигари фазилатлар айни пайтда ҳам диний тақво, ҳам ахлоқий талаб томонидан маъқулланган хатти-ҳаракатлардир. Шу боис ахлоқни диндан мустақил, мухтор маънавиي ҳодиса сифатида талқин этувчи маркесча-ленинича қарашлар мантиций ба ғиммий асосга эга эмас. Дин, таъзидлаганимиздек, инсонни ахлоқийлаштиришининг воситаси тарзида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир. ҳар икки ҳолатда ҳам виждан кўзга кўринмайдиган бошқарувчи мурват сифатида намоён бўлади. Бу — ботиний кўришиш; зоҳирӣ кўришиш эса шаръий ҳукмлар ва ҳуқуқий қонуиларда ўз аксии топади.

Ахлоқий талаб ҳуқуқий қонуи-қоидаларда ўз аксии топади, деёниш билан биз ахлоқ ва ҳуқуқнинг мустаҳкам алоқага эга эканини тасдиқлаб турибмиз. Зеро аслида ҳам шуудай. Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонуи-қоидалар. ўша мингтака ҳалқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий ақидалар, тамойиллар, меъёрлар, шулингдек, ишбатан умумийлик ҳусусиятига эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Лекин баъзи бир урф-одатлар, анъанаалар ҳуқуқий меъёрлар даражасига кўтарила олмаслиги ҳам мумкин. Бунинг сабаби, уларнинг, аввало, ишбатан ҳусусий табиатта эга бўлганида, қолаверса, ахлоқий ва ҳуқуқий тараққиёт талбларига жавоб бера олмаслигига. Масалан, жоҳилият даврида арабларда қиз туғилса, уни тириклай кўмиб ташлаш одати бўлган. Кейинчалик, мусулмонлик ёйилганда, бу одат гайри муслимлик одати сифатида рад этилди. Ҳозирга келиб, ундаи ҳодиса ҳуқуқий қонуилар асосида жиноят деб қаралади. Ёки бизнинг минтақада қадимла мавжуд бўлган хун олиш одати ҳам ҳозирда жиноят сифатида жазога лойик ҳисобланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, ахлоқ билан ҳуқуқ, гарчанд, бир илдизга эга бўлса-да, уларнинг жамият ахлоқий ҳаётини бошқарув усули ҳар хил: ахлоқ асосан тушунтириш, панд-ўтитлар восита-сида иш кўрса, ҳуқуқ мажбурий усул, жазо чоралари орқали иш олиб боради. Айни пайтда, шунни ҳам айтиш керакки, ҳуқуқ ахлоққа нисбатан анча аниқ ва анча муайян ички бўлиннишларга эга. Чунончи, ҳалқаро ҳуқуқ, фуқаро ҳуқуқи, жинонӣ ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи ва ҳ. к. нисбатан қаттий чегараланган ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Ахлоқ эса ҳуқуққа нисбатан анча кенг қамровли. Чунончи, ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шаҳе ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўтитлар барча тузумлар ҳамда турли ёнцаги кишиларга тааллуқли бўлади. Шуншигдек, ҳуқуқий меъёрлар аниқ адресни тақозо қиласи, ахлоқий қоидалар эса мавҳумлиги ва умумийлиги билан ажрабиб туради.

Ахлоқнинг сиёсат билан алоқаси ҳам ниҳоятда қадимий: ил давлат юзага келгандан бўён мавжуд. Масалан, милоддан аввалиги ХУIII аерда Бобилон подшоси Хаммурапи томонидан ишлаб чиқилган қонунлар мажмуи ҳуқуқий хужжат бўлса-да, унинг асосида ахлоқий фазилат – адолатни барқарор этиш ётади. Зоро Хаммурапи бу қонунларни мамлакатда ҳақиқат қилиш, адолат ўрнатиш, етим-есирлар ва бева-бечораларга ҳиммат, раҳм-шафқат кўрсатиши мақсадида жорий этганини таъкидлайди.

Ахлоқшунослик тарихида ахлоқ билан сиёсатнинг муносабатлари борасида икки хил қарааш мавжудлигини кўриш мумкин. Уларнинг бирига кўра, сиёсат ахлоқий бўлмоғи лозим, иккинчисига биноан эса сиёсат ахлоқ билан сифишмайди.

Биринчи қарааш моҳиятган ахлоқни сиёсатдан юқори қўяди: сиёсат ахлоққа бўйсундирилиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, мақсадлар ва воситалар бирлигига эришимоқ лозим, яни буюк, покиза идеаллар факат ахлоқий пок воситалар орқали амалга оширилмоғи керак. Лекин бунда ахлоқ сиёсат вазифасини ба-жармаслиги лозим. Акс ҳолда муайян давлат институтларининг, хусусан, ҳуқуқ-тартибот ва ҳарбий идоралар сингари ташкилотларнинг ишлари ортиқча даражада чеклаб, уларни жуда заифлаштириб қўйиш мумкин.

Иккинчи қарааш эса, моҳиятган сиёсатнинг ахлоқ билан ҳисоблашмаслигини тақозо этади. Бу қарааш тарафдорлари ахлоқни сиёсатта бўйсундиришини, ундан, керак пайтида, тамомила юз ўтириш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар наздида, ахлоқ буюк идеалларга эришув йўлидаги бир гов, жамиятни

умумисоний қадриятлар билан ўралаштириб қўяди, кўнгли бўшикка, сусткашликка, пировард натижада бошбошдоқликка олиб келади. Шу боис буюк мақсадларга тезроқ эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин. Зеро охир-оқибат эришилган мақсад йўл қўйилган разилликлар, қаттолликлар, алдовлар ва фирибларни ювиб кетади. Ваҳоланки, бу усул орқали фақат вақтинчалик ғалабага эришиш мумкин. Оқибатда эса, бу ғалаба на фақат йўққа чиқади, балки мағлубиятта айланади. Мисол тариқасида яна шўролар тузумига мурожаат қилиш мумкин. Зўрлик, алдов ва қатагошлар билан халқни баҳтли қилишга уриниш, «халқ баҳти» учун милионлаб одамларнинг ёстигини қутиши эвазига эришилган ғалаба охир-оқибатда буюк мағлубият сифатида ниҳоя топди. Юқорида келтирганимиздек, у улуғ мақсадларни ифлос воситалар билан амалга ошириш ўша мақсадларнинг ҳам тоза эмаслигини амалда исботлайди. Эндиликда собиқ Шўролар Иттилоғи таркибига кирган халқтар ахлоқсиз сиёсат туфайли жаҳондан ажратиб қолгани, ёлини, норахўрни, кўзбўймачиник бу минтақалар учун одатга айланаб кетгани ҳаммага маълум. Бу ишлатлардан тоғариш, қутлиши учун яна неча ўн йиллар керак экани кўзга кўриниб турган реаликдир. Демак, сиёсатда ахлоқдан кўз юмиш, уни ахлоқийлангтириша юзага келадиган баъзи шуқсонлардан юз бор, митіг бор кўп ва фожеийдир. ўз сиёсатини тубдан ахлоқийлаштириш – ҳар бир замонавий давлатнинг ҳозирги кундаги бирламчи вазифаси.

Ахлоқ билан санъатнинг ўз аро алоқалари ҳақида гап кетганда, энг аввало, уни эт билан тирноқ тарзидаги яқинлик эканини таъкидламоқ лозим. Чунки ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддиагт сифатида эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этади, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилик, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараинум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, баҳтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси эса ҳар бир бадиий асарнинг шоҳтомири ҳисобланади. Масалац, Алишер Навоийнинг Фарҳоди, Ширини, Шекспирнинг Ромеоси, Жульєттаси, Ойбекнинг Навоийси мазкур муаллифлар асарларидаги ахлоқий идеаллардир.. Уларсиз Навоий, Шекспир ва Ойбек асарларини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шуниси ҳам борки, баъзи санъат асарларида ахлоқий идеалга дуч келмайди киши, ҳатто бирор бир ижобий қаҳрамонни ҳам ўчратмайди – асар бошдан-оёқ салбий бадиий қиёфалар ту-

риш-турмушини акс эттиришга бағишиланади. Бундай бадий қиёфаларни муаллиф ўз замонаси эришган ахлоқий даража нұқтаи назаридан туриб яратади. Мисол тариқасида Байроннинг «Бешіо» достонини, Гоголнинг «Үлкін жонлар», Завқийнинг «Хажви аҳли раста», Абдулла Қодирийнинг «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» асарларини көлтириш мүмкін. Бу асарларда ахлоқий муаммолар, юксак ахлоқийлик масаласи аввалги мисоллардагидек бевосита эмас, балки билвосита – сатирик усул орқали ўртага ташланади.

Бундан ташқари, сұз санъатида, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос «ахлоқий жанрлар» мавжуд. Уларни халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам учратиш мүмкін: мақол, матал хикматлар, ҳикоятлар, ривоят, масал панднома в. ҳ. шулар жумласидандир. Умуман олганда, ахлоқизз бадий асариинг бўлиши мүмкін эмас, барча санъат асарлари учун ахлоқийлик умумий замин аҳамиятига эга.

Бундан ташқари санъат ахлоқшунослик тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Чунончи, бадий адабиётнинг, кино санъти, тасвирий санъат ва театр санъатининг, айниқса, бу борада аҳамияти бекиёс. Бу санъат турлари ёшларда ахлоқий идеалнинг шакллантиришда катта хизмат қиласи. Чунончи, «уруш-уруш» ўйинларида болаларнинг мард, жасоратли, матонатли, ватанпарвар ва ҳалол америкалик ҳиндулар сардорига, Алпомишга, Гўрўлига ва бошқа халқ қаҳрамаонларига тақлиди фикримизнинг далилидир.

Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳам мұхим. Баъзи бир қарашларга кўра, ахлоқнинг фанга алоқси йўқ. Бундай қарашларни тўғри деб бўлмайди. Зотан ахлоқшунослик тадқиқот обьекти сифатидаги ахлоқнинг мақомиёқ унинг фанга алоқадорлигини кўрсатиб туради.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси миқёслидир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чакиради.

Лекин, айрим назариялар ҳам борки, уларни ахлоқиз деб аташ ўринилди. Бунга кўплаб мисоллар көлтириш мүмкін. Масалан, машҳур «Мальтус назарияси». Инглиз иқтисодиёт назариётчиси Мальтус (1766-1834) илгари сурган гояга кўра, ахоли геометрик прогрессияга, истемол маҳсулотлари арифметик прогрессияга мувофиқ ривожланади. Ахоли ўса бориб, ер юзида қашшоқлик,

озиқ-овқат етишмөвчилги вужудга келади. Шу боис урушлар олиб бориши табиий ҳол сифатида ўзини оқлады. Малътус бу ўрицида урушни тарғиб этиши билан ахлоқсизликпенг энг юксак күршишишини намоён этмоқда. Шунингдек, инсоният жамиятини қарама-қарши синфларга бўлиб ташлашни, ҳокимиятни зўравонлик, қон тўкиш террор орқали қўлга киритишни ва шу йўсида тутиб туришини тарғиб этувчи марксча-ленингча сипифийлик ҳамда социалистик инқилоб назариялари ҳам илмдаги ахлоқсизликпинг бўртиб кўзга ташланадиган намунасиdir.

Маълумки, барча фанилар, хусусан, табиий фанилар ҳар бири ўз соҳасида ҳақиқатиниғ аёни бўлишига хизмат қилади. Ахлоқининг пировард натижаси эса инсоний ҳақиқатга олиб бориши, уни комил мавжудот қилиб тарбиялашдир. Ана шу нуқтада ахлоқ ва фан билвосита муносабатга кришади. Айни пайтда илм-фандада эришилган оламиумул ютуқдар инсоният жамияти оллига янги-янги ахлоқий вазифалар ва муаммоларни ўзяди. Чунонччи, сўнгги нафттарда фан-техника тараққиётининг юксак даражаси ва экологик бухроиларниң юзага чиқиши сабабли экологик ахлоқшунослик сингари ахлоқ оламиининг янги йўниалишлари вужудига келди; поосферадан ёки бошқача айтганда техносферадан этосферага – ахлоқий муҳитта ўтиш зарурати инсоният жамияти ахлоқий маданияти олдицаги энг долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда; зеро бу вазифанинг фақат ахлоқшунослик донрасидаги муаммолигина эмаслигини, кенг қамровли эканини, бугун Ер юзининг бундан кейин мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги муаммосига айланганини бугун яққол сезиш мумкини.

Шу боис техникавий фанилар тараққиётининг иавбатдаги босқигулари фақат ахлоқ талабларига мос, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий назорат остида амалга оимоги лозим.

Тўғри, баъзилар бизга, фан – мутлақ объектив ҳодиса, у моҳиятган ҳолис, шунга кўра, уни ахлоққа бу қадар бўйсундириши ножоиз, деб эътиroz билдиришилари ҳам мумкин. Бироқ, фанини одамлар, турли ҳиссият, эҳтиросларга мойил, турли ахлоқий фазилатлар, ҳатто иллатларга эга бўлган кишилар яратишнини ёдга олсак, бундай эътирозларниң ўзи ножоиз эканилигига ишонч ҳосил қиласмиз. Зеро ҳар бир олимнишг маънавий-ахлоқий ҳолати, унинг ўз қашфиётидаги қай даражададир акс этмаслиги мумкин эмас. Хулас, фан ҳам бевосита, ҳам билвосита ахлоқ билан боғлиқ ва айнаи шу боғлиқдик табиий-техникавий фаниларни инсонийлаштириши вазифасини бажаради.

Ахлоқ билан мафкуранинг алоқаси ҳам жамият ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Майтумки, ҳар бир мафкура муайян гоялар ва қарашалр тизимидан иборат бўлади. Раесона мафкураси ахлоқий гояларсиз тасаввур қилиши қийин. Лекин фоя ҳеч қачон ўз-ўзича, шунчаки мавжуд бўлмайди. У албатта ишонци ишъикос топади ва муайяншашади. Бу ҳақда Ҳегель ўзининг «Фалсафий билимлар қомуси» асарида шундай дейди: «Фоя ҳақида гапирганди, уни қандайдир олис ва нариги томондаги нарса тарзида тасаввур қилиши керак эмас. Фоя, аксинча, бутунисича шу срда иштирок этади ҳамда, шунингдек, ҳар бир онгда, кам деганда, бузилган ва заифлашган ҳода мавжуд бўлади». Демак, муайян гояларни, шу жумладан, ахлоқий гояларни ўзида мужассамлаштирган кипиларгина мафкуруни яратадилар ва уни оммалаштирадилар.

Ҳар бир демократик давлат ва жамиятда бир неча мафкура мавжуд бўлиши табиий. Лекин улар ичидан бири етакчилик мавқенини эгаллайди. Бу етакчилик зинҳор бошқа мафкураларни инкор этмайди ва жамият аъзолари кўпчилиги иродасини акс эттириши билан ажаралиб туради. Уни шунинг учун ҳам миллий мафкура деб атасади. Эркин демократик фуқоролик жамиятини ўз олдига вазифа қилиб қўйган бизнинг мамлакатимизда бу масалага жиддий эътибор берилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конститугциясидаги биринчи бўлим, биринчи бобнинг 12-моддасида шундай ёшиб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларниң хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат муфкураси сифатида ўринатилиши мумкин эмас».

Демак, бизнинг давлат демократия тамойилларига асосланган ҳолда, барча мафкураларниң яшаш ҳукуқини таъмиловчи инситут сифатида иш кўради. Миллий мафкурамиз эса бошқа бирор-бир мафкурани камситмасдан, кўпчилик жамият аъзолариниңг ижтимоий-фалсафиј, ахлоқий-эстетик гоялари тажассуми сифатида мамлакат ва миллат тараққиётига хизмат қилади. Чунончи, у, энг аввало, юксак ахлоқийликка асосланган. Миллий мафкурамиз жамиятимизда ватанпарвалик, миллатпарварлик, зиёлилик тамойилларини устувор билиб, ҳар бир фуқорони буюк давлат яратишда иштирок этишга чорлаиди. Айни пайғода, умумбашарий маънавий қадрияларни эъзозлашга, бошқа миллатлар ва элатларга ҳурмат билан қарашга чақиради, тенглар ичидан тенг бўлиши гоясини илгари суради. Бу мафкура халқимиз маънавий мезонларига, унинг эзгулик ва фаровошлик

ҳақидаги идеалларига, әркесварлик, тинчликсеварлик тамойилларига мос келади, шу сабабли унга әхтиёж бор.

Тарихдан ахлоқийликни четлаб ўтишга ёки уни ахлоқсизликка никоб қилиб, ахлоқни сохталаштириб умр күришга уринган мафкуралар ҳам бизга маълум. Улар, одатда, муайян давлатнинг ягона мафкураси деб эълон қилинади ва у миллатга ёлғон өситасида сингдиришга уринилади. Олмонияда ҳитлерчилар илгари сурган миллий социализм мафкураси ёки собиқ шўролар иттифоқидаги комунистик мафкура шулар жумласидандир. Ҳар иккала мафкура ҳам ўзини тан олтанилардан «мафкуравий душманлар»ни жисман йўқотишни талаб этди – энг буюк ахлоқсизликни ахлоқийлик сифатида тарғиб қилди. Лекин ниқобланган ахлоқсизликнииг умри узоқ эмас. Бу ҳолатни буюк рус шоири Александр Пушкин «Тикланиш» деган шеърида бағоят гўзал тасвирлаган:

*Ваҳший рассом мудроғи, бензи,
Даҳо суратини бузади
Ва у сурат устига ўзин
Бебурд суратини чизади.*

*Лекин у ёт бўёқлар бир-бир
Кўчиб тушар ийл сайин, аён;
Ва даҳо икоди бекусур
Аввалгидек бўлур намоён...*

(Туроб Тўла таржимаси)

Ленин, Сталин, Ҳитлер сингари «ваҳший рассомлар» чизган суратлар – тоталитар тузумлар мафкуралари қисматини шу шеърда кўриш мумкин. Зоро ахлоқийлик ҳар қандай мафкура муваффақиятининг гарови ҳисобланади. Ахлоқ билан мафкура бир-бiri билан ана щундай узвий боғлиқ.

3. Маънавият тизимидағи ижтимоий ҳодисаларнинг ахлоқ билан муносабатларини мана шу қисқача тарзда кўриб чиқишимизнинг ўзиёқ бизда ахлоқнинг ўрни ҳақида аниқ тасаввур уйғотади. Шу нарса аёнки, ахлоқ мазкур жтимоий ҳодисалар марказида туради. У нафақат марказий ижтимоий ҳодиса, балки бошқа ижтимоий ҳодисаларни харакатлантитувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Уни четлаб ўтишга иштилиш ҳар қандай мафкурани таназзулга олиб боради, жамиятни том

маънодаги маънавиятдан маҳрум этади. Шу нуқтаи назардан қараандо, Президент Ислом Каримовининг «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнииг ўзаги», деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз учун табиий хулоса бўлиб жаранглайди. Дарҳақиқат, ахлоқ маънавият тизимидағи энг таъсирчан, энг бақувват халқа, усиз одамзот маънавиятини тасаввур қилиши мумкин эмас.

Таянч иборалар

Маънавият, Маънавият тизими, Ахлоқ, Дин, Хукуқ, Сиёсат, Санъат, Фан, Мафкура.

Такрорлаш учун саволлар

1. Маънавият ва маънавият тизими нима?
2. Ахлоқ ва диннинг алоқадорлиги нималарда кўринади?
3. Ахлоқ билан ҳуқуқнииг ўзаро ўхшашилтиги ва фарқи нимада?
4. Сиёсатиниг ахлоққа муносабати қандай?
5. Ахлоқ билан санъат муносабатларининг чамбарчаслиги нималарга боғлиқ?
6. Ахлоқ билан фанининг ўзаро муносабатлари фанининг объективлигига таъсир қиласидими?
7. Ахлоқ ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги жамият ҳаётидаги қандай аҳамиятта эга?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Констиутияси.- Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1994.
3. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси мухбири билан сұхбат. «Фидокор» газетаси, 8 июнь, 2000 йил.
4. Имомназаров М., Миллий маънавият назариясига чизгилар. Т., «Шарқ» концерни, 1998.

**АХЛОҚШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИЙ
ТУШУНЧАЛАРИ, АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА МЕҮЁРЛАР
(2 соат)**

Режа:

- 1. Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари (категориялари) ибти-
досининг ҳиссиётга бориб тақалиши.*
- 2. Ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларининг лоҳияти.*
- 3. Ахлоқий тамойиллар, меүёrlар ҳамда уларнинг инсон ва ин-
соният жамияти тараққиётидаги аҳамияти.*

1. Аввал биз ахлоқий ҳиссиётларни ахлоқий англаш учун мұайян маънода материал экани түғрисида бир ров тұхтадың үтгандай әдик. Бу ҳақда мұмтоз файласуфлар ҳам эътиборга сазовар фикр билдиригандар. Чунончи, буюк инглиз мутафаккири Жон Локк, түшүнгічада нимаики бор экан, у бундан аввал ҳиссиётла мавжуд болған, деб таъқиғдайды. «Табиат қонуни борасыдаги тажриблалар» асарыда у шундай деб ёзади: «Агар ҳиссиётдан ақпен нарсалар қиёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч қандай материал берилмаган болади да ақпен билишин тараққий эттириши борасида тош, ёғоч, қум ва ҳоказо қурилиш материалларисиз мөймор бино қурицда қанчалик иш қила олса, шунчагина иш бажара билади». Ақлни идеаллаштириш, ҳиссиётни иккинчи даражада омил чифатида талқын этиш, афсуски, Локк ва унта үхшаш баъзи мутафаккирлар фикрларини ҳисобга олмаслик кейинги даврларда, айниқса, кучайды. Ҳегель сингари файласуфлар эса бутун борлиқни мантиқийлаштириш йўлидан бордилар. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Фарб алломалари бу йўлнинг кўп жиҳатдан янглиши эканини англадилар. XX аср мутафаккирлари, руҳий таҳлил фалсафасидаги янги фройдчилик оқимининг атоқли намояндаларидан бири Карл Юнг шундай деб ёзади: «Фарб кишиси» руҳий («психологик», сўзини эшитганида, унинг учун «у шунчаки руҳий» тарзидан жаранглайди. Унинг учун «психе» – қалб қандайдир, ачинарли даражада кичик, эътиборга иолойиқ, шахсий, субъектив в.ҳ... Шу сабабли «руҳ» (қалб) ўринига «ақл» сўзини ишлатишни маъкул кўради...» Бошқа бир ўринда: «... барча метафизик мулоҳазалар учун ижодий замин айнан қалбнинг (маънавийликнинг) кўзга кўринмас, етишиб бўлмас тарзидаги инъикоси ҳисобланган онгдир...», деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, «юрак ва ақл»,

«хиссиёт ва онг» баҳсида Фарб, айниңса, бизнинг XX асрда, сўёзиз, биринчилликни ақлга, онга беради. Юқоридаги каби фикрлар истисноли ҳоллардир. Шу боис ахлоқшунослик нуқтаи назаридан муҳаббат ҳақида гап кетса, уни ҳиссиёт, деб яна бунинг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчилилар. Ваҳоланки, муҳаббат айнан ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

2. Муҳаббат бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамоилиларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтган маърузаларнинг баъзиларида биз бу тушунчанинг моҳияти, турлари ҳақидаги Илоҳий Огустин, Имом Газзолий, Эрих Фромм сингари мутафаккирлар фикрларини келтирган эдик. Кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, у – инсонни ташқи ва трансцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлгизликдан олиб чиқадиган буюк куч. Муҳаббатнинг обьекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик. У – Оллоҳми, Ватанми, ёрми – муҳаббат эгасига ундан-да гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир обьектни севган киши бошқа обьектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Деёлик, ёрга бўлган ҳақиқий муҳаббат Ватанга, инсониятга муҳаббатни инкор этмайди, аксинча, барқарор қиласиди. Зоро «ўз-ўзича», якка, «худбин» муҳаббатнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий муҳаббат эгаси ҳисобланади. Мана шу обьект билан субъект орасидаги фарқнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатдир. Буни мавлоно Фузулий ниҳоятда гўзат қилиб, бир байтда шундай ифодалайди:

*Ишқдир ул, нашаы комилким, андандир мудом
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо.*

Комил наша, комил лаззатта фақат комил инсонгина эриша олади. Демак, муҳаббат инсон ахлоқий хаётининг чўққиси, комиллик белгисидир. Шу боис ҳақиқий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида қабул қилинади: Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульєтта, Отабек ва ҳ.

Шуни таъқидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, қуий нарса – ҳодисаларга нисбатан ҳам кўллаш ҳоллари учраб туради. Чунон-

чи, Фромм сингари ғарблік мутафаккирлар, баъзи рус файласуфлари муҳаббат тушунгасини ўликка (некрофил), мол-дуниёга, пулта нисбатан қўллаидилар. Уларга нисбатан «ўчлик», «ружу», «ҳирс» сингари тушунчаларни қўллаш маъқул эмасмикан?

Муҳаббат ҳам, ахлоқшунослиқдаги кўпгина тушунчалардек, «жуфтлик» хусусиятига эга, унинг зидди – нафрат. Нафрат тушунгаси, албатта, муҳаббат сингари кенг қамровли эмас. У аксили муҳаббат тарзида намоёни бўлгани объектдан четлашиш, ундан бегоналашинини тақозо этади. Ҳазар, жирканч ҳисси нафратиниг қуидалик турмушидаги тор, «майда» кўришишидир. Нафратиниг уларга нисбатан «йириклиги» унинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоёни бўлишишидир. Айни пайтда, бу тушунча газабдап кескин·фарқ қиласи. У, газабга ўхшаб, ўз объективини йўқотишга шитилмайди, ундан фақат юз буради. Кўришидан, нафрат қилишида ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аслида у асосан иллат эмас. ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг вижлонлигидан, бўтишини жасоратидан далолатдир.

Нафратдан таниқари яна рашик тушунгаси боркі, у – ижтимоий ҳодиса эмас, фақат жиисий муҳаббат билан ёима-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асрар қолишига ҳаракат қиласи. Ана шу қизғанини ҳисса мөъеридан оипиб кетганда рашикка айланади. Рашик эса, уни қангалик таъриф-тавсиф қўлмайдик – мөъенинг бузилиши, ишлат.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – эзгулик ва ёвузлик, эзгулик ахлоқшунослиқдаги эиг асосий категориялардан. У инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади – Тангри иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоёни бўлади. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмолъ учлиги «Авесто» дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўршини эгаллаши ҳам шуудан. Эзгулик – инсон шахсининг комилликка, бахтга, жамитяни эса юксак тараққёнита стказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфийлик ёхуд партиявийлик қобигига ўраш мумкин эмас. Чунончи, «синфий душманни», яни бирор бир шахсни ёки гурухни фақат бошқа синфа мансуб бўлгани учун жисман йўқотиш, қаичалик бўяб-бўжалмасин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумларда эзгуликни бундай талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги хозирги кунда ҳаммага аён.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, қуидалик ҳаёт мезонлари билан ўтчанмайди, улар ҳам муҳаббат сингари

қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичга олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушенчисида нафрат муҳаббатни инкор этмай, аксинча, унинг барқарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигига ҳар икки тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. На фақат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш абадий кураш сифатида, оламни ҳаракатта келтирувчи куч тарзида номоён бўлади.

Эзгулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозуга ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилга эришган-эрицимагани шу мезон билан ўлчанади. Чунончи, Салиннинг ёуз инсон, собиқ шўролар иттифоқини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик ҳақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима, бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми, деган савол тугилади. Бу табиий. Чунки ҳозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг синоними тарзида тақдим этиб келингаи. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўтина унсурлари эзгуликдан, эзгуликнинг баъзи унсурлари яхшиликтан жой олишини инкор қилиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиш» мавжуд. Лекин бундай ҷалиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юқорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундаи эмас. У асосан шахснинг одобига, ҳулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зоро унда, мардлик, очикқўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Мисол тариқасида буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг фаолиятини олайлик. У сурункасига ижодий меҳнатта умрини бағишилади, ҳалқи учун, ҳалқлар учун «Ҳазойин ул-маоний»дек, «Ҳамса»дек буюк асарлар яратди. Бу эзгулик — абадий, зоро Навоий асарлари миллионлаб одамларга юзлаб йиллар мобайнида

затқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у күпілаб яхшиликлар қылди – муҳтож одамларга қарз берди, берган қарзидан кесиб юборди в.х. Унинг бу яхшиликлари, ажайиб ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, ўткингчилик хусусиятига эга, шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватаниарварларлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликинг яна бир фарқи томони шундаки, эзгулик ҳеч қаочон ёвузлика айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолверади. Яхшилик ва ёмоиликда эса буидай эмас: бирор обьектга қилинган яхшилик болиқа ҳар бир обьект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмоиликка айланиши мумкин. Машхур ўзбек ҳалқ эртакларидан биридаги овчилар қувиб келаётган бўрини қопта яшириб, кутқариб қолган дехқониниг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин: бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан қутқорган одамни смоқчи бўлади, жайриятни, тулки дехқониниг жонига оро ғиради.

Хуллас, муайян ижтимоий чекланганлигига қарамай, яхшилик ва ёмонлик ҳам анча қамровли мезоний тушунчалардан.

Ахлоқиуносликнинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси-адолат. Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмоиликдан асосий фарқи шундаки, адолатишиг ўзи бирор бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам хукукий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин: у талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарозудир. Адолат бор жойда ижитмоий жабрга, бебошликка йўл йўқ. Адолатнинг мезониёлик хусусияти, айниқса, хукуқда дарҳол кўзга ташланади. Хукуқ вазирлигининг ҳатто аддия вазирлиги деб аталиши, жинотига яраша жазони белгиловчи, хукм чиқарувчи идораларнинг ҳалқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилларидир. Лекин адолатни фақат хукукий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У на фақат фуқоролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан ҳалқ, жамият билан шахс ўргасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Ҳалқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Деярли бир ярим аср мойбайнида адолатсизликни милий камситиши, милий ифтихор ҳиссининг оёқ ости қилинишини, бегона ироданинг зўрлаб қабул қилдириш каби ҳолатларни бошдан кечирган халқимиз, эндиликда, мустақиликка эришиб, адолатли фуқоролик жамияти тузишга кириши. Адолат бугунги кунда бизнинг мустақил, келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англатувчи тушунчага айланниб бормоқда.

Ахлоқшуносликнинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири виждонидир. Виждон – Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқора даражадаги мен. Агар уят ҳисси инсоннинг ташқи, жамиятга боғлиқлигидан келиб чиқса, виждон унинг ички ўз-ўзига боғлиқлигини намоён этади. Бу ички боғлиқлик ташқи боғлиқликка нисбатан теран ва доимийdir: уят маълум бир вақт ичидан одамнинг ўз ножёя ҳаракати туфайли юзага келган ўнгайсизлиги бўлса, виждон азоби, бу оддий ўнгайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни қондирмас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди. Уят билан виждонни, шу боис, денгиздаги муз тоғига – айсбергта ўхшатиш мумкин: юзага уят тарзида чиқиб турган қисми теранликдаги қисмидан юз, балки минг барабар кичик.

Виждон ҳам бошқа баъзи ахлоқшунослик мезоний тушунчалари каби баҳолаш хусусиятига эга. Лекин бу баҳолаш ҳеч қачон объектга қаратилмайди, у субъектнинг хатти-ҳаракатларини баҳолайди, яъни унда субъект ўзи учун ички объект вазифасини ўтайди. Баъзан жамият талаблари билан виждон ўргасида ихтиллофлар чиқиши мумкин. Бунда виждон эмас, жамият талабларининг ўткинчилик хусусияти, маълум маънода эскирганлиги айбордир. Зоро виждон кўзга кўринмас, лекин улкан ва мутлақ айбисиз ахлоқий ҳодисадир.

Кўпинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин. Иймон аслида диний тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади. Масалан, кимнидир бирор «иймоили одам» деганида, унинг мусулмонликка иймон келтирган-келтирмагани ҳақида ўйлаб ўтиромайди, бунинг устига, у одам мусулмон эмас, насроний бўлиши ҳам мумкин. Чунки гап бу ерда ўша одамнинг дипдорлиги ҳақида эмас, балки виждоили, ҳалол, ростгўй эканлиги тўғрисида кетяпти. Шу маънода виждон билан иймонни эгизак тушунчалар деёнин мумкин.

Афусуси, одатда, күпчилик адабиётлар виждон мезоний түшүнчесига «субъектив» ҳодиса тарзида қараб адолат, бурч, но-мус сингари тушунчаларни унга қараганда ижтимоий ахамиятлироқ деб баҳолаш, уларни, «түрга чиқариш» ҳоллари тез-тез учраб туради. Ваҳоланки, виждонсиз одамдан ҳеч қачон адолатни ҳам, бурчга садоқатни ҳам, ор-номусни ҳам кутиш мумкин эмас. Виждоити одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқоролик жамиягини яраты оладилар. Зеро виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъуліятни тақозо этади.

Яна бир мұхым мезоний түшүнча — бурч. Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги мұносабат, улар олдидаги мажбурият. У юқорида айтганимиздек, виждон, әထиқод масъулият каби түшүнчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Умуман, ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатты-харакати замирида бурч түшүнчеси — бурчга садоқат ёки хиёнат ётади. Бурчиннинг инсонлық бурчи, мусулмонлық бурчи, насронийлик бурчи, фарзандлық бүрши сингари көнг қарзасы, барың даирлар утгын умумий бўлган түшүнчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифо-корлик бурчи, олимлик бурчи каби касбий одоб доирасидаги түшүнчалари ҳам мавжуд. Бурч түшүнчесининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — уннега вақт ва жамиятда муайянлашиш хусусияти. Чуюнчи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккигчи бир тузум ёки жамият учун салбий маъно касб этиши мумкин. Собиқ шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд тузум олдидаги бурчи ҳозирги кунда ўта салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Харбийлашган ва ўта мафкуравийлашган, яъни ягона мафкура ҳукмронлик қилган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожей ҳодисага айланади. Ўта усталлик билан йўлга кўйилган тарғибот натижасида буцдай жамиятлар аъзолари оқни — қора, қорали — оқ деб қабул қилидилар. Буни умумбашарий миллий қадриятларни оёқ ости қилган бешафқат шўролар социализми ёки фашистларнинг миллий социализми яқол исботлаб берди. Йоз минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар алдандилар, кейинчалик, узоқ йиллар мобайнида виждон азобида яшадилар. Демак, жамият қурищда тоталитарчилликка йўл қўйилиши ўша жамият аъзоларини бурчни нотўғри тушунишга ва бунинг оқибатида ахлоқсизликка олиб келади.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бурч шахснинг кўпгина майл-истакларига қарши боради: уни ҳузур ҳаловатдан

турмуш лаззатларидан маҳрум этди. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида, унинг ҳёти роҳат фарогатда кечиши мумкин эди. Лекин у Ватан олдидағи, миллат олдидағи бурчни деб мұхажирлікнинг оғир қысматига дучор бўлди: уни мустамлакачилар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориб, қайта киригмадилар. Фурқат ҳорижда вафот этди.

Баъзан бурч туфайли одамлар ўз севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан кечишига ҳам мажбур бўладилар. Хуллас, бурч ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ичидағи энг «қаттиқ кўл», энг «шафқатсиз».

Мезоний тушунчалардан яна бири – номус. Номус тушунчалиси бир томондан, бурч билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, қадр-қиммат тушунчасига алоқадир. Зеро номус моҳиятган шахснинг ўз қадр-қимматини англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олинини ёки олинмаслига муносабати билан белгиланади. Гоҳо уни ор тушунчаси билан чалкашгириш, ҳоллари ҳам ураб туради. Лекин аслида, номусга нисбатан ор анча тор қамровдаги, нисбатан залварсиз тушунча. Чунончи, ориятли одам деганда, ўз сўзининг устидан чиқадиган, садақа тарзида қилинган муруватлардан баланд турадиган шахс тушунилади. Беор одам эса – ўз шаънига айтилган гапларга парво қўлмай, ишини бажарив кетаберадиган, айтилган-айтилмаган жойларга суқилиб кираверадиган сурбетнамо киши. Номуснинг эса тоши оғир – ижтимоийлик хусусиятига эга, кенг қамровли. Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб курашадилар. Бу ҳақда кўплаб бадиий асарлар яратилган. Мехнат, спорт сингари соҳаларда жамоа номуси ҳам алоҳида аҳамиятта эга; шу ўринда номус обрў тушунчаси билан боғланив кетади. Буларнинг ҳаммаси ўзини ҳурмат қилиши, ўзига нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмат-иззатини йўқотмаслик учун ўз-ўзини назорат қилиш ҳиссисидан келиб чиқади.

Биз юқорида кўриб ўтганларимиз – асосий мезоний тушунчаларнинг барчаси баҳолаш табиатига эга. Яна қатор мухим ахлоқий тушунчалар борки, улар ўз ечимини талаб қилиши билан, яни муаммолик хусусияти билан ажralиб туради. Идеал, баҳт, ҳаётнинг маъноси, сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Биз улар орасидаги энг қамровлиси бўлиши ахлоқий идеал тушунчасига нисбатан батағсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бир қараганда, идеалда ҳам баҳолаш хусусияти мавжудлек туюлади. Лекин аслида у қиёслашга асосланади. Антиқа томони

шундаки, идеалда номавжуд, хаёлдаги инсонга, воқелика реал, мавжуд, ҳаётдаги ҳодисалар қиёсланади, яńни бор нарса йўқ нарса билан ўлчанади. Зеро идеал ҳаётда мавжуд бўлиши мумкин эмас – бу ҳаммага аён гап. Бунинг устига, идеал ҳозирги замонда ҳам, келажакда ҳам бўлмайди, унинг мавжудлик шарти-ўтган замон. Лекин, шунга қарамай, инсон идеал сари интилади, ўз ҳаётини унга қиёслайди, унга тақлид қиласади. У инсон ҳаётидаги энг олий ахлоқий талабки, унинг бажарилиши шахсни комилликка етказади. Албабата, ҳаётда бундай бўлмайди, лекин инсон ана шу комилликни ўзига намуна билиб, идеалга интилиб яшаши жараёнида нисбий комилликка эришади.

Дунёвий идеал билан, тўғрироғи, ижтимоий-ахлоқий идеал билан диний идеал, бир қарагандга, ўжшашдек кўринса-да, аслида кескин фарқ қиласади. Чунончи, мусулмонлар учун Муҳаммад алайҳиссалом, насронийлар учун – ҳазрати Исо, ғудо динидагилар учун – ҳазрати Мусо идеал ҳисобланади. Улар идеал сифатига ҳеч қажон ўзгармайди, бўқий. Ижтимоий-ахлоқий идеаллар эса ўзгариши мумкин ва кўп ҳолларда ўзгариб туради. Масалан, шўролар даврида ўша тузум асосчиси Ленин – энг юксак ахлоқий идеал сифатида талқин этиларди ва кўпчилик томонидан шуңдай қабул қиласарди. Ҳозир эса «Кучадолатда!» деган шиорни ҳаётининг маъноси деб билган буюк аждодимиз Амир Темур кўпчилик томонидан ижтимоий-ахлоқий идеал,adolatli давлат раҳбарининг идеал тимсоли тарзида қабул қиласади. Демак, муайян тузум талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши мумкин. Фаолияти ниқобланган ахлоқсизликдан иборат бўлган. Ленин, Сталин, Хитлер каби ижтимоий идеалларнинг умри узоқ бўлмаса-да, ҳар ҳолда идеал эдилар, алданган кўпчилик уларни намуна деб билдилар.

Бундай салбий ҳодисаларга кармай, идеал, умуман, инсоният жамиятида, шахс ҳаётида ижобий, ёруғ маёқ вазифасини ўтаб келмоқда, бундан кейин ҳам унинг асосий вазифаси шундай бўлиб қолажак. Чунки идеалда ҳар бир инсон ўз баҳтининг ҳиссиятли ирфодасини кўради, ҳаётининг маъносини унга қараб интилишида деб билади.

3. Асосий мезоний тушунчалар – категориялар сингари ахлоқий тамойиллар ҳам ахлоқий англаш шаклларидан ҳисобланади. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий тарзда кўзга ташланади.

Улаэр жамият томонидан шахсіг күйиладын талаб тарзіда намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳияттани, унинг ҳәти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидаги асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада тамойиллар, инсон хатти-харакатининг умумий йўналишини кўрсатган ҳолда, кўпгина ахлоқий месъёрлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – инсонпарварлик. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган гоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг баҳти бўлиш ҳуқуқини талаб этиши имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч. Инсонпарварлик тамойилини, Оврўпо Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурғанлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўргатга ташланган, ғендерийлик, инсонпарварлик деган маънени билдирувчи «намтулу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввали қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Инсонпарварлик – умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфиийлик нуқтаи назаридан соҳтлаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳақидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Социализм мағкурачиларининг бу борадаги сағъ-харакатлари ўша даврлардаёқ ноилмийлиги, ёлғонга сугорилганлиги билан кишиларнинг ғашини келтирган эди. Буидай инсонпарварликни ҳалқ қабул қилмайди. Чунки у айнан ўга мавхум «ҳалқ» тушунчасига қаратилган, ваҳоланики инсонпарварлик марказида муайян шахс турмоги лозим. Ҳар бир шахс инсолий ҳуқуқларини таъмилаш учун курашиш – мана, инсонпарварликнинг асосий вазифаси. Бу борада умумбашарий маънавий қадрятларни устувор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам дунё миқёсида кўзга кўринарли ишлар қилимокда.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маъниода муайянлаштан бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – кул, эрксиз мамлакат – мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, қолверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни хаётининг мақсади қилиб

қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Одатда, эркпарвар шахслар муайян давринг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини курбон қилишдан ҳам чўчимайдилар. Бунинг ёрқин мисоли буюк инглиз мумтоз шоири Жорж Байрон сиймосидир. У инглиз бўлатуриб, ўз Ватани Англияда Ирландия озодлиги, ирландлар эрки учун курашди: кўпчиликнинг ҳайрати ва нафратига учради, Ватанини тарк этишга мажбур бўлди. Ўз юртида эрк учун курашиш баҳтидан маҳрум бўлган шоир ўзга ватанлар эрки учун курашга отланди, Италияни Австрия истибдодидан озод қилиш ҳаракатининг раҳбарларида бирига айланди. Бу ҳақда у шуидай деб ёзган эди:

Эрк учун Ватандага қиломассанг жане,
Сен ўзини синанинг эрки деб курами;
Юнонни Гўмонинг тұған тұттаранг,
Бошинги тика бил эрк учун саркаш!
Эзгулик йўлида бўлсанг қаҳрамон,
Сен инсон эрки деб курасанг азот,
Бир, куни, сиртимоқдан гар қолсанг омон,
Жўмард деб алқагай сени одамзот!

Италиядаги озодлик ҳаракати мағлубиятта учрагач, у қадим Юнонистонин Туркия зулмидан озод қилиш учун курашди. У Юнонистонда, ботқоқлик ёнидаги Миссолутиги шаҳрида оғир беззакдан вафот этди. Унинг ўлими ҳам истиблодга қариси шиорга айланди: кўзголоғчилар: «Байрон учун!» деган жанговар ҳийқириқ билан жангта отылдилар. Беназир, Юнонистонинг озод қўлингани қисми генерал-губернатори, эркесвар кўмондон ва улуғ инсон хотирасига юнон халқи йигирма бир кун қора киёнб, мотам тутди. Ҳамма черковларда Байрон ҳаққига ибодат қилиниди. Дарҳақиқат, эркпарварлик тамойилини ҳаётинишг маъноси деб билган инсонларининг маънавий умри боқий, улар келажак авлодлар учун идеал бўлиб қоладилар.

Энг маътум ва машҳур тамойил, бу – ватанипарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига муҳаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. уни кўпингча Ватан душманларига қарши маънавий-мағфуравий курол сифатидаги на талқин этадилар.

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг — у инсон-парваликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлиари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидан хатти-ҳаракатлардир. Ватан ҳимояси, бу — инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтгани миздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда на-моён бўлади. Ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффақиятлардан қувонч, муваффақитясилизлардан қайғу ҳиссини туюш, Ватан билан турурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, биносининг ҳар бир фишгига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютукуларига меҳр билан қарааш, уларни кўз қорачигидек асрар-авайлаш — булар ҳаммаси ватанпарварликлар.

Хозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик — юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фанизмнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Яна бир муҳим ахлоқий тамойил, бу — миллатпарварлик. У маълум маънода, ватанпарварлик тамойилининг янада муайянлашган шакли. Зеро миллатни севиш кенг маънода Ватанни севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмона эркин ва баҳти яшаши мумкин эмас.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан қориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буоклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган ҳолда, ўз миллати равнақи учун курашиш, бу йўлда, лозим бўлса, ўз ҳётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошқа миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар — миллий ўзлигини англаб етган инсон. У ўз миллати билан фахрланади, ўз миллати билан бутун жаҳоннинг фахрланишини истайди. Чунончи, Навоий дўши билан тўн кийган ўзбекни-ҳар-қандай шоҳ жамолидан афзал кўради:

*Шоҳу тоғсу хилъатеким, мен томоша қилгали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида шардоғи бас.*

Лекин Навоий шу фахрланиши, турурланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакили бўлмиш Жомийга баоят ҳурмат-иззат кўрсатиб, унга, пирим, деб қўл берган.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри қаби мангутир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар қори, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари минглаб фидоийларни ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон унугтмайди.

Шунингдек, тинчликпарварлик, жўмардлик сингари ахлоқий тамойиллар ҳам инсоният ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, тинчликпарварлик урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини ишкор этади. Баъзи улуғдавлатчилик ва буюкмиллатчилик руҳи ҳукмрон бўлган жамиятларда тинчликпарварлар қувғин қилинади, турмаларга ташланади. Лекин улар ўз тамойилларидан ҳеч қачон қайтмайдилар. Улар инсониятни барча баҳсли масалаларини тинч йўл билан ҳал қилишга чақирадилар, Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун тинимсиз кураши олиб борадилар. Жўмардлик тамойили эса Шарқда қадимдан мавжуд. Оврўпода униқ алтруизм номи билан Огюст Конт илимий муомалага кириттан. У кишида ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фіровоитлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, мөнгистан бериппига жайрилти асосланади. Бундан ташкифи, бизнинг мөлчий ахлоқшунослигимизда ўзбекчилик, меҳмондўстлик каби тамойиллар мавжуд. Улар миллатимизнинг энг яхши анъаналарига садоқат туйғусидан келиб чиқади ва ўзбек қишишига хос бағри кенглик, дўстга, меҳмонга боршии бағищлашдек фидоийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштириали. Айни пайтда, бу тамойилларни сунетсъмол қилишиб ҳоллари ҳам ҳозирги пайтда тез-тез утраб туради. Шунга қарамай, ўзбекчилик ва меҳмондўстлик тамойиллари ҳалқимизнинг ўзига хослигини таъкидлайди. Жаҳоининг жуда кўп ҳалқлари бу тамойиллар эгаси бўлмиши ўзбек миллатига доимо эҳтиром, ҳавас ва ҳайрат билан миннатдорчиллик билдирадилар.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни куидалик хайтимизда маълум ахлоқий тамойилларининг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса, диққатта сазовар. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмунидагайси таом ҳаром-у, қайсениси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалоллик, ростгўйлик виждан тушунчаси билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати муносабатидек соф бўлишини талаб этиувчи меъёрлардир.

Үшлаб меъёрлар орасида бу иккисига тўхталишишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар хукумронлик қылган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, ноиоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар ҳалқимизга шу қадар усталик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётта тўғри келмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси афсуски, одатий холдек қабул қилинади. Шу боис мустақилитимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. ҳозирги кунда давлатимиз миллий маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Зеро кўз ўнгимизда ёлғон, алдов, иккисизламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб-яшнамоқда. Япония, Олмония, Франция, АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлар шулар жумласидан.

Шундай қилиб, қисқача бўлса-да, ахлоқшунослик мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меърёлар нима эканини, уларнинг шахс ҳамда жамият ахлоқий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини кўриб чиқдик.

Таянч тушунчалар

Муҳаббат ва нафрат, Эзгулик ва ёвузлик, Яхшилик ва ёмонлик, Адолат, Виждон, Бурч, Номус, Идеал, Иисонпарварлик, Эркпарварлик, Ватанпарварлик, Миллатпарварлик, Тинчликпарварлик, Жўмардлик, Ҳалоллик, Ростгўйлик, Ҳушмуомалалик, Камтарлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муҳаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси (категорияси) сифатидаги моҳияти нимада?
2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хуесиятлари нимада?
3. Яхшилик ва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринаади?
4. Адолатнинг жамият ва шаҳе ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади?

5. Нима учун Виждан ажюқшуносликнинг энг муҳум мезоний тушунчаларидан-жисобланади?
6. Бурч тушунчасининг ахлоқий моҳиятини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Номус тушунчасининг ахлоқий ҳаётдаги аҳамияти нима билан белтиланади?
8. Идеалнинг моҳияти ва инсон ҳаётида туттан ўрни қай тарзда намоён бўлади?
9. Ахлоқий тамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради?
10. Шахс ҳаётида алоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иджтимоий ва ийтиқодитӣ истиқболининг асосий тамоийиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И. А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятгизининг асосий мезони бўлсин. Т., «Ўзбекистон», 1994.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга иштилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июни.
5. Аристотель. Никомахова этика; Большая этика.// (Аристотель. Сочинения в 4-х томах, т-4., М., «Мысль» 1983.
6. Газали Абу Ҳамид. Воскрешение наук о вере. М., «Наука», 1980.
7. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.
8. Словарь по этике. М., Политиздат, 1989.
9. Фромм Эрих. Душа человека. М., «Республика», 1992.

**ОИЛА, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТНИНГ
АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА ШАХС АХЛОҚИЙ
ТАРБИЯСИ
(2 соат)**

Режа:

- 1. Оила – илк ахлоқий маскан сифатида.*
- 2. Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий моҳияти.*
- 3. Ахлоқий маданият ва касбий одоб муаммоси.*
- 4. Ахлоқий тарбия ҳамда унинг йўллари ва воситалари.*

1. Оилани фуқаролик жамиятининг, давлатнинг энг муҳим хужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқуронинг тарбияси оиласдан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита қўриниши бўлмиш никоҳни; оила-вий мулк ва анжомлар ҳамда улар ҳақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, никоҳ хақида тўхталиб ўтайдик. Конунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етгаиликлари. Бизда йигитлар учун – 18, қызлар учун – 17 никоҳ ёшлари қилиб белгиланган. Бу – масаланинг ҳуқуқий томони. Унинг иккинчи – ахлоқий томони ҳам борки, у севги билан боғлиқ. Никоҳ тузищдан аввал икки ёш орасида гоҳ очиқ севги – мунтазам учрашувлар, аҳду паймонлар қилиш ёки орқаворотдан бирбирини ёқтиришиб ҳоллари бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Баъзан, қадимда Шарқ халқарида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юбора беришган, ота-оналар келишса – бас, деган фикрларни учратади киши. Айниқса, бундай гайлар шўролар даврида тинимсиз тақрорланар эди. Ваҳдоланки, бундай ҳол кам бўлган, уни мусулмончилик инкор этади. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом уйларига совчи келганида, қизлари Фотимадан доимо розилик сўраганлар ва рад жавоби олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи қўйғанларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзанднинг розилигини олиш бизга пайғамбаримиздан қолган суннат.

Хозирги кунда ҳам кўпгина ёшларимиз совчи орқали турмуш қурадилар. Одатда совчи келиб кетгач, йигит билан қиз учраширилади, иккаласи бир-бирини маъқул кўрсагина, фотиха қилиниб, тўй тарафдуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейингчалик ҳақиқий муҳаббат шаклиланади. Абдулла Қодирий «ўтган кунлар» романидаги тасвирлаган Отабек билан Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Очигини айтиши керакки, муҳаббатнинг ҳам ўз даражаси бор: Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати ҳамма севишганларга ҳам насиб этавермайди. Бунинг устига, оиласиий муҳаббат маълум маъниода салобатли, кўпроқ яширин тарзда намоён бўлади.

Кейинги пайтларда никоҳ билан муҳаббатнинг ўзаро чиқиши маслиғи ҳақида Гарб мутафаккирлари тез-тез ёзадиган бўлиб қолганилар. Чунончи, Эрих Фромм индустриал жамиятла муҳаббат камдан-кам ҳам учрайлиган ҳолиса эквилини, никоҳнинг асосида бўнича-молиғини, сіёсий, иқрисодий сабаблар ётишини таъкидлайди. Умуман, Гарб оламида бундай ҳолиса анчадан бўён мавжуд. Шу жиҳатдан Жорж Байроннинг «Дон Жуан» шеърий романидаги қуйидаги сатрлар диққатга сазовор:

*Бу жуда қайгули ҳодиса шаксиз,
Инсоннинг қажлиги, жинояти бу;
Илдизи гар битта бўлса ҳам, ҳаргиз
Чиқиши мас никоҳ ва муҳаббат мангу:
Сиркага айланган винодек, эсиз,
Никоҳ маст қилмовчи тахир, нордон сув,-
Вақт ундан жаннатий бўйни оладир,
Рўзгору ошхона ҳиди қоладир.*

Гарчи бу сатрлар ярим киноя, ярим ҳазил қабилица бўлсада, уларда маълум маъниода ҳаётий асос бор. Агар муҳаббат ҳар икки томондан эъзозлаб, авайлаб-асралмаса, ундаги жаиннатий бўйни йўқотиб кўйиш ҳеч гап эмас. Зоро дунёдаги ҳамма нарса - ҳодисалар каби муҳаббат ҳам парваришга муҳтоҷ.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодиса. Унда эҳтирослар ахлоққа бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда эса табиий эҳтиётни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккичи даражали мавқе эгалайди.

Оиланинг яна бир жиҳати — унинг ўз мулкига эгалиги. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оиласи мулкни унинг ташқи кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарур. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиатта эга: оила бошлиғи оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим. Оилани эркак киши бошқаради. У нафақат «топиб келади», балки оиласи мулкка хўжайинчилик қилиш, уни тақсимлаш хукуқига ҳам эга.

Оилада боланинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфтни ҳалолини, она эса севимли эрини кўради: болада эр хотиннинг муҳаббати предметглашади, жошланади. Бола — оилани тутиб турувчи жонли муҳаббат. Болалар оилада умумий оиласи мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар.

Оилада болалар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсенишлари лозим. Лекин бу интизом қулликка ўргатиш эмас, балки болаларига ҳос эрка-тантиклик, ўзбошимчалик сингари салбий ҳусусиятларни йўқотишинга хизмат қилиши керак. Ота-онага бўйсунишдан бош тортишга йўл кўйиш боланинг кела-жакда қўпол бадхулқ нокамгарин бўлиб стишувига олиб келади. Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоги сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турли сабаблари бор. Бири — оиласи ахлоқий нуқтаи назардан бузилиши. Бунда болалар балоғатта еттач, эркин шахс сифатида янги оиласи асос бўлишлари — ўғил болаларнинг уйлантирилиши, қизларнинг эрга берилиши назарда тутилади.

Уйлантирилган фарзандларга ҳам, эрга берилган қизларга ҳам янги оила қуриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтоҷлиқдан сақлаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзгор ашёлари ажратилади. Шунингдек, оиланинг табиий бузилиши ҳам мавжуд. Унда ота-онанинг, ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошқа бир хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўта эга, қонун билан тан олинган идоралар, масалан суд, ва ваколатли руҳоний бекор қилиши мумкин, зеро

у, айттанимиздек, ахлоқий ҳодиса. Ҳар бир жамият мана шу сүнгти турдаги оила бузилишига қарши курашади. Бундай оила бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораёттанини англатади.

2. Даастлабки ахлоқ маскани бўлмиш оилалар йигиндиси фуқаролик жамиятини, миллатин ташкил этади. Фуқаролик жамияти моҳиятган оила билан давлат ўртасидаги даражада. Гарчанд, унинг тараққиёти давлат тараққиётидан кейинроқ рўй берса ҳаа, у албатта давлатни тақозо этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустақил нимадир бўлиши керак. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, ҳозирги пайтдагиша фуқаролар хукуқи ҳақиқатан ҳам ииобатга олиниади. Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўзи учун мақсад. Бироқ, у бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлмасдан туриб, ўз мақсадига тўла эриша олмайди: бошқалар унинг мақсадига етипиши йўлилаги воситагидир. Натижала ҳар бир алоҳига мақсал бошидадар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларини фаровонликка иштишинини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтгаңда, фуқиролик жамиятида яхши, бадавлат, баҳтли, хукуқий яшаш учун бўлган ҳар бир фуқаронинг интилиши тирорлар натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининиг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасида қондириши баробарида, шу меҳнат воситасида барча қолганларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркипилклари ва хукуқларини ҳимоя қиласди, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табақалардан ташкил топади. Улар орасида табақавий ёки синфиий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунида шахс – давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биригиги ўринда турди ва бу манфаатлар, айттанимиздек, ҳам ахлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганимиз. Бу жамият, маълум маънода, гарбликлар тасаввуридаги фуқаролик жамиятларидан Фарқ қиласди. Гарбда бу борада эътибор асосан хукуқий йўналишнинг устуворлигига қаратилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устуворлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Farb ду-

нёси учун ўрнак бўлиши мумкин. Бу фахрланиш ҳиссидан келиб чиқдан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Farb жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳуқуқийликнинг юқори босқичи сифатида қабул қилмоқдалар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра «ҳуқуқий ўринни эгаллаб туриш» на фақат қонуний, балки завқуриқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси – ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганилик ҳиссини тўлдиради.

Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Farb менталитетига хос бўлмаган маҳаллалар бор. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада халқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, одий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлиқ ҳуқуқига эга. Чунончи, маҳалланиг оқсоқоли оддий ўқитувчи бўлиши мумкин ва кўп ҳолларда шундай ҳам. Ҳукумат аъзоси ёки миллионер эса, маҳаллада фақат маҳалладошлиқ «лавозимида» бўлади. Уларнинг фарқланиши фақат ахлоқий жиҳатлари билангина белтиланади. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ўзини бошқариш тузилмаси сифатида оиласдан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўпrik бўлиб хизмат қиласди. Бундай оралиқ бoggовчи тузилма, юқорида айтганимиздек, Farb оламида йўқ. Демак, шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикр билдириш мумкин. Бу борада Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг: «Шу маънода маҳаллани ўз-ўзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин», деган сўzlари айни ҳақиқатадир.

Буюк олмон файласуфи Ҳегель давлатни ахлоқий гояннинг воқе бўлиши деб таърифлайди ва табиий муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, оиласи – ҳиссиятта, фуқаролик жамиятини – асабнинг таъсирланиш қобилиятига, давлатни эса ўзи учун асаб тизимига ўхшатади; у ўз ичидаги ботинан ташкил топган, бироқ унинг яшashi ўзида икки ҳолатнинг тараққий топишни билан боғлиқ, булар – оила

ва фуқаролик жамияти. Давлат ақыннинг рўёбга чиқиши сифатида ҳар бир шаҳе ихтиёрига мосдир. Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини баҳтли қилиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар қийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари қондирилмаса, давлатнинг мустаҳкамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузум. Унинг тақдиди ҳам ана шу сиёсий тузумга боғлик.

Кўпдан-кўп турли-туман бошқарув ва ташкилий институтлардан иборат бўлган давлатнинг энг муҳим ахлоқий вазифаларидан бири-тарбия. Давлат томонидан мактабгача бўлган ташкилотларда, мактабларда ва олий ўқув юрганида таълим билан қўниб олиб бориладиган тарбия алоҳида аҳамиятта эга. Агар мазкур тарбияда оммабоп усууларнинг тоши босиб кетса, у ҳол мақтарли эмас; ёшларнинг ўзлигини англаган шаҳе бўлиб этишуви мушкуллашади. Шу боис имкон борича тарбияда шиддигидуал ёндошугутга интилиши мақсадга мувофиқ.

Демократик тамоилиларни амалга ошириши жараёниларида давлат, ҳамма фуқаро баравар тенг, деган усулда иш кўрмаслиги лозим; ҳамманинг хуқуқий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамоилилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти, энг аввало, уншиг сувренитетида. Бунда ҳалқ ташқи оламга нисбатан мустақил бўлади ва ўз давлатини шу мустақиллик асосида тузади. Биз мустақилликка эришғанимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизнинг энг яхши аиъналари билан бирга замонавий демократик тамоилилар асосида қурицга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда. 2000-йилнинг «Соглом авлод йили» деб аталиши бежиз эмас; ёш авлод тарбияси бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Мана, кўринишидан жуда оддий бир мисол. Ўзини энг иисонпарвар давлат деб эълон қилган Шўролар Йитифоқи бунёдга келганидан бошлаб, деярли ярим аср мобайнида бола туғилгач, онани уч ой ишдан озод қиларди; она уч ойлик чақалоқни боғчага ташлаб, ишга чиқишига мажбур бўларди, акс ҳолда у буйруқ билан ишдан бўшатиларди. Кейинчалик бу тарбия таътили 1 йил қилиб белгиланацди. Бизнинг давлатимиз эса ташкил бўлгани баробаридаёт бола тарбиясини юксак ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида эътироф этиб, янги туғилган бола тарбияси учун онага 3 йиллча муддат берди. Уч йилгача онанинг иш жойи сақданиб туради. Шу биргина мисолнинг узиёқ

тоталитар тузум давлати билан демократик давлат нақадар катта фарқ қилишини кўрсатиб туради. Тоталитар тузум давлати ёлғон, алдов – ахлоқизлик институти. Биз таңлаган демократик давлатнинг асосида эса юксак ахлоқийлик ётади.

3. Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик дарражасини улар фуқаролари ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади. Зеро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятининг энг муҳим унсурларидан бири – муомала одоби. У моҳиятган ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан бири. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмона яшashi мумкин эмас. Муомала одам учун эҳгиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, қайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Крузонинг саргузашлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг нақадар кувонишига ҳам сабаб ана шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр-қимматини, иззатини жойига кўйишни, анъянавий ахлоқий меъёрий талабларни баҷаришни тақазо этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ҳам ажralиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмуи ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинасуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеълилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қиласди.

Муомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу – инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг қарашида, юз ифодасида, қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, суҳбатдошининг гапини охиригача эшигтмай, қўл силтаб кетиши – муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан қараб

қўйишининг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Дейлик, бир қурувчи уста ўз шогирдининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириш учун бош чайқаб, жилмайиб қўйиши мумкин. Иккинчи уста эса, бирлаҳза ўқрайиб қарашиб билан муносабатни ифодалаиди. Биринчи уста юз ифодаси ва хатти-ҳаракати билан; «Оббо шоввоз-ей, сал шошилибсан-да, ҳа, майли, зарари йўқ, шунақаси ҳам бўлади», деган маънони англатса, иккинчи устанинг қарашидан; «Яна ишни расво қилибсан-ку, падарлаънат, қачон одам бўласан?!», деган сўзларни уқиш мумкин. Шубҳасиз, биринчи уста муомалада одобга риоя қилган бўлса, иккинчиси уиниг акси – шогирдининг эмас, ўзининг одобсизлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, муомала одоби кишиларниг насиҳат ва одоб ўргатищиз бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диққатта сазовор. Шу сабабли ёиларимизда муомала одобини шакллантириши хозирги қудуз жамиятимиз олдина турғани мухим вазифалардан. Бутида оға-онанишг, маҳалла-куйнинг таъсири катта. Уидан фойдалана билаш керак. Зоро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишидан бири, бу – этикет. У кўпроқ инсонниг таиски маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзни тутиш қонуни-қоидаларининг бажарилишини бопқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади.

Этикетниг қамрови кенг, у, маълум маънода, ҳалқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к. Этикетта риоя қилишиниг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турдимиз. Президентимиз Ислом Каримовга ҳорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрликларини топшириш маросимларини эсланг. Ўнда фақат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқёсда ўрнатилган қоида ҳукмрон. Уни Президентниг ҳам, элчиларниг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади – уни бузиш атроф-

дагиларда җайрат ва истеңзө үйгөтади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, қатылаштырылган муомала одоби дейини ҳам мумкин.

Этикет – такаллуфинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини ҳувонтирадиган муомала ҳодисаси. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам на-моён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз ҳоҳиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўринишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвоздан чиқдингиз, дейлик. Рўпарангизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб уни: «Қани уйга кирамиз, чой қиласиз, бир ҳангомалашамиз», деб ичкарига таклиф қиласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, ҳатто, шу учрашгаца кетган вақтингизни ўйлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга қарши, этикет-мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, ҳунук эшитилса ҳам на чора – мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олгаца, этикет шахсни муайян тартиб-қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босикликка, муойимликка ва сабр-тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

3. Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташла-нади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкарабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гурухлар борки, эгаллаган касблари уларни бошиқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соглиги, маънавий соғломлиги, ҳукуқий ҳимояси, итмий са-лоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждан юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум. Чунончи, табобат ҳодимини, жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунида бир неча ки-

шини ҳаётта қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қиласа-чи, яни, уни қасдан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлайди? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбining камёблитидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайн жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг баъзи бир муаммолариши ҳал қилиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зоро, то ҳақиқат юзага чиққунча, ноҳақ танқидга учраган шахсining адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлайди? Шу боис бошқаларнииг қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганилар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпастлиқ, худбиналиқ ва касбии сунистеъмол қилиш сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, иштингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичла турини татминланни мақсадида кўн ҳолларда ўзиро қоидалар мажмуюи яратишган. Бу қоидалар мажмуюи, одатда, қасамёл ёки меъёрлар кўришишни олган. Уни бузиш ўга одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятта хиёнат тарзida баҳоланиди. Бундай қасамёллар жуда узоқ тарихга эга. Мисол тарикасида ҳозирги кунида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Қадимги Юонон Ҳакими Ҳиппократ (милодигача V-IV асрлар) томонидан қисқа ва лўйда шаклда тузилған, табобат ходимлари касбий одоби, қонун-қодалари жамланган машҳур «Ҳиппократ қасами»ни келтирини мумкин.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Чунончи, қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да (П-аср) бехуш ётган Лакшман бошида турган девлар шоҳининг хос табиби кечинмалари шу жиҳатдан муҳим. Табиб олдида икки йўл бор эди: бири – салтанат душманини муҳтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узоқ мулоҳазадаи сўнг, табиблик одоби қоидаларига бўйсунишни – Лакшманни даволашни афзал кўради. Зоро касбий одоб қонун-қодалари талабига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида фақат тиббий ёрдамга интизор, шафқатта муҳтож, заиф инсон ётади. Даволашиб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валияҳди Индирижидни жангда ҳалок этади ҳамда табиб фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзулига йўл очади. Лекин,

китобхон табибни хиёнаткор ёки сотқин демайди, аксинча, унинг маънавий жасаратига, ҳалоллигига, касбий бурчига со-диқигига ҳайрат билан тасанинолар ўқийди. Ёки машкур рус олими академик Андрей Сахаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термоядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат бу инсонга нима этишмасди? Нега у ҳаммасидан ке-чишга — оммавий қыргин қуролларини, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синовларига очиқ баёнотлар билан қарши чиқишига аҳд қилди. Натижада қатағонларга асосланган Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олис-даги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини таъқиқлади. Ваҳоланки, у ҳаммадан иззатлироқ яшай олиши мумкин эди. Сахаров юксак ахлоқ йўлини танлади — олимлик бурчи, одоби талабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд қўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳукуқи бўлмиш — яшапи ҳукуқига раҳна солиши мумкинлиги ва қисман солаёттани учун уни амалда қўлланишишга қарши ку-рашди. У шўролар мафкурасининг ўзини Ватан мудофааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қўлган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этишига, бошига беҳисоб туҳматлар, таъна-дашномлар ёғдиришишга сабот билан чидади, аҳдидан қайтмади, ёвузлик салтанати қўлида ўз олимлик истеъодининг қўғирчок бўлишишга, ҳарбий мурватта айланишига йўл қўймади. Охир-оқибатда у инсон ҳукуқларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазо-вор бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, муаллимлик одоби, ҳукуқ-тартибот ҳодимлари одоби, муҳандис одоби сингари бирқанча касбий одоб турлари борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳам айтиш керакки, барча касбий одоб қонун-қоидаларининг таъсир доираси, миқёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузилиши од-дий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланив ке-тади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нуқталарга тухгалай-лик. Раҳбар қўйи лавозимдагиларга менсимай, кўпол муносабат-да бўлиши, ўзига ишониб топширилган ҳудуд ёки ташкилотдаги

оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча совуқён қараши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик орттириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини курбон қилиши ахлоқсизлик, на фақат раҳбарлик касбига балки Ватанга ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, баъзилар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан эмас. Уни ҳар томошлама ўрганиш касбий эркиплик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиши XXI аср ахлоқшунослигига муҳим ўрин эгаллаяжак. Зоро касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

4. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти униг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлик. Зоро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб синиувини таъминлаштиришга узлуксиз жараёнларидан бири. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни барқарор этади, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганиди. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири-қандай яшамоқ керак, иккичиси – нима қилмоғ-у, нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маъноси, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак дегани. Зоро күш инида кўрганини қиласи: ота-она оиласда юксак ахлоқ намунасини кўрсатиш лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ахлоқийлик инсонда фақат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида ҳукмонлик қилиб келди. Тўғри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта. Лекин ахлоқийлик инсонга униг инсонийлик белгиларидан энг муҳими сифатида ато этилган илоҳий неъмат. Шу маънавий неъмат – асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз. Акс ҳолда маймун ва итлардан ҳам ахлоқий мавжудот тарбиялаб стказишмиз мумкин бўлур эди.

Шундай қилиб, ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан бири. Унинг воситалари кўп. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воқиталари бўлса,

яна бир қисми замонавий воситалар. Одатда, ҳар икки турдаги воситалардан фойдаланилади. Чунончи, мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билаи ўйинчоқлар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффақиятли қўлланилади; буида боланинг қизғанчилик, гирромтик қиммасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, кўғирчоқ театри, кино санъати катта роль ўйнайди.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси — санъат. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёндан ёндишига шахсларни қамраб олади. Айшиқса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли. Эртакдан тортиб, романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар орқали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини бадиий идрок этади; идеал ташлашда ҳам уларнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоятлар, ривоятлар ва насиҳатлар мажмуалари борки, биз уларни, юқорида кўрганимиздек, пацдномалар деб атаймиз: «Калила ва Димпя», «Қобуснома», «Гулистан», «Зарбулмасал» сингари буидай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан бўён қангчадан-қангча автодларга хизмат қилиб келди, буидан бўён ҳам шундай бўлиб қолажак.

Ахлоқий тарбиянинг барча замоғлар учун долгтарб бўлган йўли бу — намуниавийлик тамоийли. Оиласда, аввало, юқорида айтгилганидек, ота-она болага ахлоқий намуна бўлшини керак. Мактабда ва олий ўкув юртида муаллимларнинг таълим бериш усулинидан тортиб, то «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларигача ўз шогирдлари томонидан шахсий намуна тарзида қабул қилинишини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидағи муюмалा одоби, ҳалоллик, росттўйлик ёшлар ахлоқий тарбиясининг шаклланишини таъминловчи омиллардаидир.

Ҳозирги пайтда ахлоқий тарбиянинг энг кучли замонавий воситаси сифатида телевидениени келтириш мумкин. У деярли барча санъат турларида яратилган асарларни экранлаштириш ва экранда кўрсатиш имконига эга. Бундан ташқари, унда маҳсус ахлоқий тарбияга бағишлиланган мунгазам кўрсатувлар ҳам бериб борилади. Ўзбек тилидаги «Оғалар сўзи-ақлиниң кўзи», «Ривоят», «Оқшом эртаклари» сингари кўреатувлар бунга мисол бўла олади. Шу боис телевидение ҳеч қаҷон енгилтакликини тарғиб

этувчи кўшиқлар, салкам порнографик рекламалар, инсон қалбини қаттиқлашгирадиган «ўлдир-ўлдир»лардан иборат видеофильмлар корхонаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ахлоқий тарбиянинг ақлий-маънавий ва жисмоний тарбия билан кўшиб олиб борйдиши мақсадга мувофик. Ўшанда жамиятимиз ҳар жиҳатдан камол топган фуқаролик жамиятига айланади. Мамлакатимизда бунинг учун барча ҳукуқий-ижтимоий шарт-шароитлар яратилган.

Таяпч туппичалар

Оила, Никоҳ, Тарбия, Фуқаролик жамияти, Давлат, Ахлоқий маданият, Муомала одоби, Этикет, Касбий одоб, Ахлоқий тарбия.

Ташротлани учун саволлар

1. Оила ва унинг уч асосий жиҳати нималардан иборат?
2. Никоҳнинг ахлоқий моҳияти нимада?
3. Мұхабbat ва никоҳнинг ўзаро мос келиш-келмаслиги нималарга боғлиқ?
5. Фуқаролик жамияти қаңдай тузилма?
6. Давлатнинг ахлоқий асослари қай тарзда кўзга ташланади?
7. Муомала одобинипг инсон ҳаётидаги ўрни қаңдай нағоёни бўлади?
8. Этикет нима?
9. Касбий одоб шахе ва жамият ижтимоий ҳаётида қаңдай мавқе эгаллайди?
10. Ахлоқий тарбия нима ҳамда унинг асосий воситалари ва йўллари нималарни ўз ичига олади?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон». 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон». 1999.
3. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.
4. Гегель Г. Философия права. М., «Мысль», 1990.

МУНДАРИЖА

1-Мавзу. Ахлоқшунослик фани, унинг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари.	3
2- Мавзу. Қадимги дунё ахлоқшунослиги.	13
3- Мавзу. Ўрта асрлар мусулмон шарқи.	31
4- Мавзу. Янги давр ахлоқшунослигидаги асосий таълимотлар ва йўналишлар.	55
5- Мавзу. Туркистон мърифатчи-жадидларининг ахлоқий қарашлари.	104
6- Мавзу. Ахлоқнинг келиб чиқиши, унда ихтиёр эркинлиги-нинг аҳамияти ва ахлоқ тузилемаси.	119
7- Мавзу. Ахлоқнинг маънавият тизимидағи ўрни.	131
8- Мавзу. Ахлоқшуносликнинг асосий мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва метёrlар.	142
9- Мавзу. Оила, фуқаролик жамияти ва давлатининг ахлоқий асослари ҳамда шаҳе ахлоқий тарбияси.	157

Босиңға рухсат этилди 16.08.2000 й. Бігчими 60Х84¹/16. «TimesUZ»
жарфыда төрилиб, оғсет усулыда босилды: Босма табоги 10,7.
Нашр ҳисоб табоги 10,0. Алади 5000. Буюргма № 259.
Баҳоси шартнома асосида.

Күләзма макет олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиғи
қошындағы ҮАЖБНГ марказында тайёрланды

ФТДҚ, ДИТАФ босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор күн., 171 уй.